

Абдураҳмон Кулмаматов

**УМУРТҚАСИЗЛАР
ЗООЛОГИЯСИДАН
ЎҚУВ-ДАЛА АМАЛИЁТИ**



08.091

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

A. Кулмаматов

УМУРТҚАСИЗЛАР ЗООЛОГИЯСИДАН ЎҚУВ-ДАЛА АМАЛИЁТИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув
юртлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида
тасдиқлаган

ТОШКЕНТ „ЎҚИТУВЧИ“ 2004



Тақризчилар: б.ф.д., проф. О.М.Мавлонов,
б.ф.н., доц. Б.А.Мұминов

Университетлар, педагогика институттарининг биология факультети талабалари ҳамда умумий ўрга таълим мактаблари, академик лицейларнинг биология ўқитувчилари ва ўқувчилари учун мүлжалланган мазкур ўкув қўлланмада ўкув-дала амалиётининг мақсади, вазифалари, амалиёт учун зарур бўлган жиҳозлар ва улардан фойдаланиш, экскурсиялар ўтказиш қоидалари, ҳайвонларни йиғиш, коллекция тайёрлаш, улар устида кузатиш олиб бориш усуллари баён этилган.

Ўкув қўлланманинг систематика бўлимида икки юздан ортиқ ҳайвон турининг тузилиши, тарқалиши, амалий аҳамияти баён этилган ва расмлари берилган. Шунингдек, Ўзбекистон „Қизил китоб“ига киритилган умуртқасиз ҳайвонлар рўйхати илова қилинган.

A **4102020000-126** Қатъий буюрт. — 2003
353(04)-2003

ISBN 5-645-04116-X

© „Ўқитувчи“ нашриёти, 2004

ЖИРЧИШ

Умуртқасизлар зоологиясидан ўтказиладиган ўқув-дала амалиётининг асосий мақсади—талабаларнинг ушбу фан бўйича назарий ва лаборатория машфулотларида олган амалий билимини мустаҳкамлашдан иборат. Талабалар амалиёт давомида ҳайвонларнинг хилма-хил турларини табиий шароитда ўрганади ва улар устида кузатиш олиб боради. Ўқитувчи раҳбарлигига ҳайвонларни йифишнинг асосий усувлари билан танишади. Уларга ишлов бериш, қуритиш, фиксация қилиш, коллекция тайёрлаш, сақлаш ва уларнинг турини аниқлаш бўйича маълум кўнукмага эга бўлади. Шу билан бир қаторда, талабалар ўқув-дала амалиётида умуртқасиз ҳайвонлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш усувларини ҳамда илмий адабиёт устида ишлашни ҳам ўрганади. Ўқитувчи раҳбарлигига маълум мавзулар юзасидан мустақил иш бажаради.

Ўқув-дала амалиёти ҳайвонларнинг табиий яшаш муҳити, яъни биотопларида ўтказилади. Амалиёт ўтказища текширилаётган жойнинг рельефи, тупроғи ва ўсимликлар дунёсига, фойдали, ноёб ҳамда „Қизил китоб“га киритилган ҳайвонлар турига алоҳида эътибор берилади.

Амалиёт давомида, имкони борича, паразит ҳайвонларни ҳам ўрганиш лозим. Чунки умуртқасиз ҳайвонларнинг 120 мингдан ортиқ тури турли хил ҳайвонлар, ўсимликлар ва одамда паразитлик қилиб яшайди. Паразит ҳайвонлар яшаш шароити, тузилиши, ҳаёт тарзи ва бошқа хусусиятларига кўра, эркин ҳолда яшовчи ҳайвонлардан тубдан фарқ қиласди. Маҳаллий шароитдан келиб чиқсан ҳолда, малакали ўқитувчилар раҳбарлигига паразит ҳайвонларнинг маълум бир гурӯҳини, хусусан, бир ҳужайрали (садда) паразит ҳайвонлар, паразит чувалчанглар (гельминтлар) ёки паразит бўғимоёқлилар ва ҳоказоларни ўрганиш лозим.

Ўқув-дала амалиёти давомида ҳар бир талаба сув ҳавзалари фаунасининг 30–35 вакилини, тупроқда яшайдиган ҳайвонларнинг тахминан 20–22 турини ва Ер юзасида яшайдиган ҳашаротларнинг 60–70 турини билиши керак.

Умуртқасизлар зоологиясидан ўқув-дала амалиётини утказни учун баҳор ойлари ва ёз фаслиниң биринчи ойни энг қулай муддат ҳисобланади.

Ўқуб режасига мувофиқ, биология бакалаври йўналишини бўйича умуртқасиз ҳайвонлар зоологиясидан амалиёт учун кундузги бўлим талабаларига 12 кун, сиртқи бўлнимдагиларга 4 кун ажратилган. Ҳар бир манигулот учун кунига: эрталаб 4–5 соат ва кечки лаборатория манигулотлари учун 2–3 соат режалаштирилади. Амалиёт ўтказилидиган гуруҳдаги талабалар сони 10–12 тадан ошмаслиги керак.

Ўқув-дала амалиёти охирида талабалар ўзи йиққан материал билан бирга ёзма ҳисбогот ҳам топширадилар. Амалиёт юзасидан якунловчи конференция уюштирилиб, ҳисботлар муҳокама қилинади. Амалиёт давомида йиғилган материаллардан курс ва диплом ишларини ёзишда фойдаланиш ҳам мумкин.


Ўқув-дала амалиётининг мақсади ва вазифалари

Ўқув-дала амалиётининг мақсади талабаларнинг назарий ва лаборатория машгулотлари вақтида олган амалий билимини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришдан, уларни амалда қўллаш, ҳайвонларни кузатиш, йиғиш, аниқлаш, қайта ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш ва табиатда содир бўлаётган ҳодисаларни мустақил равишда кузатиш орқали уларнинг сабабини аниқ тасвирлай олишга ўргатишдан иборат. Бу вазифаларни бажариш учун ўқитувчи талабалар билан қатор тадбирларни амалга оширади. Жумладан, у амалиёт давомида талабалар билан хилма-хил мазмундаги бир неча экспурсия ўтказади. Эксурсиялар давомида ҳайвонларни йиғишнинг асосий методларини, уларни қайта ишлаш, қуритиш, фиксация қилиш, коллекция тайёрлаш ва сақлаш, ҳайвонларни систематик

гурұхлар—таксонлар бүйіч аниқлаш ва расмий-лаштиришга ўргатади.

Талабаларнинг вазифаси эса ўқитувчи томонида баён қилинган йүл-йўриқ ва материалларни диққат билан тинглаш ҳамда ўзлаштиришдан табиатда кузатувчанлик малакаси ва кўникмасини эгаллаш, кузатиш ишларини мустақил равишида амалга оширишдан, илмий-тадқиқот ишларининг асосий методлари билан танишиш ва ўқитувчи раҳбарлигида маълум мавзулар бүйича иш олиб боришдан, тирик бурчак ташкил этиш малакаси ва кўникмасини эгаллашдан иборат. Шунингдек, талабалар табиатни муҳофаза қилиш қоидалари доирасида ноёб ва нодир ҳайвонларни билиши ҳамда уларни муҳофаза қилишда бевосита иштирок этиши; заараркунандалар, касаллик тарқатувчи ва паразит ҳайвонларнинг асосий вакилларининг тарқалиши, биологияси (ҳаёт тарзи) ва заарини ҳамда уларга қарши кураш усулларини билиши керак.

Маълумки, умуртқасизлар зоологиясидан ўкув-дала амалиёти экология йўналишида олиб борилади. Шунга кўра, талабалар амалиёт давомида сувда, тупроқда ва ер юзида (куруқлиқда) яшовчи ҳайвонларнинг хилмажиллигини, тузилиши ва биологик хусусиятларига кўра, ўзаро фарқини бевосита билиши зарур.



1- бүлим

УМУРТҚАСИЗЛАР ЗООЛОГИЯСИДАН ЎҚУВ-ДАЛА АМАЛИЁТИНИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН УМУМИЙ МЕТОДИК КҮРСАТМАЛАР

1.1. Ўқув-дала амалиётини ташкил этиш

Умуртқасизлар зоологиясидан ўқув-дала амалиёти ўқув дастурининг давоми бўлиб, уни ўтказишга 72 соат ажратилган. Ўзбекистон шароитида май-июнъ ойлари амалиёт ўтказиш учун энг қулай давр ҳисобланади. Чунки бу даврда кўпчилик ўсимликлар гуллаган бўлиб, айниқса, бўғимоёқли ҳайвонлар актив ҳаёт кечираётган бўлади. Дала амалиётини тоғларда ва тоғ олди туманларда ўтказиш ўқув дастурида берилган мавзуларнинг тўлиқ бажарилишига имкон беради.

Ўқув-дала амалиётининг дастури уни ўтказиш жойига қараб ўзгариши мумкин. Масалан, денгиз ва йирик дарёлар бўйида амалиёт ўтказилганда, сув ҳайвонларини ўрганишга кўпроқ вақт ажратилади. Чўл ва тоғ зоналарининг фаунаси ҳам бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Ўзбекистонда ипак қурти ва ўззада учрайдиган заараркунанда умуртқасиз ҳайвонларни ўрганиш бўлажак биология ўқитувчиларини тайёрлашда муҳим ўрин тутади. Амалиёт давомида 1–2 та экскурсия ана шу мавзулар бўйича ўтказилиши керак. Бундан ташқари, дала амалиётининг мазмуни раҳбар ўқитувчининг мутахассислигига ҳам боғлиқ.

Дала амалиётининг биринчи кунидаги талабалар унинг мақсади, мазмуни ва ўтказиш тартиби билан танишади. Бунда ўқитувчи амалиёт ўтказиладиган жойнинг табиий-географик тафсилоти, асосий биоценозлари ва уларнинг рельефга боғлиқлиги, ўсимликлари ва шу жойдаги ҳўжаликнинг фаолияти ҳақида гапиради. Шундан кейин яқин ўтлоқларга экскурсия ўюнтирилади ва талабалар дала амалиёти давомида фойдаланадиган жиҳозлар, жумладан, сачок, морилка, пинцет, лупа ва бошқа асбобларнинг тузилиши, уларни ишлатиш методикаси билан таништирилади. Ўқитувчи сачокни ишлатиш, морилкани ишга тайёрлашни, ҳайвонларни йифиш ва жонсизлантириш усусларини кўрсатади. Талабаларга кундалик юритиш қоидалари, кузатиш ишларини олиб бориш мазмунни, экскурсия давомида хавфсизлик чоралари, заҳарли ҳайвонлар (чаён, ўргимчак, ари ва бошқалар)дан сақланиш, кам учрайдиган ва йўқолиб бораётган умуртқасиз ҳайвонларни муҳофаза

қилиш ҳақида маълумот берилади. Шундан кейин талабалар асосий фиксаторлар ва уларни қўллаш, ҳашаротларни пахта тўшакларга жойлаштириш, этикетка тайёрлаш, текислагичлардан фойдаланиш, систематик ва тематик коллекциялар тузиш ишлари методикаси билан таништирилади. Ўқитувчи лагерда бажариладиган ижтимоий-фойдали меҳнат, маънавият ва маданий-оқартув ишлари ҳақида гапириб, иш кунини якунлайди.

Экскурсия бошланишидан олдин талабалар керакли асбоблар (сачок, морилка, пробирка ва банкалар, пинцет ва бошқалар) билан таъминланади. Ҳар бир кичик гурух бўйича тайнинланган навбатчи талаба дала сумкасида амалиёт учун зарур фиксаторларни олиб юради ва экскурсия давомида улашиб туради.

Ўқув-дала амалиёти давомида сувда, тупроқда ва ер юзасида яшайдиган ҳамда паразитлик билан ҳаёт кечирадиган умуртқасиз ҳайвонлар ўрганилади. Шундан келиб чиқкан ҳолда қуидаги мавзулар бўйича экскурсия уюштирилади:

1. Очиқ ўтлоқ, чўл, адир ва яйлов зоналарида яшайдиган умуртқасиз ҳайвонларни ўрганиш.
2. Сув ҳавзаларида яшайдиган умуртқасиз ҳайвонларни ўрганиш.
3. Дараҳтзор ва бутазорларда яшайдиган умуртқасиз ҳайвонларни ўрганиш.
4. Тоф, ўрмонларда ва арчазорларда яшайдиган умуртқасиз ҳайвонларни ўрганиш.
5. Мевали боғларда ва ёнгоқзорларда яшайдиган умуртқасиз ҳайвонларни ўрганиш.
6. Қишлоқ хўжалик экинлари (фалла, сабзавот, фўза ва беда) далаларида яшайдиган умуртқасиз ҳайвонларни ўрганиш.
7. Тупроқда яшайдиган умуртқасиз ҳайвонларни ўрганиш.
8. Чорва моллари (қорамол, кўй-эчки ва бошқалар)да паразитлик қилиб яшайдиган ҳайвонларни ўрганиш.
9. Эски иморатлар ва турар жойларда учрайдиган умуртқасиз ҳайвонларни ўрганиш.
10. Тут ипак қурти ва асалариларни ўрганиш.

Ўқув-дала амалиёти вақтидаги иш формалари—экскурсия ва лаборатория машғулотларидан иборат.

1.2. Ўқув-дала амалиёти даврида хавфсизлик техникаси қоидалари

Ўқув-дала амалиёти муваффақиятли ўтишининг омилларидан бири хавфсизлик қоидаларига ва санитария талабларига риоя қилишдан иборат. Бу, демак, дала лагерини таш-

кил этиш, лагерь тартиб-қоидаларига амал қилиш, маршрутни белгилаш ва ўтказиш, белгиланган кун тартибига ва интизомга қатый амал қилишдир.

Дала амалиёти агробиостанцияларда, соғдомлаштириш спорт лагери ёки қышлоқ мактабларининг базаларида ўтказилса, янада яхши ва унумли ўтади. Баъзан амалиётни очиқ далаларда, палаткаларда яшаб ўтказиш мумкин. Шунинг учун дала лагерини қияликларга, ўпирилиш хавфи бўлган ерларга ҳамда дарёлар қирғоғига жойлаштириш мумкин эмас. Палаткалар қозиқ ёрдамида маҳкам ӯрнатилиши, четлари тупроқ билан бостирилиши ва ёмғир сувлари оқиб кетиши учун атрофифа ариқчалар бўлиши лозим.

Об-ҳаво ёмонлашса (момақалдириқ бўлса, бирдан ёмғир ёғиб кетса, кучли шамол бўлса, туман тушса ва бошқа ҳолатларда) экскурсияга чиқилмайди ва маршрутдаги ҳаракатлар тўхтатилади. Экскурсияни куннинг ёруғ вақтида ўтказиш ва қоронги тушмасдан лагерга қайтиб келиш керак; маршрутни якка ҳолда ўтказиш ва тунги вақтда ҳаракат қилиш ман этилади; маршрутлар вақтида талабалар бир-биридан узоқлашиб кетмаслиги керак. Ана шунда гуруҳ аъзолари бир-бирини кўра олади ёки товуш ёрдамида боғлана олади ва ўзаро ёрдамлаша олади. Маршрут қатнашчиларидан биронтаси ортда қолиб, кўринмай ёки товуши эшитилмай қолганда, гуруҳ бошлиги ҳаракатни тўхтатиб, уни кутиб туриши шарт. Тоғда юрганда эҳтиётсизлик қилиб тошларни тушириб юбориш ва омонат турган катта тошларни ағдариш ман этилади; тик қияликлар ва сочма тошлар бор жойлардан айланма чизиқли йўл бўйлаб кўтарилиш ва тушиш зарур. Экскурсия даврида заҳарли ҳайвонлардан сақланиш мақсадида чаён, ўргимчак, ари ва баъзи кўпоёқлиларни кўл билан ушлаш қатый ман этилади. Палаткаларда ёнаётган шам ва лампаларни назоратсиз қолдириш, лагерь территорияси ва маршрутларда гулхан ёқишга мутлақо рухсат берилмайди.

Дала лагеридаги ободончилик, тозалик санитария-гигиена талабларига жавоб бериши керак. Жумладан, ҳар 6–7 кишига биттадан бет-қўл ювгичлар бўлиши, улар тош ва қум ётқизилган майдончаларга ӯрнатилиши лозим. Ҳожатхона ва ахлат ташланадиган хандақларни палаткандан ва сув манбаидан 30 метр масофадан кам бўлмаган жойда қуриш зарур. Бу жойларни вақт-вақти билан дезинфекциялаб туриш керак.

Дала амалиёти даврида талабалар лагерь ва дала учун маҳсус уст-бош ва оёқ кийим олиши керак.

1.3. Амалиёт ўтказишда зарур бўладиган ўқув жиҳозлари ва асбоб-ускуналар

Ўқув-дала амалиёти вақтида ҳар хил гуруҳларга мансуб умуртқасиз ҳайвонларни йифиш ва уларни қайта ишлаш учун турли ўқув жиҳозлари ва асбоб-ускуналардан фойдаланилади.

1.3.1. Энтомологик тўр халтача (сачок)

Сачок билан учайдиган, ўсимлик устида қўниб турган ва тупроқ юзасида учрайдиган турли хил ҳашаротлар (капалаклар, ниначилар, пардақанотлилар, кўнғизлар, тўғриқанотлилар ва бошқалар) тутилади. Сачок уч қисмдан иборат: ёғоч даста, темир ҳалқа ва газмол (сурп, бўз) дан тикилган цилиндрсимон (баъзан конуссимон) халтадан иборат. Узунлиги 1–1,2 метр (диаметри 5–6 см) бўлган ёғоч таёқнинг учига сим (диаметри 3–4 мм) ҳалқа ўрнатилади. Узунлиги 60–70 см, эни 30–40 см ли халтача сим ҳалқага айлантирилиб тикилади (1-расм). Сачокни талабаларнинг ўзи ясади.




1-расм. Энтомологик тўр халта:
а—тўр халтани ясаш тартиби;
б—тўр халта.

1.3.2. Гидробиологик сачок (сув тўр халтаси)

Сувдаги умуртқасиз ҳайвонлар сув сачокларида йифиб олиниади. Сачок юқорида қайд этилган усулда ясалади. Лекин симнинг қалинлиги 5–6 мм бўлиши, тўр халтачани эса сувни яхши ўтказадиган газламадан тикиш керак. Таёқнинг узунлиги 1–1,2 м, халтанинг чуқурлиги ва эни 20 см бўлиши керак.

Бундан ташқари, сув ҳайвонларини тутишда планктон тўри ва куракчалардан ҳам фойдаланилади (2-расм).




2-расм. Сув түр халтачаси.

1.3.3. Морилка

Бу ҳамма экскурсиялар учун зарур бўлган шиша ёки пластмасса идиш бўлиб, унда турли хил ҳайвонлар жонсизлантирилади (нобуд қилинади). Бунинг учун морилканинг ичига

хлороформ ёки эфир шимдирилган пахта бўлакчаси солинади. Шу усулда морилкалар ҳар экскурсиядан олдин тайёрланади. Эфир ва хлороформ учувчан бўлганлиги учун уларни экскурсияга зарур миқдорда олиб чиқиш ва кун давомида бир печа марта янгилаш туриш керак бўлади. Морилка ўринига ҳажми 200–500 мл ли шиша ёки пластмасса банкалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу идишларнинг оғзи 5–6 см дан кенг бўлмаслиги ва бўйи 10–15 см бўлиб, қопқоғи зич ёпилиши керак. Қопқоқ банка оғзига боғлаб қўйилади. Банкага кенглиги 1 см, узунлиги 6 см бўлган фильтр




3-расм. Ҳайвонларни йиғиш учун шиша идишлар (морилка):

1—морилка шиша найча билан (а);
2—ёпиқ ҳолдаги морилка;
в— пробка; б—кесилган қоғоз бўлакчалари.

қоғоз солинади. Фильтр қоғоз ҳашаротлар ажратадиган намни ўзига тортади ва уларнинг ташқи ўсимталари, оёқлари, қанотларини механик шикастланишдан сақлайди (3-расм).

1.3.4. Пинцет, скальпель ва ниналар

Пинцетнинг катта-кичиклиги ва шакли ҳар хил бўлиб, экскурсия ва лаборатория ишларида фойдаланилади. Пинцет билан заҳарли ҳайвонлар (чаёнлар, ўргимчаклар, арилар, кўн-



4-расм. а—скальпеллар; б—пинцетлар; в—ниналар.

оёқлилар ва бошқалар), гүнгүр ва ўлаксахурларни, шунингдек, майда жониворларни ушлаб морилка ва бошқа идишларга солинади. Пинцет ҳайвонларни пахтали түшакчаларга жойлаштиришда ва фиксация қилишда ҳам ишлатилади. Экскурсия вақтида пинцетни (лупа каби) ипга боғлаб, бўйинга осиб юрилади (4-расм).

1.3.5. Лупа

Лупа экскурсияда ва лаборатория машгулоти вақтида материални қайта ишлашда фойдаланиладиган оптик асбоб бўлиб, қўл ва штативли хиллари мавжуд (5-расм).

1.3.6. Экскурсия челяги

Челакнинг ҳажми 3–5 литр бўлиб, чувалчанг, моллюскалар ва сув ҳайвонларини йигишида ишлатилади. Шунингдек, ўсимликларнинг заарланиган қисмлари: меваси, барги, илдизи, пўстлоги ёки нондаси солинади.



5-расм.
Лупалар.

1.3.7. Пахтали тұшакчалар

Булар ҳашаротлар коллекциясини тузиш ва сақлашда фойдаланилади. Тұшакчаны тайёрлаш учун картондан 13–22 см катталиктаги квадратлар кесилади, кейин уларнинг устига 0,5 см қалинликта пахта түшалади. Шундан сүңг юпқа қофоздан конверт (халтачалар) тайёрланади. Бунинг учун ўлчами картон тұшакдан 3 баравар катта бўлган юпқа қофоз қирқиб олинади, унинг ўртасига тұшакча қўйилади ва қоғознинг четлари тұшакчанинг устига буқланади. Ҳар бир тұшакчанинг устига тұшакчадан катта бўлмаган бир варақ қофоз қўйилади.

Дала амалиёти учун, булардан ташқари, ҳар хил катталықдаги қайчи, скальпель, пробирка, банка, ваннача, пичноқ, белкурак, нина, бир хил рангли клеёнка ва пластинкалар, қутича, шиша цилиндрлар, петри идишилари, соат ойнаси, бюкс, пипетка, буюм ва ёпқич ойналар, оддий ва рангли қалам, сиёҳ, ручка, тушь ва ўчирғич, альбом, дафтар ва блокнотлардан фойдаланилади. Булардан ташқари, микроскоп, ҳар хил адабиёт, турли хил кимёвий реактивлар керак бўлади.

1.4. Ўқув-дала амалиёти билан боғлиқ ёзувларни юритиш, расм чизиш ва суратга тушириш

Дала шароитида талабалар ишининг пухта бўлиши омиларидан бири ёзув ишларини ўз вақтида бажаришдир. Тажрибадан маълум бўлишича, талабаларда иккита кундалик бўлгани маъқул. Биринчи кундалик (10–15 см) қалин муқовали блокнот бўлиб, ундан далада фойдаланилади. Экскурсия давомида кузатилган, кўрилган ва эшистилган барча маълумотлар хотирага ишониб кейинга қолдирилмай, дарҳол оддий қалам билан дала кундалигига ёзилиши керак. Ёзув тартиби куйидагича бўлади: экскурсия вақти, жойи, ҳайвоннинг ҳолати, биотопларнинг ўзига хос хусусиятлари, у ерда учрайдиган ҳайвонларнинг хулқ-автори, яшаш жойи, озиқланиши, турларининг хилма-хиллиги, кўп ёки оз миқдорда учраши ва бошқалар ёзилади. Иккинчиси хронологик кундалик бўлиб, ётоқ жойида сақланади ва унга бир кунлик (лабораторияда бажарилгани ҳам) иш шарикли ручка ёки сиёҳ билан тўлиқ ёзилади. Звено бўйича қилинган ишларнинг мазмуни ҳам хронологик кундаликтаги ифодасини топиши керак. Булардан ташқари, дала амалиёти давомида ҳайвонларнинг расми, схемаси ҳам чизилади. Бу ишлар рангли қалам ва фламастер билан маҳсус альбомларда бажарилади. Имкониятга қараб, ҳайвонларни расмга тушириш лозим.

1.5. Үмуртқасиз ҳайвонларни йиғиши методикаси

1.5.1. Қуруқликда яшайдиган үмуртқасиз ҳайвонларни йиғиши

Үмуртқасиз ҳайвонларнинг катта бир гурухи эволюцион ривожланиш жараёнида қуруқликда яшашга ўтган. Бу ҳайвонлар, асосан, энтомологик сачоклар билан тутилади. Сачок билан учайтган ёки ўсимликтан кўниб турган ва тупроқ юзасида учрайдиган ҳайвонлар (капалаклар, пардақанотлилар, ниначилар, қўнғизлар, пашшалар, тўғриқанотлилар) тутилади. Шунингдек, ҳашаротларни ўтлар орасидан ва устидан ўриш усули билан оммавий равишда тутиш учун ҳам сачок ишлатилади. Бунинг учун сачокни кенг қулочлаб ёзиб, ўнг ва чап томонга қараб кескин равишда ўсимликлар устидан ўтказилади. Бир неча марта шундай қилингандан сўнг, сачокка тушган ҳашаротлар дарҳол териб олинади. Қўпинча сачокка ҳар хил ҳашаротлар ва уларнинг личинкаси билан бирга ўргимчаклар ҳам тушади. Ҳайвонларни олиш учун чап қўл билан халтанинг тепа қисми букилади ва эҳтиётлик билан оз-оз очиб, тушган ҳашаротлар бирин-кетин олинади. Сачокни ишлатганда қуёш чиққан томонга қараб юриш керак, акс ҳолда, кишининг сояси тушишидан ҳайвонлар қочиб кетади.

Тош, кесаклар ва барглар остидаги, чириган дарахтлар ҳамда тупроқ ва ўсимликлардаги, гўнгдаги ва ҳар хил ахлатлар орасидаги ўргимчаксимонлар, мингоёқлар, захкашлар ва бошқалар пинцет билан олинади. Анча нозик турлар эса сув билан ҳўлланган мўйқалам ёрдамида олинади.

Йиғилган материалнинг бир қисмидан лабораторияда кузатиш учун фойдаланилади. Қолган қисми қайта ишланади.

Тунги ҳашаротларни тутиш учун ҳар хил ёруғлик манбалидан-фонарь ва кўчма лампалардан фойдаланилади. Уларни жалб этиш учун фонарлар баланд жойга қўйилади, остига эса оқ газлама ёзилади. Газламанинг бир қисми вертикал ҳолатда деворга ёки дарахтга ўрнатилади. Чироққа келган ҳайвонлар пинцет билан ушлаб олиб, морилкага солинади.

Майда ҳашаротлар турли хил ёпишқоқлар ёрдамида тутилади. Жумладан, пашшани тутиш учун дорихоналарда сотиладиган оддий ёпишқиchlардан фойдаланиш мумкин. Шира, битларни, қўшқанотлиларни ва пардақанотлиларни сариқ бўёқ ёрдамида тутиш мумкин. Бунинг учун диаметри 20 см ва бўйи 5 см ли бирон идишнинг сиртига сариқ бўёқ суртилади. Идишга сув солинади ва очиқ далага қўйилади. Сариқ рангни ёқтирувчи

ҳашаротлар идишга келиб құнади. Сувга тушган ҳашаротлар пинцет ёки мүйқалам ёрдамида әхтиётлик билан йиғиб олинади.

Қуруқликда яшовчи умуртқасиз ҳайвонларни йиғишида «ов қилиш» усулидан ҳам фойдаланилади. Бунинг учун узунлиги 10–15 м ва чуқурлиги 25 см бўлган ариқча қазилади. Ана шу ариқчаларга тушгаш ҳайвонлар вақт-вақти билан териб олинади. Шундан сўнг кўп учрайдиган заараркунанда турлар аниқланади.

1.5.2. Гўнгда учрайдиган умуртқасиз ҳайвонларни йиғиш

Қорамол, қўй, эчки, от, тuya ва бошқа ҳайвонлар яшайдиган жойларда гўнг кўп бўлади. У кўпчилик ҳайвонлар, учун энг юқори навли озиқ модда ҳисобланади. Қорамол гўнгига дарров турли хил ҳайвонлар ёпишади. Чунки гўнг улар учун озиқ манбаи, тухум қўйиб қўпаядиган жой ва яшириниб яшайдиган макон ҳисобланади. Гўнгда, айниқса, қўшқанотли пашшалар ва уларнинг личинкасини, ҳар хил катта-кичик қўнғизлар ва бошқа ҳайвонларни учратиш мумкин. Гўнг фаунаси ўзига хос биоценозни ташкил этади.

Гўнгнинг «янги», «эски» хилига ва миқдорига кўра, ундаги ҳайвонларнинг тур таркиби ва кўп-озлиги бир хил эмас.

Янги гўнгга дастлаб қўшқанотли пашшалар: кўк пашша (*Cryptolusilia cornicina*), дала чивини (*Musca cornvina*), қора гўнгқўнғиз (*Mesembrina meridiana*) келиб ёпишади ва тухум қўяди. Кейинчалик ҳар хил қўнғизлар тухум қўйиш билан бирга, ундан шарча ясаб, уясига олиб кетади.

1.5.3. Тупроқда яшайдиган умуртқасиз ҳайвонларини йиғиш

Тупроқда яшайдиган умуртқасиз ҳайвонлар, асосан, хандақ қазиш йўли билан йиғилади. Чуқурчаларнинг эни 50–50 см, чуқурлиги 40 см бўлиши керак. Тупроқ ҳайвонларини ҳисобга олишда 1 га ерда 10–12 та чуқурча қазиш керак. Иш қуйидагича бажарилади: дастлаб чизиқли ўлчагич ёки рулетка билан чуқурчалар жойи белгилаб олинади. Чуқурчалар тўрт қатлам (10 см дан)га бўлиб қазилади. Ҳайвонларни териш учун ён томонларга клеёнка тўшалади. Биринчи қатламдан белкурак билан қазиб олинган ҳар бир тупроқ бўлаги ён томонга ташла-нади ва қўл билан майдаланиб, унда яшайдиган ҳайвонлар териб олинади. Кейинги уч қатламда яшайдиган ҳайвонлар ҳам ана шу усулда йиғилади.

Иш тугагач, чиқарилган тупроқни чукурчага ташлаб күмиб қўйилади. Қатламларда яшайдиган ҳайвонлар дала кундалигида ҳисобга олинади. Йифилган ҳайвонлардан етуклари морилкага солинади. Чувалчанглар, личинкалар, фумбаклар, моллюскалар ва қўпоеқлилар суюқликда фиксация қилинади.

Тупроқда кўзга кўринмайдиган нематодалар, каналар ва микроорганизмлар ҳам яшайди. Улар маҳсус усуулларда ўрганилади.

Тупроқ фаунаси. Тупроқнинг турига, ерни ҳайдаш, суғоришига, ўсадиган ўсимликларнинг хилига ва йил фаслларига қараб тупроқ фаунаси (тури ва сони) ўзгариб туради.

I-жадвал

Тупроқ ҳайвонларини ҳисобга олиш

Ҳайвонлар	Намуна олинган жой	10 см чукурлик	10–20 см чукурлик	20–30 см чукурлик	30–40 см чукурлик	Жами
Ёмғир чувалчангиди Кўнғизлар личинкаси Кўп оёқлилар	Бедапоя Ариқ бўйи	— 4	2 —	4 1	3 — 2	9 6 3
Жами		4	4	5	5	18

1.5.4. Сув ҳайвонларини йиғиши

Баҳор ва ёз ойлари сув ҳавзаларидан умуртқасиз ҳайвонлар йиғиладиган энг қулай вақт ҳисобланади. Сув ҳавзалари оқмас, секин оқадиган ва тез оқадиган сувлардан иборат бўлиб, улар ҳовуз, кўл, булоқлар, ариқ ва сойлар, дарёлар, йирик сув омборлари ва каналларга бўлинади.

Сув ҳайвонларини ўрганиш ва йиғишида сув тўр халтаси, экскурсия челаги, куракча, пробиркалар, ҳар хил ҳажмдаги банкалар, лупа, Петри ликопчалари ва бошқа жиҳозлардан фойдаланилади.

Дастлаб сув ҳавзасининг хусусиятлари ўрганилади ва кузатиш ишлари олиб борилади.

Оқмас ва секин оқадиган сув ҳавзалари сувутларга бой бўлиб, уларда умуртқасиз ҳайвонлар жуда кўп учрайди. Жумладан, нематодалар, қилчувалчанглар, коловраткалар, камқилличувалчанглар, зулуклар, моллюскалар, қисқичбақасимонлар, сув чаёнлари, қандалалар, ниначилар, булоқчилар, кўнғизлар, чивинларнинг личинкаси ва бошқа ҳайвонлар ҳаёт кечиради.

Сув ҳайвонларини йигишида дастлаб сув юзасида сузиб юрган сув қандалалари ва қўнғизларни сув тўр халтасида йигиб, тегишли идишларга солинади. Шундан кейин сув қатламларида яшайдиган умуртқасизлар тўр халта билан, сув тубида кўмилиб яшайдиганлари белқуракчалар билан йигиб олинади. Сувутларга ёпишиб яшайдиган зулуклар, моллюскалар, ҳашаротларнинг личинкаларини ўтлардан авайлаб ажратиб олиб, сув чеалакларига солинади. Йигилган материалларнинг бир қисми тирик ҳолда кузатиш учун лагерга олиб қелинади.

Бир нечта сув ҳавзаси ўрганилиб, уларда яшайдиган умуртқасиз ҳайвонлар солиштирилади.

2-жадвал

Умуртқасиз ҳайвонларнинг сув ҳавзаларида тарқалиши

Ҳайвонларнинг номи	Булоқ суви	Ҳовуз суви	Сой суви	Дарё суви	Жами
Сув чаёни	4	2	—	—	6
Ёнсузар	3	—	2	1	6
Сув қўнғизи	1	3	1	2	7
Жами	8	5	3	3	19

1.6. Умуртқасиз ҳайвонларни жонсизлантириш

Дала амалиёти давомида тутилган ҳайвонларнинг маълум қисми турли мақсадлар учун кузатиш тажрибаларида фойдаланилса, кўпчилиги жонсизлантирилиб, улардан хўл препарат ва коллекциялар тайёрланади. Умуртқасиз ҳайвонларни нобуд қилиш учун олtingугуртли эфир, хлороформ, сирка эфири ва нобуд қилувчи бошқа суюқликлар ишлатилади. Бу моддаларнинг афзаллиги шундаки, улар хавфсиз, ҳайвонларни тез нобуд қиласи, нобуд бўлган ҳайвонлар тери қопламишининг эластиклиги сақланиб қолади. Аммо хлороформнинг таъсир кучи бир соатдан ошмайди. Шунинг учун уни кун давомида бир неча марта янгилаб туриш керак. Сирка эфири камроқ учувчан бўлади ва секин таъсир этади. Эфир билан хлороформнинг тенг қисмдаги аралашмасини қўллаш энғ яхши натижা беради. Жуда кўпчилик ҳайвонлар морилкада нобуд қилинади. Жумладан, қаттиққанотлилар, пардақанотлилар, яrim қаттиққанотлилар, қўшқанотлилар, бешиктерватарлар, чаёнлар, сальпуглар, кўпоёқлилар ва нисбатан йирик танаси қаттиқ қопламли бўлган ҳайвонлар.

Майда ҳайвонлар – ўргимчаклар, каналар, оёқдумлилар, ширалар, ҳашаротларнинг личинкаси (нимфалари) ва ғумбаги фиксация қилувчи суюқлик солинган пробиркалар ва шишаларда жонсизлантирилади. Танаси юмшоқ ва нозик, айрим ҳолларда танаси узун бўлган ҳашаротлар (капалаклар, ниначилар, айрим тўрқанотлилар ва бошқалар)ни бош ва кўрсаткич бармоқлар орасига олиб, кўкрагини сиқиб нобуд қилинади. Нобуд қилинган ҳайвонлар маҳсус конвертларга жойлаштирилади.


1.7. Йиғилган материални қайта ишлаш

«Йиғилган материални қайта ишлаш» мавзуси ва мазмунига ҳайвонларни саралаш, турини аниқлаш, фиксация қилиш, пахтали тўшакчаларга жойлаштириш, этикеткалаш, монтировка қилиш, коллекция тузиш, уларга етказилган зарарни аниқлаш, олинган натижани умумлаштириш ва илмий анализ қилиш каби масалалар киради.

Экскурсия вақтида йиғилган материални қайта ишлаш экскурсия тугаши билан бошланади. Тирик материалларнинг бир қисми банка ёки аквариумларга солинади. Қолган қисми тегишли идишларга солиниб, фиксация қилинади. Морилкаларда ҳайвонлар узоқ вақт сақланса, уларнинг табиий ранги қораяди, намлик юқори ва иссиқ бўлса, ҳатто қуриб қолади. Шунинг учун экскурсиядан қайтгач, морилкада нобуд қилинган ҳайвонларни қофоз халтачаларга ва пахтали тўшакчаларга жойлаштириш зарур.

1.7.1. Ҳайвонларни пахтали тўшакчаларга жойлаштириш

Қуруқ сақланиши зарур бўлган барча ҳайвонлар пахтали тўшакчаларга жойлаштирилади. Қўнғизлар ва қандалалар, барча арисимонлар ва пашибалар, бешиктерватарлар ва чигирткалар, шунингдек, танасининг устки қоплами қаттиқ бўлган бошқа ҳайвонлар пахта тўшакчаларда яхши сақланади. Нобуд қилинган ҳайвонлар катта оқ қоғозга ёйлади. Пинцет ёки нинада катта-кичиклигига қараб гуруҳларга ажратилади. Шундан сўнг улар оёгини пастга қилиб тўшакчалар устига териб қўйилади. Ўткир учли қайчи билан йирик ҳашаротлар (бешиктерватарлар, айрим тёмирчаклар ва чигирткалар)нинг қорин бўшлиғи очилади, ички юмшоқ органлари чиқариб ташланиб, ўрни пахта билан тўлдирилади. Бунинг учун ҳашаротлар чап қўлнинг бош ва кўрсаткич бармоқлари орасига олинади ва эҳтиётлик билан қайчи ёрдамида қорин томонидаги охирги



6-расм. Пахтали тұшакча ва унда ҳайвонларни жойлаштириш тартиби.

Иккита стернит ораси күндаланғ қесилади. Қесилган жойга қайчининг учи киритилади ва тана қоплами қорин бўлимининг ўртасидан бошлаб биринчи қорин сегментигача қесилади. Сўнгра кичкина пинцетда эҳтиётлик билан ичаги олиб ташланади. Ичакдан тозаланган қорин бўшлигига пахта тўлдирилади. Тұшакчалардаги бир варақ қофоз этикетка сифатида фойдаланилади. Пахта тұшакчалар остига нафталин солинган ёғоч қутичаларда сақланади (6-расм).

1.8. Ҳайвонларни фиксация қилиши

Ҳайвонларни фиксация қилишда ҳар хил идишлар (пробирка, банка, цилиндрик най ва бошқалар); фиксатор суюқликлар (спирт, формалин, барбагалло суюқлиги, тўйинган туз эритмаси); шиша ойналар, парафин ва Менделеев сўрғичи кабилардан фойдаланилади.

Асосан, юмшоқ танли умуртқасиз ҳайвонлар фиксация қилинади. Буларга: барча ковакичлилар, яssi, юмaloқ ва ҳалқали чувалчанғлар, моллюскалар, қисқичбақасимонлар, кўпоёқлилар, кўпчилик майда ҳашаротлар, ҳашаротлар тухуми, личинкаси ва гумбаклари киради. Ҳайвонларнинг хилига ва бўлажак текшириш мақсадларига қараб, ҳар хил фиксаторлардан фойдаланилади. Одатда, ҳайвонлар 70–90% ли спиртда ёки формалиннинг 4% ли эритмасидаги фиксация қилинади. Формалиннинг 4% ли эритмасини тайёрлаш учун бир ҳажм 40% ли формальдегидга 10 ҳажм (1:10) сув қўшилади. Формалин

тағсирида ҳайвонлар түқимаси қаттықлашади, ўзи эса синувчан бўлиб қолади, аммо танасининг устки қатламлари табий рангини сақлаб қолади. Спирт эритмасида ҳайвонлар ранги бирмунча ўзгаради. Бўғимлари дағаллашади, туклари ва тангачалари тўкилади.

Ҳайвонлар фенол ва сирка кислота аралашмаси (8 қисм дистилланган сув ва тенг миқдорда олинган фенол ва шунча миқдордаги сирка кислота аралашмаси)дан тайёрланган фиксаторда анча яхши сақланади. Бу аралашмага майда ҳайвонлар (шира, битлар, қалқондорлар, қисқичбақасимонлар,чувалчанглар ва бошқалар) тириклайн солинади. Йирик ҳайвонларни фиксация қилишдан олдин, уларни, албатта, қайноқ сувга солиб олиш керак.

Турбелляриялар, трематодалар ва лентасимон чувалчанглар 70% ли спирт ёки 4% ли формалинда, нематодалар эса барбагалло суюқлигига фиксация қилинади. Ҳалқали чувалчанглар дастлаб 0,5–1% ли формалинда фиксация қилинади, кейин 4% ли формалинга солинади.


Моллюскаларни фиксация қилишдан олдин сувда нобуд қилиш керак. Бунинг учун улар қайнатиб совитилган сувга солинади. Ана шундай сув тўлдирилган банкага моллюска туширилади. Банкаларнинг оғзи зич қилиб ёпилади ва шу ҳолатда бир неча соат ёки бир кечада қолдирилади. Шу усулда нобуд қилинган ҳайвонлар 70–80% ли спирт ёки 4% ли формалин эритмасида фиксация қилинади. Йирикроқ ҳайвонларни фиксация қилишдан олдин танасининг 2–3 жойидан тилинади ёки терисидан тешик очилади, чунки танасининг ичига фиксатор кириши керак. Қисқичбақасимонлар, ўргимчаксимонлар ва кўпоёқлилар синфига мансуб ҳайвонлар 70–80% ли спиртда ёки 4% ли формалинда фиксация қилинади.

Ҳайвонларни фиксация қилишда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

1. Фиксаторга солинадиган ҳайвон ювилган ва артилган бўлиши керак.
2. Идишдаги суюқликка ҳайвоннинг танаси тўлиқ ботиб туриши керак.
3. Агар идишдаги суюқликнинг ранги ўзгарса ёки лойқаланса, уни дарҳол алмаштириш керак.

1.9. Ҳашаротларни монтировка қилиш

Маълум мавзуларга мўлжалланган коллекция тузиш ва уларнинг систематик ҳолатини аниқлаш мақсадида ҳашаротлар текисланади ва ниналарга қадалади. Текислашдан мақсал, улар-




7-расм. Ҳашаротларни намлаш учун қўлланиладиган жиҳозлар.

нинг табиий кўринишини ҳам сақлаб қолишдан иборат. Янги йиғилган ва нобуд қилинган ҳайвонлар (ниначилар, парда-қанотлилар, қўшқанотлилар ва бошқалар)ни дарҳол энтомологик ниналарга санчиш ва текислаш мумкин. Бироқ тўшакчаларга жойлаштирилган қуруқ ҳашаротларни ниналарга қадашдан олдин уларни юмшатиш зарур бўлади. Бунинг учун нам камералардан фойдаланилади. Нам камера сифатида оғзи зич ёпиладиган ҳар қандай идишдан фойдаланиш мумкин (7-расм). Идишнинг ичига ювилган ва қиздирилган қум (2–3 см қалинликда) солинади ва қайнатилган сув билан тўйингунча намланади. Қумнинг устига 2–3 қават фильтр қофоз ёпилади. Қофоз устига эса тўшакчалардан олинган ҳашаротлар жойлаштирилади. Ҳашаротлар шикастланмаслиги учун уларни пахта билан олиб қўйса ҳам бўлади. Ҳашаротли камеранинг қопқоғини зич ёпиб, 1–3 сутка сақланади.


Юмшатилган ҳашаротларни нинага қадаш учун, улар чап қўлнинг учта бармоги орасига олинади ва орқасидан қорнига қараб, тик ҳолда энтомологик нина қадалади. Нина бешиктер-ватарлар, қандалалар, қўнғизлар ва тўғриқанотлилар танасининг ўрта қисмига (олдинги ва ўрта оёқлари орасига ёки ўнг қанотининг устига) санчилади. Бошқа ҳашаротларнинг эса кўкрагининг ўртасидан қадалади (8-расм). Коллекция тайёрлашга мўлжалланган бошқа ҳашаротлар ҳар хил катталиқдаги кичик учбурчак ёки лентасимон тўғрибурчак қофозларга ёпиштирилади. Бунда ҳар хил елимдан фойдаланиш мумкин. Ҳашаротлар ёпиштирилган қофозлар нинага қадалади ва маҳсус энтомологик қутичаларга жойланади.

Нинага қадалиши керак бўлган ҳашаротларнинг қанотини ёзиш учун улар текислагич тахтасига олинади. Бунда ҳаша-



8-расм. Коллекция тузиш учун ҳайвонларни монтировка қилиш.

ротлар танаси текислагич тахтачалар орасидаги ариқчага ботиб туриши, қанотлари эса тахтачанинг устига ётиши керак. Шундан кейин кенглиги 0,5–1 см бўлган қофоз лентачалар олиб, ҳашаротлар қаноти ниналар орқали тахтачага маҳкам қистирилади (9-расм). Бир текислагичга шу усулда кетма-кет бир нечта ҳашаротни жойлаштириш зарур. Ёзда майда ҳашаротлар 2–3 кунда, йириклари бир неча кунда курийди. Қўнғизлар, қандалалар ва тўғри қанотлиларнинг қаноти фақат бир томондан, ниначилар, капалаклар ва пардақанотлиларнинг эса ҳар иккала томондан ёйилади. Текислагичларда қутилилган ҳашаротлар энтомологик қутичаларга жойланади.




9-расм. Ҳайвонларни текислаш тартиби.

1.10. Коллекция тузиш ва ёрлиқ (этикетка) ёзиш

Йигилган материални қайта ишлашнинг таркибий қисмларидан бири ёрлиқ ёпиштириш ва коллекция тузишдир. Ёрлиқсиз материал ҳеч қандай илмий аҳамиятга эга бўлмайди. Шунинг учун фиксация қилинган, тўшакчаларга жойлаштирилган ва бошқа сақланувчи материалларнинг ҳар бирида ёрлиқ бўлиши шарт. Ёрлиқнинг бир томонига материал йигилган кун, жой, биотоп номи ва йифувчининг исм-фамилияси, иккинчи томонига ҳайвоннинг қайси синф, туркум, оила ва турга (агар аниқланса) мансублиги лотин ва ўзбек тилларида ёзилади. Суюқликда сақланадиган ҳайвонларнинг ёрлиғи графит қаламда оддий қофозга ёки тушда пергамент қофозга ёзилади.

Коллекциялар мазмунни жиҳатидан систематик ва тематик гуруҳларга бўлинади. Коллекция тузишида дастлаб энтомологик кутичалар тайёрланади. Систематик коллекцияларда (ҳашаротлар бўйича) ҳайвонлар, аввало, туркумлар бўйича жойлаштирилади. Ундан кейин ҳар бир туркум оиласи, авлодларга ва турларга ажратилади. Кутичаларга ҳашаротларни зич қилмасдан, бир неча тўғри қатор шаклида жойлаштирилади (10-расм). Коллекцияда ҳайвонлар тури 60 (камида 10–12 туркум вакиллари)дан ошмаслиги керак. Коллекция тайёрлашда иккита талаба ёки звено аъзолари қатнашади.



10-расм. Ҳайвонлар коллекциясини тузиш.

Тематик коллекциялар мәйлүм мавзулар бүйича тайёрланади. Масалан, фўза-зараркунандалари ёки чучук сувда яшайдиган моллюскалар каби мавзулар. Коллекция бевосита ўқитувчи раҳбарлигига тайёрланади.

Талабалар мустақил ишилаши учун бериладиган мавзуларнинг тахминий рўйхати

1. Зулукларнинг ҳар хил сув ҳавзаларида тарқалиши ва биологияси.
2. Моллюскаларнинг ҳар хил сув ҳавзаларида тарқалиши ва биологияси.
3. Моллюскалар – трематодаларнинг оралиқ ҳўжайини.
4. Ер юзасида яшайдиган моллюскалар.
5. Сув ҳавзаларида учрайдиган қисқичбақасимонлар ва уларнинг биологияси.
6. Сув қандалалари ва қўнғизларнинг ҳар хил сув ҳавзаларида тарқалиши ва биологияси.
7. Ҳар хил типдаги тупроқда учрайдиган умуртқасиз ҳайвонлар.
8. Ёмғир чувалчангиги, тарқалиши ва биологияси.
9. Кўпоёқлилар ва уларнинг биологияси.
10. Чаёнлар, уларнинг тарқалиши ва биологияси.
11. Фалангаларнинг тарқалиши ва биологияси.
12. Ўргимчакларнинг тарқалиши ва биологияси.
13. Паразит каналар.
14. Ниначилар ва уларнинг биологияси.
15. Бешиктерватарлар ва уларнинг биологияси.
16. Чанглатувчи ҳашаротлар.
17. Заҳарли ҳашаротлар.
18. Паразит ва касаллик тарқатувчи ҳашаротлар.
19. Гўнгхўр ҳашаротлар.
20. Зааркунанда ҳашаротларга қарши биологик кураш усули.
21. Карам капалагининг биологияси ва қарши кураш чоралари.
22. Пилла қурти ва унинг биологияси.
23. Асалари ва унинг биологияси.
24. Ўсимлик битларининг биологияси ва уларга қарши кураш чоралари.
25. Чумолилар ва уларнинг биологияси.
26. Фойдали ҳашаротлар.
27. Безгак чивини ва унинг биологияси.
28. Фойдали қўнғизлар ва уларнинг биологияси.

29. Ҳашаротларда паразитлик қилувчи чувалчанглар.
30. Қушлар гельмінтофаунаси.
31. Кавш қайтарувчи ҳайвонлар гельмінтофаунаси.
32. Полиз экінлари зааркунандалари.
33. Фұза зааркунандалари.
34. Беда зааркунандалари.
35. Донли экінлар зааркунандаларининг тарқалиши, биологияси ва уларга қарши кураш чоралари.
36. Мевали боғларнинг асосий зааркунандалари.

Коллекцияларнинг тахминий рўйхати

1. Зулуклар (спиртли ёки формалинли пробиркаларда).
2. Чучук сув моллюскалари (кутичаларда терилган қуруқ чиганоқлар).
3. Ниначилар личинкаси (формалинли пробиркаларда).
4. Құнғизлар личинкаси (спиртли ёки формалинли пробиркаларда).
5. Капалаклар личинкаси (спиртли ёки формалинли пробиркаларда).
6. Чучук сув қандалалари (кутичаларга қуритилгани солинган).
7. Қисқибачақсимонлар (спиртли ёки формалинли пробиркаларда).
8. Чаёнлар (спиртли ёки формалинли идишда).
9. Фалангалар (спиртли ёки формалинли идишда).
10. Каналар (формалинли пробиркаларда).
11. Ўргимчаклар (спиртли ёки формалинли пробиркаларда).
12. Құпөёклилар (спиртли ёки формалинли пробиркаларда).
13. Амалиёт үтказилаётган туманда учрайдиган ҳашаротлар туркumlарининг асосий вакиллари.
14. Ниначилар (кутичаларга қуритилгани солинган).
15. Бешиктерватарлар (қуритилгани).
16. Чигирткалар (қуритилгани).
17. Қандалалар (қуритилгани).
18. Цикадалар (қуритилгани).
19. Құнғизлар (қуритилгани).
20. Пардақанотлилар (қуритилгани).
21. Капалаклар (қуритилгани).
22. Құшқанотлилар (қуритилгани).
23. Полиз экінлари зааркунандалари.
24. Боғларнинг асосий зааркунандалари.
25. Фұза зааркунандалари.
26. Беда зааркунандалари.

27. Донли экинлар зааркунандалари.
28. Паразит чувалчанглар (спиртли ёки формалинли идишларда).
29. Йиртқич ёки паразит ҳашаротлар.

1.11. Ҳисобот ёзиш

Ҳисобот ўқув-дала амалиётининг якунловчи ҳужжати бўлиб, у звено аъзоларининг биргаликда ёзган ижодий иши ҳисобланади.

Ҳисобот икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмida ўқув-дала амалиётининг мақсади ва вазифаларига доир қисқача маълумот, амалиёт ўтилган туманнинг табиий-географик шароити (иқлими, тупроғи, рельефи ва ҳоказолар), иккинчи қисмida уюштирилган экспурсиялар (биотоплар бўйича) ва ўрганилган ҳайвонлар, аниқланган турлар, туркумлар, оиласлар ва авлодлар бўйича рўйхат ҳамда энг муҳим (хўжалик аҳамияти бўйича) вакилларига қисқача тавсиф берилади.

1.12. Ўқув-дала амалиёти яқуни бўйича синов топшириш учун талабаларнинг билим ва малакасига кўйиладиган талаблар

1. Морфологик тузилишига кўра, ҳашаротларнинг барча туркум вакилларини бир-биридан ажрата билиш.
2. Куйидаги туркумларнинг – ниначилар, кунлик капалаклар, булоқчилар, қўнғизлар, капалаклар, қўшқанотлилар, пардақанотлилар личинкасини ташқи белгиларига кўра фарқлай билиш.
3. Ўсимликларнинг зааралangan аъзоларини қайси ҳашаротлар заарлаганлигини билиш.
4. Энг кўп учрайдиган кўпоёқлилар, ўргимчаксимонлар, моллюскалар вакилларининг номини билиш.
5. Умуртқасиз ҳайвонларни йиғиш, фиксация қилиш, коллекция ясаш методикасини эгаллаш.
6. Ҳайвонларнинг синф, туркум, оила ва имкони борича, авлод ва турини аниқлаш малакасини эгаллаш.
7. Биотоплар ва биоценозлар бўйича ҳайвонлар зоокомплексининг шаклланиш қонуниятини ва энг кўп тарқалган турларини билиш.
8. Зааркунанда ва паразит ҳайвонлар асосий вакилларининг ривожланиш циклини ва яшаш шароитини билиш.
9. Мухофазага олинган умуртқасиз ҳайвонларни билиш.

1.13. Тирик ҳайвонлар устида кузатиш ишлари

1-иши. Зулуклар

Зулукларни кузатиш дастури

Зулуклар сувда ўсадиган ўсимликлар орасида яшаб, кўпинча ўсимликларга ёки сув остидаги тошлар ва бошқа буюмларга ёпишиб ҳаёт кечиради.

1. Сув ўсимликлари ва бошқа субстратга зулукларнинг ёпишиб туришини, бир жойдан-иккинчи жойга қўчишини, сузишини ва уларнинг бошқа ҳаракатларини дикқат билан кузатинг ва таассуротларни кундаликка ёзинг. Лабораторияда кузатиш учун бир нечта зулукни сув сачоги ёрдамида тутиб, сувли банкаларга солиб олинг.

2. Зулукларни аквариумга солинг ва бир оз вақтдан кейин кузата бошланг: а) ҳаракатланиш усули ва субстратга ёпишиши; б) ёпишиб турган зулукни ўша буюмдан ажратиб олишга ҳаракат қилинг, мустаҳкам ёпишганми? в) аквариумга ёмғирчувалчангани ташланг ва зулукларнинг озиқланишини кузатинг; г) зулукларни қуруқ идишга солинг, улар қандай ҳаракатланади?

Ҳар бир зулук турини, юқоридагидек, алоҳида-алоҳида кузатинг. Уларнинг хулқ-автори бир хилми? Кузатиш натижаларини дафтарингизга ёзиб олинг.

2-иши. Чучук сувларда яшайдиган моллюскалар

Моллюскаларни ҳар хил сув ҳавзаларида – оқмайдиган ва секин оқадиган, тез оқадиган ва вақтинчалик кичик кўллarda, тошлар ва турли хил буюмларда ва ҳатто сув остидаги лой ва қўмда учратиш мумкин. Узоқ эволюция давомида уларда субстратга ёпишиб турувчи маҳсус органлар пайдо бўлган.

Улар қуйидагича овқатланади: дастлаб сув юзасига чиқиб турган сув ўтлар барги йиғиштириб олинади ва баргларнинг орқа томони дикқат билан кўрилади, улардаги моллюскалар териб олинади. Сўнгра сув ўтлар илдизи билан олиниб, сувдан олиб чиқилади ва мавжуд моллюскалар йиғиштирилади. Кейинчалик сув остидаги бошқа буюмлар ҳам худди шундай текширилади ва охирида сув тубидаги қум ва лойда учрайдиган моллюскалар терилади. Йиғиб олинган моллюскалар тезда қорин-оёқлилар ва икки паллалиларга ажратилади ҳамда кейинги ишлар учун лагерга олиб келинади.

Моллюскаларни лабораторияда кузатиш

1. Сув ҳавзаларидан олиб келинган тирик моллюскаларни сувли аквариум ва банкаларга солинг. Икки паллали моллюскалар солинган идишнинг тубига 5–8 см қалинликда қум түшшанг, қориноёқли моллюскалар жойлаштирилган идишга эса сувўтлар ташланг.

Дастлаб икки паллали, масалан, тишсиз моллюска солинган идишлар бўйича кузатиш олиб боринг:

А. Моллюскаларни бир неча соат тинч ҳолда қолдиринг, кейин қумни ковлаб, унинг ичига киришини, чифаноғи қандай ҳолатда туришини, оёқларининг кўринишини кузатинг.

Б. Сувдаги тишсиз моллюсканинг орқа учи томонига кўумир кукунини ташланг. Ана шу куқун сув билан моллюсканинг қайси сифони орқали ичига сўрилаётганини ва қайси сифонидан ташқарига чиқаётганини аниқланг.

2. Кейинги кузатиш ишлари қориноёқли моллюскалар бўйича олиб борилади.

1. Моллюскаларни сувли шиша банкага солинг. Маълум вақтдан кейин, чифаноқ ичидан шилиққуртнинг оёқлари ва бош қисми ташқарига чиқади. Моллюска идиш деворига ёпишганидан кейин қуйидагиларни кузатинг:

а) бош қисмидаги оғзи қандай жойлашган? Пайпаслагичлари сони нечта ва уларда жойлашган кўзчаларни топинг;

б) шиша идиш деворидаги моллюскалар оёқларининг ҳаратини кузатинг. Нима учун улар шиша идиш деворидан тушиб кетмайди?

2. Моллюсканинг сув юзасига чиқишини кузатинг ва ўпкага борадиган нафас найчаларини топинг. Агар нафас найчаси тешигини беркитсангиз, моллюска сув тубига чўкиб кетади. Соатингизга қараб туриб, моллюска қанча вақтдан кейин сув юзасига кўтарилишини аниқланг.

3. Майда шилиққурт (*Galba truncatula*) трематодалар личинкаси билан заарланганми ёки йўқми? Шуни аниқланг.

3-ши. Кулранг сув ўргимчаги билан сув хўтигини кузатиш

Кулранг сув ўргимчаги билан сув хўтиги деярли барча сув ҳавзаларида учрайди. Уларни тутиш учун сув сачогидан фойдаланилади. Бунинг учун сачок билан сув тубидаги ўтлар йиғишириб олинади. Сувўтлардан ажратиб олинган ҳайвонларни сув солинган банкаларга алоҳида-алоҳида жойлаштириш керак.

Кузатишни қўйидаги режа бўйича олиб боринг:

1. Сувдан олинган ўргимчакни ерга қўйиб юборинг. Қуруқликда у қандай ҳаракатланади? Сўнгра уни сувга туширинг. Эътибор беринг. Сувга тушиш олдидан ўргимчакнинг гавдасида, айниқса, қорин қисмида қандай ўзгариш рўй беради (туклари орасига ҳаво тўплаши) ва бу ҳодисанинг сабабини тушунтиринг.

2. Соатингизга қараб туриб, сув ўргимчаги сув тубида қанча вақт бўлишини аниқланг.

3. Сув ўргимчаклари бор банкага ҳашарот личинкалари ва сув хўтикларини туширинг. Ўргимчаклар үлжани қандай овлаши ва истеъмол қилишини кузатинг.

4. Морилкага бир нечта ўргимчак солиб, нобуд қилинг ва лупада уларнинг ташқи тузилишини ўрганинг. У гавдаси неча қисмдан иборатлигини, кўзлари қаерда жойлашганини ва сони нечта, гавдасида қандай ўсимталар борлиги ва уларнинг вазифаси нималардан иборат эканлигини аниқланг.

5. Банкага солинган сув хўтигини кузатинг: у (масалан, 3–4 соат) қанча вақт тинч туради ва қанча вақт сузади? Нима учун узоқ вақт ҳаракатланмайди?

6. Сув хўтигини банкадан олиб, стол устига қўйиб юборинг. Унинг ҳаракатини кузатинг. Нима учун у сувда енгил ҳаракатланади-ю, қуруқликда бу ҳаракат жуда оғир кечади?

4-ии. Ниначи личинкалари

Оқмас, секин оқадиган, ўсимликларга бой бўлган сув ҳавзаларида ниначилар личинкаси кўп учрайди. Улар камҳаракат бўлиб, кўпинча сувўтларга ёпишиб яшайди.


Сувўтлар сачокда ташқарига олиб чиқилади ва ундаги ниначи личинкалари сув солинган банкаларга териб олинади. Ниначи личинкаларининг (11-расм) гавдаси тўлиқ уч қисмга (бош, кўкрак, қоринга) бўлинган бўлиб, бошида бир жуфт йирик кўзи ва мўйловлари ҳамда пастки лабининг ўзгаришидан ҳосил бўлган ниқоб–хартум жойлашган. Кўкрак қисмида уч жуфт оёфи ва бошлангич қанотчалари бор. Қорин бўлими узун ва бўғимли. Личинкалар, морфологик тузилишига кўра, уч гуруҳга бўлинади:

1. Митти ниначилар.

2. Ҳақиқий ниначилар.

3. Обкаш ниначилар.

Имаго ниначилари сув ҳавзалари атрофида кўп учрайди. Лекин ҳақиқий ниначилар гуруҳининг вакиллари узоқ масо-



11-расм. Ниначилаар личинкалари:

1,2,3,4 – обкаш ниначилаар личинкаси; 5,6,7,8 – ҳақиқий ниначилаар личинкалари; 9,10,11 – митти ниначилаар личинкалари;
12 – ниначи личинкасининг бош бўлими.

фаларга учеб кетиб, ҳавода күп вақт учеб юради ва камдан-кам үтларга құнади. Ниначиларни құниб турған вақтда энтомологик сачокда тушиш керак. Улар доира бўйлаб ёки түғри йұналишда учади. Шунинг учун учеб юрган ниначиларни „қувиб тутиб оламан“ дейиш кўпинча муваффақиятсиз туғайди.

Ниначиларни кузатиш

Дастлаб табиий шароитда жинсий вояга етган ниначилар устида кузатиш ишлари олиб борилади:

1. Учиб юрган ниначилар чивин, капалакларни ва бошқа ҳашаротларни қандай тутиб олади? Ниначи турларига ҳам эътибор беринг.

2. Құниб турған ниначиларга диққатни қаратинг: улар нималарга құнади ва қанча вақт туради. Құниб турған ниначиларнинг ҳаммаси ҳам қанотларини бир хил тутадими?

3. Ниначини тутиб олиб, лупада оғиз аппарати ва кўзчаларининг тузилишини кўриб чиқинг.

4. Ҳар хил турга мансуб бир нечта ниначини тутиб, морилкага солинг ва кейинги ишлар учун фойдаланинг. Ниначилар личинкаси устида қуйидаги кузатиш ишлари олиб борилади:

а. Сувли банкаларга ниначилар личинкасини типлари бўйича алоҳида-алоҳида жойлаштиринг, улар қандай нафас олади? Нафас олиш жараёнида гавдасида қандай ҳаракатлар рўй беради?

б. Барча личинкалар типи сувда үзини бир хил тутадими ва улар сувда қандай сузади?

в. Личинкали банкаларга майда сув ҳайвонлари: сув хўтиги, кунлик капалаклар личинкасини солинг ва уларнинг озиқланишини кузатинг.

г. Банкадаги сувдан личинкаларни олиб, бирор қуруқ идишга солинг, улар қандай ҳаракатланишини кузатинг.

5-ши. Сув чаёни, қандалалар ва сувўлчагичларни кузатиш

Сувўлчагич сувнинг юза қисмida яшайди. Уларни сув са-чоги билан тутиш керак. Сув чаёни эса, асосан, сув тубида учрайди. Сачокда сувни сузиб ёки сувўтларни ташқарига олиб чиқиб, кўзга кўринадиган ҳайвонлар йиғиб олинади.

Ҳайвонларни тутишдан олдин, улар устида кузатиш ишларини олиб бориш керак:

1. Сув юзасида юрган сувўлчагичларни кузатинг. Улар қайси морфологик-анатомик хусусиятларига кўра сувда яшай олади. Уларнинг озиқланиш механизмини аниқланг.

2. Сувўлчагичларни қуруқликка қўйиб юборинг. Улар қандай ҳаракатланади?

3. Йирикроқ сувўлчагични қўлингизга олиб, лупада унинг кўзчалари ва оғиз аппаратининг тузилишини ўрганинг.

4. Сув чаёни ва сув қандалалари устида ҳам шундай кузатиш ишларини олиб боринг.

6-иши. Сув қўнғизларини кузатиш

Сув қўнғизларининг кўпчилиги, асосан, сувўтлар орасида яшайди. Улар ҳаво кислороди билан нафас олиши туфайли вақт-вақти билан сув юзасига чиқиб туради. Шунинг учун уларнинг сувдан чиқишини кутиш ва сувдан чиқиши биланоқ, сачоқда тутиб олиш керак. Сувўтлар орасида яшайдиган қўнғизларни ва уларнинг личинкасини юқорида баён этилган усулда йиғиб олиш мумкин.

1. Табиий шароитда сув ҳавзаларидаги турли хил қўнғизларнинг ҳаракатини кузатинг.

2. Сувайлангич қўнғизнинг бир нечтасини тутиб, сувли банкага (албатта, сувўт солинган бўлиши лозим) солинг. Қўнғизлар ҳаракатида қайси аъзолари фаол иштирок этади?

3. Сув қўнғизлари ва уларнинг личинкаси йиртқич ҳисобланади. Банкага майда балиқча, ёмғир/чувалчангি, ҳашаротлар личинкасини ташланг. Қўнғизлар хулқ-атворини кузатинг.

4. Тирик ва ўлик сувайлангични қўлингизга олиб, лупада унинг оёқлари, кўзчаси ва бошқа аъзоларини текширинг. Қўнғиз нега ялтироқ ва ҳид тарқатади?

5. Худди шундай кузатиш ишларини йирик сувсевар ва унинг личинкаси устида ҳам олиб бориш мумкин.

7-иши. Чивинлар (анофелес ва кулекс)ни кузатиш

Баҳор ва ёз ойларида оқмайдиган кичик сув ҳавзалари (кўллар, ҳовузлар) ва жуда секин оқадиган сувлар қирғофида (1 м чуқурликда), ҳатто бочкалардаги сувда чивинларнинг жуда кўп сондаги личинкаси ва фумбаги учрайди. Тинч ҳолатда улар сув юзасида муаллақ туради. Худди шу вақтда уларни сув сачоғида йиғиб олиш керак.

Табиатда ва лаборатория шароитида чивинлар устида маълум кузатиш ишларини олиб бориш керак:

1. Чивинларни личинка ва фумбаклик даврида тутиб, лупада уларнинг тузилишини текширинг. Личинкалар боши йирик бўлиб, қора рангли иккита кўзчаси бор. Кўкрак қисми кенг, қорин қисми тор, охирги қорин бўғимида баргсимон ўсимталарап бўлади. Охирги қорин бўғимида кейингисида, оддий чивинларда (*Culex*), узун нафас олиш найчаси жойлашган, безгак чивинида (*Anopheles*) бу найчалар унча ривожланмаган бўлади. Фумбаклик даври вергулсимон кўринишда бўлади. Уларнинг бир-биридан фарқини ажратинг.

2. Лагерга яқин сув ҳавзасини текшириб, у ерда чивинларнинг қайси тури учрашини аниқланг ва лабораторияда кузатиш учун сувли банкага личинка ва фумбакларидан йиғиб олинг.

3. Сувли банкага личинка ва фумбакдан бир жуфтдан солинг, банкани стол устига қўйиб, личинка ва фумбакни қанча вақтдан кейин сувнинг юзасига чиқишини, сув юзасида қайси ҳолатда туришини ва нафас найчаларининг тузилишини кузатинг. Сувнинг тубига тушаётганида уларнинг ҳаракат қилишига эътибор беринг.

4. Кечкурун лампа ёндирилгандан кейин, деворга қўниб турган чивинлар қандай ҳолатда (деворга параллелми ёки перпендикуляр) эканлигини аниқланг. Оддий чивинлар буюмга қўниб турган гавдасини параллел кўринишда, безгак чивинлари эса деярли перпендикуляр ҳолатда тутади.

5. Жинсий етук чивинларни тутиб, лупада уларнинг оғиз аппарати ва қанотининг тузилишини текширинг.

6. Сувўтлар солинган банкаларга личинка ва фумбаклардан тушириб, уларнинг ривожланишини кузатинг. Неча кундан кейин қанотли чивинлар ҳосил бўлишини аниқланг. Ҳаво ва сувнинг ҳароратини ўлчаб бориш эсингиздан чиқмасин. Кузатишлар натижасини, албатта, кундалик дафтарга ёзиб боринг.



2- бүлім

ҮҚУВ-ДАЛА АМАЛИЁТИ ДАВРИДА УЮШТИРИЛАДИГАН ЭКСКУРСИЯЛАР

Экскурсия уюштириш тартиби, унда бажариладиган ишлар ушбу құлланманинг бириңчи бүлимида ёритілған. Үқитувчи үқув-дала амалиёти даврида хилма-хил мазмундаги бир неча экскурсия уюштиради. Экскурсия давомида ҳайвонларни үйиши, жонсизлантириш, фиксация қилиш, қуритиш, тахлаш, ёрлиқлаш, аниқлаш, сақлаш, яғни коллекция тузиш (тайёрлаш) гача бұлған барча ишларни үргатади. Талабаларнинг вазифаси экскурсия давомида үқитувчи томонидан баён қилинадиган материалларни диққат билан тинглаш ва үзлаштириш, табиатда кузатувчанлик малакаси ва құникмасини эгаллаш, кузатиш ишларини мустақил равищда амалга ошириш ва табиатда содир бўладиган ҳодисаларни тұғри тушуниб олишдан иборат бўлади.

Гурӯҳ тарзіда уюштириладиган экскурсиялар билан бир қаторда амалиёт даврида талабаларнинг индивидуал ҳолдаги мустақил ишларига ҳам катта эътибор бериш керак. Бунинг учун ёзги амалиётга құшымча равищда, умумий амалиётга боғлиқ бўлған маҳсус индивидуал мавзуларни (24-бетга қаранг) ҳам бажариш керак.

Биз қуйидаги экскурсиялар давомида бажариладиган ишларга доир методик кўрсатмаларни тавсия этамиз.

2.1. Очиқ ўтлоқ, адир ва яйловга экскурсия

Экскурсиянинг мақсади

1. Ҳашаротлар овланувчи түр халтани ишлатиш методикасини үрганиш.
2. Үсимликлар чангланишида ҳашаротларнинг ролини ва ҳашаротлар билан чанглануви энг қўп тарқалган үсимликларни аниқлаш.
3. Дала зааркунандаларининг асосий вакилларини аниқлаб, уларнинг микдорини белгилаш.
4. Далада учрайдиган умуртқасиз ҳайвонларни йигиш ва лаборатория ишларида уларни аниқлаш.

Экскурсия учун зарур жиҳозлар

Ҳашаротлар түр халтаси (сачок), морилка, лупа, пинцет, капалақларни тахлаш (сақлаш) учун қеракли конвертлар.

Куйида экскурсия давомида қилинадиган ишлар методикаси баён этилади.

Ўтлоққа йилнинг барча фаслида экскурсия уюштириш мумкин. Лекин ҳайвонлар энг кўп учрайдиган вақт—ўсимликлар қийғос гуллаган давр—апрель, май, июнь ва июль ойларидир. Бу вақтда ҳашаротлар тури, айниқса, кўп учрайди.

Ўтлоқларда турли хил ўсимликлар ўсади, шунга кўра, бу ернинг ҳайвонот дунёси ҳам ўзига хос бўлади. Асосан, тўғриқанотлилар, қўшқанотлилар, капалаклар, пардақанотлилар, қўнғизлар, ярим қаттиққанотлилар ва бошқалар кўпроқ учрайди. Ерда эса қўнғиз, қумурсқалар, ўргимчаклар ва бошқа ҳайвонлар ўрмалаб юрганини кўриш мумкин. Ҳайвонлар ахлатида эса гўнгхўр ҳашаротлар учрайди. Экскурсия давомида тошлар, ўсимликлар қолдиги ва бошқа буюмлар остида яшайдиган ҳайвонлар ҳам текширилади ва йиғиб олинади. Бундай жойларда, асосан, чаён, сольпуглар, кўпоёқлилар, ўргимчаклар, моллюскалар, қўнғизлар, шунингдек, ҳашаротлар тухуми ва фумбаклари учрайди. Юқорида таъкидланганидек, заҳарли ҳайвонлар пинцетда ушланиши лозим.

Ўтлоқларда хилма-хил ҳашаротлар учрайди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос тузилиши, йирик-майдалиги, ранги, ҳаракатлари, товуш чиқариши ва бошқа хусусиятларига кўра бирбиридан фарқ қиласи. Шунинг учун уларни бирданига йиғишига киришмай, табиий шароитда узоқ вақт кузатиш керак. Масалан, гуллаб турган чойёт, маврак ёки соябонгулли ўсимлишка (30–60 минут давомида) неча хил ҳашарот келиб қўнади, қўниш сони ва муддати (талаба қайси ўсимликни кузатишни ўзи танлайди) ва ҳоказо. Кузатишнинг иккинчи хил вариантида, аксинча, бир хил ҳашарот, масалан, капалакларнинг қайси бири бўлса ҳам, неча хил ўсимликка қўнади. Ана шундай кузатишларда ҳашаротларнинг биологик хусусиятлари ҳақида муҳим маълумот олинади.

Ўтлоқларда ҳар хил уй ҳайвонлари боқилади. Уларнинг ахлатида гўнгхўр қўнғизлар, пашибалар, уларнинг тухуми ва личинкаси учрайди. Бу ерда ҳам дастлаб кузатиш ишларини олиб бориш керак. Шундан кейин, аввало, гўнг устидаги ҳайвонлар (сачок ва пинцет билан), кейин унинг орасида яшовчилар ва гўнг остидаги тупроқда яшовчи ҳайвонлар йиғиб олинади. Шу нарсани эътиборга олиш керакки, гўнгхўр ҳайвонларнинг ҳаммаси табиат санитарлари, яъни фойдали ҳайвонлар ҳисобланади. Шунинг учун уларни ҳаддан ташқари кўп йиғишига маєлаҳат берилмайди.

Экскурсия давомида ҳайвонлар қўл пинцети ва тўр халта ёрдамида йигиб олинади.

Кузатиш учун зарур бўлган материал оғзи беркитиладиган шиша банкаларга солиниб, лагерга олиб келинади.

Куйидаги ҳайвонлар устида кузатиш олиб бориш мумкин: Бир нечта (3–5 литрли) банка олинади. 1-банкага 5–6 та тирик чаён; 2-банкага 2 та чаён ва 2 та фаланга; 3-банкага битта чаён ва битта кўпоёқли (лабоёқлиларнинг вакили); 4-банкага битта фаланга ва битта кўпоёқли; 5- банкага 2 та бешиктерватар ва бир нечта ари солинади. Бунда ҳайвонларнинг ўзаро муносабати кузатилади ва натижа талабаларда қизиқарли таассурот қолдиради.

Куннинг иккинчи ярмида 2–3 соат лаборатория машғулоти ўтказилиб, йигиб келинган материал қайта ишланади. Барча кузатишлар ва бажарилган ишлар кундаликка ёзиб борилади.

2.2. Тупроқда яшайдиган умуртқасиз ҳайвонларни ўрганиш бўйича экскурсия

Тупроқ қаттиқ жисмлар (тупроқ, қум, тош, шағал, туз), суюқ моддалар (сув ва бошқа моддалар) ва газлар (кислород, карбонат ангидрид, азот ва бошқалар) йифиндисидан иборат мураккаб система ҳисобланади. Унда сув ва ҳар хил газлар маълум қонуният бўйича ўз ифодасини топган. Бундан ташқари, тупроқда ҳар хил органик моддалар, ҳарорат ва намлиқ турлича бўлади. Бу хоссалари туфайли тупроқда турли-тумантирик организмлар яшави учун қулай шароит яратилади. Шунинг учун тупроқда бир ҳужайрали ҳайвонлардан тортиб,чувалчанглар, моллюскалар, бўғимоёқлилар ва ҳатто, умуртқали ҳайвонларгача яшайди.

Экскурсиянинг мақсади

1. Тупроқда яшайдиган ҳайвонларни ўрганиш ва йигиш усулларини ўзлаштириш.
2. Ҳар хил биотоплардаги тупроқда яшайдиган ҳайвонларни аниқлаш.
3. Тупроқда яшашга мослашган ҳайвонларнинг тузилиш хусусиятларини ўрганиш.
4. Тупроқнинг структураси ва намлигига боғлиқ ҳолда, ҳайвонларнинг вертикал жойлашиш қонуниятини белгилаш.
5. Тупроқда доимий яшайдиган айрим ҳайвонларнинг биологик хусусиятларини ўрганиш.

6. Тупроқда яшайдиган фойдали ва заарли ҳайвонларни (хўжалик нуқтаи назаридан) аниқлаш.

7. Тупроқда яшайдиган ҳайвонлар миқдори ва сифатини аниқлаб, маданий экинлар экиладиган далаларнинг тупроқ зааркунандалари билан заарланиш фоизини белгилашдан иборат.

Экскурсия учун зарур жиҳозлар

Белкуракча $1,5 \times 1,5$ м ли 4–5 та клеёнка ёки плёнка, рулетка ва метрли линейкалар, лупа ва пинцет, морилка ва пробиркалар.

Тупроқда яшайдиган ҳайвонларни йиғиш методикаси (14-бетга қаранг)

Лаборатория иши

Экскурсия давомида йиғилган ҳайвонлар систематик таксонлар бўйича аниқланади. Кўп учрайдиган ҳайвонларнинг ўзига хос тузилиши, биологияси, фойдали ёки заарли эканлиги кундаликда қайд этилади. Расми чизилади. Чувалчанглар, ҳашаротлар личинкаси, фумбаги ва бошқа умуртқасизлар фиксация қилинади.

Турли биотопларлаги тупроқда яшайдиган ҳайвонларга қиёсий тавсиф берилади.

2.3. Сув ҳавzasига экскурсия

Экскурсиянинг мақсади

1. Сув ҳайвонларини йиғиш методикасини тўлиқ ўрганиш.

2. Маълум бир сув ҳавзасини танлаб, унда яшайдиган ҳайвонлар тури таркибини аниқлаш.

3. Сувда яшайдиган ҳайвонларнинг сув муҳитига мослашган морфологик тузилиши ва биологик хусусиятларини ўрганиш.

4. Сув ҳайвонлари фойдали ёки заарли эканлигини (хўжалик аҳамияти бўйича) белгилаш.

5. Экологик (биотик ва абиотик) омилларга асосланиб, сув ҳавзаларидаги ҳайвонларнинг тарқалиш хусусиятини аниқлаш.

Сув ҳайвонларини йиғиш методикаси

Экскурсия ҳовуз, кўл, булоқ, сой, тез оқар дарёлар, сунъий каналлар ва ариқлар, сув омборлари ёки сув билан қопланган ботқоқликлар бўйлаб ўюштирилади. Сув ҳавзалари оқмайди-

ган, секин оқадиган ва тез оқадиган гурухларга бўлинади. Ана шу хусусиятларига кўра, улардаги ҳайвонлар турининг таркиби бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Шунинг учун экскурсия давомида имкони борича, ҳар хил сув ҳавзаларини текшириб кўриш керак. Натижада солиштириб ўрганиш учун қизиқарли материал тўпланади (15-бетга қаранг).

Сув ҳайвонларини ўрганишда тирик объектлар устида кузатиши ишлари олиб борилади.

2.4. Сабзавот ва полиз экинлари даласига экскурсия

Бошқа биотоплар каби, сабзавот ва полиз экинлари дала-сида ҳам ўзига хос ҳайвонлар бўлади. Бу ердаги экинлар – қовун, тарвуз, бодринг, ошқовоқ, карам, сабзи, пиёз, турп, редиска, помидор ва бошқалар ҳайвонлар учун озиқ манбаи ва яшаш маконидир. Улар ўсимликлар баргida, поясида, гулида, ҳосилида, илдизида ва ҳатто, улар ўсиб турган тупроқда ҳам учрайди. Бир гурух ҳайвонлар эса дала атрофида ўсган бегона ўтларда яшайди ва вакт-вақти билан полиз ва сабзавот экинларига ўтиб, катта зарар етказади.

Экскурсиянинг асосий мақсади талабаларни сабзавот ва полиз экинларида учрайдиган заараркунанда ҳайвонлар билан таништириш, кўп учрайдиган ва кенг тарқалган баъзи вакилларининг биологиясини ўрганиш, етказилган зарар даражасини аниқлаш ва заараркунандаларга қарши кураш чоралари билан таништиришдан иборат: экскурсияни ўтказишга доир тегишли жиҳозлар олинади.

Экскурсияга ҳаво очиқ қўёшли вақтда эрталабдан бориш мақсадга мувофиқ. Агар ҳаво исиб кетса, ҳашаротларнинг кўпчи учтиб кетади ёки қўёшдан яшириниб олади. Ишни бажариш тартиби ҳақида ўқитувчи қисқача йўлланма беради.

Сабзавот ва полиз экинларидаги заараркунандалар, асосан, қўлда териб олинади. Дастреб ўсимликларнинг гули, барги, поясидаги ҳайвонлар қўлда териб олиниб, морилка, пробирка ва банкаларга солинади, заараркунандаларнинг тухумини (айниқса, капалакларникини) эса пробиркаларга йиғиб олиш керак. Ўсимликларнинг заарарланган аъзолари алоҳида идишга йиғиб олинади. Дала атрофидаги бегона ўтларда учрайдиган ҳайвонлар сачокда тутилади. Тупроқда яшайдиган заараркунандаларни ҳам йиғиш керак. Сабзавот ва полиз экинларидаги заараркунандалар ҳисобини олиш бошқа ўсимликлардагига нисбатан анча қулай. Бунинг учун маълум территорияда ўсадиган ўсимликларнинг ҳар бирида учрайдиган заараркунанда-

шар ҳисоблаб чиқилади. Ўсимликлар сони 100 дан кам бўлмаслиги керак. Агар шунча тупда зааркунанда учрамаса 0 (ноль) сизлади. Шундан кейин ҳар бир туп ўсимликда учрайдиган зааркунандаларнинг ўртача миқдори аниқланади. Худди шу усулда ҳар бир зааркунанда хилини, масалан, карам капалаги қуртининг сонини аниқлаш мумкин. Материал йиғиш 1–2 соат давом этади. Шундан кейин ўқитувчи йиғилган материал асосида далада бажарилган ишларга яқун ясади.

Карам оқ капалагининг ривожланиши лабораторияда мустақил равишда кузатилади.

Лаборатория машғулотида талабалар йиғилган материални аниқлайди, заарланған ўсимлик аъзоларини қуритиш учун гербариј папкаларига жойлаштиради, фиксация қилиш, түшакчаларга жойлаштириш, монтировка ишлари бажарилади. Зааркунандаларга қарши биологик кураш чоралари тўғрисида атрофлича маълумот берилади.

2.5. Донли экинлар (буғдой, арпа, сули ва бошқалар) даласига экскурсия

Ўқув-дала амалиёти даврида талабалар, албатта, донли экинлар экиладиган далаларнинг умуртқасиз ҳайвонларини ўрганиши зарур. Буғдой, арпа, сули ва бошқа донли экинлар озиқ-овқат, ем-хашак учун, айниқса, тоғ ва тоғ ёнбагирларига кўпроқ экилади. Донли экинлар даласида ҳар хил бегона ўтлар ҳам ўсади. Бу биотопнинг ўзига хос хусусияти, асосан, галласимон ўсимликлар бўлиб, экинлар тупининг қалин жойлашишидир.

Экскурсия вақтида, асосан, ҳашарот тутиладиган тўр халталар муҳим роль ўйнайди. Қалин жойлашган экинзорларнинг микроиклами ўзига хос бўлади. Куёш иситиши натижасида ўсимликлар қаватида ва тупроқда ҳарорат кўтарилади. Ҳайвонларнинг жойдан-жойга кўчиши тезлашади. Жуда кўпчилик ҳайвонлар, асосан, фалланинг бошоқ қисмига тўпланади. Чунки бу ерда гул ва дон жойлашган.

Экскурсия давомида талабалар галла экинлари зааркунандаларининг хилма-хиллиги билан танишади, заарланган тупларни йиғади ва заарланиш даражасини аниқлайди.

Дастлаб кузатиш ишлари олиб борилади. Материал йиғишини даланинг четидан бошлаш керак. Чунки четда жойлашган экинлар кўп заарланган бўлиб, уларда ҳайвонлар ҳам кўп учрайди.

Фаллазор атрофидаги бегона ўтлар ва ҳайдалмаган ерлар турли-туман ҳайвонлар доимий сақланадиган макон ҳисобланади.

Экскурсия давомида бегона ўтларда учрайдиган ҳайвонларни ҳам ўрганиш керак.

Фалла экинларида учрайдиган заараркунандаларни ҳисоблаш қуйидагича олиб борилади: бир талаба экинзорга кириб, 50 метр масофада сачокни ишлатади (ўриш методи билан) ва кейин сачокни ерга қўйиб, аста-секин ундаги ҳайвонларни териб олади. Бир вақтнинг ўзида ҳайвонларнинг систематик гурухлари ва халтадаги сони ҳисобга олиб борилади. Бу иш бир неча марта такрорлангандан кейин, маълум бир хулоса чиқарилади.

Ҳисоблашнинг иккинчи варианти ҳам мавжуд. Бунда, аввало, маълум дала танланади. Кейин унинг ҳар жойидан 1 м² ўлчаб, шунча жойдаги ўсимликларда учрайдиган ҳайвонлар (кўзга қўринадиган йириклари) санаб чиқилади ва ёзib олинади. 10 та шундай намунадан ҳайвонлар зичлигининг ўртacha кўрсаткичи келиб чиқади.

Фалла экинларида, асосан, сўрувчи ва кемиравчи ҳашаротлар (ярим қаттиққанотлилар, қўнғизлар, тўғриқанотлилар, ширалар, қўшқанотлилар) кўп учрайди.

2.6. Мевали боғга экскурсия

Мевали боғларда олма, нок, ўрик, олча, гилос, дўлана, тоғолча, ёнғоқ, беҳи каби турли хил дараҳтлар ўсади. Бундай боғлар, айниқса, тоғ ва тоғ олди ёнбағирлардаги хўжаликлар ҳамда қишлоқларда кўп учрайди. Қадимий боғлардаги дараҳтларнинг ёши ҳам турлича бўлиб, ҳайвонот олами ниҳоятда хилма-хилдир.

Кейинги йилларда маълум мевалардан таркиб топган янги боғлар барпо этиш кенг жорий этилган. Жумладан, фақат олма экилган олмазор боғ, шунингдек, ўрикзор, ёнғоқзор, шафтоли ва беҳизор, анорзор, узумзор ва шунга ўхшашиб боғлар яратилмоқда.

Экскурсия вақтида боғларнинг барпо этилиши ва у ердаги мевали дараҳтларнинг хиллари ҳисобга олиниши керак. Чунки у ернинг ҳайвонот олами сифати ва миқдорига кўра, бирбиридан тубдан фарқ қиласи.

Мевали боғларга экскурсия уюштирилганда, у ерда учрайдиган ҳайвонлар қуйидаги усуулларда йиғиб олинади.

1. Дараҳтнинг танаси, новдалари, барглари, гули ва мевали яхшилаб кўриб чиқилади. Кўзга қўринган ҳайвонлар те-

гишли идишларга териб олинади. Шунингдек, буришиб қолған барглар, заарланган мевалар, шохчалар, пўстлоқ ва шунга ўхшаш қисмлар ҳам йифиб олинади.

2. Дараҳтни силкитиб, шохларини таёқ билан уриб, ундағи ҳайвонларни дараҳт остига тўшалган чойшаб ёки клеёнка-га тушириб, йифиб олинади (бу ишни эрталаб салқинда бажариш керак, агар кун исиб кетса, кўпгина ҳашаротлар учиб кетади).

3. Боғда учиб юрган ҳайвонларни сачокда тутиш, ўтларда учрайдиган ҳайвонларни йифиш.

4. Мевали дараҳтлар ўсиб турган боғ тупроғини ковлаб, учраган ҳайвонларни йифиш.

Экскурсия давомида ана шу боғда яшайдиган қушлар турини ҳисобга олиш ва улар қайси ҳашаротлар билан озиқла-нишини кузатиш мумкин.

2.7. Ўрмон (арчазор)га экскурсия

Ўрмонзорларнинг ўзига хос хусусияти, у ерда, асосан, турли-туман дараҳтлар ва бутасимон ўсимликлар бўлишидир. Бу ўсимликлар ярусларга бўлинади. Биринчи ярусни энг баланд дараҳтлар, иккинчи ярусни уларга нисбатан анча паст бўлган буталар ва учинчи ярусни ўт ўсимликлар ташкил этади. Ўрмон ўсимликларининг хилма-хиллиги, иқлимининг ўзига хослиги туфайли ҳайвонот олами ҳам ниҳоятда турли-туман бўлади. Ўрмонларнинг ҳайвонот олами турлари ва миқдори-нинг кўплиги жиҳатидан бошқа биотоплардан тубдан фарқ қиласи. Ҳайвонот олами, асосан, пардақанотлилар, тангақанотлилар, тўғриқанотлилар, қўшқанотлилар, бешиктерватарлар, қандалалар, қўнғизлар, шира битлари, ҳашаротларнинг турли хил личинкалари, шунингдек, йиртқич ва паразит ҳашаротлар (ниначилар, олтинкўз, хонқизи қўнғизи, яйдоқчилар ва бошқалар) ҳамда ўргимчаклардан ташкил топган. Дараҳтлар остига тўқилган барглар, шох-шабба ва шунга ўхшашлар орасида, тошлар остида эса захкашлар, чаёнлар, кўпоёқлилар, каналар ва сувараклар учрайди.

Ўрмон ҳайвонларини йифишдан олдин, турли мақсадлар бўйича белгиланган кузатиш ишлари бажарилади. Шундан кейин дараҳтларнинг барги, шохи, гули, меваси танаси ва пўстлогида учрайдиган ҳайвонлар териб олинади. Ўсимликларнинг куриб қолған шохлари ёки танаси болта ёки тешада кесиб, ёриб кўрилади, ёғоч орасида яшайдиган турли хил жониворлар тегишли идишларга жойлаштирилади.



3- бүлім

ПАРАЗИТ ҲАЙВОНЛАРНИ ҮРГАНИШ УСУЛЛАРИ

Умуртқасизлар зоологияси курсининг ўқув-дала амалиёти дастурида „Паразит ҳайвонлар ва уларни үрганиш усуллари“ мавзуси берилған. Талабалар билан дала амалиёти ўтилаётган тумандаги паразит ҳайвонларни үрганиш бўйича баъзи амалий машғулотларни ўтказиш мумкин.

Маълумки, ҳайвонлар типининг деярли ҳар бирида паразит организмлар учрайди. Демак, паразитизм табиатда кенг тарқалған ҳодиса бўлиб, уларни үрганиш назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Табиатда паразит ҳайвонлар кенг тарқалғанлигини қўидаги маълумотлардан яққол билиш мумкин. Содда ҳайвонларнинг фанга маълум бўлған 70000 туридан 6000–7000 таси паразитлик қилиб ҳаёт кечиради. Чувалчанглар орасида паразитлар ниҳоятда кўп учрайди. Трематодалар синфининг 4000 дан ортиқ тури, моногенетик сўрғичиларнинг 2500 тури, лентасимонларнинг 3500 тури, акантоцефалларнинг 500 тури ва нематодаларнинг 7000 дан ортиқ тури одам, ҳайвонлар ва ўсимликларда паразитлик қилиб, турли касалликларни келтириб чиқаради. Бўғимоёқли ҳайвонларнинг 100000 га яқин тури паразит ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳайвонларнинг фанга маълум 2 миллиондан ортиқ турининг тахминан 123 мингга яқини паразит организмлардир.

Ушбу рисолада паразит чувалчанглар, яъни гельминтлар ҳақида фикр юритилади. Талабалар гельминтларнинг тухуми ва личинкасини-аниқлаш, оралиқ хўжайинини үрганиш ва муайян паразитларни йифиш усуллари билан таниширилади.

3.1. Гельминтларнинг тухумини аниқлаш

Текширилаётган ҳайвонлар орасида паразит чўвалчанглар бор-йўқлигини ёки қандай хил чувалчанглар учрашини аниқлаш учун дастлаб уларни ахлати орқали текшириб кўрилади. Тухумини аниқлашда бир неча хил усул кўлланилади.

Шулардан энг қулайи ва кенг тарқалгани Фюллеборн усулидир. Бу усулга кўра, ҳайвон тезагидан 3–5 г олиб бирор стаканга солинади ва бир қисм тезакка 20 қисм ош тузининг


тўйинган эритмаси қўшилади (бундай эритма 1 литр сувга 380 г ош тузи солиб қайнатиб тайёрланади ва совиганда ишлатиласди). Шундан кейин тезакни шиша ёки ёғоч таёқча билан майдалаб аралаштирилади. Кейин аралашма дока ёки симтўрда бошқа тоза стаканга сузилади ва 30–40 минут тиндирилади. Натижада солиштирма оғирлиги тўйинган ош тузи эритмаси никидан паст бўлган нематодалар ва лентасимон чувалчангларнинг тухуми эритма юзига қалқиб чиқади. Сўнгра эритманинг юқори қавати силлиқ илмоқ ёрдамида буюм ойнасига йиғиб олинниб (томчи тариқасида) микроскопда кўрилади (12-расм). Тухумларнинг шакли, йирик-майдалиги ва бошқа белгиларига кўра, тахминан ҳайвонларда паразитлик қилувчи гельминтларнинг хиллари аниқланади.

Маълумки, Фюллеборн усулида барча гельминтларнинг, масалан, трематодаларнинг тухумини аниқлаб бўлмайди, чунки трематодалар тухумининг солиштирма оғирлиги тўйинган ош тузи эритмасиникидан юқори бўлганлиги учун улар эритма юзасига чиқмайди. Шунинг учун трематодалар тухуми иккинчи усуlda, яъни тухумни чўқмага тушириш усулида (кетма-кет ювиш билан) аниқланади. Бу усул қўйидагича: тахминан 5–6 г тезак олиб стаканга солинади. Унинг устига оз миқдорда сув қўшилади, ҳосил бўлган суюқ аралашма сим тўрда ёки докада бошқа стаканга сузилади ва стакан сув билан тўлдирилади. Эритма 2–3 минут тиндирилгандан сўнг юқориги суюқ қисми бошқа идишга қўйиб олинади. Чўкманинг устига яна сув қўйилади. Тиниқ суюқлик ҳосил бўлгунча бу иш бир неча марта тақорланади. Олинган чўкмадан буюм ойнасига (пипетка ёрдамида) қўйиб ёки Петри ликопчасига қўйиб микроскопда текширилади.

3.2. Гельминтларнинг личинкасини Берман-Орлов усулида аниқлаш

Берман-Орлов усули гельминтларнинг ҳаракатчан личинкасини тезакдан сувга чиқариб, чўқмага туширишга асосланган. Берман тупроқда яшайдиган нематодалар личинкасини топиш ва аниқлаш учун, Орлов эса мол тезагидаги гельминтларнинг личинкасини топиш учун мазкур усулни тавсия этишган. Бу усул қўйидагича: юқори томонининг диаметри 8–10 см бўлган воронка олиб, унинг охирги қисмига 10–15 см узунликдаги резина найча кийдирилади. Резина найчанинг учига

12-расм. Гельминтларни тухуми ва
личинкасини йигиш учун
құлланиладиган жиҳозлар.



эса пробирка кийдирилади. Воронқага симтүр қўйиб штативга ўрнатилади (12-расм). Гельминтлар личинкасини аниқлаш учун воронқага текшириладиган 10–15 г тезак солинади ва устига сув қўйилади. Бир неча (2–7) соатдан кейин тезакдан чиққан личинкалар пробирка тубига чўқади. Кейинчалик пробирка резина найчадан ажратиб олинади ва ундағи суюқликдан соат ойнасига томизиб ёки Петри ликопчасига қўйиб, бинокуляр ва микроскопда текширилади. Берман-Орлов усулида бир йўла бир неча ўнлаб намуна текширилади.

3.3. Гельминтларнинг оралиқ хўжайинини текшириш

Маълумки, лекция ва лаборатория машгулотларида паразит ҳайвонлар ҳақида фикр юритилганда, уларнинг ривожланиш циклида турли хил ҳайвонлар иштирок этиши тўғрисида маълумот берилади. Паразитлар ривожланиш циклини охирiga етказиш учун бир, икки ва ундан кўп хўжайнинда яшайди. Шунга кўра, уларнинг охирги (дефинитив), оралиқ, қўшимча ва резервуар хўжайини бўлади. Паразитларнинг ривожлана-

ииш циклида хилма-хил хўжайинлар иштирок этиши, улар ўз авлодини табиатда сақлаб қолиши ва тезроқ тарқалиши учун максимал имконият яратади. Паразитнинг жинсий кўпайиши қайси организмда ўтса, ўша организм паразит учун охирги ёки дефинитив хўжайин ҳисобланади. Оралиқ хўжайинда паразитнинг личинкалик босқичи ёки жинссиз кўпайиши амалга ошади. Қўшимча хўжайин, аслида иккинчи оралиқ хўжайин бўлиб, унда паразит ривожланишининг маълум босқичи ўтади. Резервуар хўжайин паразитнинг тарқалиш доирасини кенгайтиради.

Умуртқасиз ҳайвонлар орасида гельминтларнинг оралиқ хўжайини сифатида моллюскалар (чучук сувларда ва қуруқликда яшайдиганлари), қисқичбақасимонлар (циклоплар, дафниялар, ёнсузарлар ва сув хўтиги), ҳашаротлар (ниначилар, қўшқанотлилар, қўнғизлар ва чумолилар (турли босқичи), орибатид каналар, ҳалқаличувалчанглар муҳим ўрин эгаллади. Улар морфологик ва анатомик тузилиши, яшаш шароити, экологик хусусиятлари жиҳатидан турлича бўлиб, уларни гельминтологик текшириб кўриш усувлари ҳам бир-биридан фарқ қиласди.

Моллюскаларнинг қуруқликда ва чучук сувларда ҳаёт кеширадиган турлари мавжуд. Табиий шароитда моллюскалар ҳар хил трематода личинкалари билан зааррланади. Ўзбекистонда ҳозиргача моллюскаларнинг 30 дан ортиқ турида гельминтлар личинкаси топилган. Уларни гельминтологик текшириш учун даставвал чифаноқлари олиб ташланади. Бунинг учун моллюскани иккита буюм ойначаси орасига қўйиб сиқилади, сўнгра майдаланган чифаноқ парчалари териб ташланади. Ажралиб қолган шилиққурт танаси микроскопда қаралади. Агар гельминт личинкалари бўлса, аниқ кўринади.

Қисқичбақасимонлар (циклоп, дафния, ёнсузар ва бошқалар) кўл, ҳовуз, сой, дарё ва бошқа чучук сув ҳавзаларида ҳаёт кечиради. Улар ҳар хил ҳайвонлар ўртасида, айниқса, паррандалар орасида гельминтлар тарқалишида катта ўрин тутади. Масалан, ёнсузарларнинг 54% паразит личинкалари билан зааррланганлиги қайд қилинган.

Қисқичбақасимонларнинг танаси, кўпинча, ўта кўринувчан (тиник) бўлиб, улар танасидаги гельминт личинкалари кўзга ташланиб туради. Шунинг учун уларни ушлаган заҳоти (яхшиси тирик ҳолда) бинокуляр лупа ёки микроскопда текшириш керак. Ёки тутилган жоноворлар иккита буюм ойнаси орасида бир оз сиқилади, парчалантган қисқичбақасимонлар танаси микроскопда кўрилади. Бундан ташқари, масалан, қуруқлик-

да яшовчи захкаш (мокрица)ларнинг бир нечтасини соат ой-начасига қўйиб, физиологик эритмага (озгина ош тузи қўшилган қайнатилган сув) бирин-кетин парчалагич иғналар ёрдамида уларнинг танасини бўлакларга бўлиб, майдаланади. Ажралиб чиққан гельминт (аконтоцефаллар, цестода ва нематодаларнинг) личинкаси, одатда, яхши кўринади.

Орибатид каналар ер юзида сони жиҳатидан энг кўп тарқалган жониворлар бўлиб, 1 м² тупроқда (тупроқнинг юза қаватида) 37000 тагача учрайди. Ўзбекистонда орибатид каналарнинг 40 дан ортиқ тури қайд қилинган. Уларнинг катталиги 0,2–1 мм дан ошмайди. Бу каналар кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ингичка ичагида яшайдиган цестода-мониезийларнинг оралиқ хўжайини ҳисобланади. Мониезий личинкалари ни топиш учун буюм ойнасига орибатид каналардан қўйиб, бир томчи сув томизилади ва лупа остида парчалагич ниналар билан каналар майда қисмларга бўлинади. Сўнгра иккинчи ойна билан устини ёпиб, микроскопда текширилади.

Қаттиққанотлилар (қўнғизлар), қўшқанотлилар, пардақанотлилар, тўғриқанотлилар, ниначилар ва бошқалар гельминтларнинг оралиқ хўжайини сифатида ҳайвонлар орасида гельминтоз қасалликларини энг кўп тарқатувчи ҳашаротлар ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳозир ҳашаротларда топилган гельминт личинкаларининг тури 100 дан ортиқ бўлиб, улардан 3 тури трематодаларни, 21 тури цестодаларни, 6 тури акантоцефаллар ва 70 дан ортиқ тури нематодаларни ташкил қилади. 150 дан ортиқ тур қўнғизлар гельминт личинкаси билан заарланганлиги аниқланган. Улардан топилган гельминт личинкаларининг тури 70 дан ортиқдир.

Ҳашаротлардаги гельминт личинкаларини аниқлаш қўйида-гича олиб борилади: қўшқанотлилар туркумига мансуб қон сўрувчи ва яловчи (турли пашшалар, чивинлар, исқаптопарлар), пардақанотлилар туркумининг вакили—чумолилар (фақат қорин қисми)ни иккита буюм ойнаси орасига қўйиб сиқилади ва майдаланган тана микроскопда текширилади. Юқорида танишиб ўтилганлардан ташқари, яна гельминтларнинг кўргина оралиқ хўжайинини (иккипаллали моллюскалар, ниначилар, сўналар, чигирткалар) ва шу кабиларни текшириш мумкин.

3.4. Ҳайвонларни К.И.Скрябин усулида тўлиқ гельминтологик ёриш

Ўқув-дала амалиёти I-II курс талабалари билан биргаликда ўтказилади. II курс талабалари умуртқали ҳайвонлар,

яъни балиқлардан то сутэмизувчиларгача бўлган барча вакилларни ўрганади. Бу, демак, умуртқали ҳайвонлар (балиқлар, сувда ва куруқда яшовчилар, судралиб юрувчилар, кушлар ва сутэмизувчилар)да паразитлик қилувчи экто (ташқи) ва эндо (ички) паразитларни ўрганишга катта қулайлик яратади. Амалиёт вақтида талабалар ҳар хил қушлар, товушқон ва баъзан тулкиларни отиб келишади. К.И.Скрябин усули ҳайвонларнинг гельминтларини териб олишга бағишиланган. Бу усулга кўра, ҳайвонларнинг барча аъзолари ёки айрим аъзоларини тўлиқ ёриб, унда учрайдиган гельминтлар териб олинади.

Дастлаб нобуд бўлган ҳайвоннинг танаси (ташқи томони) текширилади, сабаби танада ҳар хил эктопаразитлар (каналар, битлар, бургалар ва бошқалар) бўлиши мумкин. Улар маҳсус идишларга йифиб олинади. Шундан кейин тери тилиниб, тери ости тўқималари қўздан кечирилади. Сўнгра навбат билан аввал қорин бўшлиғи, кейин қўкрак қафаси очилиб, у ердаги аъзоларнинг ҳар бири алоҳида идишларга (тофора, коса, товоқ, челак, кюветка, банка, стакан ва бошқаларга) солинади. Ҳазм қилиш аъзолари: қизилўнгачи, ошқозони, ингичка, йўғон, тўғри ичаклари, ошқозон ости бези, жигари бирбиридан ажратилиб, алоҳида идишларга солинади ва кейин улар алоҳида ёрилади. Кейинчалик ҳар бир идишга (иш бошлашдан олдин) сув солиб, аъзолар қайчи билан узунасига кесилади, буюм ойнаси билан унинг шиллиқ пардалари ҳам қирилади. Сўнгра орган ҳам шу идишда ювилади ва аралашма масса 5–10 минут тиндирилади. Кейин сувнинг юқори қисми аста-секин тўкилади ва қолган чўкмага қайтадан сув қуйиб, чўкма тиниқ ҳолга келгунча такрорий ювилади. Сўнгра чўкманни бинокуляр микроскоп, лупа ва оддий микроскопда текшириб, унда учрайдиган гельминтлар териб олинади.

Жигар оқ клюветкага солинади. Идишга сув қуйилгач, қайчи билан ўт пуфаги ва ўт йўли кесилади, кейин жигар қўл билан майдалаб эзилади, такрор ювиб олингач чўкма, текширилади.

Ошқозон ости безини қўл билан майдалаб эзгандан кейин такрор ювиб текширилади.

Нафас олиш аъзолари трахея, бронхлар узунасига ёриб кўрилади, ўпка ҳам майдаланади. Сувда ювиб, чўкманни текшириб, мавжуд паразитлар йифиб олинади. Мия (бош ва орқа мия) майдада бўлакларга бўлиб текширилади.

Юрак ва қон томирлари физиологик эритмада ёрилади. Худди шу усулда ҳар бир орган текширилади ва уларда учрайдиган паразитлар йифиб олинади.



4-бүлім

УМУРТҚАСИЗ ҲАЙВОНЛАРНИНГ АСОСИЙ СИСТЕМАТИК ГУРУХЛАРИ


4.1. БУЛУТЛАР ТИПИ – SPONGIA

ОДДИЙ БУЛУТЛАР СИНФИ – DEMOSPOONGIA

1. Бодяга булути – *Spongilla lacustris* L.

Бу булат барча чучук сувларда (ховуз, күл, сой, булоқ, дарёларда) учрайди. Колония бўлиб яшайдиган ўтроқ ҳайвон. Колониясининг шакли сув биотопларининг хилига қараб ҳар

хил бўлади. Масалан, секин оқадиган сувларда булатнинг колонияси дараҳтсизмон бўлиб, шохчаларининг узунлиги 20 см гача етади. Тез оқадиган сувларда эса ўсимлик пўстлоғига ўхшаш шаклда бўлади. Бодяга жинссиз ва жинсий йўл билан кўпаяди. Сувни танасидан ўтказиши орқали озиқланади ва нафас олади. Сув ҳавзаларини тозалашда (биофильтраща) фаол қатнашади. Бодяганинг майдаланган скелетидан бодкасаллигини даволашда фойдаланилади.




4.2. КОВАКИЧЛИЛАР ТИПИ – COELENTERATA

ГИДРОЗОЙЛАР СИНФИ – HYDROZOA

ГИДРАЛАР ТУРКУМИ – HYDRIDA

2. Гидралар

Чучук сувларда гидраларнинг 7–8 тури учрайди. Улар 5–20 мм катталикда бўлиб, турлари, ранги, танаси ва пайпаслагичларининг йирик-майдалиги ва шаклига қараб бир-биридан фарқ қиласи. Гидралар ўсимликларга бой, тоза ва тиник сув ҳавзаларида яшайди. Улар сув ўтларга («төвон» и билан) ёпишиб ҳаёт кечиради. Гидралар майда жониворлар, баъзан ўзи-



дан йирик чувалчанглар ва ҳашаротларнинг личинкаси билан озиқланади.

Чучук сувларда қўнғир гидра (*Hydra vulgaris*), яшил гидра (*Hydra viridis*) ва кулранг гидра (*Hydra grisea*) кенг тарқалган.

4.3. ЯССИ ЧУВАЛЧАНГЛАР ТИПИ –PLATHELMINTHES КИПРИКЛИ ЧУВАЛЧАНГЛАР СИНФИ – TURBELLARIA УЧ ШОХЛИЛАР (ПЛАНАРИЯЛАР) ТУРКУМИ – TRICLADIDA

Планарияларнинг танаси майда киприкчадар билан қопланган бўлиб, серҳаракат ҳайвонлар. Чучук сувларда уларнинг 100 дан ортиқ тури борлиги аниқланган. Улар тоза сувларда ҳар хил субстратга ёпишиб ҳаёт кечиради. Планариялар йиртқич ҳайvon бўлиб, майда қисқичбақасимонлар, моллюскалар ва бошқа ҳайвонлар билан озиқланади.

Ўзбекистондаги чучук сувларда асосан тўғри ичакли ва уч шохли ичаклилар туркумларининг вакиллари: оқ планария (*Dendrocoelum lacteum*), қўнғир планария (*Planaria torva*) ва кўпкўзли қора планария (*Polycladis nigra*)лар кенг тарқалган.



3. Оқ планария – *Dendrocoelum lacteum*

Бу чувалчанг сутсимон оқ планария ҳам деб аталади. Узунлиги 15–26 мм, эни 6 мм га тенг. Танасини қоплаб турган тери–мускул халтаси жуда ҳам тиниқ рангда бўлгани учун, агар планария рангли озиқ истеъмол қилса, ичакдаги ана шу рангли озиқ нурдай кўриниб туради.

4.4. ЮМАЛОҚ ЧУВАЛЧАНГЛАР ТИПИ – NEMATHELMINTHES

ҚИЛЧУВАЛЧАНГЛАР СИНФИ – NEMATOMORPHA

4. Сув қилчувалчанги – *Gordius aquaticus*

Бу чувалчанг чучук сувларда яшайди. Танаси узун, баъзан бир метрдан ҳам ошади, жигарранг қилга ўхшайди. Жуда камҳаракат чувалчанг. Танасининг охири айрига ўхшаш иккига ажралган. Тұхымдан чиққан личинкалари бир оз вақт сувда ёки нам жойларда яшаб, сұнгра ҳашаротлар (одатда, уларнинг сувдаги личинкаси) танасига кириб паразитлик қиласи. Куруқда яшовчи ҳашаротлар эса заарланған ҳашаротларни еб, қилчувалчангларни ўзига юқтиради. Личинкалар озиқланиб, анча ривожлангач, ҳашарот териини тешиб чиқади ва жинсий вояга етгач, тухум қўйиб кўпаяди.

Ўзбекистонда чучук сувларда тарқалган.

4.5. ҲАЛҚАЛИ ЧУВАЛЧАНГЛАР ТИПИ – ANNELIDA

КАМҚИЛЛИ ЧУВАЛЧАНГЛАР СИНФИ – OLIGOCHAETA

5. Ёмғир чувалчанги – *Lumbricus terrestris*

Ёмғир чувалчанг табиатда кенг тарқалган ҳайвонлардан бири бўлиб, ҳаёти деярли бутунлай тупроқ ичидаги ўтади. Ран-


ги қизил, құнғир-қорамтири бүлади. Танасининг олдинги ярмида белбоғи (муфтаси) бор. Ҳар бир сегментида 4 жуфтадан майда қылчалар бүлади. Чувалчанглар тунда фаол ҳаёт кечиради. Улар тупроқдан ер юзасига чиқиб, озиқ модда сифатида ҳар хил үсімликлар қолдигини инига ташиб киради ва уларни истеъмол қилиб чириндига айлантиради. Ерни 2 метр чукурликкача ковлаб, үзига ин ясады. Чувалчанглар тупроқнинг унумдорлигини оширади ва структурасини яхшилайды.

Ёмғир чувалчангларининг табиатдаги роли үзига хос. Улар тупроқ унумдорлигини ошириши билан бирга, унда сув ва ҳаво сақланиб туришини таъминлайды ва структурасини яхшилайды. Турли-туман умуртқали ҳайвонлар бу чувалчанглар билан озиқланади.

Ёмғир чувалчанглари гельминтоз касалликлари тарқалишида бевосита иштирок этади. Улар 2–3 йил умр кўриши аниқланган. Ўзбекистонда ҳамма жойда учрайди.

*6. Қизил чувалчанг – *Tubefex tubefex**

Танасининг узунлиги 40–60 мм, қизил тусда, чучук сув ҳавзаларида кенг тарқалган. Ҳатто энг ифлос ҳовуз ва күл сувларида ҳам яшайды. Баъзан шунчалик қўпайиб кетадики, 1 м² жойда 100000 тагача учрайди. Биологиясининг энг характерли хусусияти танасининг ярмини лойга ботириб, иккинчи ярмини тўхтовсиз ҳаракатлантириб туришидир. Тубифекслар сувдаги чириндиларни истеъмол қилиб, сув ҳавзаларини тозалайди.



6

ЗУЛУКЛАР СИНФИ – HIRUDINEA

Зулуклар ҳовуз ва кўл, булоқ, сой ва дарёлар, денгиз ва океан сувларида, баъзан эса қуруқликда яшайды. Ҳозирги вақтда фанда зулукларнинг 400 дан ортиқ тури маълум бўлиб, улар кўпинча ҳайвонларнинг қонини сўриб эктопаразитлик ёки йиртқичлик билан ҳаёт кечиради. Яшаш муҳити уларнинг ташқи ва ички тузилишига катта таъсир этган. Жумладан, уларнинг танаси дорзовентрал йўналишда сезиларли даражада яссилашган, терисида үсімталар бўлмайди, танасининг олдинги ва охирги учидан биттадан сўргичи бўлади.

Зулуклар хўжайини танасига ёпишиб, жағлари ёрдамида терисини тешади ва қонини сўради. Сўлагида гирудин ферменти борлиги туфайли, жароҳатдан узоқ вақт давомида қон оқиб туради.

Зулукларнинг нафас олиш органлари йўқлиги сабабли, гавда юзаси орқали нафас олади. Сувда тўлқинланиб ҳаракат қилганда, сув циркуляцияси тезлашиб, нафас олишини енгиллаштиради.

Зулуклар гермафродит ҳайвонлар бўлиб, асосан жинсий йўл билан кўпаяди. Maxsus тери безлари суюқлигидан ҳосил бўлган пилласини сув тубига, сувўтларга ёки қирғоқдаги нам тупроққа қўяди.

Зулуклар синфи 2 та кенжа синфга бўлинади:

1. Қадимги зулуклар – *Archihirudinea* кенжа синфи
2. Ҳақиқий зулуклар – *Euchirudinea* кенжа синфи

Жағли зулуклар оиласи – *Gnathobdellidae*

*7. Тиббиёт зулуғи – *Hirudo medicinalis* L.*

Ганасининг узунлиги 15–20 см гача бўлиб, елка (дорзал) томони тўқ қўнғир ва яшил тусда, ундан тана бўйлаб тўрт қатор тўқсариқ рангли чизиқлар ўтган, вақт-вақти билан сиртигининг ранги ўзгариб туради. Кейинги сўрғичи олдингисига нисбатан йирик. Тиббиёт зулуғи унча катта бўлмаган сув ҳавзаларида яшайди. Жуда ҳаракатчан. Умуртқали ҳайвонларга, айниқса, бақалар ва қорамолларга ташланиб, қонини сўради. Баҳорда нам тупроққа пилла қўяди (битта пилласида 20 тагача тухум бўлади). Орада 4–5 ҳафта ўтгач, пилладаги тухумлардан узунлиги 7–8 мм ли ипсимон личинкалар чиқади. Личинкалар учинчи йили жинсий вояга етади. Маълумотларга кўра, тиббиёт зулуғи 20 йилгacha яшайди. У одамга ҳам ташланиб қонини сўради. Бундай вақтда зулукни теридан куч билан юлиб олиш мумкин эмас. Зулук ёпишган жойга озгина туз сепилса, спирт ёки йод суртилса, унинг ўзи тезда тушиб кетади.

Бу зулук қадимдан халқ табобатида, яъни қон томирлари касалликлари: гипертония, склерознинг бошланғич давлари, инсультнинг олдини олишда ва бошқа касалликларни даволашда фойдаланиб келинади. Шунинг учун тиббиёт зулуғи маҳсус кўпайтирилади.

*8. Катта сохта от зулуғи – *Haemopis sanguisuda* L.*

Бу зулук унча катта бўлмаган турли хил сув ҳавзаларида кенг тарқалган бўлиб, танасининг узунлиги 15 см гача етади.



Ранги қора, елка томонида рангли дөглари бор. Ёшига қараб тузи ўзгариб туради. Жағлары тиббиёт зулугиникига нисбатан ривожланмаган. От зулуғи қон сүрмайды, лекин ниҳоятда йиртқич ва хұра бўлиб,чувалчанглар, моллюскалар, ҳашаротлар личинкаси ва ҳатто амфибияларнинг сувдаги личинкаси билан озиқланади. Кўпайиш ва ривожланиши тиббиёт зулугиникига жуда ўхшаш.

9. Кичик соҳта от зулуғи – Herpobdella octoculata

Секин оқадиган, ўсимликларга бой сувларда яшайди. Ўсимликлар ва тошларга ёпишиб ҳаёт кечиради. Танасининг узунлиги 4–6 см, ранги құнғир-қора, қорин томони эса очиқяшил тусда, танасининг икки ён томонидан (узунасига) сарық рангли лентасимон чизиқ ўтган. Танасининг олдинги учида 4 жуфт күзчаси бор. Қон сўришга мослашмаган, йиртқичлик билан ҳаёт кечиради.

Туркистон зулуғи – Limnatus turkestanica Plot

Бу зулук ҳар хил сув ҳавзаларида тарқалган. Одам сув ичганды ўтади (айниқса ёш личинкалари), бурун бўшлиғи ва томоқ деворларига ёпишиб қон сўради ва қаттиқ зарар етказади.

4.6. МОЛЛЮСКАЛАР ТИПИ – MOLLUSCA

ҚОРИНОЁҚЛИЛАР СИНФИ – GASTROPODA

Илмий адабиётлар маълумотига кўра, Ўзбекистонда қорин-оёқли моллюскаларнинг 100 дан ортиқ тури учрайди. Уларнинг кўпчилиги турли хил сув ҳавзаларида яшайди.

Сувда яшайдиган моллюскалар – тувалоқлар оиласи- *Lumnaidae*

Limnaeus obliquatus – оқмайдиган сувлардаги сувұтлар орасыда яшайды.

Limnaea lagotis – сиқиқ тувалоқ, ҳамма сув ҳавзаларида учрайди.

Limnaea auricularia – қулоқли тувалоқ, ҳар хил сув ҳавзала-рида учрайди.

Limnaea ovata – овал тувалоқ, сув омборларида яшайды.

Galba truncatula – кесикли тувалоқ, ҳовуз, құл, ариқ, булоқ ва бошқа сув ҳавзаларида кенг тарқалған.

Фалтаксимонлар оиласи – *Planorpidae*

Planorbis subangulatus – құлларда ва сунъий сув ҳавзаларида учрайди.

Planorbis nitidus – ялтироқ фалтаксимон, ботқоқликларда яшайды.

Planorbis giaber – құлларда тарқалған.

Planorbis planorbis – ҳошияли галтаксимон, ҳовуз, құл, сойларда ва бошқа сув ҳавзаларида учрайди.

Gyraulus laevis – түнкарилған фалтаксимон, ариқ, ҳовузларда ва шолипоя сувларида яшайды.

Физалар оиласи – *Physidae*

Physa acuta – пұфакли физа, ариқларда ва шолипоя сувла-рида учрайди.

Physa fontinalis – оқмайдиган сувларда учрайди.

Қалпоқчалар оиласи – *Ancylidae*

Ancylus lacustris – дарё косачаси, секин оқадиган ёки оқмайдиган сувларда тарқалған.

Acroloxus lacustris – құл косачаси, секин оқадиган ёки оқмайдиган сувларда тарқалған.

Шаровкалар оиласи – *Sphaeridae*

Pisidium casertanum – ариқ, сой ва ҳовуз сувларида тез-тез учраб туради.

Pisidium subtruncatum – сунъий сув ҳавзаларида учрайди.

-*Pisidium nitidum* – сой сувларида яшайды.

Pisidium obliquatum – ариқ ва ҳовуз сувларида яшайди.

Яланғоч шилимшиқ моллюскалар, айниқса, нам жойларда күп тарқалган. Улар тупроқ ичида ўтлоқларда, боғлар, сабзавот ва полиз экинлари орасида, күп йиллик бегона ўтлар орасида, дараҳтлар пўстлоғида ва тўқилган барглар орасида яшайди.

Уларнинг ўзига хос белгиси чифаноғи бўлмаслигидир. У редукцияланган. Бош қисмида 2 жуфт (4 та) пайпаслагичи бўлиб, юқориги жуфти – узун пайпаслагичлари учидаги кўзчалари жойлашган. Пастки жуфт пайпаслагичлари лабларида ўрнашган бўлиб, уларда кўз бўлмайди. Мускулли оёқлари нинг асосида кўп суюқлик чиқарадиган безлар бўлади. Шилимшиқ моллюскалар ана шу безлари ишлаб чиқарган суюқлик ёрдамида сирғаниб ҳаракатланади. Очиқ ҳавода шилимшиқ безнинг суюқлиги қуриши натижасида ялтироқ изқолади.

Шилимшиқ моллюскалар жинсий йўл билан кўпаяди. Намлиқ кўп бўлган йиллари битта индивид 500 тагача тухум кўяди. Орадан 2–3 ҳафта ўтгач тухумдан ёш моллюскалар чиқади ва улар қишигача жинсий вояга етиб тухум қўйишга ҳам улгуради. Моллюскаларнинг тухуми, личинкаси ва жинсий вояга етган шакллари қишлийди. Ҳаво совуқ ва қурғоқчилик бўлса, улар камайиб кетади.

Шилимшиқ моллюскалар ўсимликлар билан озиқланади ва деҳқончиликка катта зарар етказади. Ўзбекистонда ток шилиққуртларининг қуйидаги турлари учрайди.

Шилиққуртлар оиласи – *Limacidae*

Parmacella olivieri – сабзавот ва полиз экинлари далаларида тарқалган зааркунанда.

Parmacella korschinskii – маданий экинларга зарар етказади.

Parmacella kainarensis – асосан сабзавот ва полиз экинлари зааркунандаси ҳисобланади.

Parmacella roseni – экин майдонларида учрайди, полиз ва бедага зарар етказади.

Parmacella kaznokowi – нам жойларда яшайди.

Parmacella levanderi – бодлар ва сабзавот экинларининг хавфли зааркунандаси.

Agriolimax agrestris – Туркистон шилиққурти, карам, лавлаги, бодринг каби экинларга зарар етказади.

ИККИ ПАЛЛАЛИ МОЛЛЮСКАЛАР СИНФИ – LAMELLBRANCHTA

Садафлилар, яъни тишсизлар оиласи – Unionidae

Anodonta sp – тишсиз, дарё ва кўлларнинг тиниқ сувида яшайди.

Корбикуллар оиласи – Corbiculidae

Corbicula flumihalis – ариқларда учрайди.

Corbicula minita – ариқ сувларида яшайди.

4.7. БЎГИМОЁҚЛИЛАР ТИПИ – ARTHROPODA

Бўғимоёқлилар умуртқасиз ҳайвонлар орасида турли муҳит шароитида яшашига мослашган ҳайвонлар бўлиб, турлари сонининг кўплиги бўйича қолган барча ҳайвонлар типининг турларини қўшиб, ҳисоблаганда ҳам, биринчи ўринда туради. Илмий адабиёт маълумотларига кўра, бўғимоёқлилар 3 миллион турдан иборат. Улар денгиз ва океанларда ҳамда чучук сув ҳавзаларида, тупроқда, айниқса, ер юзининг қуруқлик қисмida кенг тарқалган. Бўғимоёқлиларнинг 100 мингга яқин тури паразитлик қилиб ҳаёт кечиради.

Бўғимоёқлилар морфологик-анатомик тузилиши, озиқланиши, нафас олиши, кўпайиши, ривожланиши, экологияси ва биологик хусусиятларига кўра, ниҳоятда хилма-хил ҳайвонлардир.

Бўғимоёқлилар типи 4 та кенжа типга бўлинади.

1. Жабра билан нафас олувчилар – Branchiata кенжа типи.
2. Трилобитсимонлар – Trilobitomorpha кенжа типи.
3. Хелицералилар – Chelicerata кенжа типи.
4. Трахеялилар – Tracheata кенжа типи.

4.8. БЎГИМОЁҚЛИЛАРНИНГ СИНФЛАРИ ВА ТУРКУМЛАРИНИ АНИҚЛАШ ЖАДВАЛИ

- 1.(6). Бошида мўйловлари бор.
- 2.(3). Оёқлари доим 7 жуфтдан ортиқ, танаси, одатда, чўзилган, айрим вакилларида бирмунча кенгайган ва калта бўлиб, ҳар хил кўрйнишдаги бўғимлардан ташкил топган. Бўғимларида бир ёки икки жуфт оёқлари бўлади.

Кўпоёқлилар – Muriapoda синфи

- 3.(2). Оёқлари 3 жуфт ёки 7 жуфт бўлади. Танаси бош ва бўғимили, ўсимталари – оёқлари жойлашган кўкрак 5 қисмдан иборат.

4.(5). Оёқлари 7 жуфт. Танаси яссиланган, қаноти йўқ.

Қисқичбақасимонлар – Crustacea синфи

5.(4). Оёқлари 3 жуфт, танаси хилма-хил шаклда бўлиб, кўпчилигининг қаноти бор.

Ҳашаротлар – Insecta синфи

6.(1). Бошида мўйловлари йўқ. Боши кўкраги билан қўшилиб кетган бўлиб, бўғимларга бўлинмаган бош кўкракни ҳосил қиласди. Оёқлари 4 жуфт.

Ўргимчаксимонлар – Arachnida синфи

Кўпоёқлилар кенжасинфи ва туркумларини аниқлаш жадвали

1.(2). Майда (1–2 мм), 9 жуфт оёқли кўпоёқлилар. Мўйловлари иккига шохланган. Тупроқнинг юза қатламида ва тўкилган барглар остида ҳаёт кечиради.

Пауроподалар – Paurotopoda кенжасинфи

2.(1). Нисбатан йирик (2 мм дан катта) ҳайвонлар. Оёқлари 11 жуфтдан ортиқ. Мўйловлари кўпинча бир шохчали.

3.(4). Танаси 5-сегментидан бошлаб, ҳар бир сегментда 2 жуфт оёғи бор. Уларнинг ҳар бири 8–9 та бўғимдан иборат.

Икки жуфт оёқлилар – Diplopoda кенжасинфи

4.(3). Тана сегментларида бир жуфтдан оёғи бор. Мўйловлари 10 ва ундан ортиқ бўғимдан ташкил топган.

5.(12). Жуда йўғонлашган биринчи жуфт оёқларининг уни ўткир қайрилган бўлиб, қармоқсимон жағоёқларга айланган. Имаго даврида оёқларининг сони 15 жуфтдан 109 жуфтгача боради.

Лабоёқлилар – Chilopoda кенжасинфи

6.(7). Танаси узун ва ингичка, 30 жуфтдан ортиқ оёғи бор. Оддий ва мураккаб фасеткали кўзчалари бўлмайди.

Геофилидалар – Geophilida туркуми

7.(6). Оёқлари 23 жуфтдан ошмайди. Оддий ва мураккаб кўзчалари бўлади.

8.(11). Охирги жуфт оёқлари танасидан калтароқ. Оддий кўзчалари бор.

9.(10). Оёқларининг сони 21 жуфтдан 23 жуфтгача бўлади.

Сколопендралар – Scolopendrida туркуми

10.(9). Оёқлари 16 жуфтдан ошмайди.

Костянкалар – Lithobiida туркуми

11.(8). Охирги жуфт оёқлари танасидан узунроқ. Қолган оёқлари ҳам жуда узун бўлиб, осон синувчан. Сохта фасеткали кўзчалари бор.

Пашшатутарлар – Scutigerida туркуми

12.(5). Биринчи жуфт оёқлари бошқаларидан фарқ қилмайди. Имаго даврида 12 жуфт оёғи бўлади. 8 мм дан ошмайдиган майда, нозик, кўзчалари йўқ кўпоёқлилар бўлиб, кўп бўғимли мўйлови бор. Нам тупроқда, тошлар остида, дараҳтлар пўстлоғида яшайди.

Симфиллар – Symphyli туркуми

Ўргимчаксимонлар туркумларини аниқлаш жадвали

1.(2). Қорин бўлими 13 бўғимли бўлиб, олдинги ва кейинги қоринга бўлинади.

Чаёнлар – Scorpiones туркуми

2.(1). Қорин бўлими 11 бўғимли бўлиб, олдинги ва кейинги қисмларга бўлинмайди. Педипальлари қисқичли.

Сохта чаёнлар – Pseudoscorpiones туркуми

3.(4). Педипальлари юрувчи оёқقا айланган.

4.(3). Кўкрак ва қорин бўлими бўғинларга бўлинган.

Сольпуглар, яъни фалангалар – Solifugge туркуми

5.(6). Педипальлари юрувчи оёқقا айланмаган.

6.(7). Кўкрак ва қорин бўлими яхлит, оёқлари узун ва ингичка.

Пичанўрарлар – Opiliones туркуми

7.(8). Қорин бўлими бўғимларга бўлинмаган.

8.(7). Танаси бошкўкрак ва қоринчадан иборат бўлиб, ўзаро ингичка пояча билан бириккан. Қоринчанинг учидаги тўр ипини ҳосил қилувчи сўгаллар бор.

Ўргимчаклар – Aranei туркуми

9.(10). Танаси яхлит, поясаси йўқ.

10.(9). Хелицера ва педипальпари ўзаро қўшилиб, сўрувчи орган – хартумга айланган.

Каналар – Acarida туркуми

Ҳашаротларнинг етук даврида кенжা синфлари ва муҳим туркumlарини аниқлаш жадвали (С.А.Муродов, 1986; О.Мавлонов, 1988).

1.(8). Қанотлари йўқ. Генитал олд қорин бўғимининг пастидаrudiment шаклида оёқ ўсимталари бўлади. Генитал олд ўсимталари бўлмаса, қорин бўлимидан охирида 3 та дум иплари бўлади. Кичик ёки жуда ҳам кичик ҳашаротлар.

Тубан, яъни бирламчи қанотсизлар – Apterogota кенжা синфи

2.(7). Мураккаб кўзчалари йўқ. Оғиз органлари санчиқ-сўрувчи ёки кемирувчи типда, бош қутиси ичига шунчалик тортилиб жойлашганки, ташқаридан унинг факат учки қисми кўринади. Қорнининг кейинги бўғимида доим тоқ бўғимли дум ўсимтаси бўлади. Церкаси бор ёки бўлмайди.

Инфра синф–яширин жағлилар – Entognatha

3.(4). Мўйлови йўқ. Биринчи жуфт оёқлари бошқаларига нисбатан узунроқ. Биринчи учта қорин бўғимида қисқа бир ёки икки бўғимли жуфт ўсимталари,rudimentар қорин оёқлари бор. Церкаси йўқ.

Протуралар, яъни мўйловсизлар – Protura туркуми

4.(3). Мўйловлари бор. Биринчи жуфт оёқлари бошқаларига нисбатан узун эмас.

5.(6). Қорин бўғимлари б тадан кўп эмас. Улар баъзан ёки доим қўшилиб кетган. Биринчи қорин бўғимида узун найчаси, охирги бўғимида сакровчи ўсимтаси бор.

Подуралар, яъни оёқкумлилар – Podura туркуми

6.(5). Қорин бўлими 10 та бўғимдан ташкил топған. Охирги бўғимида омбурсимон калта ёки узун кўп бўғимли жуфт ипсимон ўсимтаси–церкаси бор.

Диплуралар, яъни иккидумлилар – Diplura туркуми

7.(2). Мураккаб кўзчалари бор. Оғиз аъзолари кемирувчи типда бўлиб, бош қутиси ёркин жойлашган, ичига тортилмаган.

Инфра синф–тизанурсимонлар – Thysanurata

- 0.(0). Қорин бўлими 10 та бўғимдан ташкил топган. Қорнининг пастида биттадан 8 тагача грифилкалари бор. Танаси, одатда, тангача билан қопланган.

Тизанурлар – Thysanura туркуми

- 8.(1). Қанотлари турли даражада ривожланган ёки бўлмайди. Агар қанотлари бўлмаса, генитал олд қорин бўғимда ўсимталар ва дум иплари йўқ. Кичик ёки катта ҳашаротлар.

Олий, яъни қанотли ҳашаротлар – Pterugota кенжা синфи

- 9.(10). Оғиз аппарати редукцияланган. Орқа қанотлари олдингисига нисбатан калға ёки бўлмайди. Оёқ панжалари 5 бўғимли, баъзан 1-2 бўғимли. Қорнининг устки томонида 2-3 та узун ва ингичка кўп бўғимли иплари бор.

Кунлилар – Ephemeroptera туркуми

- 10.(9). Оғиз аппарати яхши ривожланган, кемирувчи типда. Орқа қанотлари олдинги қанотларидек бир хил узунликда. Оёқ панжалари 3 бўғимли. Қорнининг тепасида калта, бўғимларга бўлинмаган 2-4 та аналь ўсимтаси бор.

Ниначилар – Odonata туркуми

- 11.(54). Қанотлари ривожланган, 2 жуфт, баъзан бир жуфт.
- 12.(37). Оғиз аппарати типик кемирувчи типда, юқори ва пастки жағлари яхши ривожланган. Қанотлари кўпинча ҳар хил тузилишда, агар бир хил типда тузилган бўлса, унда икқала жуфти ҳам тўрсимон ва боши тумшуққа ўхшаш бўлади.
- 13.(28). Қорнининг тепа томонида турли даражада ривожланган жуфт церкалари, урғочисида ва қўпинча эркакларининг 9-стернитида жуфт грефилкалари бор.

Ортонteroидлар – Orthopteroidea бош туркуми

- 14.(15). Церкаларининг шакли ўзгартмаган, жуда катта, қаттиқ, омбурсимон, ҳашаротлар ўртача катталикда ёки ундан каттароқ, узунлиги 5-10 мм.

Тери қанотлилар – Dermaptera туркуми

- 15.(14). Церкаларининг шакли ўзгартмаган, катта омбурсимон эмас.

- 16.(17). Олдинги оёқлари бошқа оёқларига нисбатан узунроқ, қамровчи (тутувчи) типда. Күкрак олди юмалоқ ва узунчоқ.

Бешиктерватарсимонлар – Mantoptera туркуми

- 17.(16). Олдинги оёқлари қамровчи (тутувчи) типда эмас.
- 18.(19). Боши юраксимон, устки томонидан күкрак олди бўғимининг қоплағичи билан қопланган. Танаси нисбатан калта, япалоқ, оёқлари югурувчан, панжалари 5 бўғимили.

Сувараксимонлар – Blattoptera туркуми

- 19.(18). Боши юраксимон эмас, юмалоқ ёки учбурчак шаклда, эркин жойлашган. Танаси унча калта эмас.
- 20.(21). Танаси жуда ҳам чўзилган, тайёқчасимон, цилиндричесимон ёки баргсимон, оёқ панжалари 5 бўғимили. Танаси йирик, 70 мм узунликда, кам ҳаракат.

Чўпсимонлар – Phasmatoptera туркуми

- 21.(20). Танаси деярли чўзилган эмас. Оёқ панжалари 5 бўғимдан кам.
- 22.(23). Олдинги бир жуфт оёқларининг биринчи бўғими жуда ҳам йўғон. Унда тола тўқийдиган безлари жойлашган, оёқлари юрувчи, панжалари уч бўғимили. Қанотлари пардақанот. Танаси узун (10–15 мм), цилиндричесимон шаклда. Тошлар ва дараҳтлар пўстлоғи орасида учрайди.

Эмбийлар – Embioptera туркуми

- 23.(23). Олдинги жуфт оёқларининг биринчи бўғими йўғонлашмаган. Олдинги ва орқа жуфт қанотлари тўрсимон, жуда кўп ёпиқ катакчали.
- 24.(25). Қанотлари ҳар хил типда, олдинги қанотлари пишиқ, терисимон уст қанотга айланган. Лекин томирлари аниқ кўринади, орқа қанотлари нозикроқ, тўрсимон. Кейинги оёқларининг сони жуда ҳам сакровчи типда ёки олдинги оёқлари қазувчи типда. Церкалари аниқ кўринади.

Тўғри қанотлилар – Orthoptera туркуми

- 25.(24). Қанотлари бир хил типда, орқа оёқлари сакровчи типда эмас.

26.(27). Олдинги ва орқа қанотлари узун, бир хил катталиқда. Церкалари 1–8 бўғимли, аниқ сезилмайди. Жамоа бўлиб ҳаёт кечиради. Кўпчилик индивидларида қанот бўлмайди. Жинсий полиморфизмга эга.

Термитлар – Isoptera туркуми

27.(26). Олдинги қанотлари орқа қанотларига нисбатан камбар ва узун, орқа қанотлари елпифисимон шаклда тахланади. Оёқлари югурувчи типда, панжалари уч бўғимли, баъзан қисқарган. Ҳашаротнинг катталиги ўртача (қанотларини ёйганда 10мм дан 50 мм гача бўлади), танаси бироз ясси. Сув ҳавзалари ёнида учрайди. Личинкалари сувда яшайди.

Баҳорикорлар – Plecoptera туркуми

28.(13). Қорнида церка, тухум қўйич, грифелькалар йўқ.

29.(32). Қанотлари ҳар хил: олдинги жуфти шохсимон ёки жуда ҳам редукцияланган, кейинги жуфти нозикроқ, пардақанот.

Колеоптероидлар – Coleopteroidea бош туркуми

30.(31). Олдинги қанотлари томирланмаган, қаттиқ, қўпинча шохсимон, нисбатан катта, қорин қисмининг устини (қисман бўлса-да) қопловчи бўлиб, қанот устлиги ёки элитрага айланган. Орқа қанотлари тўрсимон бўлиб, тинч турганда қанот устлиги остига йифилади.

Қаттиқ қанотлилар, яъни қўнғизлар – Coleoptera туркуми

31.(30). Эркакларининг олдинги қанотлари жуда ҳам редукцияланган бўлиб, тўғнағисимон ўсимтага айланган, орқа қанотлари катта, тўрсимон, елпифисимон. Урғочилари қанотсиз, личинкасимон.

Елпифич қанотлилар – Sthepsiptera туркуми

32.(29). Қанотлари бир хил, тўрсимон, иккала жуфти бир хилда ривожланган, баъзан кейинги жуфти деярли ривожланмаган.

Неуроптероидлар – Neuropteroidea бош туркуми

33.(36). Мўйлови қўзлари олдида жойлашган. Оёқ панжалари 4–5 бўғимли, 3- ва 4-бўғимлари кенгайган, икки япрақли.

34.(35). Күкрак олди нормал узунлиқда, калта, 4-панжа бұғи-ми кенгайған. Қанотлари птеростигмасиз, қорамтироқ. Урғочиларининг тухумқүйгічи йўқ. Ҳашарот ўрта-ча катталиқда (узунлиги 8–15 мм), кенг қанотли, сув ўсимликлари орасида учрайди. Личинкалари сувда яшайди.

Катта қанотлилар, яъни эшкак қанотлилар – *Negaloptera* туркуми

36.(34). Олд күкрак бўлими бошқалардан узунроқ. Панжаларининг 3-бўғими кенгайған. Қанотлари птеростигмали, тиник. Урғочиларининг узун тухумқүйгічи бор. Ҳашарот ўртача катталиқда (8–12 мм) бўлиб, дараҳтларда яшайди. Личинкалари йиртқич, пўстлоқ остида яшайди.

Бўталоқлар – *Raphidioptera* туркуми

36.(33). Мўйлови қўзлари орасида жойлашган. Панжалари 5 бўғимли, улардан бирортаси кенгаймаган.

Тўрқанотлилар – *Neuroptera* туркуми

37.(12). Оғиз аппарати санчувчи-сўрувчи, яловчи, кемириб яловчи ёки типик кемирувчи типда. Оғиз аппарати кемирувчи типдаги ҳашаротларда иккала жуфт қаноти ҳам бир хилда пардасимон, тангачасиз ёки тангачали, қорни осилувчан ёки поячали бўлади.

38.(45). Оғиз аппарати санчувчи-сўрувчи типда ёки кемиришга мослашган. Агар кемирувчи типда бўлса, унда боши тумшуқقا ўхшаб, пастга тортилмаган. Оғиз аппарати санчувчи-сўрувчи бўлган турларида пастки жаф ва пастки лаб пайпаслагичлари ривожланмаган.

Гемиптероидлар – *Hemipteroidea* бош туркуми

39.(40). Оғиз аппарати санчувчи – сўрувчи типда.

40.(43). Пастки лаби узун бўғимли хартумча ҳосил қилган. Тинч ҳолатда танасининг остига қайрилган. Жаг ва лаб пайпаслагичлари йўқ.

41.(42). Хартумчаси бошининг олдинги қисмига ёпишган. Агар қанотлари устма-уст бўлиб, ёпилиб турса, унда орқа оёқлари сузувчи типда бўлади. Олдинги қанотлари асосан зич жойлашган, қанот ўзаги терисимон, учи эса пардасимон.

Ярим қаттиқ қанотлилар, яъни қандалалар – Hemiptera туркуми

42.(41). Пешонаси бошининг пастки қисмида. Шу сабабли хартумчasi бошининг олдинги қисмидан четроқда ва баъзан унинг орқа қиррасидан йўналганга ўхшаб қолган. Олдинги қанотлари ёппасига қаттиқ, кейингиларига ўхшаш пардасимон, тинч турганда устма-уст тахланиб, қорнининг устки ён томонларини ёпиб туради.

Тенг қанотлилар – Homoptera туркуми

43.(40). Пастки лаби узун бўғимли хартумча ҳосил қилмайди. Оғиз аппарати санчиб-сўрувчи типда тузилган. Жағ ва лаб пайпаслагичлари ривожланган. Қанотлари энсиз, кўндалант кетган томирлари йўқ. Фақат 1–2 та бўйлама кетган томирлари бор. Қанотининг шокилага ўхшаш тукчалари бор. Панжалари 1–2 бўғимли, учи пуфакли. Жуда майда ҳашаротлар.

Трипслар, яъни пуфак оёқлилар – Thysanoptera туркуми

44.(39). Оғиз аппарати кемирувчи типда. Юқориги жағлари ривожланган, пастки лаби бирозrudиментлашган. Боши катта, кўзлари бўртиб чиққан. Мўйлови узун, қилсимон, 12–50 бўғимли. Қанотлари пардасимон бўлиб, томирлари буралган. Тинч турганда, устма-уст бўлиб тахланади. Майда ҳашаротлар.

Пичанхўрлар – Psocoptera туркуми

45.(38). Оғиз аппарати сўрувчи, санчиб-сўрувчи, қирқиб сўрувчи, яловчи, кемириб яловчи, кемирувчи ва мослашган кемирувчи типларда. Охирги типдаги ҳашаротларнинг боши тумшуққа ўхшаб чўзилган. Агар оғиз аппарати санчиб-сўрувчи типда бўлса, қанотлари бир жуфт бўлади. Оғиз аппарати типик кемирувчи типда бўлган ҳашаротларнинг қанотлари бир хил типда ва пардасимон, тўрсимон эмас.

Мекоптероидлар – Mecopteroidea бош туркуми

46.(47). Оғиз аппарати кемиришга мослашган, баъзи турларида санчиб-сўрувчи типга ўтган. Боши қушлар тумшуғига ўхшаб пастга эгилган. Қанотлари бир хил, узун ва ингичка, айрим жойи қисқа ва сийрак тукчалар билан

қопланган, құниб турғанда елка томонига йиғилиб туради. Баъзи турлари эркакларининг қорин қисми (4–5 бүғимли) чаён думига ўхшайды.

Чаёңсімон пащалар – *Mecoptera* түркүми

- 47.(46). Оғиз аппарати сұрувчи, саншиб-сұрувчи, қирқиб-сұрувчи, яловчи, ялаб-кеми्रувчи ёки типик кемириувчи типда.
- 48.(51). Қанотлари пардасимон, томирлари ораси тукчалар ёки тангачалар билан қалин қопланган.
- 49.(50). Қанотлари тукчалар билан қалин қопланган. Оғиз аппарати яловчи ёки санчувчи типда, күпинча юқориги жағининг бошланғич куртаги бўлмайди. Пастки жағ пайпаслагиши доим 3–5 бўғимли. Ҳашаротнинг каттаги ўртача ёки кичик, узунлиги 1,5–2,5 мм. Таşқи кўриниши капалакка ўхшайди. Қанотлари нисбатан энсииз.

Булокчиликтар – *Trichoptera* түркүми

- 50(49). Қанотлари ва танаси тангачалар билан қопланган. Оғиз аппарати сұрувчи типда, күпинча хартумчаси спиралга ўхшаш буралган. Жағ пайпаслагиchlари йўқ ёки яҳши ривожланмаган. Баъзан хартумчаси йўқ. Жуда ҳам кам ҳолатда юқориги жағлари ривожланган бўлади.

Капалаклар, яъни тангақанотлилар – *Lepidoptera* түркүми

- 51.(48). Қанот пардасидаги томирлар ораси туксиз ёки сийрак тукчали.
- 52.(53). Қанотлари, одатда, икки жуфт. Оғиз аппарати кемириувчи ёки кемириб яловчи типда. Оёқ панжалари 5 бўғимли. Агар қанотлари бир жуфт бўлса ёки үмуман бўлмаса, унда қорни осилувчан ёки поячалидир.

Пардақанотлилар – *Hymenoptera* түркүми

- 53.(52). Қанотлари бир жуфт ёки бутунлай йўқолган. Қорни кўкрагига ботиб зич жойлашган. Оғиз аппарати яловчи, саншиб-сұрувчи, қирқиб-сұрувчи типларда, баъзан редукцияланган. Оёқ панжалари 2–5 бўғимли.

Кўшқанотлилар – *Diptera* түркүми

- 54.(11). Қанотлари йўқ ёки жуда қисқарган, тўлиқ ривожланмаган.

55.(55). Оғиз бўлаги хартум шаклида. Хартумчаси бўғимларга бўлинмаган, жағ ва пайпаслагичлари ривожланмаган. Оёқ панжалари 1–2 бўғимли, йирик битта тирноқли. Танаси ясси, кўпинча кулранг. Паразит ҳашаротлар.

Битлар – *Anoplura* туркуми

56.(55). Оғиз аппарати санчиб-сўрувчи ёки кемирувчи типда.

57.(58). Оғиз аппарати кемирувчи, кўпчилигида кемириб-яловчи бўлиши ҳам мумкин. Кўзлари редукцияланган ёки йўқ. Мўйлови калта, 3–5 бўғимли. Танаси 0,5–11 мм, ясси, боши катта. Олдинги елкаси узун, ўрта ва орқа елкаси, яъни кўкрак бўғимлари бир-бирига қўшилиб кетган. Иссиқ қонли ҳайвонларнинг ташқи паразити.

Патхўрлар – *Mallophaga* туркуми

58.(57). Оғиз аппарати санчиб-сўрувчи типда бўлиб, мураккаб пастки лаб пайпаслагичи филофининг ичидаги жойлашган учта санчувчи найча ҳосил қилувчи стилетлардан ташкил топган. Танаси ён томондан қаттиқ сиқилган, елка томони қорин томонига нисбатан анча ингичка. Мўйлови калта, уч бўғимли. Оёқлари сакровчи ва беш бўғимли. Сут эмизувчи ҳайвонлар ва қушларда паразитлик қилиб, хавфли касалликлар қўзгатувчи микроорганизмларни ташиши мумкин.

Бургалар – *Aphoniptera* туркуми

4.9. ЖАБРА БИЛАН НАФАС ОЛУВЧИЛАР КЕНЖА ТИПИ – BRANCHIATA

ҚИСҚИЧБАҚАСИМОНЛАР СИНФИ – CRUSTACE.

Қисқиҷбақасимонлар деярли бутунлай сув ҳайвонлари бўлиб, барча сув ҳавзаларида айниқса денгизларда кенг тарқалган. Куруқликда ҳаёт кечиравчи ва паразитлик қилиб яшовчи вакиллари ҳам бор.


Сув ҳавзаларида қисқиҷбақасимонлар кенг тарқалган. Улар сувнинг таги ва сув қаъри бўйлаб яшайди. Баҳор ва ёз ойларидаги жуда ҳам кўпайиб кетади. Улар сувдаги ҳар хил органик чириндиларни истеъмол қилиш билан ўzlари бошқа сув ҳайвонлари (айниқса балиқлар) учун озуқа манбай ҳисобланади. Турли хил чучук сув ҳавзаларида ён сузарлар, дафния ва циклоплар кенг тарқалган.

10. Оддий дафния – *Daphnia pulex*.

Сарғишроқ тусли бұлиб, танаси 4–5 мм га тенг. Сув ҳаваларида көнг тарқалған. Үзига хос тузилишга эга, ривожланған антенналари иккита шохли бұлиб, патсимон түкчалар билан қолланған. Антенналари ёрдамида силкиниб ҳарақатланади. Шуниңг учун улар сув „бургалари“ деб аталади. Балиқлар учун түйимли озиқ ҳисобланади. Атайлаб күпайтирилади.

11. Ёнсузар – *Gammarus lacustris*

Ёнсузарлар сой, күл, булоқ, ариқ ва дарё сувларыда яшайди. Ранги оқиши, иккі ён томонидан анча яссиланған. Бөш ва дум қисми қорни томонига букилған бұлиб, ён томони билан ҳаракат қиласы. Улар күпинча тошлар, сувдаги үсімлік қолдиклари остида ва сув үтлары орасыда яшириниб ҳаёт кечираади. Улар асосан үсімліклар билан озиқланади. Агар овқат мөдаси етишмаса ўлган ҳайвонларнинг қолдикларини ейди, баъзан йиртқичлик ҳам қиласы. Ёнсузарлар айрим жинсли



бўлиб, фақат жинсий йўл билан кўпаяди. Тухумдан чиқсан личинкалар бир хил ривожланмайди. Шунинг учун популяцияда ёнсузарларнинг ҳар хил босқичларини учратиш мумкин. Қишида сувнинг остиқи қисмидаги лойларга кўмилиб яшайди.

12. Циклоплар – *Copepoda*

Циклоплар туркумининг ҳозирги вақтда 7500 дан ортиқ тури фанга маълум. Бош қисмida сегментларга ажralмаган, кўкракда 5 та ва қорин қисмida 4 та бўгини бўлади. Бош қисмida 5 жуфт ўсимталари бўлиб, улардан биринчи жуфти узун, асосан ҳаракат қилишини таъминлайди. Циклопларда битта кўз бўлади. Шунинг учун даниялик олим Мюллер бу ҳайвонни циклоп (грекча), яъни бир кўзли жонивор деб атаган. Жабралари йўқ, бутун гавда юзаси билан нафас олади. Айrim жинсли. Кўп турларида урфочилари тухумларини маҳсус қопчага жойлаб, жинсий тешикларига ёпишириб, уларни личинка чиқсанга қадар олиб юради.

13. Сув хўтиги – *Asellus aquaticus*

Сув хўтиги ўсимликлар чириндиси кўп бўлган сув ҳавзалирида сувнинг энг пастки қатламида учрайди. Уларнинг ранги кўкиш-кўнгир бўлиб, яшаб турган жойининг рангига жуда мос. Шунинг учун душмандан осонгина қутулади. Бу ҳайвоннинг характерли хусусияти, агар уни ушламоқчи бўлинса, қорин қисмини үзидан ажратиб ташлайди. Кейинчалик уни яна тиклай олади.

Сув хўтигининг катталиги 10–13 мм бўлиб, гавдаси тўлиқ бўғимларга бўлинган. Биринчи жуфт мўйловлари яхши ривожланган. Сув хўтиги ўсимликлар чириндиси билан озиқланади. Қорин қисмининг охирги жуфт оёқлари асосида жойлашган жабралари билан нафас олади.

4.10. ХЕЛИЦЕРАЛИЛАР КЕНЖА ТИПИ – CHELICERATA

Хелицералиларнинг танаси бош-кўкрак ва қорин қисмдан иборат. Бош-кўкраги еттита сегментнинг қўшилишидан ҳосил бўлган. Унда 6 жуфт ўсимта жойлашган. Биринчи жуфт ўсимтаси *хелицера* деб аталади ва у озиқни майдалаш ҳамда эзиш вазифасини, иккинчи жуфт ўсимтаси (педипальп) сезиш ва баъзан тутиш вазифасини бажаради. Қолган 4 жуфти юрувчи оёқлардан иборат.

Хелицералиларнинг 70 000 дан ортиқ тури бор.

Бу кенжा тип қўйидаги синфларга бўлинади:

1. Қиличдумлилар синфи — Xiphosura
2. Қисқиңбақачаёнлар синфи — Euríptera.
3. Ўргимчаксимонлар синфи — Arachnida.

4.11. ЎРГИМЧАКСИМОНЛАР СИНФИ – ARACHNIDA

Ўргимчаксимонлар қуруқликда яшашга ўтган ҳайвонлар бўлиб, бош қисмида мўйловлари бўлмайди. Бош-кўкрак бўлимидаги 6 жуфт ўсимтанинг 2 жуфти – хелицера ва педипальплар озиқни ушлаш, майдалаш ва ҳазм қилишда иштирок этади, қолган 4 жуфти юриш оёқлари ҳисобланади. Ўргимчаксимонлар ўпка ва трахея орқали нафас олади. Бу синф 7 та туркумдан иборат.

ЧАЁНЛАР ТУРКУМИ – SCORPIONES

Чаёнлар энг қадимий ва иссиқсевар ҳайвон бўлиб, ҳозирги вақтда уларнинг 700 га яқин тури маълум. Ўзбекистонда 8 тури учрайди. Чаёнлар гавдасининг узунлиги ўртacha 5–10 см дан 20 см гача бўлади (тропик мамлакатларда яшовчилари).

Чаёнлар чўл, ярим чўл, тоғ олди ва денгиз сатҳидан 3–4 минг метр баланд тоғли зоналарда тарқалган. Кемирувчилар уясида ва тошлар остида, баъзан аҳоли истиқомат қиласидаги эски биноларда яшайди. Баҳор ва ёз ойларида ниҳоятда серҳарақат бўлиб, тунда фаол ҳаёт кечиради. Улар тунда ов қиласиди. Ўлжасини педипальплари билан маҳкам ушлайди ва йирик ҳайвон бўлса, бир неча марта нишини саншиб, заҳарлаб ўлдиради, кейин хелицералари билан майдалаб истеъмол қиласиди. Чаёнлар ўргимчаклар, кўпоёқлилар, ҳар хил ҳашаротлар ва уларнинг личинкаси, баъзан калтакесаклар ҳамда сичқонлар билан озиқлашади. Улар узоқ вақт (1–1,5 йилгача) оч яшай олади.

Чаёнларнинг кўпайиш биологияси ўзига хос. Эркаклари сперматозоидини маҳсус халтачага (сперматофорага) жойлаб, субстратга ёпишириб қўяди ва кейин урғочиларини сперматофорага томон йўналтиради. Сперматофоралар урғочиларининг жинсий тешигига тушгач (эркаклари тароқсимон ўсимталари ёрдамида киритади) уругланиш содир бўлади. Чаёнларнинг маълум қисми тирик бола туғади. Ёш чаёнлар биринчи кундан онасининг елка томонига чиқиб олиб, 7–10 кун яшайди. Анча вояга етгандан кейин онасидан ажралиб, алоҳида-алоҳида уяларда яшайди. Чунки чаёнларда бир-бирига хужум қилиш (каннибализм) анча сезиларли даражада ривожланган.



Заёнлар заҳарли ҳайвон. Заҳарининг таъсир кучи турлари га қараб, ҳар хил даражада бўлади. Заҳар моддаси организмларга турлича таъсир қиласди. Масалан, майдада сут эмизувчилар (сиҷонлар ва бошқалар) чаён чаққандада тезда нобуд бўлади. Чаён заҳри одамни (айниқса ёш болаларни) оғир аҳволга туширади: кучли оғриқ пайдо қиласди, чаққандада жой шишади, алаҳисиратади, ҳарорат кўтарилади (14).

Ўзбекистонда чипор чаён (*Buthus eureus*) кенг тарқалган.

14 a. Чипор чаён – Buthus eureus

Танасининг узунлиги 60-65 мм. Ранги оч-сариқ-қизғишидан яшилгача бўлади, хира доғлари бор. Ривожланган педипальпи бақувват қисқичга айланган. Тирик тугади. Тунда ов қиласди. Думини юқорига кўтарган ҳолда секин юради. Ўлжасини қисқичи билан ушлаб, бир неча марта нишини уриб заҳарлайди. Кучли заҳарли ҳайвон, чаққандада кучли оғриқ беради. Чаёнлар фойдали ҳайвон бўлиб, ҳашаротлар, кўпоёқ-



лилар ва ўргимчаклар билан озиқланади. Ўрта Осиёда ҳамма жойда учрайди.

14 б. Қора чаён – *Buteolus melanurus*

Ўзбекистоннинг жанубий районларида учрайди. Танасининг узунлиги 50–55 мм, қора тусда, оёқлари оч сариқ рангда. Тирик туғади. Фаол йиртқич, ҳар хил умуртқасиз ҳайвонлар билан озиқланади.

Ўзбекистонда учрайдиган чаёнлар тури:

1. *Buteolus ornatus* – чўл ва саҳроларда учрайди.

2. *Buteolus melanurus* – чўл ва саҳроларда яшайди.

3. *Buthus aureus* – энг кўп тарқалган чипор чаён.

4. *Buthus caucasicus* – тошлар остида, эски деворлар ёригига учрайди.

5. *Buthus alticola* – чўл ва саҳроларда тарқалган.



ФАЛАНГАЛАР ТУРКУМИ – SOLIFUGAE

Ҳозирги вақтда фалангаларнинг 700 тури маълум, шулярдан МДҲ да 50 тури учрайди. Улар иссиқсевар ҳайвонлар бўлиб, асосан даштларда, чўл ва саҳроларда яшайди. Танасининг узунлиги 10 – 15 мм дан 60 – 90 мм гача бўлади. Ранги сариқ, кулранг-кўнгир бўлиб, тузилишидаги ўзига хос белгиси уларнинг бир жуфт хелицераси яхши ривожланганини ва ҳар бир хелицерасининг хитинли қаттиқ ўткир тишлилари борлигидир. Педипальплари юрувчи оёқларни эслатади, лекин уларнинг учидаги тирноги йўқ. Педипальплар юришда иштирок этишидан ташқари, сезиш ва ўлжани ушлаш каби вазифаларни бажаради. Фалангаларнинг танасида йирик-майда тукчалар бўлади. Корин қисми 10 бўғимдан иборат.

Фалангалар тухум қўйиб кўпаяди. Ургочилари ерда ин ковлаб, 20 дан 200 тагача тухум қўяди. Маълум вақтдан кейин тухумдан личинка чиқади. Насл учун фақат ургочиси қайфуради, холос.

Фалангалар тунги ҳайвонлар. Кундузи тошлар остида, кемирувчилар инида ёки ўзи қазиган инда яшириниб ётади. Улар

Йиртқич ва ниҳоятда очкұз ҳайвон. Турли хил ҳашаротлар ва уларнинг личинкаси билан, күнөөқлилар, ўргимчаклар, зақкаш кабилар билан озиқланади. Йирик фалангалар калтакесаклар ва күшларга ҳам ҳужум қиласы.

Фалангаларнинг күпчилиги кечки чироқ ва электр ёруғини жуда ёқтиради. Шунинг учун кечаси ёруғликда уйларгача кириб боради ва одамларни құрқитади. Жойларда фалангаларни бузоқбош бободеңқон деб аташади.

Фалангаларнинг зақар бези йүқ. Лекин улар одамга ташланыб, хелицералари билан терини жароҳатлаши мүмкін. Бу вақтда хелицераларидан бүлган турли микроблар жароҳаттаға ўтиб, баъзан яра ҳосил қилиши мүмкін. Шунинг учун фалангалардан эҳтиёт бўлиш маъқул.

Ўзбекистон ҳайвонот оламида фалангаларнинг қуйидаги турлари учрайди:

15. Каспий фалангаси – Galeodes cuspicus

Энг йирик ўргимчаксимонлардан бўлиб, танасининг узунлиги 50–70 мм, қўнғир-сарик рангда, йирик-майда тукчалар билан қалин қопланган. Ривожланган хелицералари олдинга йўналган. Қорин қисми йирик, яримшарсимон ва ўнта бўғимдан иборат. Жуда тез югуради ва сакрайди. Кундузи тошлар остига, кемирувчилар ва ҳайвонлар инига яшириниб олади. Тунда фаол бўлади. Жуда йиртқич ва очкұз. Ҳашаротларни, кўпоёқлиларни, ўргимчакларни, калтакесакларни, қүшларнинг жиши болалари ва бошқа ҳайвонларни еб битиради. Зақар бези йүқ. Шундай бўлса-да (ўзини ҳимоя қилиш учун) ҳатто одамга ҳам ташланиб, ривожланган хелицералари билан терини жароҳатлайди. Ҳар хил нарсалар билан озиқланиши натижасида хелицераларидаги микроблар жароҳаттаға тушиб яра ҳосил қиласы. Шунинг учун улардан эҳтиёт бўлиш керак. Ерда ин ясад, тухум қўйиб кўпайди (70-бетга қаранг).

Марказий Осиёда кенг тарқалган.

Рагодлар оиласи – Rhagodidae

1. *Rhagodes bucharica* – чўл жойларда учрайди.

Қаршилар оиласи – Karcshidae

2. *Karcshina kaznakowi* – чўлларда яшайди.

3. *Gylippus dsungaricus* – чўл саҳроларда тарқалган.

4. *Gylippus bergi* – тупроқли жойларда учрайди.
5. *Gylippus recmersi* – сугориладиган ерларда учрайди.
6. *Gylippus lamelliger* – туркистон фалангаси, чүлларда күп тарқалган.

Галеодлар оиласи – Galeodidae

7. *Galeodes caspius* – Ўрта Осиёда энг күп учрайдиган фаланга.
8. *Galedoes bactrianus* – Ўзбекистоннинг жанубий районларида учрайди.
9. *Galedoes turkestanicus* – қумли саҳроларда тарқалган.
10. *Galedoes turanus* – чүл зоналарида яшайди.
11. *Galedoes aranaeoides* – фақат чүлларда учрайди.
12. *Galedoes fuscus* – қўнғир рангли бўлиб, чүлларда тарқалган.

СОХТА ЧАЁНЛАР ТУРКУМИ – CHELONETHI


Энг кичик ўргимчаксимонлардан, катталиги 2–3 мм дан 7 мм гача. Дунё фаунасида уларнинг 1300 тури маълум. Ер юзи нинг ҳамма жойида учрайди. Дараҳтлар пўстлоғи остида, ҳайвонларнинг ташландиқ инида, ўсимлик чириндилари орасида, тошлар остида, форлар ичида, хонадонларда ва қоғозлар орасида яшайди.

Сохта чаёнлар деб аталишига сабаб, уларнинг педипальпи худди чаёнларнинг педипальпига ўхшаш ва ривожланган бўлади. Ўлжасини педипальплари ёрдамида тутади. Қорин бўлими 11 та сегментдан иборат. Сохта чаёнлар йиртқич бўлиб, қанотсиз ҳашаротлар, тупроқ каналари ва нематодалари ҳамда жуда майда ҳашаротлар билан озиқланади.

Сохта чаёнлар жинсий йўл билан кўпаяди. Тухумини дараҳтлар пўстлоғи остига ва тупроққа кўяди. Улар 2–3 йил умр кўради.

16. Китоб сохта чаёни – *Chelifer cancroides*

Ҳамма жойда тарқалган. Асосан тахланган китоблар орасида яшайди. Катталиги 3–4 мм, тўқ-қўнғир рангли йиртқич, донхўр каналар, мита қўнғизининг личинкалари билан озиқланиб, заараркунандаларни қириб фойда келтиради.



16



17



18

ПИЧАНҮРАРЛАР ТУРКУМИ – OPILIONES

Ҳозирги вақтда бу туркумнинг 3000 дан ортиқ тури топилған. МДХ да 120 тури учрайди. Таşқи күриниши ўргимчакка ўхшаса-да, лекин бош-күкрак ва қорин қисми яхлит бўлади, заҳар бези йўқ. Оёқлари танасига нисбатан 5–6 марта узун. Озгина таъсир этганда, дарров оёқлари узилиб кетади. Пичанўрарлар дараҳтлар танасида, далаларда ўтлар орасида, барглар остида, шунингдек, уй-жойларда учрайди. Майда умуртқасиз ҳайвонлар билан озиқланади.

17. Оддий пичанўрап – *Phalangium opilio*

Танасининг узунлиги 8–9 мм, оёқларининг узунлиги эса 50 мм га teng. Хелицераси айрисимон, заҳар безлари йўқ. Кул ранг-сарғиш тусда. Тунги ҳайвонлар. Ҳамма жойда учрайди.

ЎРГИМЧАКЛАР ТУРКУМИ – ARANEI

Табиатда кенг тарқалган ҳайвонлар. Уларнинг жуда кўпчилиги қуруқликда, бир қисми тупроқ орасида яшайди. Сувда яшовчи (иккинчи марта яшашга ўтган) ўргимчаклар ҳам бор.

Ўргимчакларнинг 27000 дан ортиқ тури мұғылум. Шулардан 700 га яқини зақарлы ҳайвонлардир. Танаси 0,8 мм дан 110 мм гача (күшхүрлар) бұлади. Ўзбекистонда энг иирик ўргимчак тарантул (35 мм) ҳисобланади. Унинг танаси бош-күкрак ва юмалоқ, баъзан бўғимларга бўлинмаган чўзинчоқ қорин қисмдан иборат. Бош-күкрагида икки бўғимли (тирноқли) бир жуфт хелищера, мўйловга ўхшац педипальплар ва 4 жуфт оёғи ҳамда 8 та кўзи жойлашган. Ўргимчакнинг ранги ҳар хил: сарик, оқ, қора, кўнғир, яшил, қизил ва ҳоказо бўлади.

Ўргимчаклар морфологияси, биологияси ва экологиясига кўра, энг мураккаб ҳайвонлар ҳисобланади. Кўпчилигининг урғочилари эркакларига нисбатан 1000–1500 марта катта бўлади. Улар ташқи кўринишидан тубдан бир-бирига ўхшамайди, яъни жинсий деморфизм яққол ифодаланган.

Ўргимчакларнинг ҳаммасида (қорин қисмida) ип ҳосил қилувчи безлар бўлади. Ана шу ипдан уя ясади, пилла тўқиди, унинг ёрдамида ўлжасини тутади, ҳаракатланади ва ўзини ҳимоя қилади. Ҳамма ҳаётий фаолияти бевосита ўзи ишлаб чиқарадиган ипга чамбарчас боғлиқ.

Ўргимчаклар тухум қўйиб кўпаяди. Пилласи, турларига қараб, 1–2 та дан 10 тагача ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Битта пилла ичига 5–10 тадан 1000 тагача тухум қўяди. Одатда, пилласи қишлийди.

Ўргимчаклар тупроқ орасида, очиқ далалар, боғлар, ўрмонлар, ўтзорларда, ҳар хил маданий экинлар орасида, тошлар ва пўстлоқ остида, ҳовли ва уйларда яшайди. Тупроқ орасида 20–60 см гача чукурликда ҳар хил шаклдаги уя ясаб ҳаёт кеширади.

Ўргимчаклар йиртқич ҳайвон ҳисобланади. Кўпчилигига хелищерасининг асосида заҳар безлари бўлади. Ана шу заҳарли турларидан Ўзбекистонда энг кўп тарқалгани тарантул, оқ қоракурт ва қоракурт ҳисобланади.

18. Қоракурт – *Lathrodectus tredecimguttatus*

Асосан, чўл ва чала чўлларда, адирлар ва тог ёнбағирларида тарқалган. Кўпроқ янтоқ, шувоқ, шўра каби ўсимликлар ўсадиган майдонларда, фаллазор ва эски бедапоя атрофларида учрайди. Шўра оққурай каби ўсимликлар тагида ва ҳар хил ташландик кемирувчилар инига ин қуради.

Вояга етган урғочи қоракуртнинг ранги ниҳоятда қора бўлиб, қора баҳмални эслатади. Қорин қисми бош-күкрак қисмiga қарагандан бир неча марта катта. Шунингдек, вояга

етган эркак ва урғочи қоракүрт бир-биридан жуда фарқ қиласы. Эркаги ургочисига нисбатан 10 — 15 марта кичик ва қорни устида қызил оқ дөглари бұлади. Табиий шароитта вояга етган қоракүртларни июнь ойида учратиш мумкин, лекин баланд тоғлар ёнбағрида яшайды қоракүртлар 25 — 30 кун кейин вояга етади. Қоракүртлар жуфтлашгандан кейин эркаги тезлик билан ургочиси олдиdan қочиб кетмаса, унга ем бұлади.

Табиатда битта урғочи қоракүрт 7 тагача пилла құяды. Ҳар битта пилласи ичиде 300 — 400 та тухум бұлади. Баҳорда пилладан ёш қоракүртчалар чиқады. Уларни табиатда тез аниқлаш мумкин. Уларнинг характеристика белгиларидан бири шуки, қорни устида күзға яққол күрінады 13 дона оқ-қызил холи (доғи) бор. Қоракүрт катталашған сари бу доғлар йүқолиб кетади. Қоракүртларнинг умр күриш мұддати жинсига қараб ҳар хил. Эркаклари июль ойининг охириларида бутунлай нобуд бұлади, ургочилари эса ноябрь ойининг охиригача яшайды.

Қоракүрт фақат бүгимоёқли жониворлар билан озиқланади. Үлжасини ипли уясига илинтириб истеъмол қиласы.

Қоракүрт бүгимоёқлилар орасида энг заҳарлы ҳисобланади. Заҳар бези хелицераси асосида жойлашған. Унинг заҳаридан одам үлиши мумкин. Ҳозирги вақтда қоракүрт чаққан беморни даволаш учун маҳсус зардоб ишлаб чиқарылмоқда. Қоракүрт заҳари билан заҳарланған одамга дархол зардоб юборылса, bemor тез соғайиб кетади.

19. Оқ қоракүрт — *L. Palidus pavlovskyi chartit*

Маълумки, оқ қоракүрт янги тур сифатида бириңчи марта 1954 йили ленинградлик ўргимчакшунос олим Д.Е. Харитонов томонидан Туркманистанда топилған. Шундан кейин 20 йил ичиде бу тур Ўрта Осиё республикалари территориясида учраганлығи турисида ҳеч қандай маълумот бўлмади. Кейинги йилларда ўзбек олим Н.Э. Эргашев олиб борган тадқиқотлар асосида оқ қоракүрт Сурхондарё (Шеробод), Қашқадарё (Фузор), Бухоро, Жиззах вилоятларининг чўл қисмларида анчагина борлигини аниқлади ва оқ қоракүртнинг қатор хусусиятларини амалий тажрибада ўрганиб, фанни янги маълумотлар билди.

Оқ қоракүрт қатор белгилари билан қоракүртдан фарқ қиласы: оқ қоракүртнинг ранги ҳақиқатан оқ тусда, пилладан чиққан ёш оқ қоракүртчаларнинг ранги ҳам оқ бўлиб, умрининг охиригача ранги ўзгармайди. Оқ қоракүрт танасининг узунлиги 15 — 20 мм, қорнининг устида қора холлари бор. Оқ қора-



19



20



21



22

қуртнинг яшаган шароити ўзига хос. У ўсимликларнинг 40 — 60 см баланд җойига ин қуради. Инининг шакли худди түнкарилган карнайсимон идишга ўхшайди. Тўрга тушган ҳашаротлар билан озиқланади. Оқ қорақурт ҳам ниҳоятда заҳарли. Одамини чаққанда, кўнгилсизлик рўй беради. Шунинг учун ўргимчакларни қўл билан ушлаш мумкин эмас.

Ўзбекистонда ўргимчакларнинг 100 дан ортиқ тури учрайди.

*20. Тараптул (бий) — *Lucosa singoriensis* L.*

Ўргимчакларнинг кўпчилиги тупроқ орасида, ўзи ясаган инда яшайди. Жумладан, Ўрта Осиё территориясида кўп тарқалган тараптул (*Lycosa singoriensis*) шундай ўргимчаклардан ҳисобланади.

Тараптулни жойларда бий, бузоқбоши деб ҳам аташади, лекин лотинча номининг мазмуни бўри ўргимчак деган маънени беради. Ҳақиқатан ҳам, улар йиртқич, очкўз бўлиб, ҳар хил умуртқасиз ҳайвонларни аёвсиз қиради.

*21. Бўри ўргимчак — *Stegodyrus lineatus* L.*

Бу оқ рангли ўргимчак бўлиб, қорин қисмида 3 та қора нуқтаси бор. Танасининг узунилиги 9—16 мм. Ердан 30 — 40 см баландда ин қуради. Биттагина пилласи бўлиб, унга 18 — 20 та тухум қўяди. Заҳарли. Майда ҳашаротлар ва ўргимчаклар билан озиқланади.

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг чўл ва чала чўлларида учрайди.

22. Йирик қорақурт — *Eresus niger* Pet

Танасининг узунлиги 25 — 30 мм, заҳарли ўргимчакларнинг энг йириги. Ранги баҳмалсимон қора. Эркаклари майдалиги ва оч-қизил қорин бўлими (унда 4 — 6 та қора нуқталар бор) билан урғочиларидан фарқ қиласди. Асосан тоғ олди туманларда юмшоқ тупроқли ерларга, лалмикорликдаги галазорлар атрофига ин қуради. Урғочилари биттадан пилла қўйиб, уни инига 10 см чуқурликка яширади ва жуда эҳтиётлик билан қўриқдайди. Пилладан чиқсан ёш ўргимчаклар дастлабки вақтда онасининг орқасига ёпишиб олган ҳолда ривожланади. Бу қорақурт ҳар хил ҳашаротлар, ўргимчаклар ва умуртқасизлар билан озиқланади. Заҳарли. Чўл ва чала чўлларда учрайди.

23. Симобсимон ўргимчак — *Argyroneta aquatica*

Бу ўргимчак ўсимликларга бой бўлган оқмас ва секин оқадиган сув ҳавзаларида яшайди. Айрим жинсли. Урғочилари танасининг узунлиги 11 — 12 мм бўлиб, усти қалин тук билан қопланган (1 mm^2 да 1250 тагача тук бўлади). Эркаклари 14 — 17 мм катталиқда бўлади. Бош-кўкрак бўлимида 8 жуфт кўзчалари, хелицерасининг асосида эса заҳар безлари жойлашган.


Ўргимчаклар вақт-вақти билан сув юзига чиқиб туради ва шу вақтда туклари орасига ҳаво йиғиб, яна сувга шўнғиёди. Шунда ўргимчак худди симоб томчисига ўхшаб ялтираб қўринади. Ўргимчак сув ўсимликларига ипидан ин ясайди ва туклари орасидаги ҳавони шу ерга бўшатиб ҳаво шари — «қўнғироқлар» ҳосил қиласди. Кейинчалик ҳавоси бор «қўнғироқлар»га пилласини жойлаштиради, ёш ўргимчаклар ва ўзи ҳам унда яшайди.

Сув ўргимчаклари ҳашаротлар личинкаси ва майда қисқичбақасимонлар билан озиқланади.

24. Бутли ўргимчак — *Araneus diadematus* L.

Катталиги 14 — 16 мм, қорин қисми кулранг-қўнғир, орқасида оқиш холлари бўлиб, улар бутга ўхшаш шаклни ҳосил қиласди. Оёқлари сариқ рангли, қора ҳалқачалари бор. Пиллаларига тухумини жойлаштириб, пана жойларга осиб қўяди. Тўрсимон иинининг ўртасида туриб ўлжасини пойлайди. Ҳар хил майда ҳашаротлар билан озиқланади.

Бу ўргимчак далаларда, боғларда, ўрмонларда ва қўпинча хонадонларда яшайди.



25. Мармар рангли бутли ўргимчак — Araneus marmoreus

Қорин бұлыми овалсімон, рангли (баъзан қызыл) холлари бут шақлині ҳосил қиласы. Оёқлари сарғыш тусда бўлиб, қизил рангли ҳалқачалари бор. Танасининг узунлиги 15 — 20 мм.

Хаёт тарзи ва яшаш жойи бутли ўргимчакларнидан фарқ қиласы.

26. Тұрт холли бутли ўргимчак — Araneus quadratus

Танасининг катталиги ва рангига күра, олдинги икки турға жуда үхшаш. Қорин бұлими юмалоқ бўлиб, орқа томонида тўрт дона оқ рангли йирик холли ва уларнинг ичида биттадан қора нуқтачалар бор.

Сернам жойларда: ўтлоқларда, ўтли ботқоқликларда, дарё ва сой бўйларида яшайди. Тўрсимон инининг бир четида туриб ўлжасини пойлайди. Ҳамма жойда тарқалган.

27. Чизиқли ўргимчак — Singa nitidula

Унча катта бўлмаган ўргимчак (5 — 6 мм), бош-кўкрак бўлими қўнгир, қорин бұлими эса оч рангли. Қорнининг устида иккита қора чизиги бор.

Ўсимликларга бой нам ерларда яшайды. Ипи ёрдамида ўлжасини овлайди.

28. Узунөўсли ўргимчак — *Pholcus phalangoides*

Танасининг катталиги 10 мм, ранги кулранг, олдинги оёқларининг узунлиги 50 мм гача етади. Курилган иморатларда, айниқса, турар жойларда кенг тарқалган.

Бу ўргимчак узун ва ингичка ипи билан уйлар девори бурчакларига, осиб қўйилган буюмларга ва шифтга тўрсизмон ин қуради ва ўзи унинг ўртасида туриб ўлжасини пойлайди.



28



29

29. Ёнлаб юрувчи ўргимчак — *Misumena vatia*

Оқ ёки оч яшил ва оч сарфиш рангли ўргимчак, танаси ясси, узунлиги 10 — 11 мм, олдинги икки жуфт оёқлари орқа оёқларидан сезиларли даражада узун. Олдинга, орқага ва ён томонга ёнбошлаб бир хил ҳаракат қиласди. Асосан, оқ ва сариқ рангли гулларга ўрнашиб олиб, ўлжасини пойлайди. Улар капалак, чивин, арилар каби йирик ҳашаротларни тутиб олиб, дастлаб танасини тешиб заҳар юборади ва кейин сўриб озиқланади.

Мазкур тур ўрганилмаган, лекин ҳамма жойда тарқалган.

30. Яшил ўргимчак — *Trochosa terricola*

Танасининг узунлиги 10 — 12 мм.

31. Дала леопард ўргимчак — *Pardosa agrestis*

Оқ-кулранг ўргимчак бўлиб, бош-куқрак бўлимида сариқ рангли учта узун чизиқ бор. Тухумдан чиққан ёш ўргимчаклар маълум вақтгача онасининг елкасига чиқиб олиб ҳаёт кечиради.

Бу ўргимчак очиқ далаларда, куруқ тупроқлар устида яшайди.

32. Бингаксимон ўргимчак — *Agriona bruennichi*

Арига жуда ўхшайди, тиниқ рангли,



31



32



33

чиroyли. Танасининг узунлиги 7 — 8 мм. Қорин қисмидаги сарик ва қора күндаланг йўллари бор. Ҳамма жойда тарқалган.

33. Доломед ўргимчак — *Dolomedes fumbratus*

Танасининг узунлиги: эркаклариники 10 — 12 мм, урғочилариники 13 — 18 мм. Танаси кўнғир рангли бўлиб, бош-кўкрак ва қорин бўлимийнинг ён томонидан узунасига сарик рангли чизик ўтган. Бу ўргимчак сув ҳавзалари бор жойларда яшайди. Ерда ва сув юзасида югуриб ҳаракатланади. Баъзан сувга шўнғиб, ҳар хил сув ҳайвонларини (ҳашаротлар, моллюскалар ва ҳатто, бақа ва балиқларнинг ёш личинкаларини) овлайди.

4.12. ТРАХЕЯ БИЛАН НАФАС ОЛУВЧИЛАР КЕНЖА ТИПИ — TRACHEATA

Бу кенжатипга мансуб бўғимоёқлилар қуруқликда яшашга мослашган ва трахеяси орқали нафас олади. Танаси кутикула билан қопланган. Трахея билан нафас олувчилар кенжатипи икки синфдан иборат.

1. Кўпоёқлилар синфи — *Myriapoda*.
2. Ҳашаротлар синфи — *Insecta*.

4.12.1. Кўпоёқлилар синфи — *Myriapoda*

Кўпоёқлиларнинг чувалчангсимон танаси аниқ икки бўлимга ажралган. Яхлит бош ва бўғимларга бўлинган танадан иборат. Бош бўлимида оғиз аппарати, кўзи ва бўғимларга бўлинган бир жуфт мўйлови бўлади. Тана қисмидаги сёгментларнинг сони, турларига қараб, ҳар хил: 14 тадан 181 тагача. Уларда бўғимли оёқлари бор. Кўпоёқлиларнинг танаси гиподермадан ҳосил бўлган хитинли кутикула билан қопланган.

Хозирги вақтда кўпоёқлиларнинг 53 минг тури маълум. Улар фақат қуруқликда яшайди ва асосан, кечаси фаол ҳаёт кечиради. Кундузи ёруғликдан қочиб, тошлар, дараҳтлар пўстлоги ва бошқа субстратлар остига яшириниб яшайди. Кўпоёқлилар йиরтқич ҳайвонлар. Улар орасида заҳарли вакиллари ҳам бор.

Тузилиши ва биологик хусусиятларига кўра, кўпоёқлилар синфи 4 та кенжада синфга бўлинади.

1. Симфидлар — *Sympyla* кенжада синфи.
2. Пауроподлар — *Pauropoda* кенжада синфи.
3. Икки жуфт оёқлилар — *Diplopoda* кенжада синфи.
4. Лабоёқлилар — *Chilopoda* кенжада синфи.

ИККИ ЖУФТОЁҚЛИЛАР КЕНЖА СИНФИ — DIPLOPODA

Бу кенжада синфга мансуб кўпоёқлилар тузилишининг ўзига хос белгиси ҳар бир тана бўғимида икки жуфтдан оёқлари бўлишидир. Танаси кальций карбонатга бой пўст билан қопланган. Пўстида душманлардан ҳимоя қилувчи заҳарли безлар бўлади.

Икки жуфтоёқлилар органик моддаларга бой тупроқларда, барг ва пўстлоқлар орасида ҳамда ўрмонларда яшайди. Улар чириётган ўсимликлар қолдиги ва ўсимликлар тўқимаси билан озиқланади ва органик моддаларни чириндига айлантириш билан фойда келтиради.

Икки жуфтоёқлиларнинг 30000 га яқин тури топилган. Шулардан кулранг кивсяк — *Sarmatoiulus kessleri* тури ўрмонларда кенг тарқалган.

34. Кулранг кивсяк — *Sarmatoiulus kesseleri*

Танасининг узунлиги 20 — 45 мм, кулранг металлсизмон рангли. Кивсяк ташқи кўринишидан капалаклар личинкасига ўхшайди. Лекин диққат билан қаралса, жуда кўп майда, ингичка, ҳаракатчан оёқларини кўриш мумкин. Оёқлари сони 100 тадан ортиқ. Агар кивсяк қўлга олинса, улар буралиб, ҳалқа шаклига киради ва ҳидли суюқлик чиқаради. Бу суюқлик таъсирида, қўлда дод ҳосил бўлади.

Кивсяклар айрим жинсли бўлиб, тухум қўйиб кўпаяди.

ЛАБОЁҚЛИЛАР КЕНЖА СИНФИ — CHILOPODA

Лабоёқлилар йирик ва ҳаракатчан ҳайвонлар бўлиб, бутун ҳаёт тарзи тупроқ билан bogliq. Лабоёқлилар деб аталишига сабаб, биринчи жуфт юриш оёқларининг устки қисми ўроққа

ўхшаш эгилган бўлиб, ўткир тирноқли лабоёқлиларни ҳосил қиласди. Улар ана шу оёқлари билан ўлжасини тутади.

Лабоёқлилар кенжа синфи геофиллар, сколопендралар, қаттиққалқонилар ва узуноёқлилар туркумига бўлинади.

ГЕОФИЛЛАР ТУРКУМИ – GEOPHILOMORPHA

«Геофил» сўзи лотинча бўлиб, «тупроқни сезувчи» маъносини англатади. Ҳақиқатан ҳам, геофилларнинг бутун ҳаёти тупроқ муҳити билан боғланган. Улар тупроқда 1,5 метр чукурликкача тушиб, у ерда ҳар хил умуртқасиз ҳайвонлар (айниқса, ёмғирчувалчанги) билан озиқланади. Деярли тупроқдан ташқарига чиқмайди.

Геофилларнинг танаси лентага ўхшаш узун ва ясси, ингичка бўғимларга бўлинган, сариқ ёки малла тусда бўлади. Турларига қараб, танасида 31 жуфтдан 171 жуфтгача оёғи бўлади.

Геофиллар жинсий йўл билан кўпаяди. Урфочилари уруғланган 15 — 30 тагача тухумини бир жойга тўплаб, тухумдан ёш насл чиққунча уни танаси билан ўраб ётади. Тухумдан чиққан ёш геофилларга урфочиси фамхўрлик қиласди.

35. Узун геофил — *Geophilus longicornis*

Танасининг узунлиги 40 мм гача етади, ранги сариқ ёки малла тусда. Оёқлари 40 — 45 жуфт. Асосан, ўрмонларда кўп учрайди.

36. Йирик сариқ геофил — *Himantharium gabrielis*

Марказий Осиёда ва бошқа жанубий минтақалардаги қуруқ чўлларда тарқалган. Танасининг узунлиги 15 см гача бўлади. Тупроқда 1,5 метр чукурликкача кириб олиши аниқланган. Ниҳоятда ҳаракатчан ҳайвон.



СКОЛОПЕНДРАЛАР ТУРКУМИ – SCOLOPENDRIDA

Сколопендралар кўпоёқлилар орасида энг йириги бўлиб, узунлиги 10 – 26 см гача етади. Танасида бир хил шаклдаги 21 – 23 та бўғими бор. Сколопендралар тунги ҳайвон. Улар йиртқич бўлиб, қўнғизлар, сувораклар, чигирткалар ва уларнинг личинкаси билан озиқланади. Баъзан умуртқали ҳайвонлар (бақалар, калтакесакларга ҳам) хужум қиласиди. Заҳарли. Заҳари таъсиридан чаққан жой шишади, ҳарорат кўтарилиб, одам ҳолсизланади.

37. Ҳалқали сколопендра — *Scolopendra cingulata*

Йирик кўпоёқли, танаси узун, елка ва қорин томондан анча ясисланган, ранги сариқ-қўнғир. Олдинги жуфт оёқлари ривожланган, чанглаб олишга мослашган. Кундузи тошлар, ёғочлар тагига, турли ёриқларга бекиниб олади. Тунда ер юзига чиқиб, ҳар хил йирик ҳашаротлар (сувораклар, қўнғизлар, тўғриқанотлилар), моллюскалар ва ўргимчаклар билан озиқланади. Тухум қўйиб кўпаяди. Заҳарли, чаққанда кучли оғриқ пайдо бўлади. Тоғ олди ва тоғларда тарқалган.

38. Оддий костянка (оддий қирқоёқ) — *Lithobius forficatus*

Оддий қирқоёқнинг ранги сариқ-қўнғир, узунлиги 20 – 35 мм, оёқлари 15 жуфт ва узун. Доим тупроқ орасида яшаганлиги туфайли кўзлари йўқолиб кетган. Улар табиатда кенг тарқалган. Аҳоли яшайдиган жойларда ҳам учрайди.

39. Оддий пашишатутар — *Scutigera coleoptrata*

Пашишатутарларнинг танаси ихчамгина бўлиб, узунлиги 2 – 3 см, оёқлари 15 жуфт ва жуда узун, югуришга мослашган. Танаси сув ўтказмайдиган кутикула билан қопланган. Шунинг учун улар бирмунча қуруқ ҳаво муҳитида ҳаёт кечиради. Пашишатутарлар деворлар ёриғида, тошлар остида, шунингдек, уйларда учрайди. Улар ҳар хил ҳашаротлар билан озиқланади. Айниқса, чивин ва пашишани кўп қириб, фойда қелтиради.

Ўзбекистоннинг жанубий туманларида тарқалган.

4.12.2. ҲАШАРОТЛАР СИНФИ – INSECTA

Ҳашаротлар турининг кўплиги бўйича ер юзида яшайдиган барча ҳайвонлар турининг 70% ни ташкил этади. Улар ҳамма жойда тарқалган.

Ҳашаротлар танасининг ўлчами 0,2 мм дан 70 – 75 мм гача бўлиб, усти қаттиқ кутикула-хитин билан қопланган ва уч



37



38



39

бўлимдан: бош, кўкрак ва қорин қисмдан иборат. Бошида оғиз аъзолари, мураккаб кўзи ва мўйлови жойлашган. Кўкраги уч бўгимдан иборат бўлиб, уларга уч жуфт оёқлари ва қанотлари бириккан. Қорин қисмида оёқлар бўлмайди, лекин учидаги турли хил ўсиклар—церкалари, грефелькалари ва тухум қўйичи бўлади.

Ўзбекистоннинг ҳашаротлар дунёси ниҳоятда бой ва хилма-хил. Айни вақтда уларнинг 28 та туркумининг 17000 дан ортиқ тури аниқланган.

Ҳашаротлар синфи иккита кенжада синфга бўлинади.

1. Тубан, яъни дастлабки қанотсизлар — Apterygota.
2. Олий, яъни қанотлилар — Pterygota. 30 дан ортиқ туркумга бўлинади.


A. ТУБАН, ЯЪНИ ДАСТЛАБКИ ҚАНОТСИЗЛАР КЕНЖА СИНФИ — APTERYGOTA

ОЁҚДУМЛИЛАР ТУРКУМИ — COLLEMBOLA

40. Оёқдумлилар (1–16)

Танаси жуда майда (1 – 10 мм), мўйлови 4 – 6 бўғимли. Қорнининг учидаги сакровчи ўсимта – оёғи жойлашган. Кўзчалари оддий, оғиз аппарати кемирувчи ёки саншиб-сўрувчи типда тузилган. Ўсимлик чириндилилари, баъзан ҳайвонлар қолдиги билан озиқланади. Беда, лавлагига ва донли экинларга зарар етказиши аниқланган.

Ҳозирги вақтда уларнинг 4000 тури маълум. Ўзбекистонда 10 тури топилган. Асосан, шоли экиладиган далаларда яшайди.



40. Қўшдумлилар — *Diplura* (17—18)

Танасининг узунлиги 2 — 8 мм, эгилувчан, мўйловлари узун ва кўп бўғимли, оғиз аппарати кемирувчи типда. Ҳамма оёқлари тенг, кўзи йўқ. Церкалари ривожланган ва айрисимон. Тошлар остида, кесаклар ва ўсимликлар қолдиги орасида яшайди. Сернам жойларни хуш кўради. Ўсимликлар қолдиги билан озиқланади. Йиртқич турлари ҳам учрайди.

Қўшдумлиларнинг 500 тури маълум. Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда бу ҳашаротлар деярли ўрганилмаган.

40. Қилдумлилар туркуми – *Thysanura* (19–21)

Қанотсиз ҳашаротлар орасида энг йириги, танасининг узунлиги 8 — 20 мм, әгилувчан, тангачалар билан қопланган. Оғиз аппарати кемирувчи типда, кўзи мураккаб тузилган. Қорин бўлими 11 та бўғимдан иборат. Охирги бўғими редукцияланган бўлиб, ундан кўп бўғимли 3 та дум ипчаси ҳосил бўлган. Қилдумлилар тошлар остида, тупроқ орасида, барглар ва ўсимликлар қолдиги остида, ҳатто тураг жойларда ҳам учрайди. Ўсимликлар қолдиги билан озиқланади.

Хозирги вақтда қилдумлиларнинг 400 тури маълум. Ўзбекистонда кўп учраса-да, лекин тўлиқ ўрганилмаган.

Б. ОЛИЙ, ЯЊИ ҚАНОТЛИ ҲАШАРОТЛАР КЕНЖА СИНФИ – PTERYGOTA

Б.1. Чала ўзгариш билан ривожланадиган ҳашаротлар

Б.1.1. КУНЛИКЛАР ТУРКУМИ – EPHEMEROPTERA

Кунлик капалаклар ер юзининг ҳамма бурчакларида тарқалган бўлиб, айни вақтда уларнинг 2500 тури маълум. Ўрта Осиёда 300 тури топилган. Имаго формалари унча йирик эмас (2 — 3 мм дан 3 — 4 см гача). Икки жуфт қанотининг орқадагиси олдингисига нисбатан бироз кичик. Қорин бўлимининг учиди 3 та, баъзан 2 та узун ипсимон ўсимта жойлашган. Жинсий вояга етган кунликларнинг оғиз аппарати ривожланмаган бўлади. Шунинг учун улар озиқланмайди. Яшаши бир неча соатдан 2 — 3 кунгacha давом этади. Жинсий қўшилгандан кейин, эркаклари дарров, урғочилари эса сувда тухум қўйиб бўлгач, нобуд бўлади.

Тухумдан чиқсан личинкалари 2 — 3 йил, баъзан 7 йилга ча ривожланишда давом этади. Шу орада улар 20 марта гача пўст ташлайди.

Кунликларнинг личинкаси турли хил сув ҳавзаларида учрайди. Айниқса, улар кислородга бой, тез оқадиган сувларни жуда ёқтиради. Трахея — жабралари орқали нафас олади. Дум ўсимталари ёрдамида ҳам фаол нафас олади. Личинкалари, асосан, сувўтлари билан озиқланади. Йиртқич формалари ҳам мавжуд. Вояга етган личинкалар сув қирғоқларига чиқиб, ҳар хил ўсимликларга ёпишади ва кейинчалик улардан имаго босқичи етишиб чиқади.

41. Оқ рангли кунлик — *Polymitarcus virgo*

Қанотлари кенг ва сутсимон оқ. Танасининг узунлиги 10 — 17 мм, қанотларини ёзганда, кенглиги 25 — 35 мм га тенг. Ёз ойларидаги ҳавода учеби юради.

Личинкалари (узунлиги 20 мм) йиртқич, сув бүйида ин ковлаб яширип яшайды ва ҳар хил умуртқасиз ҳайвонлар — ёнсузаарлар, құшқанотлилар личинкаси билан озиқланади. Ўз навбатида, уларнинг ўзи балиқлар учун яхши емиш ҳисобланади.

42. Оддий кунлик — *Ephemera vulgata*

Танасининг узунлиги 15 — 22 мм, ранги хира құнғир, олдинги қанотлари узун ва кенг, қора рангли бир нечта доги бор. Қорнининг учидаги 3 та узун ипсимон ўсимтаси бўлади. Личинкалари секин оқадиган сув ҳавзаларида — ўсимликлар орасида яшайди.

43. Йирик булоқчи — *Phryaena grandis*

Булоқчилар орасида энг йириги бўлиб, танасининг узунлиги 15—21 мм. бўлиб, олдинги қаноти құнғир ва кулранг туклар билан қопланган. Личинкалари маҳсус филофда ривожланади.

Б.1.2. НИНАЧИЛАР ТУРКУМИ — ODONATA

Ниначилар қадимги ҳашаротлардан бўлиб, танаси йирик, чўзинчоқ, ихчам ва ҳар хил рангли. Бош қисми йирик ва ҳарачатчан, унда бир жуфт мураккаб ва учта оддий кўзи жойлашган. Мўйлови калта, 3 — 7 бўғимли, қилсимон. Оғиз аъзолари кемирувчи типда тузилган. Кўкрак бўлимида икки жуфт пардасимон шаффоф сертомир қаноти ва уч жуфт оёғи жойлашган. Қорин бўлими узун ва ингичка, учидаги церкалари бор.

Ниначилар сув ҳавзалари бор жойларда тарқалган. Чунки уларнинг личинкаси сувда ҳаёт кечиради. Сув юзасига, сув

үсимликлариға ва сув ҳавзалари қирғоғига тухум құяди. Личинкалари секин оқадиган ва оқмайдиган сувда ривожланади. Уларнинг тузилиши ўзига хос. Пастки лаби ўзгариб, қисқиличи маҳсус чангаллаш аъзосига ёки ниқобга айланган. Бу аъзо ёрдамида ўлжасини тутади. Тинч вақтда ниқоб унинг бошини пастки томондан ёпиб туради. Ниначиларнинг личинкаси тузилиши ва биологик хусусиятига күра, 3 типта бўлинади.

1. Митти-Люткалар. Бу личинкаларнинг танаси узун, ингичка (энсиз), охирги қорин сегментида япроқсимон (баргсимон) 3 та ўсимтаси бор.

2. Ҳақиқий ниначилар личинкасининг танаси нисбатан калта ва йўғон, қорин сегментининг ён томонларида майда ўсимталари бор.

3. Обкаш ниначилар личинкасининг танаси узун ва қорин сегментлари йирик-майдалиги ва шаклига кўра, бир-биридан фарқ қиласди.

Ниначиларнинг личинкаси ниҳоятда йиртқич бўлиб, сувдаги ҳар хил ҳайвонлар: чивин, кунликлар ва бошқа тур ниначиларнинг личинкаси, қисқиҷбақасимонлар, балиқларнинг тухуми ва баъзан майда балиқчалар билан озиқланади. Очкўз бир дона личинка бир кечакундузда ўз оғирлигига нисбатан 1,5 — 5 баравар кўп озиқ истеъмол қиласди. Личинкалик даври 6 ойдан 2 — 3 йилгача давом этади.

Вояга етган ниначилар ҳавода тез учади (30 км/с), сув ҳавзаларидан анча узоққа (5 — 10 км) учиб кетади.

Тенг қанотли ниначилар	Ҳар хил қанотли ниначилар
Ҳар икки жуфт қаноти шаклига кўра бир хил кўринишда	Иккинчи жуфт қанотининг бошланиш қисми кенгайган
Кўзчалари орасида маълум масофа бор. Кўзчалари майда	Кўзчалари бир-бирига туташиб кетгандек. Масофа жуда ҳам оз. Кўзчалари йирик
Қорин қисми ингичка	Қорин қисми кенг (айниқса, кўкрак қисмининг бошланиш жойида)
Учмаган (тинч) вақтида қанотларини танаси устига йиғиб олади	Учмаганда қанотлари йиғилмайди
Жуда секин учади	Тез учади
Кўпинча сув ҳавзалари атрофида яшайди, унча баланд учмайди	Узоқ жойларга учади, баланд дараҳтзорлар устида учиб юради

Йирик мураккаб кўзлари билан олд томонни, ён, тепа ва ҳатто, орқа томонларни кўра олади. Нинажилар (личинкалари каби) йиртқич ҳайвон бўлиб, ҳавода учиб юриб ўлжасини тутиб олади ва заарли ҳашаротларни қириш билан фойда келтиради.

Ҳозирги вақтда ниначиларнинг 4500 дан ортиқ тури маълум. Ўзбекистонда 100 га яқин тури аниқланган.

Ниначилар туркуми иккита кенжа туркумга бўлинади.

1. Тенг қанотлилар кенжа туркуми — Zygoptera.

2. Ҳар хил қанотлилар кенжа туркуми — Anisoptera.

Бу кенжа туркумларга мансуб ниначилар 89-бетдаги белгилари билан бир-биридан фарқ қиласди.

ТЕНГ ҚАНОТЛИЛАР КЕНЖА ТУРКУМИ – ZYOPTERA

Сулув ниначилар оиласи – Calopterygidae

44. Чиройли қиз ниначи – *Calopteryx virgo*

Танаси яшил-бронза тусда. Эркакларининг қаноти ялпи кўк рангда, урғочилариники эса рангсиз, очик. Қанотларини ёзганда, кенглиги 58 – 75 мм га тенг. Қорин бўлимининг узунлиги 33 – 40 мм.

45. Чиройли сулув ниначи – *Calopteryx splendens*

Бу тур ниначилар Ўзбекистонда барча географик зоналарда тарқалган бўлиб, секин оқадиган сувлар, булоқлар ва қўллар атрофифда яшайди. Қорин бўлимининг узунлиги 34 – 39 мм, қанотлариники 30 – 35 мм. Урғочилари рангсиз, эркаклари қанотининг ўрта қисми кўк рангда. Паст ва секин учади. Шунга кўра, уларни капалакларга ўхшатиш мумкин.



Личинкаларининг узунлиги 30 мм га яқин, ўсимликларга бой, кичик сув ҳавзаларида яшайди. Ўсимликларга ёпишиб, секин ҳаракатланади ва асосан, кунлик капалакларнинг личинкаси билан озиқланади.

Митти йиртқич ниначилар оиласи — *Lestidae*

Бу оила вакиллари ниначилар орасида энг майдалари бўлиб, қанотларини ёзганда, кенглиги 26 — 30 мм келади. Металлга ўхшаш ялтирайди, қўпчилигининг танаси яшил рангда. Эркак ва урғочилари ранги билан фарқланмайди. Ўзбекистонда 9 тури аниқланган.

Сулув келин ниначи — Lestes sponsa

Жуда чиройли, ихчам ниначи. Танаси яшил, металлга ўхшаш ялтирайди. Личинкасининг узунлиги 26 мм гача, унча чуқур бўлмаган сув ҳавзаларида яшайди. Танасини ўнг ва чап томонга буриб, тез сузади. Сузишида қорин қисми учидаги ўсимталар ҳам фаол иштирок этади. Сувдаги майда умуртқасиз ҳайвонлар билан озиқланади.

46. Митти йиртқич ниначи — *Lestes dryas Kby.*

Ниначилар орасида энг майдаси, қорин қисми узун ва энсиз, (26 — 35 мм га тенг), қанотлари 19 — 26 мм. Сувўтларга тухум қўйиб қўпаяди. Личинкалари сувдаги умуртқасиз ҳайвонлар билан, вояга етган ниначилар эса учеб юрадиган қон сўрувчи пашша, чивин, сўналар билан озиқланади. Личинкалари, ўз навбатида, балиқлар ва сув паррандалари учун озуқа ҳисобланади. Март-ноябрь ойлари ҳавода учеб юради. Ҳамма жойда тарқалган.

47. Митти симпикна — *Sympetrum fusca Lind*

Булар дарёлар яқинида, сой ва булоқлар атрофида учрайди. Танаси қўнғир-бронза тусда. Қорин қисмининг узунлиги 27 — 30 мм, қанотлариники 20 — 22 мм га тенг. Личинкалари уч йилгача яшайди ва бир неча марта пўст ташлаб, жинсий вояга етади. Майда ҳашаротлар билан озиқланади.





48



49



49 a

Найзасимон ниначилар оиласи — Coenagrionidae

Ўзбекистонда найзасимон ниначиларнинг 24 тури учрайди.

48. Найзасимон нозик ниначи — *Ischnura elegans*, V.D.L.

Қанотлари тиниқ, рангсиз, нозик майда ниначи. Қорин бўлимининг узунлиги 22 — 29 мм, қанотлариники 14 — 24 мм. Урғочиларининг қорин қисми итнага ўхшаш узун ва энсиз, оч яшил ранг ёки қўнғир рангда. Личинкалари секин оқадиган ёки оқмайдиган сувларда яшайди ва сув ҳашаротлари билан озиқланади. Май-сентябрь ойларида, 2000 — 2500 м баландликда учиб юради.

Текисликларда ва тоғли туманларда яшайди.

49. Найзасимон чиройли ниначи — *Coenagrion pulchellum*

Танасининг шакли ва ҳажмига кўра митти ниначиларга ўхшайди. Узунлиги 35 мм га, қанотлари ёзилганда 50 мм га тенг. Сув ҳавзалари қиргоқларида яшайди. Личинкалари оқмайдиган кичик сув ҳавзаларида тарқалган. Ҳамма ерда учрайди.

49 a. Зангори найзасимон ниначи — *Enallagma cyathigerum* Charp

Марказий Осиёда кенг тарқалган майда, нозик ниначи, қорин қисмининг узунлиги 18—28 мм, қанотлариники 18—21 мм. Эркагининг қорни зангори (ҳаворант), қора нақшли, урғочисиники оч қўнғир тусда. Сувўларга тухум қўяди. Личинкалари йиртқич, ҳар хил сув ҳашаротлари ва қисқичбақасимонлар билан озиқланади.

Ўзбекистонда ҳамма жойда тарқалган.

ҲАР ХИЛ ҚАНОТЛИЛАР КЕНЖА ТУРКУМИ — ANISOPTERA

Дедкалар оиласи — Gomphidae

Ўзбекистонда бу оиланинг 10 тури учрайди.

50. Оддий дедка — *Gomphus vulgatissimus* L.

Гавдаси сарик тусли, қора рангли белбоғлари ёрқин кўри-

ниб туради. Оёқлари тўлигича қора рангли. Қорин бўлиманинг узунлиги 33 — 37 мм, қанотларники 28 — 33 мм, танасининг узунлиги эса 45 — 50 мм га етади. Тухумларини сувга кўяди. Личинкаларининг қорин қисми кенг ва ясси, майдада тукчалар билан қопланган. Вояга етган ниначилик май-сентябрь ойларида учиди юради. Тоғ олди зоналарда тарқалган.

51. Сариқ оёқли дедка — *Gomphus flavipes Chorp*

Ўзбекистонда энг кўп тарқалган ниначиликлардан. Оёқлари сариқ рангли. Қорин қисмининг узунлиги 37 — 40 мм, қанотлариники эса 30 — 40 мм. Личинкалари секин оқар сув ҳавзаларида яшайди. Йиртқич ва хўра. Ҳамма ерда учрайди.

Обкаш ниначилик оиласи — *Aeshidae*

52. Камиш обкашчиси — *Aeschna juncea L.*

Энг йирик ниначи. Қорин бўлимининг узунлиги 50 — 59 мм ва кўк-яшил, қора тусда. Кўзчалари йирик ва бир-бира га зич жойлашган. Ургочисининг қорин бўлими бронза тусда. Эркагиники қора, нақшли ҳаворанг (зангори) ва оқ. Личинкалари йирик ва узун, оқмайдиган кўлмак сувларда, баъзан қамиш босган оқар сувларда яшайди, ниҳоятда йиртқич. Кўпинча қирғоқ бўйидаги ўсимликлар бор жойларда учрайди.

Ўзбекистонда кенг тарқалган тур саналади.

53. Кўк обкашчи — *Aeschna cyanea Müll*

Кўк рангли, ҳаракатчан йирик ниначиликлардан бўлиб, қорин бўлимининг узунлиги 52 — 60 мм. Кўк қанотлари





53



53 а



54



55

яшил товланади. Сув ўсимликларининг юмшоқ тўқималарига ва сувдаги ҳар хил нарсаларга тухум қўяди. Личинкалари йиртқич бўлиб, ҳар хил умурткасиз ҳайвонлар билан озиқланади.

Етук ниначилар ҳавода фаол ҳаракатланиб, ўлжасини қиради. Озиқ излаб 5 — 10 км узоқликкача учиб боради, 5 — 6 ой яшайди.

53 а. Йирик обкашчи — Aeschna grandis

Йирик ниначи қанотларини ёзганда 105 мм гача боради. Қанотлари сарғишроқ ва тиник. Кўкрак қисмида (қанотлари оралиғида) тўрт дона ҳаворанг холи бор. Асосан, июнъ-сентябрь ойларида учиб юради.

Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

54. Яшил обкашчи — Aeschna viridis Ev

Сув ҳавзалари мавжуд жойларда тез-тез учраб туради, айниқса, республикамизнинг шимолий туманларида кенг тарқалган. Йирик ниначи, қорнининг узунлиги 42 — 54 мм, кўкрагининг ён томонлари яшил, қанотлари оч яшил тусда. Личинкалари кўлмак сувларда яшайди. Энг йиртқич ниначилардан бўлиб, заарали ҳашаротларни кўплаб қириб, фойда келтиради.

55. Назоратчи ниначи — Anax imperator Leach

Ниначилар орасида энг йириги. Қорин бўлими 49 — 61 мм узунликда. Унинг устки томонида қорамтир, чўзиқ чизиқлар бор. Оқмайдиган сув ҳавзаларида яшайди. Бошқа ниначилар каби сувётларига тухум қўяди.

Марказий Осиёдаги даштли туманларда тарқалган.

Кордулегастерлар оиласи — Cordulegasteridae

56. Түғнагичқорин ниначи — *Cordulegaster insignis* Sch.

Тоза сувли дарёлар бўйида яшайди. Ёрқин рангли йирик ниначи. Қорин қисмининг сариқ рангли юзаси бўйлаб ўтган қора нақш аниқ кўриниб туради.

Ўзбекистонда бу оиланинг ягона тури ҳисобланади. Шунинг учун бу ниначи муҳофаза қилинади.



56

Ҳақиқий ниначилар оиласи — Libellulidae

57. Яссиқорин ниначи — *Libellula depressa* L.

Ўртача катталиқда, қорни япалоқ, қизғиш-қўнғир тусда, узунлиги 22 — 28 мм. Қанотлари йириқ, жигар ранг холлари бор. Сув ўсимликларига тухум қўяди. Личинкалари оқмайдиган ва секин оқалигандан сув ҳавзаларида ривожланади. Тоғли туманларда тарқалган бўлиб, асосан, кичик дарёлар, ҳовузлар ва қўллар яқинида яшайди. Заарли қон сўрувчи ҳашаротларни қириб, фойда келтиради.



57

58. Ортетрум ниначиси — *Orthetrum brunneum* L.

Марказий Осиёда кенг тарқалган тур. Ўзбекистон фаунасида 28 тури маълум. Ўртача катталиқдаги ниначи, қорин қисми яссиланган ва энига кенг. Узунлиги 19 — 26 мм. Учиб юриб сувга тухум ташлайди. Май оидан ноябргача учиб юриши кузатилади. Тоғларда тарқалган.



58

59. Оддий ниначи — Sympetrum vulgatum L.

Ранги хилма-хил. Қанотлари оч-қўнғир, орқа жуфт қанотларида унча йирик бўлмаган сарғиш холлари бор. Қорин қисмининг узунлиги 24 — 28 мм. Личинкалари кўлмак сувларда ривожланади. Май ойидан октябргача учиб юради. Асосан дарёлар соҳилида яшайди.



59

60. Сариқ ниначи — Sympetrum flaveolum L.

Марказий Осиёда ҳамма жойда учрайди. Танасининг ранги сарғиш-қўнғир. Қанотларининг асоси қўнғир бўлиб, орқа қанотида битта сариқ холи бор. Қорин бўлимининг узунлиги 19 — 26 мм. Личинкалари оқмайдиган ва секин оқадиган сувларда яшаб, ҳар хил умуртқасиз ҳайвонлар билан озиқланаади.

61. Богичли ниначи — Sympetrum pedemontanum All.


Эркаклари қизил рангда, ургочисининг қорин қисми эса қўнғир тусда. Ҳар иккала жуфт қанотларининг учидаги сариқ-қўнғир тусли боғлами бўлади. Личинкалари вояга етган ниначилар каби йиরтқич. Марказий Осиёда тарқалган. Тоғли туманлардаги дарёлар яқинида яшайди.

62. Қизил ниначи — Sympetrum sanguineum Mull.

Танаси қизил-қўнғир тусли, ўртача катталикдаги ниначи. Қорин қисми йўғон ва ясси, узунлиги 20 — 26 мм. Қанотлари-




ТАБЛИЦАЛАРДАГИ УМУРТҚАСИЗ ҲАЙВОНЛАРНИ
ТУРГАЧА АНИҚЛАНГ




I. Зулуклар




II. Моллюскалар




III. Қисқиңбақасимонлар



IV. Ўргимчаклар



V. Ырғимчаклар




VI. Ыргимчаклар




VII. Ўргимчак ва ари



VIII. Чайн ва фаланга



IX. Тубан ҳашаротлар




X. Ниначилар



XI. Ниначилар




XII. Ниначилар



XIII. Ниначилар




XIV. Чигирткалар



XV. Чигирткалар



XVI. Чигирткалар




XVII. Тұғриқанотлилар



XVIII. Бешиктерватар ва ари



XIX. Сув қандалалари



XX. Қандалалар



XXI. Капалаклар




XXII. Капалаклар




XXIII. Капалаклар



XXIV. Капалаклар



XXV. Құнғизлар





XXVI. Құнғизлар



XXVII. Колорадо күнғизи


XXIX. ILAPAKAHOTJINJAP







XXX. Пардаңанотлилар



XXXI. Пардақанотлилар



XXXII. Ўликхўр ҳашаротлар



62

нинг ранги тиник. Личинкалари ҳам қизил рангда. Етук ниначилар май-август ойларида тоғ дарёлари ва кўлларда учиб юради. Жуда ҳам йиртқич.

Марказий Осиёда тарқалган.

Б.1.3. СУВАРАКЛАР ТУРКУМИ – BLATTOPTERA

Ҳозирги вақтда суваракларнинг 3600 дан ортиқ тури маълум. Шулардан 50 тури МДҲ да топилган. Ўзбекистонда 30 тури учрайди.

Суваракларнинг танаси ясиланган, қора-қўнғир, сариқ, баъзи турлари тим қора тусда бўлади. Оғиз аппарати кемирувчи типда, мўйловлари ипсимон ва узун, оёқлари югуришга мослашган. Олдинги жуфт қаноти қалинлашган, орқа жуфти эса юпқа ва нозик. Айрим турлари урғочиларининг қаноти редукцияланган (қисқарган) ёки бутунлай бўлмайди. Эркаклари қанотли бўлиб, яхши учади.

Сувараклар тунги ва иссиқсевар ҳайвон бўлиб, тошлар ва кесаклар остида, девор ва ер ёриклирида, барглар остида, кемирувчилар инида ва одам яшайдиган бинолар ичидаги яшайди.

Ўрта Осиёдаги чўл ва саҳроларда тошбақасимон суварак (*Polyphaga saussurei*) тури тарқалган. Бизда учрайдиган сувараклар орасида энг йириги бўлиб, урғочиларининг катталиги 4,5 см гача бўлади. Уларнинг қаноти бўлмайди, ясси шаклда, эркакларининг қаноти бор.

Қора ва сариқ сувараклар бевосита одам яшайдиган биноларда, айниқса, иситиладиган уйларда жуда кўп тарқалган. Улар заарли ҳашарот. Ўйдаги турли хил озиқ маҳсулотларини ейишдан ташқари, тери ва жундан ясалган маҳсулотларни кемиради ҳамда ҳар хил касаллик қўзғатувчиларни ташувчи ҳисобланади. Шунинг учун уларни турли чоралар билан қириб ташлаш керак.

63. Ўрта Осиё тошбақасимон сувараги (Миср сувараги) — *Polyphaga saussurei*

Тошбақасимон суваракнинг танаси йирик бўлиб, ургочиларининг катталиги 24 — 45 мм, ранги қора ёки жигарранг. Ташқи кўриниши кичкина тошбақани эслатади. Йирик урғочилари миср сувараги деб ҳам аталади. Қанотли эркак суваракнинг узунлиги 20 — 25 мм га тенг.

Бу сувараклар чўл ва чала чўлларда яшайди. Ўсимликлар ва ҳайвонларнинг органик қолдиги билан озиқланади. Асосан, кемирувчилар ини ва буталар тагида яшайди.

Марказий Осиёда тарқалган.

64. Қора суварак — *Blatta orientalis*

Бу хил суваракларнинг ранги қора ёки қорамтири-қўнғир бўлиб, металлдек ялтирайди. Эркакларининг қаноти ривожланган, деярли танасининг учигача етади, танасининг узунлиги 20 — 25 мм. Урғочиларининг қанотлари унча ривожланмаган, танасининг охирига етмайди, 18 — 30 мм узунликдаги ҳашарот. Жинсий йўл билан кўпаяди. Ургочилари ҳидли модда — ферамонлар ажратади, бу ҳид эркак суваракларни ўзига жалб этади ва шундан кейин улар жуфтлашади. Ургочи сувараклар маҳсус хитинли капсула-оотекага тухум қўяди. Тухумдан чиққан ёш сувараклар тўрт йилдан кейин жинсий вояга етади.

Иссиқсевар ҳашарот бўлиб, хонадонларда яшайди. Марказий Осиёда ҳамма жойда тарқалган.

65. Сариқ суварак — *Blatella germanica*

Энг кенг тарқалган ва ҳамма жойда учрайдиган ҳашарот. Ранги оч қўнғир-сариқ, орқасининг олд қисмида 10 — 13 мм узунликдаги иккита қорамтири йўли бор. Иссиқсевар, хонадонлар, айниқса, ошхона ва новвойхоналарда кўп учрайди. Турли хил нарсалар (нон, сабзавотлар, қанд, ёғ ва бошқалар) билан озиқланади. Теридан ва жундан тайёрланган буюмларни, китоб-



лар муқоваси ва бошқа нарсаларни ишдан чиқаради. Шу билан бирга турли касаллик қўзғатувчиларни ташувчи ҳам ҳисобланади. Тунда фаол ҳаёт кечиради.

Б.1.4. БЕШИКТЕРВАТАРЛАР ТУРКУМИ – MANTOPTERA

Бешиктерватарлар туркумининг вакиллари ҳашаротларнинг энг йириги (7 – 8 см) ҳисобланади. Улар ўзига хос тузилиши билан бошқалардан ажралиб туради. Биринчи жуфт оёқлари ривожланган бўлиб, ҳимоя ва ўлжани ушлаб оловучи аъзога айланган. Боши учбурчак шаклда, ҳаракатчан, унда 3 та кўзи, мўйлови ва кемирувчи оғиз аппарати жойлашган. Қорин қисми узун, 10 та бўғимдан иборат. Кўпчилигининг ривожланган икки жуфт қаноти бўлади. Табиатда қанотсиз бешиктерватарлар ҳам учраб туради.

Бешиктерватарлар, асосан, дараҳтлар ва буталар, ўтлар орасида, сув ҳавзалари бўйида (айниқса, тўқайзорларда) ва баъзи турлари қуриб қолган ўсимликлар орасида яшайди. Тўқайзордаги битта дараҳтда 50 тагача бешиктерватарлар учраши аниқланган.

Бешиктерватарларнинг ранги яшил, сариқ ва қўнгир бўлади. Улар муҳит шароитига қараб, рангини доим ўзгартириб туради, яъни ҳимояланиш хусусиятига эга.

Кўпайишда ургочилари тухумини (100 – 300 тадан) маҳсус пиллага (оотекага) жойлаб, дараҳтлар новдасига ёки тошларга ёпишириб қўяди. Бу пиллалар -18° совукқа чидайди ва қишлияди. Эрта баҳорда улардан (етук формаларига ўхшаш) личинкалар чиқади.

Бешиктерватарлар ўта йиртқич бўлиб, жуда очкўз. Битта ургочиси 162 кунлик ҳаёти давомида (личинкалик даври билан бирга) 2534 та ҳар хил ҳашаротни истеъмол қилган. Етук формалари 55 – 60 кун яшайди.

Дунё фаунасида бешиктерватарларнинг 20000 тури маълум. МДҲ да 30 тури, Ўзбекистонда 18 – 20 тури учрайди. Иссиқ-севар ҳашарот. Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистонда дараҳт бешиктерватари (*Hierodula tenuidentata*) кўп тарқалган. Бешиктерватарларнинг эмпуза номли битта тури Ўзбекистон фаунасида учрайди, яъни шоҳсимон бешиктерватар (*Empusa pennicornis*) бўлиб, чўл зоналарида кенг тарқалган.

Республикамида бешиктерватарларнинг қуйидаги турлари учрайди.

1. Оддий бешиктерватар (*Mantis religiosa*), яшил ёки сарфиш-оқиши тусда, танасининг катталиги 40 – 60 мм.

2. Дараҳт бешиктерватари (*Hierodula tenuidentata*), яшил ва сариқ тусда, 44 — 75 мм катталика.

3. Қанотлари дөгли бешиктерватар (*Iris polystictica*), катталиги 30 — 45 мм.

4. Эмпзуза бешиктерватари (*Empusa pennicornis*), оч яшил тусда, танасининг катталиги 55 — 60 мм.

66. Оддий бешиктерватар — *Mabtis religiosa L.*

Ҳашаротлар орасида энг йирикларидан бўлиб, ранги тинқ яшил, сариқ ёки қўнғир. Яшаш жойига қараб (масалан, яшил рангли ўсимликлар орасида яшаса, яшил тусда) рангини ўзгартириб туради. Танаси чўзиқ, узунлиги 46 — 76 мм. Олдинги оёқлари ривожланган бўлиб, тутқич вазифасини бајаради (сон билан болдири биргаликда қайчи типида таъсир қиласидаги тутиш аппаратини ҳосил қиласи).

Бешиктерватар таъсирланганда, қанотларини ёйиб, оёқларини баланд кўтариб товуш чиқарди ва қўрқитувчи кўринишда бўлади. Оотекага тухум қўйиб кўпаяди. Тухумдан чиқсан ёш бешиктерватар ширалар ва майдада ҳашаротлар билан ҳояга етган шакллари чигиртка, қўнғиз, арилар ва каналар билан озиқланади. Асосан, ўрмон ва ўтлоқларда, шунингдек, дарёлар соҳилида яшайди.

Марказий Осиёда ҳамма жойда тарқалган.

67. Калтақанот бешиктерватар — *Bolivaria bruchyptera*

Ўрта Осиёда ҳамма жойда учрайди. Асосан, бошоқли ғалла экинлари дала-ларида, шувоқ ва шўра ўсган ўтлоқларда яшайди. Танасининг узунлиги 35 — 45 мм, оқ қўнғир-кулранг. Қанотлари калта, чети қора-бинафша ранг ҳошияли. Йиртқич, ҳар хил ҳашаротлар ва бошқа бўғимоёқлилар билан озиқланади.

68. Дараҳт бешиктерватари — *Hierodula tenuidentata*

Бешиктерватлар орасида энг йирикларидан бири ҳисобланади. Танаси тинқ яшил рангда. Қанотлари яхши ривожланган, кўзга яққол ташланадиган тинқ, оқ холи бўлади. Дараҳтлар шохига ёпиширилган оотекаси қишлиайди. Май ойи-

нинг ўрталарида пайдо бўлган ёш бешиктерватарлар (личинкаси) шира, қандала-
лар ва бошқа майда ҳашаротлар билан озиқ-
ланади. Бу тур дарё бўйларидағи жийда,
турандил ва теракзордан иборат тўқайлар-
да яшайди.

Ўзбекистон, Туркманистон ва Қозогис-
тоннинг жанубий районларида тарқалган.

68 а. Пат мўйловли эмпуза — Empusa pennicornis

Танаси яшил ёки сариқ-яшил. Урғочила-
рининг мўйлови тароқсимон. Жуда ҳам йирт-
қич ва очофат. Йирик ҳашаротларни яшири-
ниб овлайди ва улар билан озиқланади.



B.1.5 ТЕРМИЛЛАР ТУРКУМИ – ISOPTERA

Термитлар иссиқсевар ҳашаротлар бўлиб, иқлими иссиқ
бўлган мамлакатларда тарқалган. Улар ташқи кўриниши ва яшаш
тарзига кўра, чумолиларга жуда ўхшайди. Шунинг учун баъзи
жойларда оқ чумоли деб ҳам аташади. Ер юзида термитлар-
нинг 2500 га яқин тури учрайди. Шулардан 3 тури Ўрта Осиё-
да тарқалган.

Жамоа бўлиб яшайдиган ҳашаротлардан бўлиб, оиласда бир
нечта эркак, битта урғочи ва минг-минглаб ишчи ва солдат-
лари бўлади. Бу жинслар ташқи тузилиши ва йирик-майдали-
ги билан бир-биридан фарқ қиласди.

Урғочи ва эркакларида дастлаб қанот бўлади. Улар ҳавога
учиб чиқиб, жинсий қўшилгандан кейин қанотлари тушиб
кетади. Урғочисининг қорин қисми ҳажми катталашиб (тухум
кўйиш билан боғлик) анча узаяди. Ишчи зотларининг танаси
оқ-сариқ ва ялтироқ, катталиги 10 – 12 мм. Солдат зотларининг
боши катта, жағлари ривожланган, жигарранг тусда. Қанотли
зотлари (эркаги ва урғочиси) пушти рангда, анча йирик (22 мм
гача), боши узун-узун тук билан қопланган бўлади. Термитлар
тупроқ орасида, ер юзасида мукаммал ин қуриб яшайди. Улар
ёғоч, дағал поя, ўсимликларнинг қуриб қолган қолдиқлари
билан озиқланади.

69. Туркистон термити — Anacanthotermes turkestanicus

Туркистон термити Ўзбекистонда ҳамма жойда чала чўллар-
да, шаҳарлар ва бошқа манзилгоҳларда тарқалган. Бир неча ўн



69

минг индивиддан ташкил топган катта-катта колония бўлиб яшайди. Ерга ин қуради. У кўп хона ва йўллардан ташкил топган бўлади. Ишчи термитларнинг кўзи яхши ривожланмаган. Солдатларнинг боши катта, жағлари яхши ривожланган. Улар оиласидаги барча ишларни бажаради.

Оиласидаги ягона урғочи термит бир неча юз минглаб тухум қўяди. Термитлар ўсимлик озиқалари — ёғоч, қуриган чўп ва барглар билан озиқланади, натижада, иморатларнинг ёғочи, темир йўл шпаллари, телеграф симёғочлари, уйлардаги мебеллар, китоблар, кийим-бош ва бошқа буюмларга жиддий зарар етказади. Термитлардан ҳимоя қилиш мақсадида ёғочга заҳарли химиқатлар шимдирилади.


Туркистон термити Фарғона водийси вилоятларида, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кўп тарқалган бўлиб, халқ хўжалигига катта зарар етказади.

ПАЛОЧНИКЛАР, ЯЬНИ ЧЎПСИМОНЛАР ТУРКУМИ – RHAMOPTERA

70. Икки ўркачли чўпсимон – *Ramulis bituberculata*

Палочниклар ҳашаротлар орасида энг йириги бўлиб, тропик зоналарда яшовчиларининг узунлиги 30 — 35 см гача бўлади.

Чўпсимонларнинг 2500 тури маълум. МДҲ да 7 тури учрайди, холос. Улар дараҳтзор, бутазорларда, тоғ ва тоғ ён бағирларида яшайди. Ранги яшил, қўнғир ва кулранг тусда бўлиб, яшаб турган ўсимликларни рангига мослашади. Кўриниши қуриб қолган ўсимликларнинг шохчаларини ёки чўпни эслатади. Бир жойда узоқ вақт ҳаракатсиз туради. Шунинг учун экскурсиялар давомида уларни топиш жуда мушқул. Ўзбекистон шароитида бир тури, яъни икки ўркачли чўпсимон тури учрайди.



Б.1.6. ТЎҒРИ ҚАНОТЛИЛАР ТУРКУМИ – ORTHOPTERA

Тўғри қанотлилар ер юзида деярли ҳамма жойда учрайди. Улар очиқ далаларда, галла, беда, сабзавот ва полиз экинзорларида, чўл ва саҳроларда тарқалган. Танаси узун, орқа жуфт оёқлари сакровчи типда тузилган (ер буқаларидан ташқари). Оғиз аппарати кемирувчи типда, олдинги жуфт қанот-

лари қалин, пишиқ, орқа қанотлари эса пардасимон ва кенг, узунасига кетган томирлари яхши ривожланган. Эшиши аппарати олдинги оёқларининг болдирида жойлашган. Қанот қалқонларининг ёки қанот қалқонлари билан орқа оёқларининг ишқаланишидан товуш чиқаради. Улар, асосан, ерга тухум кўяди. Жуда кўп тури, айниқса, чигирткалар ўсимликхўр бўлиб, экинларга жиддий зарар етказади. Булар орасида ҳайвонот маҳсулотлари билан озиқланувчилар ва ҳаммахўр турлар бор.

Хозирги вақтда тўғри қанотлиларнинг 20 мингдан ортиқ тури маълум. Ўрта Осиёда 520 тури, Ўзбекистонда 300 дан ортиқ тури учрайди. Тўғри қанотлилар иккита кенжа туркумдан иборат.

1. Узун мўйловлилар кенжа туркуми — Dolichocera.
2. Калта мўйловлилар кенжа туркуми — Brachycera.

УЗУН МЎЙЛОВЛИЛАР КЕНЖА ТУРКУМИ — DOLICHOCERA

Ўз номига кўра, бу кенжа туркумга мансуб барча турларнинг мўйлови жуда узун ва қилсимон бўлади. Эшиши аъзоси олдинги оёқларининг сон қисмидаги жойлашган. Урғочилари қорнининг кейинги бўгимида қиличсимон узун тухум қўйичи бўлади. Тўртта оиладан иборат.

Темирчаклар оиласи — Tettigoniidae

71. Яшил темирчак — *Tettigonia viridissima* L.

Ўрта Осиёда тарқалган. Тоғ этакларида ва текисликларда ўтлар орасида яшайди. Унинг ўзига хос хусусияти мўйловининг узун иссимон бўлиши ва товуш чиқарувчи аппарати — қанот қалқони асосида жойлашган чириллаш органининг бўлишидир. Танасининг узунлиги 27 — 42 мм, тухум қўйич найзаси 22 — 32 мм. Ўсимликлар устига ва улар ичига тухум қўйиб кўпаяди. Темирчак ҳам ўсимлик, ҳам ҳайвонот озиқ билан озиқланади. Жуда кўп экинларнинг хавфли зааркунандаси ҳисобланади.



71

72 а. Сайроқи темирчак — *Tettigonia cantans* F.

Ранги оч яшил, танасининг узунлиги 28 мм гача, тухум қўйич найзасиники 22 — 31 мм. Фақат эркаклари сайрайди (урғочиларини ўзига жалб қилиш учун). Ҳар хил нарсалар билан озиқланади. Тоғ ён бағридаги ўтлоқларда кўп учрайди.



72 б. Кулранг темирчак — *Decticus verrucivorus* L.

Танасининг узунлиги 29 — 39 мм, ранги тўқ яшил, қўнғир рангилари ҳам учраб туради. Булар сайроқи темирчакларга ўхшайди, лекин фақат ўтлар орасида яшайди. Шунинг учун кўзга тез-тез кўриниб туради.

Ўсимликлар поясига 50 — 70 тадан тухум қўйиб кўпаяди. Ҳаммахўр, боғлар, ўтлоқлар, тогларда ва тоғ этакларидағи текисликларда яшайди.

73. Қалта қанот темирчаклар — *Metrioptera brachyptera*


Бу ҳашаротнинг узунлиги 12 — 18 мм, ранги қўнғир, қанот қалқони қалта ва икки хил рангда — қўнғир ва яшил. Урғочисининг қаноти бўлмайди.

Ўрта Осиёда тоғли районларда тарқалган.

Чирилдоқлар, яъни қора чигирткалар оиласи — Gryllidae

74 а. Чўл чирилдоги — *Gryllus desertus* Pall

Қора рангли, қанотлари ривожланган ёки баъзан қалта, узунлиги 20 — 25 мм. Орқа оёқларининг сон қисми йўғонлашган. Эркаклари жинсий қўшилиш олдидан ер ёриқларига ёки унча чуқур бўлмаган инига кириб, чириллаб кучли товуш чиқаради. Товуш аппарати қанот қалқони остида жойлашган. Тунда фаол ҳаёт кечиради. Ерга 500 тагача тухум қўйиб кўпаяди. Ўзбекистон шароитида икки марта авлод беради. Личинкали босқичида қишлиайди. Булар сернам жойларда, кесаклар орасида, барг-хазонлар тагида ҳаёт кечиради. Тоғларда ва тоғ олди зоналарида, чўлларда, полиз ва сабзавот экинлари далаларида тарқалган. Ниҳоятда очкўз ҳашарот. Сабзавот, полиз ва дала экинлари билан озиқланиб, дехқончиликка катта зарар етказади. Баъзи йиллари жуда ҳам кўпайиб кетиб, ҳатто мевали дараҳтларни ҳам заарлайди.



74 б. Ўй чирилдоғи — *Gryllus domesticus* L.

Булар хонадонларда яшайды. Кечқурун чириллагани учун уй қора чирилдоғи деб айтилади. Узунлиги 16 — 20 мм, ранги сариқ-құнғир, тунги ҳайвон бұлиб, йил давомида фаол ҳаёт кечиради. Кечаси тинимсиз сайрайди. Ҳар хил үсимликлар қолдиги билан озиқланиши билан бирга, бошқа ҳашаротларни, айниқса, суваракларни күп овлайди.

Бордос чирилдоғи — *Gryllus burdigalensis*

Танаси кулранг-оч құнғир. Бошқа чирилдоқларга нисбатан кичикроқ. Табиатда март ойидан бошлаб пайдо бўлади. Дала экинлари зааркунандаси. Бу турнинг ўзига хос хусусияти каннибализмдир, яъни ўзи билан бирга ривожланадиган индивидларни еб қўяди.

Ўрта Осиёда ҳамма жойда учрайди.

Бузоқбошилар оиласи — *Gryllootalpidae*

75. Оддий бузоқбоши — *Gryllootalpa gryllootalpa* L.

Бузоқбошиларнинг танаси йирик, яссилашган, құнғир-жигарранг, узунлиги 35 — 50 мм бўлиб, тупроқ ичидагашашга мослашган. Мўйлови калта, боши кичкина, оғиз аппарати кемиравчи типда. Калта ва ривожланган олдинги оёқлари худди кротларникига ўхшаш бўлиб, ер қазишга мослашган. Кейинги икки жуфт оёқлари эса юрувчи, олдинги кўкрак сегменти бошқаларига нисбатан йирик. Қанотлари ривожланган, олдинги қаноти терисимон ва калта, кейинги жуфти эса пардасимон ялтироқ. Яхши уча олмайди. Урғочиларида тухум қўйгич (найзаси) йўқлиги билан бошқа чирилдоқлардан фарқ қиласи. Тунда фаол ҳаёт кечиради. Кундузи ер юзига яқин қилиб горизонтал ҳолда қазиган узун инида яшайди. 500 — 600 тадан қилиб ерга тухум қўяди.

Бузоқбошилар нам тупроқли жойларда ва сугориладиган майдонларда яшайди. Сабзавот ва полиз экинлари, гўза ва шоли, ёш мевали дараҳтлар кўчати билан озиқланиб (айниқса, ер ости қисмини еб) катта зарар етказади.

Ўрта Осиёда бузоқбошиларнинг 3 тури тарқалган.



КАЛТА МҮЙЛОВЛИ ТҮФРИ ҚАНОТЛИЛАР КЕҢЖА ТУРКУМИ – BRACHYSCERA

Мүйлови калта, ипсимон, танасининг ярмига ҳам етмайди. Урфочиларининг тухум қўйгичи жуда калта, эшитиш органи биринчи қорин сегментининг ён томонида жойлашган.

Чигирткалар оиласи – Acrididae

76. Сахро акридаси – *Acrida oxycephala* Pall.

Бу чигиртка ўтлоқларда, ариқлар бўйида, тўқайлар ва чўлларда учрайди. Ихчам ва чиройли танаси сариқ ёки яшил бўлади. Боши жуда чўзиқ, пешанаси орқага томон қия. Орқа оёқларининг сони узун ва ингичка. Тупроқнинг юза қатламига тухум қўяди. Бунда урфочилари ажратадиган кўпиксимон молда ҳавода совиб, тупроқ заррачаларини бир-бирига қаттиқ ёпишириди, натижада кўзачалар ҳосил бўлади. Ана шу кўзачаларга тухум қўяди. Баҳорда тухумдан чиқсан ёш чигирткалар ёввойи фалла экинларининг барглари билан озиқланади.



76

Бу тур Ўрта Осиёда ва Қозогистонда тарқалган.

77. Икки хил ранги акрида – *Acrida bicolor* Thn.

Боши чўзиқ, танаси ихчам, сарғиш-қўнғир, узунлиги 31–53 мм () ва 51–80 мм (). Қанотлари икки хил рангда: сариқ ва оч қўнғир. Ўрта Осиёдаги чўлларнинг қумли жойида тарқалган.



78



77

78. Ўтлоқ акридаси – *Acrida* sp.

Тоғ этаклари ва текисликларда ҳар хил ўтлар аралаш ўтлоқларда яшайди ва яшил ўсимликлар билан озиқланади.

Узунтумшуқ чигиртка – *Truxalis nasuta*

Ўзбекистонда ва унга туташ давлатларда тарқалган. Асосан, фалла ва бошқа ёввойи ўсимликлар орасида, пахтазор ва бедазорлар атрофида яшайди. Ранги сарғиш-кулрангдан яшил тусгача. Беда, гўза, дала полиз экинлари, фалла каби ўсимликларга жиддий зарар етказади.

79. Миср чигирткаси — *Anacridium aegyptium*

Йирик чигирткалардан бири (65 мм гача). Ранги кулранг, оқ ва қора доғлари аниқ, күриниб туради. Үзи ҳосил қылган күзачаларга тухум құяды. Янтоқ, шұра, мевали дараҳтлар, ток ва тут барги билан озиқланади. Хавфли зааркунанда.

Үрта Осиёдаги чүлларда, тоғ этакларida тарқалған.

79



80



80. Күк қанотлы чигиртка — *Steuroderus scalaris* L.

Үртача катталиқдаги ҳашарот. Узунлиги 18—29 мм. Қорамтири-қүнғир тусда. Вояга етган ёш шакллари бошоқли экінларнинг пояси ва бошоғини еб, ғалла экінларига, шунингдек, беда, картошка ва бошқаларга заар етказади.

81. Туркман чигиртка — *Ramburiella turcomana* F.W.

Танаси сариқ-қүнғир, қанотларida қорамтири холлари бор, боши ва орқасининг олд томони бўйлаб оч сариқ йўл ўтади, у қанотларига уланиб кетган. Орқа қисмининг олд томонида иккита оч рангли йўл бутсимон жойлашган. Орқа оёқларининг сон қисми кўкимтири-саргиш. Эркакларининг узунлиги 22—30 мм, урғочилариники 30—40 мм. Тупроққа тухум құяды. Апрель ойида тухумдан нимфа (личинка) чиқади ва үртача 37 кундан кейин жинсий вояга етади. Булар, асосан, ғалла ўсимликларининг яшил барглари, пояси ва бошоғи билан озиқланаб, катта заар етказади.

Туркман чигирткаси Ўзбекистон, Туркменистан, Қозогистонда ва бошқа давлатларда тарқалған бўлиб, асосан, тоғ этакларida ва ёнбағирларida яшайди.

82. Чипор қанот чигиртка — *Thisosetrus adspersus*

Ўзбекистон, Тожикистан ва Қозогистонда тарқалған. Текис-ликларда, ариқлар, йўллар бўйида ва чўлда ўсадиган ўтлар орасида яшайди. Танаси 18—35 мм узунликда, кулранг-қүнғир. Қанот-ларida қорамтири холлари бор. Орқа



81



82

оёғининг сони бақувват. Шўра, янтоқ, гўза, беда ва бошқа ўсимликлар билан озиқланади.

Турон хромогони — Chrotogonus turanicus Kuthy.

Танасининг узунлиги 16 — 24 мм, фадир-будур сирти бўртиб чиқсан. Ранги сарғиш-кулранг. Личинкалари қишлиайди ва июнь ойида қанот чиқаради. Шўрхок ерларда ва тўқайларда яшайди.

Ўрта Осиёда ва Қозогистонда тарқалган.

Лалми чигирткаси — Calliptamus turanicus Tarb.

Ўрта Осиёда ва Қозогистонда тарқалган. Тоғ олди зоналарида шувоқ ва эфемерли ўсимликлар орасида яшайди. Танаси кулранг-қўнғир ёки оч қўнғир-сариқ. Орқа оёғининг сон қисми тўқ сариқ. Танасининг узунлиги 38 — 45 мм. Битта урғочи чигиртка 2 — 3 та кўзачага тухум қўяди. Ҳар хил ўсимликлар билан озиқланади. Ёппасига кўпайган йиллари дала экинлари учун энг хавфли зааркунанда ҳисобланади.

83. Италия чигирткаси — Calliptamus italicus Serv.

Танасининг узунлиги 23 — 28 мм. Ранги сариқдан то қорамтири-қўнғир тусгача, доғлари бор. Асосан, тухуми қишлиайди. Апрель-май ойларидан тухумдан чиқсан личинкалари июнь ойининг ўрталарида жинсий вояга етади. Ёввойи галладошлар, шувоқ, янтоқ орасида яшаб, гўза, сабзавот, полиз, фалла ва бошқа экинларга жиддий зарар етказади.

Ўрта Осиёда ва Қозогистондаги текисликларда ва тог олди зоналарида кенг тарқалган.

84. Марокаш чигирткаси — Dociostaurus maroccanus

Бу чигиртка урғочиларининг узунлиги 25 — 42 мм, эркакларники 20 — 35 мм. Ранги сарғиш. Қанотлари қорин қисмидан узун. Тухумини маҳсус кўзачаларга жойлаб тупроққа қўяди. Марокаш чигирткаси бугдой, арпа, шоли, оқжўхори ва маккажўхори, полиз ва сабзавот экинлари, гўза ва бедага катта зарар етказади.

Бу чигиртка Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

85. Осиё чигирткаси, яъни кўчманчи чигиртка — Locusta migratoria L.

Ўрта Осиёда энг кўп тарқалган ҳашарот бўлиб, қишлоқ хўжалиги экинларининг ниҳоятда хавфли зааркунандасидир. Мазкур

ҳашарот танасининг узунлиги 27 — 65 мм. Тухумли кўзачаларини дарё бўйларида бирмунча баландроқ жойларга қўяди. Ли-чинкалари якка-якка ва тўда-тўда бўлиб яшайди. Шунга кўра, уларнинг ранги ҳар хил. Тўда бўлиб яшовчилари қўнғир-яшил ёки сарғиш, якка-якка яшовчилари эса яшил тусда бўлади. Вояга етганларининг қаноти қорамтири, айрим йиллари ёппасига кўпайиб кетганда, 1 м² ерда 8000 тагача учраши ва узоқ масофаларга — 1200 км гача учиб бориши аниқланган.

86. Қизилқанот чигиртка — *Oedipoda miniata* Pall

Унча йирик бўлмаган ҳашарот. Танасининг узунлиги 18 — 27 мм, усти ғадир будур, орқа жуфт оёқлари болдиригининг ички томони сарғиш ёки хира кўк рангда. Ёввойи ва маданий ўсимликлар билан озиқланади. Фўза, беда ва полиз экинларига зарар етказади. Эфемер ўсимликлар тарқалган ерларда, тоғларнинг буталар ўсган ёнбагирларида ва пахта-зорлар атрофида яшайди.

Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қозоғистоннинг тоғли ва тоғ олди туманларида тарқалган.

87. Кўкқанот сахро чигирткаси — *Spshingonotus coerulescens* L.

Қанотлари кўк рангли, танаси қўнғир, орқа оёғининг болдир қисми кўкимтири ёки сарғиш. Қиёқ, қўнғирбош, ялтирибош ва бошқа ўсимликларнинг барги билан озиқланади.

Ўрта Осиёдаги тоғли туманларда тарқалган.

Б.1.7. ТЕРИҚАНОТЛИЛАР, ЯЊИ ҚУЛОҚ КОВЛАГИЧЛАР ТУРКУМИ — DERMAPTERA

Териқанотлилар, яњи қулоқ ковлагичлар ўртача йирик (10 — 14 мм) ҳашарот, танаси чўзинчоқ, эгилувчан, қорин қисмининг орқа учидаги омбурсимон, бир бўғимли иккита ўсиғи бор. Улар озиқланishi вақтида ўлжани тутиб туради. Оғиз аппарати кемирувчи типда. Олдинги жуфт қанотлари калта, териқимон, томирланмаган, орқа жуфти эса пардасимон кўри-



85



86



87

нишда. Қанотсиз турлари ҳам учрайди. Қанотлари бўлишига қарамай, улар деярли учмайди. Бир йилда бир марта авлод беради. Ургочилари куз бошида уруғлангач, тупроқда маҳсус ин ясад, 20 — 80 тадан тўдалаб тухум қўяди, наслини ҳимоя қиласди. Териқанотлилар тунги ҳайвонлар бўлиб, кундузи тошлар остида, ўсимликлар қолдиги, чириган илдизлар ва пустлоқлар орасида — сернам иссиқ жойларда яшириниб яшайди. Ҳаммаҳур, яъни чириган ўсимликлар ва бўғимоёқли ҳайвонлар билан озиқланади.

Териқанотлиларнинг 1200 тури маълум. Ўрта Осиё фаунасида 10 тури учраши аниқланган. Ўзбекистонда 4 тури кенг тарқалган.

88. Осиё қулоқ ковлагичи — Anechura asiatica Sem.

Танасининг узунлиги 10 — 16 мм. Қорин қисмининг орқа учиди (ички томонга қайрилган) қора рангли 2 та ўсиғи бор. Орқасининг олд томони сариқ. Калта қанотларида биттадан оч-сариқ холи бор. Ургочилари уруғланган тухумини ерга қазиган маҳсус инига қўйиб, ўзи ҳам шу инда яшайди ва тухумдан чиққунча наслини қўриқлаб ётади. Ўсимликларнинг чириётган қолдиги ва ўсиб турган ўсимликлар билан ҳам озиқланади. Экинзорлар, сабзавот ва полиз экинлари далаларида, мевали боғлар ва хонадонларда яшайди.



88



89

89. Оддий қулоқ ковлагич — Forficula auricularia

Танаси сариқ-қўнғир бўлиб, ялтирайди, узунлиги 9,5 — 16 мм. Боши сариқ-қизил, оёқлари сарғиш рангли. Булар таъсиранганди, қорин қисмини елка томонга баланд кўтариб, омбурсимон ўсиқларини ёзиб ўзини ҳимоя қилишга ёки ўлжасини гутишга шайланади. Ҳамма жойда тарқалган.

Қирғоқ қулоқ ковлагич — Labidura riparia Pall.

Танаси узун, тўқ жигарранг. Боши зангсимон қизил. Ерда қазиган маҳсус инига тухум қўяди ва личинкаси чиққунча уларни душмандан муҳофаза қиласди. Тунги ҳайвон бўлиб, фӯза, сабзавот ва полиз экинларига зарар етказади. Ўз номига кўра, сувҳавзалари бўйида, кўмли сернам жойларда яшайди.

Марказий Осиё ва Қозофистондаги текисликларда ва тоғли туманларда тарқалган.

90. Кичик қулоқ көвлагиң — *Labia minor*

Танаси сариқ-құнғир, боши қора, узунлиғи 4 — 6,5 мм. Кундуз куни ҳам учади. Чириндига бой ерда яшайды.

91. Федченко қулоқ көвлагиңи — *Anechura fedtschenkovi* Sauss.

Тоғли ва тоғ олди туманларыда тарқалган. Танасининг узунлиғи 9 — 18 мм, ранги құнғир. Уруғланған урғочилари қышлайды. Эрта баҳорда тошлар ва ўсимликлар қолдиги остига тухум құяды. Асосан, кундузи фаол ҳаёт кечиради. Тамакига зарар етказади.

B.1.8 ТЕНГ ҚАНОТЛИЛАР ТУРКУМИ – НОМОРТЕРА

Тенг қанотлилар табиатда кенг тарқалган бўлиб, уларни боғларда, далаларда, ўрмонарда ва турли хил эқинлар орасида ҳамиша учратиш мумкин. Тенг қанотлилар ўсимликларнинг энг хавфли зааркунандаси ҳисобланади. Чунки улар ўсимликларнинг шираси билан озиқланади. Танаси 1 — 3 мм дан 15 — 20 мм гача бўлади. Оғиз аппарати санчиб-сўрувчи типда. Икки жуфт пардасимон қаноти бир хил тузилган. Баъзи турларида, масалан, шираларнинг айримларыда қанот бўлмайди, оёқлари кам бўғимли.

Тенг қанотлиларнинг 30000 дан ортиқ тури маълум. Ташқи тузилиши ва биологик хусусиятларига кўра, 5 та кенжада туркумга бўлинади.

ЎСИМЛИК БИТЛАРИ, ЯЪНИ ШИРАЛАР КЕНЖА ТУРКУМИ – APHIDINEA

Ширалар ер юзининг ҳамма бурчагида тарқалган. Танаси 0,3 мм дан 3,5 — 7,5 мм гача, жуда юпқа нозик пўст билан қопланган. Ташқи кўриниши битга ўхшагани учун улар ўсимлик битлари деб ҳам юритилади. Ширалар ўсимликлар барги, шохида тўда-тўда (гала-гала) бўлиб яшайди. Озиқланиши ўзига хос. Маълумки, уларнинг танаси юпқа пўст билан ўралган. Шунинг учун танасидаги сув узлуксиз (айниқса, ҳарорат кўтарилигандан) буғланиб туради. Бу ҳолат улар танасида суюқлик кўпроқ бўлишини тақозо қиласиди. Шунинг учун ширалар ўсимликлар ҳужайрасидаги суюқликни доимий сўриб яшайди. Су-



90



91

юқлик билан бирга улар танаңында оқсиллар ва углеводлар ҳам сүрилади. Лекин углеводлар охиригача парчаланиб ҳазм бўлмайди ва ахлат билан бирга чиқариб турилади. Бу ширин ахлатни чумолилар истеъмол қиласи. Шунинг учун шира бор жойда чумолилар кўп бўлади. Ширалар ўсимликлар ширасини сўриши оқибатида, ўсимликлар заифлашиб ўсишдан орқада қолади, барглари бужмайиб нормал ҳосил бермайди ва кўпинча куриб қолади. Галлалар (шиш тугунаклар) пайдо бўлади.

Намгарчилик кўп бўлган йиллари баҳорда шира жуда кўпайиб кетади. Ёзда ҳаво исиб кетиши билан улар ўсимликларга унча зарар етказмайди, чунки иссиқ ва қуруқ ҳаво ~~уларнинг~~ яшаси учун нокулай муҳитдир. Бундан ташқари, ёзда ширалар билан озиқланадиган йиртқич ҳашаротлар (тугмача қўнғизлар, сирфид пашшалари, олтинкўз кабилар) ва уларнинг танасида паразитлик қилувчи яйдоқчилар кўпайиб кетиши ҳам уларнинг камайиб кетишига сабаб бўлади.

Дунё фаунасида шираларнинг 2500 тури маълум, шундан Марказий Осиёда 400 тури, Ўзбекистонда 300 дан ортиқ тури аниқланган. Ширалар кенжак туркуми 12 та оиласдан иборат.

Ўзбекистон фаунасида 8 та оиласнинг вакиллари учрайди. Ширалар деярли ҳамма ўсимликларга қаттиқ зарар етказади.

Fўза, яъни полиз бити — Aphis gossypii

Фўза, бодринг, қовун ва қовок, каноп, ловия, лавлаги, гармдори, помидор, тамаки, цитрус ўсимликларини заарлайди.

Акация, яъни беда бити — Aphis medicaginis

Беда, акация, фўза, мош, ловия ва полиз экинларига зарар етказади.

Фўза илдиз бити — Trifidaphis phascoli

Фўздан ташқари, беда, помидор, картошка, ловия каби экинларни заарлайди.

Камта фалла бити — Amphorophora arenae

Арпа, буғдой, маккажӯхори ва тариқ экинларига зарар етказади.

Фалла бити — Toxoptera graminum

Ҳар хил донли экинларнинг, жумладан, бугдой, арпа, маккажӯхори, оқжӯхори, айниқса, шолини заарлайди.



92 а

92 а. Карам бити — Brevicoryne brassicae

Сабзавот экинларининг оғати. Битлар мевали дараҳтларга ҳам сезиларли даражада зарар етказади.

92 б. Олма бити — *Aphis pomi*

Олма, нок, беҳига зарар етказади.

Қон бити — *Eriosoma lanigerum* олманинг танаси, шохи ва илдизига; қамиш бити — *Hyalopterus arandinus* — ўрик, бодом, кўксултон, тоғолча, олхўрига; мураккабгул бити — *Banchyscaudus helichrysi* шафтоли ва олхўрига; шафтоли бити — *Muzodes persicae* шафтоли, бодом, олхўри, тоғолча кабиларга доим зарар етказади. Битлар ёз бўйи партеногенез йўли билан кўпайиб, 17 — 20 марта авлод беради. Кузда улардан қанотли эркак ва урғочи жинслар шаклланади. Жинсий қўшилишдан ҳосил бўлган тухуми қишлиайди ва эрта баҳорда улардан ёш шира (бит)лар чиқади.



92 б

ЖИЗИЛДОҚЛАР КЕНЖА ТУРКУМИ — CICADINEA

Жизилдоқлар оиласи — Cicadidae

Жизилдоқлар катта товуш бериб сайраши билан бошқа ҳашаротлардан фарқ қиласди. Вояга етган жизилдоқлар дарахтлар, буталар ва ўтларга ёпишиб яшайди. Танасининг узунлиги 35 — 40 мм, қўнғир, қора ва яшил рангда бўлади. Оғиз аппарати сўрувчи типда. Баъзи йиллар улар шунчалар кўпайиб кетади-ки, битта дарахтда минглаб учратиш мумкин. Уларнинг бир вақтда сайрашидан жуда баланд товуш кўтарилади. Шунинг учун жойларда уларни жизилдоқлар деб аташади.

Жизилдоқлар пўстлоқлар орасига, ўсимликлар барига тухум қўяди. Тухумдан чиқсан личинкалар ерга тушади ва ерга (баъзан бир метр чуқурликкача) кириб ривожланишда давом этади. Улар тупроқда ўсимликлар илдизининг ширасини сўради ва бир неча йилдан кейин жинсий вояга этади.

Ўзбекистонда жизилдоқлар фўзанинг хавфли зааркунандаси ҳисобланади.

93. Торжизилдоғи — *Cicadetta montana*

Танасининг узунлиги 16 — 20 мм, қанотлари билан бирга 20 — 23 мм га етади. Танаси қора рангда. Қанотлари тиник, сариқ додлари бор. Вояга етган жизилдоқлар фақат дарахт ва буталарнинг ширасини сўриб озиқланади. Личинкалари эса ёш ниҳоллар илдизининг ширасини сўради. Эркаклари эртадан кечгача сайрайди.

Ўрта Осиёда кенг тарқалган.



93



94. Яшил жизилдоқ — *Cicadetta prasina*

Яшил рангли бу жизилдоқлар ҳам дараҳтлар ва буталарда яшайды. Танасининг узунлиги 18 — 24 мм га етади.



94

95. Сайроқи жизилдоқ — *Cicadatra guerula* Pall.

Жизилдоқлар ичида энг йириги, танасининг узунлиги 29 — 40 мм, ранги сарғиши-яшил ва қўнғиржигарранг. Мўйлови калта ва ингичка, уч бўғимли. Қанотлари хира, томирлари қаттиқ, орқа оёқлари сакровчи типда бўлади. Дараҳтлар пўстлоғи остига уруғланган тухум қўйиб кўпаяди. Бунинг учун улар тухум қўйичи билан ўсимлик пўстлоғини тешади, натижада, ўсимликнинг новдалари қуриб қолади. Ривожланиш цикли икки йил давом этади. Ўзбекистонда гўза ва токка зарар етказади. Дараҳтлар, буталар ва ўтлар орасида яшайди.



95

Ўрта Осиёда кенг тарқалган.



96

96. Фўза жизилдоғи — *Cicadatra ochreatata*

Танасининг узунлиги, қанотлари билан бирга, 35 — 40 мм га teng. Яшил рангли, асосан, гўза заараркунандаси.

Б.1.9. ҚАНДАЛАЛАР, ЯЬНИ ЯРИМ ҚАТТИҚ ҚАНОТЛИЛАР ТУРКУМИ — НЕМІРТЕРА

Ҳозирги вақтда қандалалар, яъни ярим қаттиқ қанотлиларнинг 40000 дан ортиқ тури маълум. МДҲ да 2000 тури, Ўзбекистонда 760 дан ортиқ тури топилган. Бу турлар 32 та оиласининг вакиллари ҳисобланади.

Қандалалар биринчи жуфт қанотларининг тузилиши билан фарқ қиласи, яъни ҳар бир қанот қалқонининг ярми, асосидан бошлаб, қаттиқ бўлиб, қалин хитин қатламдан иборат, ярми эса юпқа пардасимон. Иккинчи жуфт қанотлари бутундай юпқа, нозик пардадан тузилган. Баъзи турларининг қанотлари калта ёки бутунлай бўлмайди. Оғиз аппарати санчувчи-сўрувчи типда. Хартумчаси, яъни пастки лаби 3 — 4 бўғимли. Оёқлари югурувчан, югурувчи ёки сузувлари (сув қандалалариники) бўлади. Ранги ҳар хил, кўпинча, сариқ, қўнғир, қизил, яшил ва ола-чипор бўлади. Қисман турлари етук индивидларининг орқа кўкраги яқинида қўлансанса ҳид чиқарувчи безлар жойлашган. Шунинг учун улар ҳид тарқатади ва кўпчилик ҳайвонлар улардан қочади.

Қандалалар биологик ва экологик жиҳатдан турли-туман. Кўпчилиги қуруқликда, ўсимликларда, пўстлоқ ва тошлар остида, хас-хашак, тупроқ орасида учрайди. Кўпгина турлари сувда яшайди. Қандалаларнинг жуда кўп тури дараҳтлар ва қишлоқ хўжалик экинларига катта зарар етказади (ўсимликларнинг ширасини сўради). Баъзилари йиртқич бўлиб, ҳашаротлар ва бошқа умуртқасиз ҳайвонлар билан озиқланади. Одам ва турли хил ҳайвонлар қонини сўрувчи паразит шакллари ҳам бор. Қандалалар тўлиқсиз йўл билан ривожланади.

97. Сув қандаласи — *Notonecta glauca*

Кичик сув ҳавзаларида яшайди. Танасининг узунлиги 14 — 16 мм, елка томони билан сув юзида сузуб юради. Қорин томони қорамтири, елка томони тиник. Шунинг учун уларни сувда пайқаш қийин. Орқа оёқлари узун ва доим сузишда — елкан вазифасини бажаради. Кўпинча сув юзида туради. Бу қандала фаол йиртқич, сувда ҳар хил умуртқасиз ҳайвонларни тутиб ейди. Баъзан ёш балиқчаларга ҳам ҳужум қиласиди. Бир кунда пашшаларнинг 100 тадан ортиқ личинкасини истеъмол қиласиди. Қўлга олинганда, хартумини терига санчиб заҳарли сўлак юборади ва кучли оғриқ пайдо бўлади.

98. Чўпсимон сув ўлчагич — *Hydrometra stagnorum L.*

Танаси жуда узун, боши чўзиқ, оёқлари ингичка ва ипсимон бўлади. Сув юзида яшайди ва сакраб-сакраб ҳаракатланади. Қанотлари бир хил ёки бўлмайди. Сув ўсимликларига тухум қўяди. Сув юзидаги майда ҳашаротлар билан озиқланади.


Ўрта Осиёда тарқалган, секин оқадиган сув ҳавзаларида яшайди.

99. Ҳовуз сув ўлчагичи — *Gerrus lacustris*

Елка томони тиник рангли, танасининг узунлиги 8 — 10 мм. Сув юзида яшайди. Секин оқадиган сув ҳавзаларида тарқалган.

100. Сув чаёни — *Nepa cinerea L.*

Танаси кўнғир-жигарранг, узунлиги 18 — 22 мм. Қорин қисмининг орқа учидага узун нафас олиш найчаси бўлиб, у



чаённинг думига ўхшайди. Шунингдек, бир жуфт оёқлари ҳам чаёнларнинг педипальп каби кўринишда. Улар ёрдамида ўлжасини тутади. Секин оқадиган ва оқмайдиган сувларда яшайди, яхши сузолмайди. Заҳарли эмас, сув ҳашаротларининг личинкаси билан озиқланади. Сув ўсимликларига тухум қўяди. Тог олди ва тоғли туманларда тарқалган.

Ер юзида яшайдиган қандалалар

101. Миср қизил қандаласи — *Scantius aegyptius*

Танасининг узунлиги 8 — 10 мм, ранги тиниқ қизил, устидагора ёки сарғиш холи бор. Дараҳтлар танаси атрофида, япроқлар тагида тўп-тўп бўлиб яшайди. Ўсимликлар қолдиги остига, тупроққа (ерга) тухум қўйиб кўпаяди. Ҳамма нарса (нобуд бўлган ҳашаротлар ва ўсимликлар қолдиги) билан озиқланади. Ер юзида кенг тарқалган.



101

102. Қанотсиз қизил қандала

103. Ромбсимон ўткир елка қандаласи — *Syphromatus rombeus L.*

Сарғиш-кўнғир ёки очиқ рангли ҳашарот. Танасининг узунлиги 9 — 12 мм. Қанотлари яхши ривожланган. Қорин сегментлари ҳар икки томонда ромбсимон жойлашган. Ҳамма қандалалар сингари тухумини ўсимликларга қўйиш йўли билан кўпаяди. Кўпинча дуккакдош ўсимликлар, айниқса, уларнинг уруғи, шираси билан озиқланади. Ўтлар орасида яшайди.



102

Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда тарқалган.

104. Отқулоқ ўткир елка қандаласи — *Coreus marginatus L.*

Танасининг узунлиги 12 — 15 мм, кўнғир тусда. Бошининг тепасида ўткир пиҳи бор. Отқулоқ ва бошқа ўсимликлар орасида яшаб кўпаяди.



103



104

Ўрта Осиёдаги текисликларда ва тоғлар этағида кенг тарқалган қандалалардан ҳисобланади.

105. Барг қандаласи — *Acanthosoma haemorrhoidale* L.

Ранги қўнғир, танасининг узунлиги 15 — 17 мм. Орқа қисмининг ён томонлари ўтқирлашган. Ли-чинкаси ва вояга етган индивидлари дўлана, наъматак, зирк ва бошқа ўсимликлар билан озиқланади.

Тоф олди ва тоғли туманларда буталар ва барг-ли дараҳтларда яшайди. Марказий Осиёда тар-қалган.



105



106

106. Тоф қандаласи — *Dolycoris penicellatus* Horv.

Ўзбекистоннинг тоф ва тоғ олди зоналарида тарқалган. Хилма-хил ўтлар, айниқса, фалладошлар орасида яшайди. Танасининг узунлиги 12 — 14 мм, овал шаклда, оч қўнғир-кул ранг бўлиб, бинафща рангда товланади. Боши қалқонсимон кўринишда. Ўсимликларга тухум кўйиш йўли билан кўпаяди. Ёввойи ва маданий ўсимликлар ши-раси билан озиқланади. Айрим йиллари кўпайиб кетиб, ўсимликларга жиддий зарар етказди.

Ўзбекистоннинг тоф ва тоғ олди туманлари-да тарқалган.



107

107. Чизикли қалқондор — *Graphosoma lineatum* L.

Танасининг узунлиги 9,5 — 11 мм, шакли овалсимон, силлиқ, тиниқ қизил рангда. Қорин қисмининг ён қиррасида юқоридан пастга қараб қора рангли холи бор. Орқасининг олд қисмида ва қалқончаси бўйлаб 4 та узунасига кетган қора чи-зиқлар ўтган. Ҳимояланиш учун кўланса ҳидли суюқлик ажра-тади. Баргларнинг орқа томонига тухум кўяди. Соябонгули ўсимликлар орасида яшаб, уларнинг шираси билан озиқла-нади.

Бу қалқондор Ўрта Осиёда тарқалган.

108. Зарарли хасва — *Eurygaster integriceps* Put.

Танаси овалсимон шаклда, сарик-кул ранг мармарсимон нақшлари бор. Қалқончаси кучли ривожланган бўлиб, қорни-ни бутунлай қоплаб туради. Вояга етган қандала танасининг узунлиги 10 — 13 мм бўлади. Фалла экинлари, айниқса, буф-дой, арпа ва жавдарнинг энг хавфли зараркунандаси ҳисобла-нади. Агар хасва хартумини фалланинг поясига санчса, ўсим-



108

лик ривожланмай, дони пуч бўлиб қолади. Шунингдек, доннинг сифати тубдан пасаяди. Етук хасвалар тупроқда ҳамда ўсимликлар қолдиги остида қишлиайди.

Ўрта Осиёнинг тоғ олди зоналарида, фалла экинлари далаларида тарқалган.

109. Ўткир елка қандала — *Carpocoris fuscispinus* Boh.

Танасининг узунлиги 11 — 14 мм, ранги ўзгарувчан — оч қўнгирдан қизил-қўнғиргача. Орқасининг олдинги ён томонлари ўткирлашган, чўзиқ ва юқорига кўтарилган. Ўсимликларга тухум кўйиб кўпаяди. Фалладошлар, беда ва бошқа бегона ўтлар билан озиқланади. Дала экинларига жиддий зарар етказади.

Ўрта Осиё ва Қозогистондаги текисликларда ва тоғ олди зоналарида тарқалган.



109



110

Танасининг узунлиги 16 — 18 мм, ранги сарфишдан то кўнгир тусгача. Дараҳт ва буталарга тухум кўйиб кўпаяди. Тол, терак, жийда, чинорнинг барги ва ёш новдалари билан озиқланади. Дараҳт ва буталарда мевали боғлар ва тўқайларда яшайди. Бу қандала Ўрта Осиёда тарқалган.

ТРИПСЛАР, ЯЪНИ ҲОШИЯҚАНОТЛИЛАР ТУРКУМИ — THYSANOPTERA

Трипсларнинг танаси жуда майда, узунлиги 0,5 — 5 мм, яссилашган ва чўзинчоқ кўринишда, оғиз аппарати санчиб-сўрувчи типда. Икки жуфт қаноти ингичка ва узун тукчалардан ҳосил бўлган, ҳошияли. Оёқлари ўзига хос тузилган: 1 — 2-бўғим панжалари пуфаксимон кўринишда (шунинг учун баъзи адабиётларда пуфакоёқлилар деб ҳам юритилади), ҳаракатланганда, пуфакчалар шишиб субстратга маҳкам ёпишиб туришини таъминлайди. Қанотсиз турлари ҳам бор. Тухум кўйиш йўли билан кўпаяди.

Трипслар ҳар хил ўсимликларнинг (тамаки, ғўза, дуккакдошлар, сабзавот ва полиз экинлари, фалла ва бошқалар)нинг гули, барги, новдаси ва танасига ёпишиб яшайди ва жуда кўпчилиги ўсимликлар билан озиқланиб, катта зарар етказа-

ди. Йиртқич трипслар эса майда заарли ҳашаротлар ва каналарни еб фойда келтиради.

Хозирги вақтда трипсларнинг 1500 тури маълум. МДҲ да 230 тури топилган. Ўзбекистонда 10 дан ортиқ тури учрайди.

Трипслар туркуми 2 та кенжা туркумдан иборат.

1. Тухумқўйгичилар — Terebrantia.

2. Найчадумлилар — Tubulifera.

Tamaki tripsi — *Thrips tabaci*

Танасининг узунлиги 0,7 — 0,9 мм, майда тук билан қопланган. Очиқ сариқ рангли, қанотлари калта бўлиб, 2 та йирик томири бор, уларда узун, ингичка тукчалар жойлашган. Урғочилари қишлоғиди. Ҳар хил ўсимликларга тухум қўяди. Ўзбекистон шароитида бу трипс 7 мартағача авлод беради. Личинкалари ҳам худди вояга етган индивидлар каби ўсимликлар шираси билан озиқланади. Шунингдек, улар турли хил вирусларни ташувчи ҳисобланади. Тамаки трипси ер юзида кенг тарқалган ҳашарот ҳисобланади.

В. ТЎЛИҚ ЎЗГАРИШ БИЛАН РИВОЖЛАНАДИГАН ҲАШАРОТЛАР

В.1. ҚАТТИҚҚАНОТЛИЛАР, ЯЊИ ҚЎНФИЗЛАР ТУРКУМИ — COLEOPTERA

Қаттиққанотлилар, яњи қўнфизларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, биринчи жуфтқанотлари қаттиқ ва қалин, хитинлашган бўлиб, тинч ҳолатида орқа томонга ёпишиб туришидир. Бу қанотлар қанот қалқони ҳам дейилади. Иккинчи жуфт қанотлари пардасимон бўлиб, учишга хизмат қилади. Учмаганда қанот қалқони остига йиғилиб туради. Оғиз аппарати кемириувчи типда. Танаси силлик, ранги хилма-хил, металл сингари кўк ёки яшил товланади.. Фақат жинсий йўл билан кўпаяди.

Қўнфизлар морфологияси, биологияси ва экологиясига кўра хилма-хил бўлади. Улар орасида йиртқичлар, ўсимликхўрлар, сапрофаг ва некрофаг формалар мавжуд. Ер юзасида, тупроқда ва сувда яшайди. Ҳатто паразит турлари ҳам бор. Личинкалари сувда, тупроқда, чиринди моддалар орасида ва ёғочлар ичига ривожланади.

Қўнфизлар ҳамма жойда учрайди ва табиатда моддалар алмашинувида фаол иштирок этади. Турларининг кўплиги бўйича ҳашаротлар синфи ичига биринчи ўринда туради. Хозирги

вақтда уларнинг 350000 тури маълум. Ўзбекистонда 2700 тури топилган, улар 60 та оиласининг вакиллари ҳисобланади.

Қаттиққанотлилар туркуми 100 дан ортиқ оиласага ва 2 та кенжада туркумга бўлинади:

1. Этхўр (гўштхўр)лар кенжада туркуми — Adephaga.
2. Турлихўрлар кенжада туркуми — Polyphaga.

СУВДА ЯШАЙДИГАН ҚЎНФИЗЛАР ТУРКУМИ

Ўзбекистондаги сув ҳавзаларида қўнфизларнинг 60 дан ортиқ тури учрайди.

Сувсеварлар оиласи — Hydrophinidae

Сувсеварларнинг 2000 дан ортиқ тури маълум. Ўзбекистонда 30 та тури тарқалган.

111. Қора сувсар — *Hydrous attenuatus*

Танаси овалсимон шаклда, ранги қора, ялтироқ. Узунлиги 34 — 50 мм. Мўйлови ва орқа оёқлари узун, сузишга мослашган. Тухумини маҳсус тухум қобигига тўп-тўп қилиб ұралган ҳолда сув ўсимликларига ёпишириб қўяди. Йиртқич личинкалари қисқибчақасимонларни, турли ҳашаротлар қуртини ва чувалчангларни тутиб ейди. Заарли ҳашаротларнинг (чивин,

пашиба ва бошқаларнинг) личинкаларини қириб, фойда келтиради. Вояга етган қўнфизлар эса ўсимликлар қолдиги билан озиқланади.

Ўрта Осиёда, оқмайдиган сув ҳавзалида тарқалган.

Йирик сувсевар — Hydrous attenuatus

Танаси йирик (32 — 43 мм), қора тусда. Етук қўнфизи кўп сузмайди, сув ўсимликларига ёпишиб яшайди. Вакт-вакти билан сув юзига чиқиб, ҳаводан нафас олади. Душмандан сақланиш учун қорин қисми учидан қора рангли қуюқ суюқлик чиқариб туради. Сув ўсимликлари барги билан озиқланади. Личинкалари конуссимон кўринишда, узунлиги 70 — 90 мм, кам-харакат. Сувдаги майда моллюскалар билан озиқланади. Ўзбекистонда сувсеварларнинг 30 тури аниқланган.

Сувсузарлар оиласи — Dytisidae

Ўзбекистонда сувсузарларнинг 40 дан ортиқ тури аниқланган.

112. Жиякли сувсузар — *Dytiscus marginalis* L.

Ўртача катталиқдаги құнғиз, танасининг узунлиги 27—35 мм. Елка томони яшил-қора, қорин томони сомонранг сариқ. Танасининг атрофи сарғыш рангли чизик билан үралган. Оқмайдиган сув ҳавзаларидан яшайды. Узун ипсимон құнғир рангли личинкалари сувұттар орасида яшайды. Сувдаги ҳайвонларни овлашда, бошини қия тутиб, думини сувдан чиқаради ва үлжасини ушлайды. Ўрта Осиёда тарқалған.



112



113 а. Чизиқлы сувсузар — *Asilius sulcatus* L.

Кенг овалсимон, қизғиши-сариқ рангли құнғиз, танасининг узунлиги 15 — 18 мм. Личинкалари ипсимон, узунлиги 30 — 32 мм га тенг. Сув тубида яшайды. Бу құнғиз оқмайдиган сувларда яшайды.



Айлангичлар оиласи — *Cyrinidae*

113 б. Кундузги айлангич — *Gyrinus marinus*

Овалсимон танасининг узунлиги 6 — 8 мм, қорамтири тусда. Асосан, оқмайдиган сувларда, баъзан булоқ ва сой сувларидан яшайды. Вояга етган құнғиз кундузи жуда фаол ҳаёт кечиради. Олдинти оёқлари узун, озиқ моддаларни тутишга мослашған. Кейинги икки жуфт оёқлари калта, улар ёрдамида сузади. Сув юзасида тез сузади. Хавф бўлганда, озгина ҳаво пуфагини фамлаб сув ичига шүнгийди. Личинка ва құнғизлари ҳар хил умуртқасиз ҳайвонлар билан озиқланади. Ўзбекистонда сув айлангичларнинг яна 4 та тури учрайди.



113 б

Ер юзида яшайдиган құнғизлар

Визилдоқ құнғизлар оиласи — *Carabidae*

114. Ҳидли сулув құнғиз — *Calosoma sycophanta* L.

Танаси металл сингари товланадиган қўяшил рангли чиройли құнғиз. Узунлиги 24 — 32 мм. Ерга (тупроққа) тухум қўйиб қўпаяди. Асосан, капалаклар личинкаси ва фумбаги би-



114

лан озиқланади. Фойдали ҳашарот, чунки жуда күп заарли бўйимоёқлиларни қиради. Уларнинг сони йил сайин камайиб кетмоқда. Ўрмонлар ва мевали боғларда тарқалган. Муҳофаза қилинади.

Сахро сулув қўнғизи — Calosoma deserticola Sem.

Танасининг узунлиги 20 — 22 мм, металл сингари товлана-диган, тўқ бронза рангли чиройли ҳашарот. Личинка ва вояга етган қўнғизлари тунлам, қандала, қўнғизлар ва бошқа ҳашаротларнинг личинкалари ва фумбаклари билан озиқланади. Кўплаб заарли ҳашаротларни қириб фойда келтиради. Кейинги вактда бу қўнғизлар ҳам кескин камайиб кетмоқда. Шунинг учун муҳофаза қилинади. Ўрта Осиё чўлларидаги эндемик тур.

115. Кум скарити — Scarites bucida Pall.

Қора рангли йирик қўнғиз. Боши жуда катта, юқориги жағлари ривожланган, оёқлари ер қазишга мослашган. Танасининг узунлиги 32 — 41 мм. Кундузи қумни ковлаб, инида яширинб ётади, тунда эса овга чиқади. Личинкалари ҳам ўзи қаби йиртқич. Кўплаб заарли ҳашаротларни қиради. Бу қўнғиз Ўрта Осиёда тарқалган.



115



116

116. Дон визилдоғи — Zabrus teteibriodes

Танасининг узунлиги 14 — 16 мм га teng, қора рангли, бронза қаби ялтироқ. Вояга етган личинкалик даврлари қишлоқ хўжалиги экинлари, айниқса, галла экинлари учун хавфли бўлган зааркунанда. Қўнғизлари фалланинг дони билан, личинкалари эса ёш ниҳоллари билан озиқланади.

Дон визилдоғи Марказий Осиёда тарқалган.

117. Сакровчи ўнхолли — Cicindela desempustulata Men.

Жуда ҳам ҳаракатчан қўнғиз. Ранги тиник яшил, қанотларида оқ холлари бор. Танасининг узунлиги 14 — 16 мм. Тухум қўйиб кўпаяди. Личинкалари тупроқда ривожланиб, ерда тик ин қуради ва ўлжасини пойлаб ётади. Фойдали ҳашарот. Жанубий районларда — сув ҳавзалари бўйида учрайди. Ўзбекистонда визилдоқларнинг 400 дан ортиқ тури топилган.



117

Дўмбоқ қўнғизлар оиласи — Histeridae

Ер юзида буларнинг 3600 тури мавжуд. Ўзбекистонда 100 та тури топилган.

118. Камта дўмбоқ қўнғиз — *Pachyscelis inaequalis*

Танаси ихчамгина, силлиқ, ялтироқ, узунлиги 10 — 13 мм. Асосан, гўнгда бўлади. Ҳар хил ўсимликлар қолдиги, ўлимтиклар, ҳайвонлар нажаси билан озиқланади. Шунингдек, пашша ва бошқа ҳашаротларнинг гўнгда ривожланаётган қуртларини қиради. Агар бирор хавф туғилса, ўзини „ўликка“ солиб, анча вақт қимирламай ётади. Санитар сифатида фойдали ҳайвон. Ўрта Осиёда тоғларда тарқалган.



118

Ўлимтикхўрлар оиласи — Silphidae

Дунё фаунасида буларнинг 250 тури мавжуд. Ўзбекистонда 10 тури бор.

119. Гўрков-қидирувчи қўнғиз — *Necrophorus investigator* Zeff.

Танасининг узунлиги 11 — 24 мм, ранги қора-қўнғир. Қанотида тўқ сариқ тусли иккита йўли бор. Қанотлари қорин қисмининг учигача етиб бормайди. Вояга етган индивидлари ва личинкалари ҳайвонларнинг ўлимтиклари билан озиқланади, шунинг учун улар табиат санитарлари ҳисобланади. Тухумини ҳам ўлимтикларга қўйиб, кейин уларни тупроққа кўмади.



119


Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда ҳамма жойда учрайди.



120

120. Герман гўрков қўнғизи — *Necrophorus germanicus*

Кўнғир-қизил рангли қўнғиз. Танасининг узунлиги 17—40 мм. Марказий Осиёда тарқалган.



Япроқсимон мўйловлилар оиласи — Scarabaeidae

Дунё фаунасида 20000 тури мавжуд. Ўзбекистонда бу оиласининг 200 дан ортиқ тури топилган.

121. Муқаддас (авлиё) скарабей — *Scarabaeus sacer* L.

Кўнғизлар орасида энг йириклиларидан бўлиб, танаси кенг овалсимон шаклда. Ранги қора ва ялтироқ. Танасининг узун-



121



122



123



124

лиги 21 — 37 мм. Боши олдинги четидан олтита энли тишча бўртиб чиққан йирик қалқон билан қопланган. Кўзлари оралиғида иккита бўртмаси бор. Мол гўнги билан озиқланади. У гўнгдан шарчалар ясаб, уларни думалатиб, инига олиб кириб, тупроққа кўмади ва ичига тухум қўяди. Тухумдан чиққан личинкалари ҳам ана шу гўнг билан озиқланади. Гўнг шарчаларини тайёрлашда ҳам эркак, ҳам ургочи қўнғиз изтирик этади. Скарабейлар тупроқ ҳосил бўлиши жараёнида фаол изтирик этади.

Ўрта Осиё ва Қозогистондаги чўл ва чала чўл зоналарда яшайди.

122. Қора рангли кравчик — *Lethus rosmarus* Ball.

Танасининг узунлиги 14 — 22 мм, ранги қора, ялтироқ. Боши катта, кўкраги кенг. Баҳори лалмикор фалла экинлари далалари атрофида ўзи қазигтан инда яшайди. Эрта баҳорда учеб чиқиб, бошоқли ва бошқа экинларнинг ёш ниҳоллари ни кемириб, дала, полиз ва бошқа экинларга жиддий заар етказади. Шунингдек, маккажӯхори ва кунгабоқарнинг ҳам хавфли зааркунандаси.

Ўзбекистонда чўл ва тоғ олди зоналарида тарқалган.

123. Катта гўнг қўнғизи — *Synapsis tmolus* Sols.

Гўнг қўнғизларнинг йирик турларидан бири. Танаси кенг, овал шаклда, тўқ жигар ранг-қора, узунлиги 42 — 50 мм. Олдинги оёқлари қазувчи шаклда тузилган. Гўнг билан озиқланади.

124. Ялтироқ гўнг қўнғизи — *Copris lunaris* L.

Ўртача катталиқда — 17 — 23 мм, шакли чўзиқ-овал, ранги қора, қўнғир ва ялтироқ. Эркак қўнғизларнинг шохи узун, ургочиларники калта. Гўнг билан озиқланади. Гўнгдан 3 — 4 та „нок“ шаклида ин ясаб, уларга биттадан тухум қўяди ва кейин уларни тупроққа кўмади. Личинкалари гўнг билан озиқланиб вояга этади.

Ўрта Осиёдаги чўл ва тоғ олди зоналарда тарқалган.

125. Испан гўнг қўнғизи — *Copris hispanus*

Танасининг узунлиги 18 — 24 мм. Эркаклари шохдор, ур-

гочисининг шохи бўлмайди. Гўнг бор жойда ин қуради ва унинг ичига кириб олиб, гўнгни бутунлай еб тугатади. Личинкалари юмшоқ қўй гўнгини қидириб топиб, уларни тезда кўмиб қўяди. Ер остидаги инида бу гўнгдан 3 — 4 та ноксимон юмалоқтар ясаб, уларга биттадан тухум қўяди. Личинкалари ана шу гўнг билан озиқланиб вояга етади.

Марказий Осиёдаги чўл ва чала чўл зоналарда тарқалган.

126. Туркистон маккажўхори гўнг қўнғизи — *Pentodom dubius* Pall.

Танасининг шакли овалсимон, жигарранг тусдаги қўнғиз. Танасининг узунлиги 15 — 25 мм. Орқа оёқларининг болдири қисми кучли ривожланган. Личинкалари тупроқда ривожланиб, бошоқли ўсимликлар, фўза ва бошқа экинларнинг илдизи билан озиқланади. Қўнғизлари март ойининг охири ва апрель ойи давомида учиб чиқади.

Марказий Осиёдаги тоғларда, тоғ олди ва текисликларда тарқалган. Йирик гўнг шарчаларини бир-бирига ёпишириб, уларга тухум қўяди ва кейин уларни инига қўйиб яширади. Ерни чириндига бойитиш билан фойда келтиради.

Ўрта Осиёдаги чўл зоналарда, чорва моллари ўтлатиладиган яйловларда яшайди.



125



126



127

127. Туркистон шоҳдор қўнғизи — *Oryctes punctipennis* Motsch.

Кўнғиз жигарранг-қизил тусда. Танасининг узунлиги 26 — 34 мм. Эркак қўнғизининг бошида эгилган битта катта шохи бўлади. Ургочиларининг бундай шохи кичкина. Личинкалари чириётган ўсимликлар билан озиқланади. Қўнғизлари озиқланмайди.

Ўрта Осиё ва Қозогистон чўлларида ва тоғ этакларида тарқалган.

Корапешона қўнғиз — *Adoretus nigrifrons* Stev.

Танасининг узунлиги 8 — 10 мм, жигарранг-қора тусли майда ҳашарот. Боши қора. Ўсимликлар барги билан озиқланади, личинкалари эса илдизларни заарлайди. Кўп ва кенг тарқалган.

Комптус құнғизи — Adoretus comptus Men.

Узунлиги 12 — 14 мм. Боши жигарранг, танаси сарғиш, түқ қизил-құнғир, тук билан қалин қопланган. Вояга етган құнғизлар ўсимликлар гули билан озиқланади. Ўрта Осиёнинг жанубида тарқалган.

Март құнғизи — Melolontha afflcta Ball.

Ўзбекистон шароитида март ойининг ўрталарида вояга етган құнғизлар учиб чиқади. Танасининг узунлиги 23 — 25 мм, жигарранг, усти оқ рангли майды тангачалар билан қопланган, қорин қисмийнинг ён томонларида оқ холлари бор. Март құнғизи дараҳтларнинг барги билан, личинкалари эса мевали дараҳтларнинг илдизи билан озиқланади. Мевали дараҳтларнинг хавфли зааркунандаси.

128. Май құнғизи, яны шарқ құнғизи — Melolontha hippocastani F.

Танасининг шакли чўзиқ-овалсимон, ранги қора-құнғир. Орқасининг олд томони кўндалангига жойлашган сирти оқиши тўқсимон тангачалар билан қопланган. Қанот қалқони қизил-құнғир-жигарранг тусда, усти оқиши тангачалар билан қопланган. Танасининг узунлиги 22 — 24 мм. Тупроққа 50 см гача чуқурликка тухум қўяди. Личинкалари бута ва дараҳтларнинг илдизи билан озиқланади. Ёш ўрмон дараҳтлари ва мевали дараҳт кўчатларнинг хавфли зааркунандаси ҳисобланади.



128

Марказий Осиёда ўрмон дараҳтларида тарқалган.

129. Туркистон зааркунанда құнғизи — Polyphylla adspersa Mots.

Танасининг узунлиги 25 — 30 мм, қизил-құнғир тусда. Қанотлари майды оқиши тангачалар билан қопланган. Тупроққа, дараҳтлар илдизи атрофига тухум қўйиб кўпаяди. Личинкалари мевали дараҳтлар, фўза, лавлаги, картошка ва бошқа ўсимликларнинг ер ости қисми билан озиқланади.



129

Ўрта Осиё ва Қозоғистонда тоғ олди зоналарда тарқалган.

Хошияли бронза құнғизи — Oxythyrea cinctella

Танасининг узунлиги 10 — 13 мм, шакли чўзиқ, ранги қора ялтироқ. Орқасининг олд томони ёnlарида энсиз оқ йўл, қанот қалқонида оқ холлари бор. Мевали дараҳтлар, сабзавот, по-

лиз экинлари, маккажұхори, бүгдой, ёввойи ҳолда үсадиган үсимликлар гули билан озиқланади.

130. Тукли бронза құнғизи — *Rpicometis hirta* Poda.

Унча йирик бұлмаган (узунлиги 10 — 13 мм), ранги қора, оқиши-құнғир тусли узун туклар билан қопланган құнғиз. Қанотларида күндаланғ оқ йұллари бор. Личинкалари тупроқда ривожланади. Вояга етган құнғизлар бақор ва ёз бошларида ҳавога учыб чиқиб, мева-ли дараҳтлар ва манзарали үсимликларнинг гу-лини еб, катта зарап етказади.

Үрта Осиёда кенг тарқалган.

131. Олтинранг—бронза құнғизи — *Cetonia aurata* L.

Олтинранг—яшил тусли чиройли құнғиз. Тана-сининг узунлиги 15 — 21 мм. Қанотларида оқ хол-лари бор. Ёзда чириёттан барглар тұпламига, да-раҳтлар кавагига тухум қүяди ва үша ерда личин-калари ривожланади. Құнғизлари дараҳтларнинг гули, меваси ва барги билан озиқланади. Ҳамма жойда тарқалган.



130



131

Чипор құнғизлар оиласи — Cleridae

Дунё фаунасида бу құнғизларнинг 3500 тури мавжуд, Ўзбекистонда 10 га яқин тури топилған.

132. Асалари чипор құнғизи — *Trichudes apicarios* L.

Үртача, йирик, қанотлари ялтироқ қызыл ва қорамтири боғлами бўлган чиройли құнғиз. Йирт-қич. Личинкалари асаларилар инида яшайди. Құн-ғизлари соябонгулдошлар ва мураккабгулдошларнинг гули билан озиқланиб, үша ерга тухум қүяди. Тухумдан чиққан личинкалари гулларга қўнган асалариларга ёпишиб олиб, улар билан асалари инига келади. Бу құнғизлар Үрта Осиёда тарқалган.



132

Тилла құнғизлар оиласи — Buprestidae

Дунё фаунасида тилла құнғизларнинг 8000 тури мавжуд, Ўзбекистонда 120 тури бор.

133. Бухоро тилла құнғизи — *Iulodes bucharica* Sem.

Танаси йирик — 30 — 35 мм, яшил рангли, ялтироқ. Қанот-лари яшил тусда ёки бронза рангда, устида кўп оқ холлари ва



133



134

узунасига беш қатор тукли йўллари бор. Янтоқ-лар атрофидаги тупроққа тухум қўйиб кўпаяди. Саксовул, янтоқ ва бошқа ўсимликлар билан озиқланади. Муҳофаза қилинади. Ўзбекистонда тарқалган.

134. Ўзгарувчан тилла қўнғиз — *Iulodes variolaris* Pall.

Бу тур қўнғизларда танасидаги оқ холлар ва йўллар тартибсиз жойлашган. Шу белгиси билан Бухоро тилла қўнғизидан фарқ қиласди. Танасининг узунлиги 28 — 33 мм. Қўнғизлари апрель ойида пайдо бўлади, янтоқ, беда, саксовул ва бошқа ўсимликлар илдизи билан озиқланади.

Ўрта Осиёда тарқалган.

Юлғун қора тилла қўнғизи — *Capnodis excisa* Men.

Танасининг узунлиги 23 — 37 мм, шакли чўзик, қора рангли, ялтироқ, металл сингари товланади. Сирти оқ мумсимон губор билан қопланган. Личинкалари юлғун илдиз ва пояси билан озиқланиб ривожланади. Қўнғизлари эса ўсимликлар гули ва барги билан озиқланади. Вояга етган қўнғизлар апрель ойидан учеб чиқа бошлайди.

Марказий Осиёдаги қумли чўлларда тарқалган.

**Хонқизи қўнғизлар, яъни тумача қўнғизлар оиласи —
*Coccinellidae***

Дунё фаунасида бу қўнғизларнинг 4000 тури, Ўзбекистонда 40 та тури мавжуд.

135 а. Етти нуқтали хонқизи — *Cocimella septenpunctata*

Тиник қизил рангли, шарсимон қанотларида 7 та қора нуқтаси бор, яъни ҳар бир қанотида 3 тадан, битта қора нуқта кўкрак қисмининг ўртасида жойлашган. Узунлиги 5 — 8 мм. Ширалар ва бошқа ҳашаротлар колониясига тўқ сариқ рангли тухум қўяди. Вояга етган қўнғиз ва унинг личинкалари мевали дарахтлар, фўза, беда, сабзавот-полиз экинлари зааркунандалари билан озиқланиб, катта фойда келтиради. Кузда қўнғизлар қишилаш учун тоғларга учеб кетади. Ҳамма жойда тарқалган. Фойдали ҳашарот. Биологик қарши курашда фойдаланилади.



135 а

135 б. Иккى нүқтали хонқизи — *Adalia bipunctata*

Майда, танаси 3 — 5 мм келадиган құнғиз. Тиниқ-қизил рангли қанотларыда биттадан қора нүқта бўлади.



135 б

136. Полиз тугмача құнғизи — *Ephilachna chrysomelina F.*

Танаси юмалоқ, қизилқұнғир тусда, қанотларидан олтитадан қора холи бор. Танасининг узунлиги 7 — 8 мм. Тухуми сариқ бўлиб, ўсимлик баргларига қўяди. Личинкалари ва құнғизлари сабзавот-полиз (айниқса, қовун-тарвуз) экинлари, картошка сингари экинларнинг барги ва меваси билан озиқланади ва хавфли зааркунанда ҳисобланади. Жойларда бу тур құнғизларни „каккана“ деб ҳам айтишиади.



136

Сурхондарё вилоятида кенг тарқалган.

Қора танли құнғизлар оиласи — *Tenebrionidae*

Дунё фаунасида бу құнғизларнинг 1900 тури, Ўзбекистонда 300 тури аниқланган.

137. Катта қора танли құнғиз — *Pisterotarsa gigantea F. W.*

Танасининг узунлиги 26 — 32 мм, ранги қора, қанотлари юмалоқ. Тупроққа тухум қўяди. Личинкалари дашт ўсимликларининг илдизи билан озиқланади. Ҳаммаҳур. Туниги ҳайвонлар.



137

Ўрта Осиёда кумли чўлларда тарқалган.

138. Чўл сусткаши — *Blaps halophila F.W.*

Бу құнғизнинг ранги хира қора. Танасининг узунлиги 20 — 25 мм. Қанот қалқони „дум“ бўлиб чўзилган. Тупроққа, ўсимликлар кўп жойга 3 — 5 см чукурликка тухум қўяди. Личинкалари ерга сепилган уруг, фалла ва полиз экинлари илдизи билан озиқланаби, уларга катта зарап етказади. Вояға етган құнғизларнинг характерли хусусияти шундаки, безовта қилинса, дарҳол тумшугини ерга тираб, қорнини юқорига кўтаради ва қўланса ҳидли суюқлик ажратади. Шунинг учун „сассиқ құнғиз“ деб аталади.



138

Ўрта Осиёда ва Қозогистонда дашт ва чўл зоналарда кенг тарқалган.

Қум сусткаши — Blaps parvicollis Seidl.

Танасининг узунлиги 18 — 24 мм, хира қора, кўпинча, кўнгир ранга бўлади. Қанот қалқонининг учи думсимон узун. Личинкалари чўлдаги ёш ўсимликлар, вояга етган индивидлари эса шувоқ ва бошқа ўсимликлар билан озиқланади. Кўнғизлари апрель ойидан то августнинг охиригача учиб юради.

Марказий Осиёда чўлларда яшайди.

139. Каспий орти қора қўнғизи — Sternodes caspicus Pall.

Қора танли қўнғизлар орасида энг йириги ва чиройлиси. Танаси мумсимон оқ губор билан қопланган, қанот қалқони устидан оқ йўл ўтади. Личинкалари тупроқда яшаб, ёш ниҳоллар илдизи, кўнғизлари эса ўсимликлар кукуни билан озиқланади. Тунда фаол ҳаёт кечиради. Жуда ноёб тур. Муҳофаза қилиш керак.

Ўзбекистон ва Туркманистон чўлларида яшайди.



139



140

Малҳамчи қўнғизлар оиласи — Meloidae

Дунё фаунасида бу қўнғизларнинг 4000 тури, Ўзбекистонда 100 тури мавжуд.

140. Қора майка — Meloe proscarabaeus L.

Қора ёки тўқ кўк рангли қўнғиз. Қанотлари яхши ривожланмаган, секин ўрмалайди. Урочилари бир неча минглаб тухум қўяди. Личинкалари арилар инида паразитлик қилиб яшайди. Вояга етган қўнғизлар ўсимлик маҳсулотлари билан озиқланади.

Ўрта Осиёда тарқалган. Тоғ этаклари, далалар ва ўтлоқларда яшайди.

Сариқ шпанка — Zonitis flava F.

Танасининг узунлиги 7 — 14 мм, шакли чўзинчоқ, ранги сариқ. Танасининг пастки томони қора. Боши катта, жағлари яхши ривожланган. Якка-якка яшайдиган арилар инига тухум қўяди. Личинкалари арилар тухуми ва қурти билан, вояга етган қўнғизлар ҳар хил мевали дараҳтларнинг барги билан озиқланади.

Ўрта Осиёда тарқалган. Тоғларда дараҳт ва буталар орасида яшайди.

Қора доғли шпанка — Zoitis fulvipennis

Танасининг узунлиги 8 — 16 мм, ранги сариқ, қанот қалқонида иккита қора холи борлити билан сариқ шпанкадан фарқ қиласди. Бош бўлими қора рангда. Буталар ва дараҳтлар

орасида яшайди. Зирк ва шунга ўхшаш буталарнинг барги билан озиқланади. Личинкалари чигирткаларнинг кўзачаларида паразитлик қиласди.

Марказий Осиёдаги тоғли ва тоғ олди зоналарида тарқалган.

141. Яшил шпанка — *Lytta togata* F.W.

Ялтироқ-яшил, металл сингари товланадиган майда қўнғиз. Қанот қалқони узун, узунасига кетган қизил йўли бор. Танасининг узунлиги 12 — 20 мм. Дўлана, зирк ва мевали дараҳтлар билан озиқланади. Кам қолган. Муҳофазага муҳтоҷ.

Марказий Осиёда тоғларда учрайди.



141

142. Тўрт нуқтали малҳамчи — *Mulabris quadripunctata* L.

Танаси чўзинчоқ, узунлиги 12 — 16 мм, қора тусда. Қанотлари қизғиш-қўнғир, ҳар қайсисининг учидаги қора ва икки жуфт қора холи бор. Личинкалари чигирткаларнинг кўзачаларида ривожланади ва уларнинг тухумини қиради. Қўнғизлари эса сабзавот ва бошқа экинлар гулининг чангига билан озиқланади, экинларга зарар етказади.

Бу қўнғизларнинг ўзига хос хусусияти қони — гемолимфаси таркибида заҳарли модда — кантаридин борлигидир. Бу модда терига тегса, куйдиради ва пуфакчалар ҳосил қиласди. Кантаридин моддаси борлиги туфайли ҳашаротхўр қушлар ва бошқа ҳайвонлар бу қўнғизни емайди.

Фролов малҳамчиси — *Mylabris frolove* Germ.

Унча йирик бўлмаган (узунлиги 10 — 12 мм) қўнғиз, танаси қора, металл сингари ялтироқ бўлиб, усти қора тўқ билан қопланган. Устки қанотида қизил боғламлари бор. Личинкалари чигирткалар кўзачаларида паразитлик қиласди. Вояга етган қўнғизлари эса бутадошлар, фалладошлар ва мураккабгулдошлар каби ўсимликлар гулининг чангига билан озиқланади.

Ўрта Осиёда ва Қозогистонда тарқалган. Текисликлар, тоғ олди зоналаридаги ўтлоқларда яшайди.

**Ёғочесар қўнғизлар, яъни узунмўйловлилар оиласи —
*Cerambycidae***

Ер юзида бу оиланинг 20000 дан ортиқ тури аниқланган. Ўзбекистонда 50 га яқин тури учрайди.



142

143. Шаҳар мўйловдори — *Aeolesthes sarta* Sols.

Қўнғизлар орасида энг йириклиаридан бўлиб, танаси чўзинчоқ, оч-қўнғир, жигарранг тусда, товланиб турадиган кумуш рангли ипсимон тук билан қопланган. Танасининг узунлиги 32 — 47 мм. Мўйлови ингичка ва жуда узун, ҳатто танасидан ҳам узун. Дараҳтлар пўстлоғининг ёрилган жойларига ёки шикастланган қисмига тухум қўяди. Личинкалари дараҳтлар ёғочини кемириб йўл очади ва у билан озиқланади, натижада 3 — 4 йилда дараҳт қуриб қолади. Қўнғизлари май ойида ҳавога учиб чиқади.

Бу тур қўнғиз биринчи марта Ўзбекистонда топилган. Асосан аҳоли яшайдиган воҳаларда тарқалган. Чинор, қайрағоч, терак ва бошқа дараҳтларни зарарлайди.



143

144. Кунгабоқар мўйловдори — *Agananthia dahli* Richt.

Танасининг узунлиги 19 — 21 мм. Қанот қалқони орқали узунасига кетган уч қатор сарғишқизил тукли йўли бор. Личинкалари соябонгулдошлар ва мураккабгулдошларнинг поясида ривожланади ва илдизида қишлияди. Ўсимликларни кемириб озиқланади. Қўнғизлари эса гул ва поя билан озиқланади.

Марказий Осиёда тарқалган.

145. Комаров мўйловдори — *Prionus Komarovi* Dohrn.

Танасининг узунлиги 30 — 45 мм, ранги очсариқ, мўйлови тароқсимон. Ургочиларининг қанот қалқони калта. Ўсимликларнинг гули ва пояси билан озиқланади.

Марказий Осиёда кумли чўлларда яшайди.

Туркестон мўйловдори — *Prionus turkestanicus* Sem.

Анча йирик қўнғиз. Танасининг узунлиги 24 — 40 мм, қўнғир-жигарранг тусда. Танаси оқиши туклар билан қопланган. Қанот қалқони буришган. Тупроққа тухум қўйиб қўпаяди.

Марказий Осиёда чўл ва адирларда тарқалган.

146. Туркестон илдизхўри — *Dorkadion turkestanicum* Kr.

Танасининг узунлиги 10 — 18 мм, кулранг тусда, қанот қалқони бирга қўшилиб ўсган, қава-



145



146

риқ, узунасига ўтган уч қатор оқ йўли бор. Пардали қанотлари йўқ, шунинг учун учмайди. Личинкалари фалла экинларининг илдизи, кўнғизлари эса гули билан озиқланади.

Ўзбекистоннинг жанубида текисликларда ва тоф этакларида яшайди.

Баргхўрлар оиласи — Chrysomelidae

Баргхўрлар қаттиқ қанотлилар туркумининг турга бой оиласидан бўлиб, айни вақтда уларнинг 50000 дан ортиқ тури маълум. Ўзбекистонда 200 тури учрайди.

Osiё barghўri — Chrysochares asiatica Pall.

Металлга ўхшаб товланадиган яшил-кўк рангли чиройли кўнғиз. Асосан сутпечакларда яшаб, унинг барглари билан озиқланади. Танаси калта, мўйлови ҳам калта, личинкаларининг кўкрак оёқлари ривожланган.

Марказий Осиёнинг чўл зоналарида тарқалган.

147. Колорадо қўнғизи — *Leptinotarsa desemlineata* Say.

Бу қўнғиз картошка қўнғизи деб ҳам аталади. Унча катта бўлмаган таҳасининг узунлиги 7 — 16 мм, шакли овалсимон, ранги оч сариқдан малла тусгача. Устки қанот қалқонлари бўйлаб узунасига 10 қатор (ҳар бир қанотида 5 тадан) қора йўл бор. Кўкрак қалқонида қорамтири додчалар мавжуд. Кўнғизлари қишлияди. Баҳорда уйғонган қўнғизлар жуфтлашиб, урғочилари картошка баргининг орқа томонига тухум қўяди. Ривожланиши 40 — 60 кун давом этади. Ниҳоятда очофат зараркунанда. Личинкалари ва қўнғизлари ўсимликлар баргини кемириб, бутун-бутун пайкалдаги экинларни қириб юборади. Бу қўнғиз картошкадан ташқари, бақлажон, помидор, булғор қалампири ва бошқа томатдошларнинг хавфли заараркунандаси ҳисобланади.

Колорадо қўнғизининг ватани Америка. У Европага келтирилган (душманлик мақсадида), Россия орқали Ўзбекистонда (Тошкент, Фарғона водийси вилоятларида) ҳам тарқалган.





148. Терак баргхўри—*Chrysomela populi* L.

Танасининг узунлиги 10 — 12 мм, ранги қўнғир, овалсимон шаклда. Қанот қалқони қизғиши-қўнғир, ёнбошида узунасига кетган қорамтири холлари бор.

148 Тераклар поясига тухум қўяди. Личинкалари қора рангда. Қўнғизлари ҳам худди личинкалари каби ниҳоятда очофат. Тол ва тераклар барги билан озиқланади. Ёппасига қўпайган йиллари дараҳтлар баргизланиб қолади. Ҳамма жойда учрайди.

Узунбурунлилар, яъни филчалар оиласи — Curculionidae

Бу қўнғизлар ер юзида кенг тарқалган, 50000 га яқин тури аниқланган. Ўрта Осиёда 1000 дан ортиқ тури учрайди. Майда қўнғизлар (3 — 10 мм) бўлиб, уларни бошининг тузилишига қараб дарров ажратиш мумкин. Бошининг олдинги учи чўзилиб хартумга айланган, хартумида мўйлови бор. Оғиз аппарати хартумча ичида бўлади.

Hўхат филчаси — Lixus algirus L.

Унчалик йирик бўлмаган (узунлиги 7 — 10 мм) қўнгиз, ранги кулранг-қўнғир, боши найча шаклида узун. Қанот қалқонида узунасига жойлашган қора йўли бор. Қўнғизлари ва личинкалари дуккакдош ва гулхайридош ўсимликлар билан, қўнғизлари гули билан, личинкалари эса поясида ривожланниб озиқланади ва зарар етказади.

Ўрта Осиё ва Қозогистондаги текисликларда ва тоф этакларида тарқалган.

149 а. Олма гулхўри — *Anthonomus pomorum*

Майда (3 — 5 мм) қўнғиз, ранги тўқ қўнғир тусда. Вояга етган қўнғизлар олма ва нокнинг гули ва фунчасига тухум қўяди.

Тухумдан чиқсан личинкалар уларни еб қўяди. Натижада ҳосил пайдо бўлмайди. Ёппасига қўпайганда ҳосилдорликка жиддий зарар етказади. Ҳамма жойда учрайди.



149 а



149 б

149 б. Омбор узунбуруни — *Sitobhilus granarius*

Бир хил рангли — қўнғир тусли ялтироқ, майда қўнғиз (2,5 — 3,5 мм). Омборларда тарқалган. Урғочилари ҳар бир донга баттадан тухум қўяди. Қўнғиз ва унинг личинкалари фақат дон билан озиқланади. Энг хавфли зааркунанда. Ер юзида ҳамма жойда тарқалган.

БҮТАЛОҚЛАР ТУРКУМИ – RAPHIDIOPTERA

Тузилиши ўзига хос ҳашаротлар. Боши ва күкрак олди чўзиқ. Ҳаракатчан, күкрак олди түяниңг бўйнини эслатади. Шунинг учун „буталок“ деб юритилади. Танасининг узунлиги 10 — 12 мм. Икки жуфт тиник пардасимон қаноти қалин томирланган. Қорин қисми 10 та сегментдан иборат. Ургочиларининг узун тухумкўйгич ўсимтаси бўлади. Личинкалари дараҳтлар пўстлоги остида икки йилгача яшайди. Фумбаги ҳаракатчан. Вояга етган формалари ҳам личинкалари каби йиртқич. Оғиз аппарати кемирувчи типда.

Ҳозирги вақтда буталоқларнинг 180 тури маълум. Ўрта Осиёда 8 тури, Ўзбекистонда 2 тури аниқланган. Буталоқлар фойдали ҳайвонлар.

150. Сўқир буталоқча – *Inocella crassicornis* Sch.

Қадимги ҳашаротлардан бўлиб, танасининг узунлиги 8 — 10 мм, ранги қора, қаноти тўрсимон, тиник, боши тўртбурчак шаклда. Қорин қисми бош-кўкракка нисбатан икки бара-вар узун, кўзи йўқ. Дараҳтлар пўстлогининг ёриқларига тухум қўяди. Личинкалари пўстлоқ остида яшаб, майда ҳашаротлар билан озиқланади. Йўқолиб кетаётган тур, муҳофаза қилиниши керак. Фақат тоғли ўрмонларда—дараҳт ва буталарда яшайди.



150

БУЛОҚЧИЛАР ТУРКУМИ – TRIHOPTERA

Ўртача ёки майда ҳашаротлар, ташқи кўринишидан капалакка ўхшайди. Танасининг узунлиги 20 — 24 мм, икки жуфт қаноти яхши ривожланган, ранги сарфиш-қўнғир тусда, туксимон тангачалар билан қопланган ва танани қопқоқ сингари ёпиб туради. Мўйлови узун, параллел ҳолда доим олдинга қараб йўналган. Оғиз аппарати яловчи ёки кўпчилик турларида редукцияланган. Сув ҳавзалари атрофида яшайди. Кундузи камҳаракат, фақат қуёш ботгандан кейин сув юзасида учеб юради. Сувўтларга тухум қўяди. Жинсий вояга етган индивидлари узоги билан бир ҳафта умр кўради.

Булоқчиларнинг личинкаси сувда яшашга жуда яхши мослашган. Личинкалар тузилиши ин (филоф) қуриши ва бошқа хусусиятлари билан кишининг диққатини ўзига тортади. Улар ўсимликлар қолдиги (барг, чўп), нобуд бўлган майда моллюскаларнинг чиганоги, қум зарралари, майда тошчалар ва бошқа материаллардан, йигириув безларидан чиқадиган ипак-

симон модда ёрдамида ҳар хил шаклдаги уйчалар (филофчалар) куради. Уйчаларда личинка яшайды ва ҳимояланади. Уйчадан бошини ва оёқли күкрак қисмини чиқариб уйчани судраб олиб юради. Личинкаларнинг оғиз аппарати кемирувчи типда бўлиб, ўсимликлар ва майда умуртқасизлар билан озиқланади. Уйчаларида фумбакка айланади. Баъзи булоқчиларнинг личинкаси йиртқич бўлиб, уйчалари бўлмайди.

Ҳозирги вақтда булоқчиларнинг 3000 дан ортиқ тури маълум. Ўзбекистонда тахминан 50 тури учрайди. Улар, асосан, сойлар, тоғ зонасидаги кислородга бой дарёлар, ариқлар ва булоқлар сувида яшайди.



151

151. Катта булоқчи — Phryaena grandis

Танасининг узунлиги 15 — 21 мм. Айни вақтда, дунё фаунасида булоқчиларнинг 3000 дан ортиқ тури рўйхатга олинган. Ўзбекистонда 50 та тури учрайди.

B.2. ТЎРҚАНОТЛИЛАР ТУРКУМИ — NEUROPTERA

Ташқи кўринишидан жуда хилма-хил. Танаси йирик ва қисман майда ҳашаротлар. Боши кичик, мўйлови узун бўлиб, йирик кўзлари оралиғида ўрнашган. Икки жуфт қаноти бир хилда, яхши ривожланган, тиниқ ва тўрсимон, сертомир. Личинкалари ва вояга етган формалари йиртқич. Ҳар хил ҳашаротлар, каналар ва ўргимчаклар билан озиқланаб, катта фойда келтиради. Ҳозирги вақтда тўр қанотлиларнинг 3500 тури маълум. Булар 18 та оиланинг вакиллари. Ўзбекистонда 8 та оила-нинг 48 тури учрайди.

Олтинкўзлар оиласи — Chrysopidae



152

152. Оддий олтинкўз — Chrysopa carnea Steph.

Жуда нозик, майда, қанотлари оч-яшил, шаффофф ва тўрли. Қанотларини ёзганда 26 — 28 мм га teng. Кўзлари олтинсимон ялтирайди. Тухумини ингичка поячалари орқали ўсимликлар баргининг орқа томонига ёпиштириб қўяди. Личинкалари йиртқич, асосан, шиralар, барг бургачалари ва каналар билан озиқланади. Ўсимликларда юмaloқ оқ пилла ичидаги гумбакка айланади.

ди. Олтинкўзлар фойдали ҳашаротлар. Ҳозирги вақтда улар биологик лабораторияларда кўпайтирилиб, ғўза, сабзавот-полиз ва бошқа экинлар зааркунандаларига қарши курашда фойдаланилмоқда.


Ўрта Осиёning барча ландшафт ва биотопларида тарқалган.

Шерчумолилар оиласи — *Myrmeleontidae*

153. Чумолишер — *Palpares salidus* Gerst.

Жинсий вояга етган формалари худди ниначиларга ўхшайди, лекин узун мўйлови ва қанотларининг чипор ранги билан улардан фарқ қиласиди. Қанотларини ёзганда, 48 — 52 мм га етади. Қанотлари йиғиштирилганда танасини ёпиб туради, яхши уча олмайди. Личинкалари япалоқ, юқориги жағлари арасимон қиррали тузилган. Улар қум ва қумлоқ тупроқларда яшайди. Ҳар қайси личинка воронкасимон чукурча ясади ва унинг ичига яшириниб, фақат йирик жағларини билинар-билинмас ташқарига чиқариб туради. Бу ерда чукурчага тушган ёки ёнидан ўтаётган ҳашаротларни тутиб олади. Шу хусусияти учун чумолишер дейилади. Чумолишер фойдали ҳашарот, кўплаб заарли ҳашаротларни қиради.

Ўрта Осиёда қумли дашт ва чўлларда яшайди.



153

Тўғнағичмўйловлилар оиласи — *Ascalapnidae*

154. Ола аскалаф — *Ascalaphus macaroinus* F.

Майда капалакларга ўхшайди. Танаси тук билан қопланган. Қанотлари (ёзганда 40 — 50 мм) сарик, ола-чипор нақшлари бор. Личинкалари тошлар остида ўлжасини пойлаб ётади. Вояга етган индивидлар яхши учади ва учеб юриб кўплаб ҳашаротларни қиради. Йўқолиб бораётган кам сонли тур. Муҳофаза қилиниши керак. Ўрта Осиёда тоғли районларда учрайди.



154

В.3. ТАНГАҚАНОТЛИЛАР, ЯЪНИ КАПАЛАКЛАР ТУРКУМИ — LIPIDOPTERA

Капалакларнинг 100000 дан ортиқ тури маълум. МДХ да 8000 га яқин тури, Ўзбекистонда 1500 дан ортиқ тури топилган. Капалакларнинг тузилишидаги ўзига хос белгилари икки

жуфт пардасимон қаноти борлиги ва танаси тангачалар билан қопланғанлыгидир. Тангачалар бутунлай ўзгарган ва япроқлашган туклар бўлиб, турли шаклда. Уларнинг рангдор пигментлари бўлиб, қанотлар рангини ҳосил қиласди. Капалакларнинг оғиз аппарати гуллардан нектар сўришга мослашган, яъни сўрувчи типда. Тинч турганда спиралсимон буралиб туради. Баъзиларининг оғиз аппарати редукцияланган, етук фазасида озиқланмайди, масалан, пилла қуртлар (*Lasiocampidae*), тустовуқкўзлилар (*Saturniidae*), тўлқинлилар (*Lagnatriidae*) ва бошқалар шулар жумласидандир. Қанотлари танасига нисбатан катта, деярли узунасига томирланган. Қанотларининг тузилиши ва томирланиши капалаклар систематикасида жуда катта аҳамиятга эга. Капалакларнинг катталиги (қанотларини ёзганда) 3 — 8 мм дан 50 — 130 мм гача етади. Мўйлови ҳар хил шаклда: ипсимон, қилсимон, тўғнағичсимон, ёйсимон, патсимон ва ҳоказо.

Урғочилари ўсимликларга якка-якка ёки тўп-тўп қилиб тухум қўяди, тухумининг шакли ҳар хил. Капалакларнинг личинкаси цилиндрисимон шаклда, уч жуфт кўкрак ва беш жуфт қорин оёқлари бор. Баъзи турларида қорин оёқлари 2 — 3 жуфтга камайган. Бир қатор содда гуруҳларида 7 — 8 жуфт оёқлар бўлиши мумкин. Личинкаларнинг танаси (турларига қараб) ҳар хил сондаги, турли ранг ва йирик-майдада тукли бўлади. Личинкалар барг, мева ва ёғочлар билан озиқланади, уларда ипак чиқарувчи безлар бўлади.

Гумбаги, одатда, ҳаракатсиз, барча ўсимталари танасига ёпишган бўлади. Кўпларида гумбаклик босқичи тупроқ ичидаги ўтади. Баъзиларининг гумбаги ипак толалари ёки тоза ипакдан ясалган пилла ичига жойлашган бўлади.

Капалаклар гул нектари билан озиқлансан, личинкалари ўсимликлар тўқимасини кемириб, ҳар хил ўсимликларга жиддий зарар етказади. Баъзи турларининг личинкаси мўйна ва жун маҳсулотлари билан озиқланади.

Капалаклар туркуми 3 та кенжада туркум ва 80 та оиласа бўлинади.

1. Жаглилар кенжада туркуми — *Laciniata*.

2. Тубан сўрувчилар, яъни тенгқанотлилар кенжада туркуми — *Jugata*.

3. Олий сўрувчилар, яъни турли қанотлилар кенжада туркуми — *Frenata*.

Елканлилар оиласи — Papilionidae

Бу оиласинг капалаклари йирик ва чиройли, қанотларини ёзганда 50 — 130 мм га тенг. Қанотларида ҳар хил рангли холлари ва йўллари бор. Личинкалари ҳам йирик ва рангли. Уларнинг ўзига хос хусусияти бошининг орқасида жойлашган қизил, айри кўринишдаги халтасимон безларини дўп-пайтириши ва сассиқ ҳид чиқариб, ўзини душмандан ҳимоя қилишидир. Капалаклари май—сентябрь ойларида ҳавода учиб юради.

155 а. Махаон — *Papilio machaon* L.

Йирик капалаклардан бири. Қанотини ёзганда, кенглиги 65 — 80 мм га тенг. Ранги тиниқ сариқ, пастки қанотларида ҳаворанг йўллари, қизил рангли иккита холи ва дуксимон шаклли иккита ўсимтаси бор. Ўзбекистон шароитида 2 — 3 марта авлод беради. Личинкалари ҳам йирик ва яшил, ҳар бир сегментида кўндалангига жойлашган қора баҳмалсимон йўллари ва қизил нуқталари бор. Асосан, соябонгулдошлар билан озиқланади. Капалаклари май—июль ва сентябрь ойларида учиб юради. Улар денгиз сатҳидан 4700 м баландликда ҳам учрайди.

Ўрта Осиёда чўл, тоғ олди этаклари ва тоғ зоналарда тарқалган. Ҳозирги вақтда муҳофаза қилинади.

155 б. Апполон — *Parnassius appolo* L.

Капалаклар орасида энг чиройли ва йирикларидан бўлиб, қанотларини ёзганда, кенглиги 80 — 90 мм. Қанотлари, асосан, оқ, четлари ярим шаффоф, олдинги қанотларида қора холлари, орқа қанотларида оқ кўзчали иккитадан (ҳар қайси қанотда) 4 та холи бор. Холларининг чети қора ҳошияли. Личинкалари қора бўлиб, сариқ ва қизил доғлари бор. Капалаклари июнь—июль ойларида учиб чиқади. Бир марта авлод беради.

Ўрта Осиёда тоғли туманларда тарқалган. Улар сони камайиб боряпти, муҳофаза қилиниши керак.



155 а



155 б



156 а

156 а. Тяньшан апполони — *Parnassius tianschanicus* Ober.

Қанотларини ёзганда, 56 — 75 мм, оқ рангда. Қизил доғлари түқ тусли йўли бўлиб, ҳошияланганлиги билан олдинги турдан фарқ қиласди. Личинкалари сохта қўён карами билан озиқланади. Июнь—июль ойларида капалаклар учуб чиқади. Баланд тогларда яшаб, 4800 м баландликкача кўтарилади. Муҳофаза қилинади.

156 б. Қора апполон, яъни мнемозина — *Parnassius mnemosyne* L.

Оқ рангли, йирик капалак (50 — 60 мм), қанотлари ҳам оқ, олдинги қанотларида иккитадан қора холи бор, орқа қанотининг ички чети қора ҳошияли. Личинкалари ўсимликлар билан озиқланади. Капалаклари бир марта авлод беради. Личинкалари қишлиайди. Капалаклари май ойидан август ойигача учуб юради.

Ўрта Осиёда тоғли туманларда тарқалган. Муҳофаза қилинади.

Куёш гипермнестраси, яъни елканли гелиос — Hypermnestra helios Nick.

Йирик капалаклардан, қанотларини ёзганда 40 — 50 мм га тенг. Ранги оқ-сарик, қанотларида қора ва қизил холи бор. Апрель ойидан бошлаб июннинг ўрталаригача капалаклари учуб юради.


Марказий Осиёда даштларда учрайди. Эндемик тур. Муҳофаза қилинади.

Оқ капалаклар оиласи — Pieridae

Ўртача йирик (қанотларини ёзганда кенглиги 40 — 70 мм) капалаклар. Улар орасида нафақат оқ рангилари, шунингдек, сарик ва кўк рангли индивидлари ҳам бор. Оқ капалакларнинг олдинги жуфт оёқлари яхши ривожланган. Урғочи ва эркак капалаклар ҳар хил аралаш рангга бўялган. Улар ўтлоқларда тўда-тўда бўлиб яшашни хуш кўради. Личинкалари, асосан, бутгулдошларнинг барглари билан озиқланиб, сабзавот экинларига катта зарар етказади.

157. Дўлана капалаги — *Aporia crataegi* L.

Қанотларини ёзганда кенглиги 50 — 70 мм. Қанотлари оқ. Қора рангли томирлари аниқ кўриниб туради. Урғочилари-



нинг қаноти ярим тиниқ. Танаси қора. Бир марта авлод беради. Личинкалари сомон ранг, ён томонида узун қора йўллари бор. Асосан олма, беҳи, нок, ўрик, олча, гилос, шафтоли, бодомнинг гули, меваси, барглари билан озиқланиб, мева боғларига катта зарар етказади. Капалаклари май—август ойларида учиб юради.

Ҳамма жойда тарқалган.

158. Карам капалаги — *Pieris brassicae L.*

Ўртча йирик (қанотларини ёзганда 50 — 65 мм) оқ, капалак. Урғочилари олдинги биринчи жуфт қанотларининг юқориги четки учи қора рангда, бундан ташқари, бу қанотларда иккитадан (ҳар бирида) юмaloқ холи бор. Эркакларида хол бўлмайди. 2 — 4 марта авлод беради. Личинкалари ҳар хил бутгулдошлар билан, айниқса, карам билан кўп озиқланади. Шунинг учун сабзвот экинлари зааркунандаси ҳисобланади.

Ҳамма жойда учрайди.

159. Шолғом капалаги — *Pieris rapae L.*

Ташқи кўринишидан карам капалагига жуда ўхшайди. Лекин булар бир оз майда (қанотларини ёзганда 35 — 45 мм), олдинги қанотининг учлари қора бўлмай, кулранг тусда. Эркак капалакларининг олдинги қанотларида биттадан, урғочиларида иккитадан қора холи бор. Личинкалари яшил рангли, якка-якка яшайди. Ёввойи ва маданий бутгулдошларда ривожланади ва озиқланади. Карам, шолғом ва бошқа сабзвот экинларига катта зарар етказади. 2 — 6 марта авлод беради. Февраль—март ойларидан ноябрь ойигача капалаклари учиб юради.

Ҳамма жойда тарқалган.

160. Лимонранг капалак — *Goneopterix rhamni L.*

Ранги билан кўзга тез ташланадиган чиройли кундузги капалак. Эркаклари лимонранг-сариқ, ҳар қайси қанотининг

ўртасида биттадан түқ сариқ холи бор. Урғочилари сарғиши оқиши рангда. Қанотларини ёзганда кенглиги 50 — 60 мм. Вояга етган капалаклар қишлийди ва эрта баҳорда (март ойида) учиб чиқади. Личинкалари очиқ яшил тусда. Июнь ойида янги капалаклар учиб чиқади.

Ўрта Осиёда текисликлар ва тоғ олди зоналарида дараҳт, буталар орасида учрайди.

161. Брюквагапалаги — *Pieris napi* L.

Қанотларини ёзганда кенглиги 35 — 40 мм га тенг, қанотлари бирмунча қорамтири. Олдинги қанотлариди иккита қора холи ва анча кенг қора ҳошияси борлиги билан қарам капалаги ва шолғом капалагидан фарқ қиласи.

Ҳамма жойда учрайди.



162

162. Тонг капалаги — *Anthocharis cardamines* L.

Унча йирик бўлмаган чиройли оқ капалак. Қанотлари оч кулранг. Урғочиси ва эркаги бир-биридан фарқ қиласи. Эркагининг олдинги қанотлари учига яқин жойда түқ-сариқ йирик холи бўлади. Қанотларини ёзганда кенглиги 30 — 40 мм. Личинкалари бутгулдошлар, капалаклари эса гуллар шираси билан озиқланади. Капалаклари апрель—июнь ойларида учиб юради.

Марказий Осиёда учрайди. Муҳофазага муҳтоҷ.

163. Резеда оқ капалаги — *Leucochloe daplidiceae* Pz.

Қанотлари оқ, уларни ёзгандаги кенглиги 30 — 45 мм га тенг. Орқа қанотларининг орқа томонида яшил холлари бор.

Личинкалари маданий экинлар билан озиқланаб, зарар етказади.

Ҳамма жойда тарқалган.



163

Фауст тонг капалаги — *Zegris fausti* Chr.

Ўрта Осиёнинг эндемик тури, уларнинг сони камайиб кетмоқда ва муҳофазага муҳтоҷ. Қанотлари оқиши чиройли капалак. Эркаклари олдинги қанотининг уни олов ранг қизил, унинг ёнида биттадан юраксимон

қора холи бор. Орқа қанотлари оч қулранг. Қанотларини ёзганда кенглиги 38 — 40 мм. Муҳофаза қилинади.

164. Чўл сариқ капалаги — *Collas erate* Esp.

Ҳамма жойда учрайдиган бу тур капалакнинг эркак ва урғочилари бир-биридан ранги билан фарқ қиласди. Эркаги тиник сариқ рангда, урғочиси оқ. Уларнинг олдинги ва орқа қанотларининг четида энли қора ҳошияси, олдинги қанотларида биттадан холи бор. Личинкалари, асосан, дуккақдош ўсимликлар барги билан озиқланади. Капалаклари апрель ойидан ноябрь ойигача учиб юради. Личинкалари бедага зарар етказади.

Тоғ этагида ва тоғларда тарқалган.



Кўк капалаклар оиласи — Lycaenidae

Танаси унча йирик бўлмаган капалаклар. Асосан, ҳаворанг кўкимтири туслади. Кўпчилигининг орқа қанотлари учидаги кичкина ўсимтаси бўлади. Баъзилари турли хил аралаш (яшил, кўнғир, қизил, пушти) рангда ҳам бўлади. Личинкалари бошқа капалакларнинг личинкасига ўхшамайди; калта, ясси-йўғон, бош ва дум қисми ингичка бўлади.

Кўк капалакларнинг 4500 тури маълум. Ўрта Осиёда 90 тури аниқланган.

165. Икар кўк капалаги — *Lycaena icarus* Rott.

Эркакларининг қаноти оч кўк рангда, урғочилариники хира кўнғир туслади. Ҳар иккала жинс вакиллари қанотларининг ички томони қулранг. Қанотларидаги кўп сонда қора холи ва доғлари бор. Қанотларини ёзганда кенглиги 25 — 35 мм. Личинкалари беда, қашқарбеда ва бошқа дуккақдошлар билан, баъзидаги шираплар билан озиқланади. Май-сентябрь ойларида капалаклари учиб юради. Беда ва бошқа гулли ўсимликларни яхши чанглатади. Ўтлоқлар, экин далалари ва ўрмонларда тарқалган.





166. Кизил-чипор капалак — *Chsophanus virgaureae* L.

Бу капалакларнинг катталиги (қанотларини ёзганда) 30 — 35 мм. Оловранг-қизил тусда. Эркаклари қанотининг устки томони қизғиши-тилларанг, четки ҳошиялари қора, урғочи-лариники тилларанг-сарғиш, қора холлари бор. Личинкалари отқулоқ ўсимлиги билан озиқланади ва ўша ерда яшайди. Июнь-август ойларида капалакларнинг учиб юриши кузатилади.

Ўрта Осиёда ўрмонлар ва дарёлар соҳилида тарқалган.

Нимфалидлар оиласи — Nymphalidae

Йирик ва ўртача йирик (қанотларини ёзганда кенглиги 35 — 80 мм) капалаклар. Ҳар хил рангда бўлади. Олдинги жуфт оёқлари калта бўлиб, кўкрак қисмига ёпишиб туради; улар ёрдамида озиқнинг таъмини аниқлади. Нимфалидлар нафа-қат гуллар нектари, шунингдек, шакарсимон ширалар билан ҳам озиқланади. Личинкалари ҳар хил дараҳтларнинг баргини ва ўтларни истеъмол қиласди. Капалаклари баҳор ойларидан-кузгача ҳавода учиб юради.

Хозирги вақтда нимфалидларнинг 6000 тури аниқланган. Ўрта Осиёда 40 дан ортиқ тури учрайди.

167. Жилвадор капалак — *Apatura iris*

Йирик капалак, қанотларини ёзганда 60 — 80 мм га етади. Қанотлари устки томонидан қора-кўнғир тусда, йирик-майда оқ доғлари пастки қанотларида қўнғир холла-ри ҳам бор. Личинкалари очиқ-яшил рангда, тол ва терак барглари орасида яшаб, улар билан озиқланади. Қизил китобга киритилган.

Тоғ олди туманларида учрайди. Ўрта Осиёда тарқалган.

168. Камилла лентасимони — *Limentis camilla* L.

Қорамтири-жигарранг тусдаги капалак, орқа қанотларида кенг оқ боғламли ва олдинги қанотларида оқ холи бор. Қанотларини ёзганда кенглиги 55 — 65 мм га teng. Шакли ва ранги



168

куруқ ёки янги баргни эслатади. Май—июнь ойларида капалаклари учиб юради.

Марказий Осиёда тоғ олди зоналарда тарқалган. Мұхофаза қилинади.

169. Тол лентасимон капалаги — *Limenitis populi* L.

Булар ҳам йирик капалаклардан, қанотларини ёзганда кенглиги 65 — 80 мм га етади. Олдинги жуфт қанотлари түқ күнғир рангдан қорагача, йирик-майда оқ доғлари ҳам бор. Қанотларининг чети бўйлаб сомонранг ва кўк йўл ўтган. Ўрмонларда ва дараёлар бўйида учиб юради. Личинкалари, асосан, яшил тусда, танасининг олд томони бироз сарғиш ва шохга ўхшаш бир жуфт ўсимтаси бор. Мұхофаза қилинади.

Хризип данаиди — *Danais chrysippus* L.

Чиройли капалак, олдинги қанотлари кўнғир-сариқ, четлари ва учи қора, йирик-майда оқ холи бор. Орқа қанотлари тиник-сариқ. Қанотларини ёзганда 58 — 62 мм. Личинкалари ўсимликлар билан озиқланади. Капалаклари июнь-сентябрь ойларида учиб юради.

Ўзбекистоннинг жанубий туманларida тоғ ва тоғ олди зоналарida тарқалган. Мұхофаза қилинади.

170. Мотамсаро капалак — *Vannesa antiopa* L.

Чиройли капалак. Қанотларининг устки томони баҳмалсимон, бинафша-жигарранг тусда, қанотларининг чети сарғиш ҳошияли, ҳошиядан кейин кўк доғи бор. Қанотларини ёзганда кенглиги 55 — 75 мм. Личинкалари терак, тол ва дўлана барглари билан озиқланади. Капалаклар эрта баҳордан куз ойларигача учиб юради. Мұхофаза қилинади.

171. Товускўз капалак — *Vabessa io* L.

Қанотларининг устки томони олча (тилос) рангидек түқ қизил. Ҳар бир қанотининг юқори четида, худди товус пати-



169



170



171



172

даги каби күзчаларга ўхшаш йирик дөглари бор. Йирик қапалаклардан. Қанотларини ёзганда кенглиги 50 — 60 ммга етади. Личинкалари дараҳтзорларда яшайди. Тоф ва тоф олди зонала-рида тарқалган. Мұхофаза қилинади.

172. Чакамыр, яғни құшқұймас ўт қапалаги — *Vanessa cardui*

Эң кенг тарқалган тур, ҳамма жойда учрайди. Қанотлари тиниқ сарғыш-қизил. Олдинги қанотининг юқори четида оқ доғлари бор. Қанотларини ёзганда кенглиги 50 — 60 мм га етади. Личинкалари мураккабгулдошлар билан озиқланади. Қапалаклари Ўзбекистон шароитида беш мартағача авлод беради. Асосан, ғумбакли даврида қишлиайди. Учиб юрган қапалакларини октябрь ойигача кузатиш мүмкін.

173. Адмирал қапалак — *Parymeis atlanta L.*

Кундузги қапалаклар орасида эң чиройлісі. Умумий ранги қора-құнғир баҳмал тусда. Олдинги қанотининг юқори учидан орденга ўхшаш йирик оқ доғлари, ундан кейин күндалангига

ұттан очиқ қизил лентаси бор. Орқа қанотининг чети очиқ қизил рангда. Ана шундай тузилишига күра, у адмирал қапалак деб номланган. Қанотларини ёзганда кенглиги 55 — 60 мм га тенг. Личинкалари очиқ құнғир тусда, икки ён томонида сарғыш, йўли бор. Қапалаклари ёки ғумбаклари қишлиайди. Эрта баҳорда учиди чиқиб, уч марта авлод беради.

Үрта Осиёда тарқалган. Мұхофаза қилиш керак.

174. Қичитқи ўт қапалаги — *Vanessa urticae L.*

Чиройли қапалак. Қанотларини ёзганда кенглиги 40 — 50 мм га етади. Олдинги ва орқа қанотларининг устки томони ғишт-қизил рангда, қора йўллари ва оқ холлари бор. Қанотларининг ташқи чети қора-құнғир ҳошияли, унда күк рангли холлари бор. Май—сентябрь ойларида қапалакларининг учиди юриши кузатилади. Үсимликларни яхши чанглатади.

Ҳамма жойда тарқалган.



173



174

175. Катта садафдор — Argynnis paphlo L.

Эркаклари қанотининг устки томони сарфиш-малла тусда, қора холлари бор. Урғочилари қўнғир-яшил. Қанотларини ёзганда кенглиги 55 — 60 мм га етади. Капалаклари июль-октябрь ойларида учиб юради. Личинкалари, асосан, раъногулдошлар билан озиқланади. Тоғлардаги дараҳт-буталар орасида, дарёлар соҳилида яшайди. Гулли ўсимликларни яхши чанглатади.

Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Муҳофазага муҳтож.

176. Қизил садафдор — Argynnis adippe L.

Қизил-сариқ рангли капалак. Орқа қанотларининг остки томонидаги кумушсимон холлари сариқ рангда. Қанотларини ёзганда кенглиги 45 — 55 мм. Июль-август ойларида капалаклари учиб чиқиши кузатилади.

Ўрта Осиёда учрайди.

177. Аглай садафдори — Argynnis aglaja L.

Йирик капалак, қанотларини ёзганда кенглиги 50 — 60 мм, қизил-сариқ рангли. Орқа қанотларининг остки томонида тўқ яшил, кумушсимон холлари бор. Июнь-август ойларида капалаклари учиб юради.

Тоғли ва тог олди туманларида, дарёлар бўйида учрайди.



175



176



177



178

178. Ниобия садафдори — Argynnis niobe L.

Қанотларининг ранги қизил-сариқ, устидаги холлари қора. Орқа қанотларининг остки томонида қатор бўлиб жойлашган марварид каби ялтироқ холлари бор. Қанотларини ёзганда кенглиги 45 — 56 мм га тенг. Капалаклари июнь-август ойларида учиб чиқиши кузатилади.

Марказий Осиёда тоғли туманларда тарқалган.

179. Кичик садафдор — Brinthis dia L.

Бошқа садафдорларга нисбатан анча кичик. Қўнғир-қизил, кўплаб қора холлари бор. Қанотларини ёзганда кенг-



179

лиги 30 — 35 мм га етади. Июнь-июль ойларида капалаклари учеб юради.

Тоғ олди ва тоғли туманларда, ўрмон ялангликларида учрайди.

*Қизил шашқадор — *Velitaea didyma* L.*

Қанотларини ёзганда кенглиги 35 — 40 мм га тенг. Қанотларининг умумий ранги қизишиш-түқ сариқ. Остки томонида кумушсимон холлари йўқ. Май-июнь ойларида капалаклари учеб юради. Ўсимликларни яхши чанглатади.

Марказий Осиёда тоғ олди ва тоғли зоналарда, дарёлар бўйидаги ўт ўсимликлар орасида тарқалган.

*Матурна шашқадори — *Melitaea maturna* L.*

Анча йирик капалак, қанотларини ёзганда кенглиги 35 — 50 мм га тенг. Қанотларининг устки юзаси қорамтири-кўнгир тусда, боғламлари қизил-сариқ, холлари эса оқ рангда. Қанотларининг остки томони түқ, сариқ, ярим ойсимон оқ рангли холлари бор. Июль-август ойларида капалакларнинг учеб юриши кузатилади.

Тоғ олди зоналарда фалла, шувоқ ўсимликлари ўсан майдонларда учрайди. Муҳофаза қилиниши керак. Йўқолиб кетаётган тур.



180

Бахмалдорлар оиласи — *Satyridae*

*Парсе чипор қўзлиси — *Melanargia parce* Ev.*

Қанотлари сут каби оқ, кўплаб қўнгир холлари бор. Қанотларини ёзганда кенглиги 50 — 52 ммга тенг. Личинкалари ёввойи фалладошлар билан озиқланади. Май-август ойларида капалаклари учеб юради. Бир авлод беради.

Тоғли ва тоғ олди зоналарда тарқалган. Муҳофаза қилинади.

*Бризеида бахмалдори — *Satyrus briseis* L.*



181

Чиройли капалак. Қанотлари қорамтири-кўнгир рангда, четида оқ ҳошияси бор. Олдинги қанотларининг оқ доғлари орасида биттадан йирик қора холи бор. Личинкалари ёввойи фалладошлар орасида ривожланади.

Эндемик тур. Муҳофаза қилинади.

Эверсман бахмал капалаги — *Pararga tversmanni* Ev.

Қанотлари сариқ-түқ сариқ, холлари қора. Олдинги қанотларининг учда бир нечта қора холи бор. Тишсимон қора ҳошияли орқа қанотларида уттадан холи бор. Қанотларининг кенглиги 50 — 55 мм га тенг. Май-июнъ ойларида капалаклари учиди юради.

Марказий Осиёда эндемик тур. Тоғли туманларда тарқалган.

182. Цирцея бахмалдори — *Satyrus circe* F.

Энг чиройли йирик капалак. Ранги түқ қўнғир тусдан қора бахмал рангача оқ-сариқ рангли кўндаланг энли боғлами бор. Олдинги қанотларининг оқ йўлларидан биттадан қора холи бор. Личинкалари галладошлар билан озиқланади. Июнъ-июль ойларида капалаклари учиди юради.

Марказий Осиёда тоғларда, тоғ олди зоналардаги бутазорларда яшайди. Кам қолган ноёб турлардан. Муҳофаза қилиш керак.



182

Товускўзлилар оиласи — *Saturnidae*

Энг йирик капалаклар. Танаси йўғон, қанотлари кенг. Ҳар бир қанотида рангли ёки тиниқ „кўзча“лари бор.

183. Нок товускўзлиси — *Saturnia pyri* Schiff.

Қанотларини ёзганда кенглиги 120 — 150 мм, энг йирик капалак. Танаси ва қанотларининг ранги кулранг-оқиши ва қўнғир тусда. Қанотларида кўндаланг энли қора-қўнғир қўш йўли бор. Қанотлари ичида биттадан йирик тиниқ қора ҳошияли холи-кўзчаси бор. Бир авлод беради. Тухуми қишлияди. Личинкалари олма, ўрик, шафттоли, олча, наъматак, писта ва бошқа мевали дараҳатлар барги билан озиқланади. Капалаклари июнъ-сентябрь ойларида учиди юради.

Ўрта Осиёда тарқалган. Муҳофаза қилинади.



183

Ҳақиқий ипак қуртлари оиласи — *Bombycidae*

184. Тут ипак қурти — *Bombyx mori* L.

Тут ипак қурти капалагининг танаси йўғон, усти тук билан қопланган, қанотлари очиқ тиниқ, ёзганда кенглиги 40 —



184

60 мм га тенг бұлади. Эркаклари майдароқ, мүйлови патсимон. Капалаклари, умуман, озиқланмайды, чунки оғиз аппарати яхши ривожланмаган. Улар хонакилаштирилган лиги туфайли учиш хусусиятини йүқтотган. Уруғ қўйиб кўпаяди. Личинкалари ниҳоятда очофат, 27 — 30 кун тут барги билан озиқланади. Махсус пилла ясаб, унинг ичидаги фумбакка айланади. Хонакилаштирилган, ипак курти пилласидан табиий ипак олинади.

Ўрта Осиёда тарқалган.

Арвоҳ капалаклар оиласи — Sphingidae

Энг йирик капалаклар (қанотларини ёзганда кенглиги 60 — 100 мм) бўлиб, қорин қисми йўғон, олдинги қанотлари узун. Улар узоққа яхши уча оладиган ҳашарот. Гуллар нектарини сўргандаги, бошқа капалаклар каби гулга кўнмайди, балки улар гулнинг устига (бир жойда) учига туриб, нектар сўради. Арвоҳ капалаклар, асосан, тунги ҳайвон. Личинкалари чувалчангимон, орқа учидаги „шохсимон“ ўсимтаси бор.

Айни вақтда, арвоҳ капалакларнинг 1500 дан ортиқ тури маълум. Ўзбекистонда 20 га яқин тури аниқланган.

Хартумчали капалак — *Macroglossum stellatarum*

Қанотларини ёзганда кенглиги 40 — 47 мм, олдинги қанотлари қўнғир-кулранг, тўқ тўлқинсимон болгамли, орқа қанотлари зангимон сариқ. Капалаклари фир-шира вақтда учади. Асосан, жинсий вояга етган фазада қишлияди, 2 — 3 марта авлод беради. Май-октябрь ойларида капалаклари учига юради.

Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Ҳамма жойда учрайди.

185. Сутлама арвоҳ капалаги — *Celerio euphorbiae L.*



185

Йирик капалак (қанотларини ёзганда кенглиги 65 — 80 мм), танаси оч жигарранг-яшил, қора йўллари ва оқ холлари бор. Олдинги қанотлари кулранг-сариқ бўлиб, қизғиш губорли. Олдинги чеккасида йирик қорамтири-оч яшил холлари ва понасимон йўди бор. Личин-

калари сутламалар орасида яшаб озиқланади. Капалаклари май ойидан то сентябрь ойигача учиб юради.

Ўрта Осиёда тоғларда ва тоғ ён багирларда тарқалган.

186. Ўликбош арвоҳ капалаги — *Acherontica atropos* L.

Энг йирик капалак, қанотларини ёзганда кенглиги 110 — 130 мм га етади. Бундай ном олишига сабаб, елка томонида худди бош суюгига ўхшаган сарик рангли расм бор. Олдинги қанотлари қўнғир, орқа қанотлари сарик, рангда. Булар дараҳтларнинг танасидан оқиб чиққан шира билан озиқланади. Шу билан бошқа капалаклардан фарқ қиласди.



186

187. Туятовон арвоҳ капалаги — *Celerio zygophilli* Ochs.

Танаси ва қанотлари қўнғир-оч жи гарранг. Орқа қанотлари оқ-пушти, ҳошияси қора ва овал шаклдаги холи бор. Қанотларини ёзганда кенглиги 60 — 62 мм га teng. Апрелдан сентябрь ойигача капалаклари учиб юриши кузатилади.



187

Ўрта Осиёда тарқалган.

Тўлқинсимонлар оиласи — Lymantriidae

188. Туркистан олтинқуйруқ капалаги — *Euproctis kargalica* Moore.

Қанотларини ёзганда кенглиги 30 — 35 мм, тиниқ оқ. Урғочисининг қорин қисми охирида олтинсимон ёки қўнғир тусли бир тутам туки бор. Капалаклари июнь-сентябрь ойларида учиб юради. Баргларнинг орқа томонига тўп-тўп қилиб бириткириб тухум қўяди. Личинкалари дараҳтлар шохida тўқиб қўйилган инида яшайди. Вояга етган личинкалари оч кулранг-қора тусада, туки узун, сарик-қўнғир тусада, тутам-тутам бўлиб жойлашган. Танасида заҳарли модда ажратадиган безлари бўлади. Личинкаларининг туки одам терисига санчилса, қишиштиради. Турли хил мевали дараҳтларнинг — ўрик, олма, шафтоли, беҳи, бодом, дўлана, наъматак, зирк кабиларнинг барги билан озиқланиб, боғдорчиликка катта зарар етказади.

Ўрта Осиёда тоғли туманларда тарқалган.



188



184

60 мм га тенг бўлади. Эркаклари майдароқ, мўйлови патсимон. Капалаклари, умуман, озиқланмайди, чунки оғиз аппарати яхши ривожланмаган. Улар хонакилаштирилганлиги туфайли учиш хусусиятини йўқотган. Уруг қўйиб кўпаяди. Личинкалари ниҳоятда очофат, 27 — 30 кун тут барги билан озиқланади. Maxsus пилла ясаб, унинг ичидаги гумбакка айланади. Хонакилаштирилган, ипак қурти пилласидан табиий ипак олинади.

Ўрта Осиёда тарқалган.

Арвоҳ капалаклар оиласи — Sphingidae

Энг йирик капалаклар (қанотларини ёзганда кенглиги 60 — 100 мм) бўлиб, қорин қисми йўғон, олдинги қанотлари узун. Улар узоққа яхши уча оладиган ҳашарот. Гуллар нектарини сўрганда, бошқа капалаклар каби гулга кўнмайди, балки улар гулнинг устига (бир жойда) учиб туриб, нектар сўради. Арвоҳ капалаклар, асосан, тунги ҳайвон. Личинкалари чувалчангсимон, орқа учида „шоҳсимон“ ўсимтаси бор.

Айни вақтда, арвоҳ капалакларнинг 1500 дан ортиқ тури маълум. Ўзбекистонда 20 га яқин тури аниқланган.

Хартумчали капалак — *Macroglossum stellatarum*

Қанотларини ёзганда кенглиги 40 — 47 мм, олдинги қанотлари кўнфир-кулранг, тўқ тўлқинсимон боғламли, орқа қанотлари зангсимон сариқ. Капалаклари фира-шира вақтда учади. Асосан, жинсий вояга етган фазада қишилайди, 2 — 3 марта авлод беради. Май-октябрь ойларида капалаклари учиб юради.

Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Ҳамма жойда учрайди.

185. Сутлама арвоҳ капалаги — *Celerio euphorbiae L.*



185

Йирик капалак (қанотларини ёзганда кенглиги 65 — 80 мм), танаси оч жигарранг-яшил, қора йўллари ва оқ холлари бор. Олдинги қанотлари кулранг-сариқ бўлиб, қизгиш губорли. Олдинги чеккасида йирик қорамтири-оч яшил холлари ва понасимон йўди бор. Личин-

калари сутламалар орасида яшаб озиқланади. Капалаклари май ойидан то сентябрь ойигача учеб юради.

Ўрта Осиёда тогларда ва тоғ ён бағирларда тарқалган.

186. Ўликбош арвоҳ капалаги — *Acherontica atropos* L.

Энг йирик капалак, қанотларини ёзганда кенглиги 110 — 130 мм га етади. Бундай ном олишига сабаб, елка томонида худли бош суюгига үхшаган сариқ рангли расм бор. Олдинги қанотлари қўнғир, орқа қанотлари сариқ рангда. Булар дараҳтларнинг танасидан оқиб чиққан шира билан озиқланади. Шу билан бошқа капалаклардан фарқ қиласди.



187. Туятовон арвоҳ капалаги — *Celerio zygophilli* Ochs.

Танаси ва қанотлари қўнғир-оч жигарранг. Орқа қанотлари оқ-пушти, ҳошияси қора ва овал шаклдаги холи бор. Қанотларини ёзганда кенглиги 60 — 62 мм га teng. Апрелдан сентябрь ойигача капалаклари учеб юриши кузатилади.



Ўрта Осиёда тарқалган.

Тўлқинсимонлар оиласи — Lymantriidae

188. Туркистан олтинқўйруқ капалаги — *Euproctis kargalica* Moore.

Қанотларини ёзганда кенглиги 30 — 35 мм, тиниқ оқ. Урғочисининг қорин қисми охирида олтинсимон ёки қўнғир тусли бир тутам туки бор. Капалаклари июнь-сентябрь ойларида учеб юради. Барғларнинг орқа томонига тўп-тўп қилиб биректириб тухум қўяди. Личинкалари дараҳтлар шохидаги тўқиб қўйилган инида яшайди. Вояга етган личинкалари оч кулранг-қора тусда, туки узун, сариқ-қўнғир тусда, тутам-тутам бўлиб жойлашган. Танасида заҳарли модда ажратадиган безлари бўлади. Личинкаларининг туки одам терисига санчилса, қичиширади. Турли хил мевали дараҳтларнинг — ўрик, олма, шафтоли, беҳи, бодом, дўлана, наъматак, зирк кабиларнинг барги билан озиқланиб, боғдорчиликка катта зарар етказади.

Ўрта Осиёда тогли туманларда тарқалган.



Айиққурт капалаклар оиласи — Arctiidae

Капалаклар ўртача йирик. Ҳар хил рангли. Личинкалари йирик, тук билан қалин қопланганлиги учун айиққурт деб аталади. Қўланса ҳид чиқарип туради. Капалаклари кечаси фаол ҳаракатланади.

Дунё фаунасида 3000 тури маълум. Ўрта Осиёда 30 та тури учрайди.

189. Қайя айиққурт капалаги — *Arctia caja* L.

Энг чиройли капалаклардан бўлиб, олдинги қанотлари баҳмалсимон жигарранг, кўндаланг оқ йўллари ва холлари бор. Орқа қанотлари тиниқ қизил-сариқ бўлиб, 4 та йирик холи бор. Капалакларнинг ранги ўзгариб туради. Қанотларини ёзганда кенглиги 59 — 75 мм га teng. Личинкалари ўтлар орасида яшаб озиқланади ва қишлиайди. Капалаклари август-сентябрь ойларида учиб юради.



189

Ўрта Осиёда тоғларда тарқалган.

Тунламлар оиласи — Noctuidae

Айни вақтда тунламларнинг 20000 дан ортиқ тури маълум. Ўзбекистонда 300 тури топилган. Бу гуруҳ капалаклар номига мувофиқ тунги ҳайвонлар ҳисобланади. Асосан, кечаси учади, ёргулукни жуда хуш кўриб, чироқ ёки электр нурига тез етиб келади. Унча йирик бўлмаган капалакларнинг хартумчаси ривожланган, қорин қисми йўғон бўлиб, тук билан қалин қопланган. Олдинги қанотлари нақшли бўлиб, бу нақш 5 та ингичка тўлқинсимон йўлли кўндаланг излар ва 3 та ўртача йирик доғлардан иборат. Ўсимликлар шираси билан озиқланади. Личинкалари туксиз, кулранг-қўнғир, жигарранг ва оч яшил рангли. Биологик хусусиятига кўра, икки гурухга бўлинади.

1. Кемирувчи личинкалар.

2. Баргхўрлар.

Биринчи гуруҳ личинкалар тупроқ ичида яшаб, ўсимликларнинг ер ости аъзоларини кемиради. Иккинчи гурухдагилар эса ер усти қисмини заарлайди. Тунламлар дала экинлари, боғ ва ўрмонларнинг энг хавфли зааркунандасидир.

190 a. Қизил елкасимон капалак — *Catocala nupta* L.

Йирик капалак, қанотларини ёзганда кенглиги 70 — 90 мм га teng. Олдинги қанотлари хира-қўнғир тусда, тўлқинсимон кўндаланг чизиқлари бор. Орқа қанотлари фиштсимон-қизил,

иккита йирик қорамтири боғлами бор. Ўрмонлар ва истироҳат боғларида учрайди. Кечаси фаол ҳаёт кечиради. Личинкалари дараҳтларда ривожланади. Тол, терак ва баъзан мевали дараҳтларнинг барги ва пўстлоги билан озиқланади. Июль-сентябрь-октябрь ойларида капалакларнинг учиб юриши кузатилади.

Ўрта Осиёда тарқалган.

190 а



190 б

190 б. Зангори лентасимон капалак — *Catocala fraxini* L.

Энг йирик капалак, 90 — 100 мм. Олдинги қанотлари кулранг, тўлқинсимон чизиқлари бор. Орқа қанотлари хира тусда, йирик зангори боғлами бор. Дарё ва сойлар бўйидаги ўрмон ва боғларда кўп учрайди. Дараҳтлардан оқиб чиқадиган шира ва чириётган мевалар шираси билан озиқланади. Капалаклари июль-сентябрь ойларида учиб юради.

Ўрта Осиёда тарқалган. Қизил китобга киритилган.

191. Саҳро тунлами — *Aleucanitis flexiosa* Men

Танаси йўғон сарфиш-қўнғир, жигарранг тук билан қопланган. Олдинги қанотлари сарфиш-қўнғир, учки қисми жигарранг ҳошияли. Тўлқинсимон кўндаланг чизиқлари бор. Қанотлари ўртасида қорамтири холлари бор. Қанотларини ёзганда кенглиги 35 — 38 мм га тент. Саҳродаги янтоқ ва бошқа ўсимликларга тухум қўяди. Личинкалари ана шу ўсимликлар билан озиқланади.

Ўрта Осиёда тарқалган.

191





192

192. *Fusa tunnami* — *Chloridea obsolete*

Ғўза тунлами танасининг узунлиги 12 — 18 мм. Қанотларини ёзганда кенглиги 34 — 42 мм. Олдинги қанотлари кулранг-сарғиш ва баъзан кўнғир тусда, қанотлари устида буйрак шаклидаги битта кулранг-қора ва юмалоқ битта холи бор. Орқа қанотлари бироз оқиш. Фумбаклари қишишлайди. Эрта баҳорда капалаклари учиди чиқади ва йил давомида 3 — 5 марта авлод беради. Личинкаларининг ранги очиқ яшил, яшил-кўнғир ва тим-кўнғир. Бу личинкалар фўзанинг гули, танаси ва кўсакларини кучли заарлайди. Шунингдек, помидор, тамаки, маккажӯхори ва дуккақдошларга зарар етказади.

ПАРДАҚАНОТЛИЛАР ТУРКУМИ – НУМЕНОРТЕРА

Турларининг кўплиги жиҳатдан ҳашаротлар синфи туркумлари орасида қўнғизлардан кейинги ўринда туради. Ҳозирги вақтда пардақанотлиларнинг 150000 дан ортиқ тури маълум. Ўзбекистонда 1000 дан кўпроқ тури учрайди. Табиатда хали аниқланмаган минглаб турлари мавжуд. Олимларнинг фикрича, табиатда пардақанотлиларнинг 300000 дан ортиқ тури бор.

Пардақанотлиларнинг танаси 0,21 мм дан 35 — 60 мм гача, ранги хилма-хил бўлади. Оғиз аппарати кемирувчи ва кемирувчи-сүрувчи типда тузилган. Икки жуфт тиниқ пардасимон қаноти бўлиб, орқа жуфт қанотлари олдингисига нисбатан калта ва кичик. Айрим вакилларида (ишли чумолилар, урғочиларида) қанот бўлмайди. Боши кўкрак қисмига ҳаракатчан бириккан. Мўйлови ҳар хил—ипсимон, тўғнагиҳисимон, тароқсимон ва ҳоказо. Иккита мураккаб ва учта оддий қўзи бор. Қорин қисмининг охирида тухумқўйгичи бор, чақадиган ҳашаротларда у найзага айланган бўлиб, ҳимоя ва хужум қилиш аъзоси вазифасини бажаради. Оёқлари югурувчи, айрим турларида гул чангини йиғиши учун маҳсус мослашган. Личинкаларининг 3 жуфт кўкрак ва 6 — 8 та қорин оёқлари бўлади. Баъзи турларининг личинкалари умуман оёқсиз.

Жамоа бўлиб яшайдиган пардақанотлиларнинг ташқи кўриниши ва танасининг ҳажмига кўра, бир-биридан фарқ қиласидиган ҳар хил жинсли, яъни эркак, урғочи ва ишли индивидлари бўлади.

Пардақанотлилар экологияси ва ҳаёт кечириши бўйича ниҳоятда хилма-хил. Улар орасида ўсимликларнинг барги, меваси ва бошқа қисмлари билан озиқланувчилар, гуллар нек-

тари ва чанги билан озиқланувчилар бор. Маълум бир қисми бошқа ҳашаротларнинг тухуми, личинкаси ёки гумбагида паразитлик қилиб ривожланади. Баъзи турлари йиртқичлик билан ҳаёт кечиради.

Инсон ҳаётида ва табиатда пардақанотлиларнинг аҳамияти жуда катта. Жуда кўпчилик гулли ўсимликлар пардақанотлилар ёрдамида чангланади. Заарли ҳашаротларни қиравчилари ҳам кўп. Асаларилардан қимматбаҳо асал ва мум олинади, ариларнинг заҳаридан ноёб дори-дармон тайёрланади.

Пардақанотлилар туркуми иккита кенжা туркумга бўлинади:

1. Камҳаракат қоринлилар.
2. Поясимон қоринлилар.

Яйдоқчилар оиласи — Ichneumonidae

193. Сариқ яйдоқчи — *Ophion luteus* L.

Танасининг узунлиги 16 — 20 мм, сариқ ёки сариқ-қизил рангли ари. Жуда кўпчилиги қапалакларнинг личинкасига тухум кўйиб кўпаяди. Айниқса, фўзанинг энг хавфли зааркунандаси бўлган кўк ва кўсак куртининг кушандаси ҳисобланади. Фойдали ҳашарот.

Ҳамма жойда учрайди.

194. Ихнеумон яйдоқчиси — *Ichneumon pisorius* L.

Ўрта Осиёда тоғли туманларда тарқалган ҳаракатчан чиройли ари. Танасининг узунлиги 20 — 22 мм, қанотлари тинқ, танаси қора, қорин қисми кўкрагидан тўсиқ билан ажралган. Турли хил ҳашаротларда ва умуртқасиз ҳайвонларда паразитлик қиласи, яъни қорнининг учидаги жойлашган ко-нуссимон тухум-кўйичидан ўлжаси танасига тухум кўяди. Тухумдан чиққан қуртлари ўлжанинг ички аъзоларини еб ривожланади ва гумбакка айланиб, жинсий вояга етади. Фойдали ҳашарот.



193



194

Арисимонлар оиласи — Apidae

Ер юзида 20000 тури маълум. Ўзбекистонда 1500 тури топилган.



195. Тоғ тукли ариси — *Bombus laesius* F.M.

Танаси тук билан қопланган. Боши, қорин қисми ва елка томонида қора рангли ҳамда қизгиш туклари бор. Жамоа бўлиб яшайдиган ҳашарот. Ерга ин қуради. Урғочилари личинкаларини ўсимликлар гулидан йиққан чанг ва нектар билан боқади. Яхши чанглатувчи ҳашарот. Ўзбекистонда барча турлари муҳофаза қилинади.

Ўрта Осиёда тарқалган.

195



196

196. Асалари — *Apis mellifera* L.

Одам томонидан хонакилаширилган. Жамоа бўлиб яшайди. Ҳар қайси асалари оиласида тухум қўядиган битта она ари, бир нечта эркак ари ва жуда кўп ишчи (насл бермайдиган урғочилари) ари бўлади. Урғочи ари бошқаларига қараганда йирик (танасининг узунилиги 15 — 16 мм), қанотлари қорин қисмининг 2/3 қисмини қоплаб туради ва 5 йилгача ҳаёт кечиради. Ишчи асаларилар майдада бўлиб, қанотлари қорин қисмининг учига ёпишиб туради. Улар ёзда беш ҳафта, қишида эса ярим йилгача яшайди. Эркаклари май-июнь ойларида етишиб чиқади. Улар ишчи асаларига нисбатан йирик, кўзлари катта ва қанотлари қорин қисмидан узун бўлади.

Асаларилар гулли ўсимликларни энг яхши чанглатувчилар ҳисобланади.

197. Фиштчи ари — *Chalicodoma muraria* L.

Урғочилари қора рангда, қанотлари қорабинафша тусда. Эркаклари майдада бўлиб, усти сариқ тук билан қопланган. Тупроқ, оҳак-қумдан ин қуриб, уни сўлаги билан тошга ёки уйларнинг деворига ёпиширади. Алоҳида-алоҳида катакчалардан иборат, ининг ҳар бир катагига асал ва гул чангига тўплайди. Кейинчалик катакчаларга тухум қўйиб, унинг оғзини қаттиқ лой билан беркитиб қўяди.

Ўрта Осиёning жанубида тарқалган.

197



198. Бинафша ари — Xylocopa violacea L.

Танасининг узунлиги 20 — 24 мм. Ранги кўк-бинафша. Якка-якка яшайди. Ўзи мустақил ин қурмайди. Шунинг учун дараҳтларнинг қуруқ ёғочини кемириб, ўша ерга тухум қўяди ва ийққан гул чангни ҳамда нектарини жойладиди. Заҳарли. Ўсимликларни энг яхши чанглатувчи ари.

Ўрта Осиёда тоғ олди ва тоғ зоналарида тарқалган. „Қизил китоб“га киритилган.

199. Appakаш — Xylocopa valga Gerst.

Ташқи кўринишидан кўп жиҳатдан бинафша арига ўхшайди. Бироқ, булар бироз йирик (узунлиги 24 — 28 мм).

Танаси қора-кўк тусда, қора тук билан қопланган. Қанотлари кўкимтир-бинафша рангда. Куруқ ёғочни кемириб ин қуради. Вояга етган арилар қишлиайди. Қизил китобга киритилган. Тоғ ва тоғ олди зоналарида тарқалган.

Ер ариси — Bombus terrestris

Анча йирик ари, узунлиги 28 мм га етади. Кўкрагининг олдинги қисми ва қорин бўлимининг асоси сариқ ёки тўқ-сариқ тусдаги тук билан қопланган. Қорин қисмининг учида оқ тукчалар бор. Ерга ин қуриб кўпаяди.

Тош ариси — Bombis lapidarius

Танасининг узунлиги 27 мм га етади. Танаси бутунлай қора тук билан қопланган. Қорининг учида қизил туки бор.

Боғ ариси — Bombus hortorum

Катталиги 15 — 24 мм, рангли — қора, сариқ ва оқ ранглар навбатлашиб жойлашган. Ернинг юмшоқ жойларига ин қуради.

Йўларилар оиласи — Pompilidae

Помпил ариси — Pompilius apicalis Lind.

Қора ёки қора-қизил рангли ари. Якка-якка яшайди. Танасининг узунлиги 10 — 21 мм. Қанотлари хира-сарғиш тусда. Урғочилари ўргимчакларни овлайди. Бунда улар найзасини ўргимчакнинг кўкрак бўғимларига санчади. Кейин палажланган ўлжасини инига ташиб келиб, унга тухум қўяди ва инини тупроқ



198



199

билин беркитади. Тухумдан чиққан ари личинкалари ўргимчак билан озиқланиб, шу ерда фумбакка айланади.

Ўрта Осиёда текисликларда ва тоғ олди зоналарида учрайди.

Казувчи арилар оиласи — Sphecidae

200. Күм аммофиласи — *Ammaphila sabulosa* L.

Ҳаракатчан, қора-қизил рангли, танасининг узунлиги 15—27 мм га teng. Қорнида кўкрагига бирекадиган ингичка ва узун қизил рангли поячаси бор. Қорнининг учки қисми қора, олд томони қизил рангда. Вояга етган арилар очик далаларда яшаб, ерда якка-якка ин қуради. Эрталаб ва кечкурунлари гулларнинг нектари билан озиқланади. Кундузи эса ин қуриб, ҳар хил капалакларнинг личинкасини овлайди. Капалаклар личинкасини фалажлаб (айниқса, тунламларни), кейин инига ташиб киритади ва унга тухум қўяди. Сўнгра инининг устини күм ва тошчалар билан беркитади. Арининг личинкалари шу ерда вояга етади. Ҳамма жойда тарқалган.



200



201 а

201 а. Узунбурун бембекс — *Bembex rostrata* L.

Йирик, узунлиги 18—25 мм, қорин қисми кенг ва 5—6 та сариқ рангли кўндаланг чизиқлар (белбоғ) ўтган. Очик далаларда жуда тез учади. Ҳар хил ўсимликлар гулининг нектари билан озиқланади. Юмшоқ қум-тупроқли ерларда чуқур ин қуради. Унга хилма-хил ҳашаротларни, хусусан, сўна, пашшаларни фамлаб қўяди. Бу арилар ўлжасини фалажламайди, балки бир йўла нобуд қиласиди. Нобуд бўлган пашшаларга тухум қўяди. Тухумдан чиққан личинкалар нобуд бўлган ҳашаротлар билан озиқланиб ривожланади. Фойдали ҳашарот.

Ҳамма жойда қум ва тупроқларда учрайди.

201 б. Асалари бўриси — *Philanthus triangulum* L.

Ташқи кўринишидан оддий ариларга жуда ўхшайди. Танасининг узунлиги 12—16 мм. Тана қисмининг ҳамма сегментларида энли сариқ йўл бор. Ерда чуқур қилиб ин қуради. Личинкаларини асаларилар билан боқади. Шунинг учун асаларилар-

ни тинимсиз овлайди. Асаларига хужум қилиб, найзасини улар миясига саншиб нобуд қилади ва кейин инига фамлаб қўяди. Асаларичиликда ашаддий зааркунанда. Ҳамма жойда учрайди.

Тахланма қанотли арилар оиласи – *Vespidae*

202. Шарқ қовоғариси, яъни замбир – *Vespa orientalis* L.

Энг йирик (узунлиги 30 мм гача) арилардан, тўқ қўнғир ва малла тусда, қорин қисмининг ўртасида сариқ рангли иккита йирик белбоги бор. Оила бўлиб яшайди. Ёғочдан қириб олган қоғозга ўхшаш маҳсулотдан ин куради ва ўша ерга тухум қўяди. Лиchinkalарини боқиш учун пашша, асалари ва бошқа ҳашаротлардан озиқ тайёрлайди. Бу арилар жуда заҳарли. Замбирлар асаларичиликка жиддий зарар етказиши билан бирга ҳар хил мевалар (айниқса, узум)ни ҳам еб битиради. Ўтра Осиёда тарқалган.



202

203. Оддий ари – *Paravespula vulgaris*

Танасининг узунлиги 16–20 мм, боши сариқ, қорин қисми қора, сариқ рангли бир нечта қўндаланг белбоги бор. Ин қуриш учун ёғоч қириндиларидан фойдаланади. Инида битта урғочи ари (у фақат тухум қўяди) ва ишчи арилар бўлади. Инидаги ҳар бир катакчага тухум қўйиб кўпаяди. Ишчи арилар ин куради, личинкаларни боқади ва қорувуллик қилади. Арилар личинкаларини оғзида чайнаётган ҳашаротлар билан боқади. Урғочи арилар қишлиайди. Зарарли ҳашаротларни қириб фойда келтиради. Узумга зарар етказиши мумкин. Ҳамма жойда учрайди.



203

204. Француз бингаги – *Polistes gallicus* F.

Унча йирик бўлмаган ари. Танасининг узунлиги 11–13 мм. Қорин қисми узун ва энсиз бўлиши билан бошқа арилардан фарқ қилади. Қорин қисмидаги жойлашган сариқ рангли



204

белбоги бор. Жамоа бўлиб яшайди. Инини ўсимликлар поясига осиб қўяди. Ҳар бир катакчага урғочиси биттадан тухум қўяди. Личинкаларини ўзи нобуд қилган ҳашаротларнинг қурти билан боқади.

Ўрта Осиёда тарқалган.

Герман бингаги—Paravespula germanica L.

Сариқ - қора рангли ари. Танасининг узунлиги 12–20 мм га teng. Қофоз маҳсулотидан юмалоқ ин қуради. Уларни уйларнинг девори орасига, дараҳтларга, кемирувчилар ташлаб кетган уяларга ёки ердаги бошқа берк жойларга қўяди. Жамоа бўлиб яшайди. Уяси катакларига тухум қўйиб кўпаяди.

Ҳамма жойда тарқалган.

Сколия арилар оиласи—Scoliidae

205. Катта сколия—Scolia aculata Dr.

Ўзбекистон фаунасидаги энг йирик ари. Танасининг узунлиги 40–60 мм, ранги қорамтири, тук билан қопланган. Қорин қисмининг иккинчи ва учинчи бўғимида икки жуфтдан сариқ тусли холи бор. Қанотлари кулранг. Урғочилари бутун ҳётини тупроқда ўтказиб, фақат озиқланиш ва жуфтлашиш вақтида ташқарига чиқади. Урғочи арилар тупроқдан шохдор ва пластинка мўйловли қўнғизларнинг личинкаларини топиб, уларни фалажлайди ва қорин қисмига биттадан тухум қўяди. Тухумдан чиқсан ари личинкалари, ўлжасини еб гумбакка айланади. Ўрта Осиёда текисликларда, ва тоғ олди зоналарда тарқалган. Фойдали ҳашарот. Мухофаза қилинади.



205



206

Чумолилар оиласи — Formicidae

206. Қора чумоли — Lasius niger L.

Танасининг узунлиги 4,5–9 мм, ранги қора- қўнғир, силлиқ ва ялтироқ. Қорин қисми асосий пояча билан кўкрагига туташган. Оила бўлиб яшайди. Оиланинг асосий қисмини насл бермайдиган қанотсиз ишчи индивидлар ташкил этади. Ерга ва чириётган да-

рахтларга ин қуради. Меваларнинг шираси, ўсимлик битлари ажратган „шакарли тезак“ билан ва, кўпинча, хонадонларда сақланаётган озиқ-овқат билан озиқланади. Заарарли ҳашаротларни қиради, ўзи эса бошқа ҳайвонларга ем бўлади.

Ҳамма жойда тарқалган.

207 а. *От қумурсқа—Cataglyphis aenescens Nyi.*

Оёқлари узун ҳашарот. Тинимсиз ҳаракат қилиб ҳаёт кечиради. Йиртқич. Ҳар хил умуртқасиз ҳайвонлар билан озиқланади. Қорин қисмини юқорига кўтариб югуряди. Ерга уя қуради. Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

207 б. *Ўроқчи чумоли—Messor apalocaspicus Ruzsky.*

Йирик чумоли, боши катта, жигарранг, юқори жағлари ҳам катта. Танаси кўнгир ёки қора тусда. Ерда 1м гача чукурликка ин қуради. Чўл ва яйлов ўсимликларининг уруғини фаол равишда йиғиб уясига тўплайди.

Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

208. *Үй чумолиси—Monomorium pharaonis L.*

Жуда майда, 2–2,4 мм ли сарық чумоли, иссиқсевар, хонадонларда яшайди. Ҳар хил нарсалар билан озиқланади.

БУРГАЛАР ТУРКУМИ – ARHANIPTERA.

Қанотсиз, майда (1–5 мм) ҳашаротлар. Танаси икки ён томондан яссоланган, силлиқ, орқа жуфт оёқлари кучли ривожланган ва сакраш вазифасини бажаради. Оғиз аппарати қон



207 а

207 б

207 в

сўришга мослашган. Бургалар личинкаси поллар ёриғида, ахлатларда, сут эмизувчилар ва қушлар инида ривожланади. Шакличувалчангсимон. Бургалар сутэмизувчиларга ва қушларга ташланиб қонини сўради. Бурганинг ҳар қайси тури маълум хўжайнинг паразитлик қиласи. Агар ўз хўжайнини бўлмаса, бошқаларга ҳам ташланиб озиқланади. Масалан, одамда, мушук, ит ва сичқон бургалари паразитлик қилиши аниқланган. Бургалар қон сўриши билан бирга турли юқумли ва инвазион касалликлар юқишида воситачи ролини ўтайди.

Хозирги вақтда бургаларнинг 1400 га яқин тури маълум.

209. Одам бургаси – Pulex irritans L.

Танасининг узунлиги 1,5–4 мм, қорақўнгир рангда. Асосан, одамда паразитлик қиласи. Фақат қон сўриш вақтида одамга ташланади, натижада, безовта қиласидиган кучли қичиш пайдо бўлади. Ҳар хил касалликлар тарқатади. Ҳамма жойда тарқалган.



209

ЧАЁНСИМОНЛАР ТУРКУМИ – MECOPTERA

Чаёнсимон ҳашаротлар ташқи кўринишидан чаёнга жуда ўхшайди, яъни қорин қисмининг учи юқори томонга қайрилган бўлиб, чаёнларнинг „думини“ эслатади. Лекин буларнинг икки жуфт ривожланган қаноти ва бир жуфт мўйлови бўлади.

Илмий маълумотларга кўра, чаёнсимонларнинг 500 дан ортиқ тури маълум. Улар 9 та оиланинг вакиллари. Ўзбекистонда 3 та оиланинг вакиллари учрайди.

210. Оддий Чаёнсимон – Panorpa communis L.

Танасининг узунлиги 24–34 мм, қорақўнгир рангли, қанотлари тиник, бир нечта қора доғлари бор. Боғларда учрайди. Нобуд бўлган ҳашаротлар ва гуллар нектари билан озиқланади.

Марказий Осиёда тарқалган.



210

B.5. ҚЎШҚАНОТЛИЛАР ТУРКУМИ – DIPTERA

Қўшқанотлилар юқори даражада такомиллашган ҳайвонлар, бир жуфт (олдинги) пардасимон қаноти бўлиб, орқа қанотлари редукцияланган. Бош қисми, кўпинча, юмалок,

ингичка бўйни орқали кўкрагига бирлашган ва ҳаракатчан. Оғиз аппарәти санчиб-сўрувчи ва яловчи типда. Мўйлови икки хил-кўп бўғимли узун мўйлов ва уч бўғинли калта мўйлов.

Кўкрак қисми зич ёпишиб жойлашган бўғимлардан иборат.

Қанотлари пардасимон, кўндаланг томирлари унча кўп эмас. Орқа қанотлари ўрнига сенсиllар мавжуд. Қорни 4–10 та бўғимдан ташкил топган. Эркаклари қорнининг учида муқаммал тузилган генитал аппарати бор.

Кўшқанотлилар биологик ва экологик жиҳатдан мураккаб, гуруҳ ҳисобланади.

Кўшқанотлилар ҳар хил нарсалар билан озиқланади. Паразит формалари ҳам бор. Бунда имаго индивидлари қон сўриб озиқланса, личинкалари бошқа ҳашаротлар, қушлар, сутэми-зувчилар, шунингдек, одам организмидаги паразитлик қиласди. Кўшқанотлилар орасида ўсимликхўр турлари ҳам учрайди. Личинкалари ўсимлик тўқималари ичида яшаб, қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етказади (масалан, гессен пашшаси—*Mayetiola destructor*, швед пашшаси—*Oscinella frit* ва бошқалар). Шунингдек, кўшқанотлиларнинг йиртқич формалари ҳам бор (масалан, қтирлар).

Кўшқанотлиларнинг кўпчилиги тухум қўйиб кўпаяди, лекин тирик личинка туфувчи турлари ҳам бор. Улар тухум ва личинкаларни сувга, тупроққа ёки чирий бошлаган моддаларга қўяди. Тухуми оқ, ёйсимон бўлади. Личинкалари оёқсиз, кўпчилиги бошсизга ўхшаб кўринади, лекин жуда редукциялашган боши бор.

Кўшқанотлилар туркуми икки кенжада туркумдан иборат.

1. Узун мўйловлилар кенжада туркуми — *Nematocera*.

2. Калта мўйловлилар кенжада туркуми — *Brachycera*.

Ҳозирги вақтда кўш қанотлиларнинг 80000 дан ортиқ тури маълум бўлиб, Ўзбекистонда 450 тури бор. Уларнинг табиатдаги ўрни ва инсон учун аҳамияти турли-туман. Кўп турлари нинг личинкаси табиатда органик моддалар парчаланишини тезлаштиради ва тупроқ ҳосил бўлиши жараёнда иштирок этади.

Бир қатор турлари ўсимликлар гулини чанглатади.

Кўшқанотлиларнинг одамга келтирадиган зарари ҳам кўп. Кон сўрувчи вакиллари қон сўриб, ҳайвонлар маҳсулдорлигини пасайтиради, шу билан бирга одам ва ҳайвонларга ҳар хил касаллик юқтиради.

Қтилар оиласи — Asilidae



Дунё фаунасида бу оиланинг 5000 тури маълум. Ўзбекистонда 300 тури аниқланган.

211. Катта қтирип — *Satanas gigas* Ev.

Энг йирик қўшқанотли ҳашарот. Танасининг узунлиги 40–50 мм га етади. Қорин қисми чўзиқ, қора, усти калта тук билан қалин қопланган, оғиз аппарати санчувчи типда. Қанотлари шаффоф, яхши учади. Фаол йиртқич. Сўлаги таркибида кучли заҳар моддаси бор, унинг таъсирида ҳашаротлар бир зумда нобуд бўлади. Учиб юриб ўлжасини тутади. Бундан ташқари, чигиртка, чирилдоқларнинг личинка ва гумбакларини ҳам қиради. Апрель–июль ойларида учиб юради.

Личинкалари ерда ривожланади. Ўрта Осиёда чўлларда ва тоғ олди зоналарда тарқалган. Фойдали ҳашарот, муҳофаза қилинади.

212. Бугри қтирип — *Laphria gibbosa* L.

Қора рангли, йирик ҳашарот. Узунлиги 15–28 мм. Тук билан қалин қопланган. Қорин қисмининг ўртаси сарғиши тусда. Личинкалари ҳам йиртқич, ёғочлардаги узун мўйловли қўнғизларнинг қуртини топиб ейди.

Сўналар оиласи — Tabanidae

Дунё фаунасида сўналарнинг 3500 тури маълум, Ўзбекистонда 53 тури топилган. Булар йирик (10–20мм) пашша бўлиб, қўзларий жуда катта, ялтироқ, мўйлови уч бўғимли. Сўналар ер юзида кенг тарқалган, асосан, сув ҳавзалари атрофида, ўт қалин ўсган жойларда, чорва моллари кўп боқиладиган яйловларда яшайди. Улар вақт-вақти билан сув ҳавзаларига учиб бориб, намланиб қайтади ва ҳаво исиб кетганда ўсимликлар соясига яширинади. Личинкалари сувда, заҳ ерларда, тошлар

остида ва шунга ўхшаш жойларда ривожланади. Сўналар қон сўрувчи кўш қанотли ҳашарот. Улардан ҳар хил ҳайвонлар (айниқса, чорва моллари), хусусан, одам ҳам азоб чекади. Улар қон сўриши билан бирга, юқумли касалликлар ҳам тарқатади.

213. Қорамол сўнаси — Tabanus bovinus.

Сўналарнинг энг йириги, танасининг узунлиги 19–24 мм, тўқ-кўнғир рангли, кўзи яхши кўради. Ургочилари қорамолларнинг қонини сўриб озиқланса, эркаклари ургочиларига нисбатан майдароқ бўлиб, ўсимликлар гулининг шираси билан озиқланади. Личинкалари тупроқда, сув ҳавзалари атрофида яшаб, органик қолдиқлар, чувалчанг, моллюскалар ва бошқа умуртқасиз ҳайвонлар билан озиқланади.

Ҳамма жойда учрайди. Қон сўрувчи хавфли ҳашарот.



213

214. Олтин кўз сўна — Chrysops caecutiens.

Кўзи олtingга ўхшаб ялтираши билан бошқа сўналардан фарқ қиласди. Қорин қисмининг асосида сариқ холлари бор. Қорамоллар ва отларга ҳужум қиласди. Чўлларда ва тоғли зоналарда учрайди.



214

Визилдоқ пашшалар оиласи—Bombyliidae

215. Оддий ғамгин визилдоқлар — Anthrax morio L.

Танаси калта ва йўғон, узунлиги 8–12 мм. Танаси ва қанотлари қора, фақат учки қисми оқишироқ-тиниқ. Хартумчаси нинасимон, гуллар ширасини сўришга яхши мослашган. Личинкалари бошқа ҳашаротлар паразити бўлиб, чигирткалар кўзачасида, капалаклар қурти ва гумбакларида ривожланади. Вояга етган пашшалар ўсимликлар гулини нектари билан озиқланади. Фойдали ҳашарот ҳамма жойда тарқалган.



215

216. Мавр ғамгин визилдоғи — Anthrax maura L.

Ўзбекистоннинг барча ландшафтида учрайди. Танасининг узунлиги 6–10 мм, қорин қисми йўғон, кулранг, қора ва оқ



216

холлари бор. Қанотлари қора, фақат учки қисми шаффоф. Личинкалари айрим яйдоқчилар гумбагида ривожланади. Ҳамма жойда учрайди.

Шилдирама пашшалар, яъни сирфидлар оиласи—*Syrphidae*



217

217. Баргак сирфи—*Syrphius corallae* F. W.

Кўринишидан асаларига жуда ўҳшайди, лекин уларга ўҳшаб гулдан-гулга ўтавермайди, қўнган гулда узоқ вақт тинч туради, беозор пашша. Танасининг узунлиги 10–13 мм, металл каби ялтироқ, қорамтири. Қорин қисмининг ҳар қайси бўғимида сариқ рангли ярим ойсимон иккитадан холи бор. Вояга етган пашшалари гуллар шираси билан озиқланади. Личинкалари йиртқич, боғлардаги дала экинлари ва гўзадаги ширани еб фойда келтиради. Ҳамма жойда тарқалган.

Балчиқ шилдирама пашшаси—*Eristalis tenax* L.

Ўртча йирик пашша, ранги тиник, танасининг узунлиги 12–15 мм. Қорин қисми сариқ, қора йўли бор. Яхши учади ва узоқ вақт ҳавода муаллақ ҳолатда турга олади. Вояга етган пашшалар гуллар билан озиқланади. Личинкалари кўлмак сувларда яшайди ва ривожланади. Майда умурткасиз ҳайвонлар билан озиқланади. Қорин қисмининг учиди жойлашган узун нафас олиш найчаси уни «каламуш» думига ўҳшатиб кўрсатади. Шунинг учун бу личинкалар каламуш деб ҳам аталади. Вояга етган пашшалар гуллар шираси билан озиқланиб уларни чанглатади. Ҳамма жойда тарқалган.

Ҳақиқий пашшалар оиласи—*Muscidae*

218. Ўй пашшаси—*Musca domestica* L.



218

Ер юзида ҳамма жойда тарқалган ва доим бўладиган пашша, ҳатто космик кемалар (Союз Т-12, „Салют-7“) нинг ҳам „мехмони“ бўлган. Ҳақиқатан, улар ниҳоятда кенг тарқалган ҳашаротлардан ҳисобланади. Танасининг узунлиги 7–9 мм га етади. Ранги кулранг, оёқлари ва мўйлови тукли. Ҳамма нарса билан озиқланана-

ди. Тез күпаяди. Урғочилари бир йилда 15 марта гача авлод беради. Личинкалари чувалчангсимон бўлиб, боши ва оёқлари бўлмайди. Ҳаммаҳур. Ўйларда, ювинди чуқурлар ва гўнгда ривожланади. Улар ҳар хил юқумли ва инвазион касалликлар тарқалишида воситачи ролини ўйнайди.

219. Кичкина уй пашиаси—Fannia canicularis

Ташқи қўринишидан уй пашиасига ўхшайди, лекин уларнинг танаси кичик ва қорин қисмининг ён томонларида сарик рангли йирик доғлари бор. Ҳамма жойда тарқалган.

220. Визилдоқ—Stomoxys calcitrans L.

Танасининг узунлиги 5,5–7 мм. Бу пашиша ташқи қўринишидан уй пашиасига ўхшайди, лекин, хартумчаси узун ва, кўпинча, ярим қоронгу жойларда қўниб туришни хуш кўрадиган ва кам учадиган бўлади. Булар, кўпинча, қорамолларни чақиб, қонини сўради. Шунингдек, от, чўчқаларни, шунингдек, одамни ҳам безовта қиласди. Бу пашиша кузда кўпайиб кетади ва ҳар хил юқумли касалликларнинг, хусусан, сибиръ куйдиргисининг юқишида воситачи ролини ўйнайди. Ҳамма жойларда учрайди.

Қора ранги гўнг пашиаси—Mesembrina meridiana L.

Танасининг узунлиги 10–13 мм бўлган, қора ранги ихчам пашиша. Қанотлари тиник (шаффоф.) Дараҳтлар барги ва танасига қўниб ҳаёт кечиради, Йиртқич. Личинкалари йиртқич бўлиб, қорамоллар гўнгидага яшайди. Ҳамма ерда учрайди.

Кулранг гўшт пашишлари оиласи—Sarcophagidae

Вольфарт пашиаси—Wohlfahrtia magnifica Schin.

Ранги оч кулранг пашиша. Кўкраги бўйлаб тўқ тусли учта йўл ўтган. Қорин қисмида қора холлари бор. Қанотлари шаффоф, сертомир. Танасининг узунлиги 10–15 мм га етади. Гуллар шираси ва ҳайвонлар ўлимтиклари билан озиқланади. Тирик туғади. Битта урғочи пашиша 200 тагача тирик личинка туғади. Бу личинкалар яраларда паразитлик қиласди. Ўрта Осиёда чўл ва чалачўл зоналарда тарқалган.



219



220



221



221



222



223



224

221. Кўк рангли гўшт пашиаси—*Caliphora vicina*.

Танасиниг узунлиги 8–13 мм, қорин қисми кўк рангли ва металлсимон ялтирайди. Боғларда, бозорларда ва ифлос ташландиклар тўпланган жойларда учрайди. Личинкалари ўлимтикларда ривожланади.

222. Яшил рангли гўшт пашиаси—*Lucilia sericata*

Ям-яшил ва металл каби ялтирайди, танасининг узунлиги 5–10 мм. Ҳаёт тарзи кўк рангли гўшт пашиасиникига жуда ҳам ўхшайди. Ҳамма ерда тарқалган.

223. Кулранг гўшт пашиаси—*Bercaea haemorrhoidatis*

Йирик пашиша, танасининг узунлиги 8–15 мм га teng. Оч кулранг тусда. Қориннинг учи қизил рангда. Гўшт ва меваляр шираси билан озиқланади. Ургочилари тухум қўймайди.

Ҳар хил гўнгга тирик личинка ташлайди. Бу пашиша ҳар хил касалликлар қўзғатувчиларини тарқатади. Ҳамма жойда тарқалган.

**УЗУН МЎЙЛОВЛИЛАР КЕНЖА ТУРКУМИ
— BRACHYCERA**

224. Узуноёқ пашиша — *Tipula paludosa*

Танасининг узунлиги 20–26 мм, қанотлариники 16–22 мм га teng. Оёқлари жуда узун, мўйлови ипсимон. Ўсимликлар шираси билан озиқланади. Ерга тухум қўяди. Личинкалари чириндида ривожланади ва дала экинлари илдизини заарлайди. Ўрта Осиёда тарқалган. Сернам ўтлоқларда яшайди.

225. Исқабитопар чивин — *Phlebotomus papatasii Scop*

Ташқи умумий қўринишидан майда капалакларга ўхшайди. Танаси узун тук

билин қопланган, узунлиги 3–4 мм. Личинкалари органик моддаларга бой бўлган турли қоронги жойларда—инларда, полсиз уйларда ва шу каби жойларда ривожланади. Исқабтопар чаққанда, тери кучли қичишади. Бу чивинлар қон сўриши билан бирға ҳар хил қасаллик қўзғатувчиларни юқтиради.


Ҳақиқий чивинлар оиласи – Culicidae

226 а. Безгак чивини – *Anopheles maculipennis* Mg.

Танасининг узунлиги 6–8 мм, қанотларида қора доғлари бор. Мўйлови ингичка, 15 бўғимли. Личинка ва фумбаклари ҳаракатчан бўлиб, сувда ривожланади. Етук чивинлар қон сўриб озиқланади ва безгак қасаллиги қўзғатувчиларини юқтиради. Уруғланган ургочилари қишлиайди. Ўрта Осиёда тарқалган.

226 б. Оддий чивин – *Culex pipiens*.

Ер юзида ҳамма жойда учрайди. Қон сўрувчи чивин. Личинкалари ҳар хил сув ҳавзаларида ривожланади. Узунлиги 5–6 мм, қанотларида қора доғлари бўлмайди. Личинкаларининг тузилишига ва баъзи биологик хусусиятларига кўра, безгак чивинидан фарқ қиласди.





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ „ҚИЗИЛ КИТОБ“ ИГА КИРИТИЛГАН, ЙЎҚ БЎЛИБ КЕТГАН ВА ЙЎҚ БЎЛИБ КЕТИШ ХАВФИ ОСТИДАГИ УМУРТҚАСИЗ ҲАЙВОНЛАР РЎЙХАТИ*

Ҳалқали чувалчанглар типи—Annelida

Камтуклилар синфи—Olegochaeta

Люмбикоморфа туркуми—Lumbricomorpha

Люмбрицидлар оиласи—Lumbricidae

1. Яшил аллолобофора—*Allolobophora chlorocephala* Perel, 1977




1

Ўсимликлар билан зич қопланган кенг баргли ўрмонлардаги тупроқларда яшайди. Тупроқ юзасига ўсимлик қолдиқлари билан озиқланиш ва кўпайиш учун чиқади. 1–2 дона пиллада 1–2 дона тухум кўяди. Куруқ мавсумда тупроқнинг чукур жойларида ҳаракатсиз ҳолда ётади. Тупроқни бойитади.

Хумсон қишлоғи атрофида учрайди.

2. Соясевар аллолобофора—*Allolobophora utrophila* Perel, 1977



2

Буталар билан зич қопланган мевали тоғ ўрмонларида тарқалган. Ўсимлик қолдиқлари билан озиқланади. Май ойида 1–2 дона пилла кўйиб кўпаяди. Ҳар кв. метрда (m^2) 10 тагача учрайди. Тупроқни яхшилайди.


Тошкент вилояти (Хумсон қишлоғи)да учрайди.

Зулуклар синфи—Hirudinea

Жағлилар туркуми—Arhynchobdellae

Жағли зулуклар оиласи—Hirudinidae

3. Тиббий зулук—*Hirudo medicinalis* Linnaeus, 1758



3

Текисликда, баъзан тоғ этакларида жойлашган турғун ёки секин оқар сув ҳавзаларида яшайди. Бақалар, баъзида сутэмизувчиларнинг қони-

*Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси „Қизил Китоб“идан олинди.

ни сүради. Жинсий йүл билан, йилига 1—2 марта тухумларини пиллаларга қўйиб, кўпаяди. Сони кескин камайиб кетган. Бир неча йил яшайди.

Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёлари, шунингдек Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон сув ҳавзаларида тар-калган.

Моллюскалар типи — Mollusca

Чиганоқлилар кенжা типи — Subphylum Conchifera

Қориноёқлилар синфи — Gastropoda

Тароқойқулоқлар кенжা типи — Pectinibranchia


Литторонсимонлар туркуми — Littoriniformes

Горациялар оиласи — Horoitidae

4. Жадин булоқ чиганоги — *Sogdamnicola shadini* Izzatillaev, 1984

Тоғ булоқлари, суви тоза бўлган кичик дарёларнинг шағал ва тошлари ҳамда ўсимликларда яшайди. Майда сув ўтлари билан озиқланади. Тухум қўйиб кўпаяди.

Ургут ва Омонқўтан қишлоғида тар-калган.




4

5. Архангельский булоқ чиганоги — *Valvatamnicola archangelskii* (Shadin, 1952)

Булоқлар ва тоза совуқ сувли тоғ дарёларида, 25—30 см чуқурликда, майда шағаллар орасида, тошлар ва сув ичида-ги ўсимликлар барғларида яшайди. Сув ўтлари билан озиқланади. Тухум қўйиб кўпаяди ва бир йилча яшайди.


Шоҳимардон қишлоғи (Фарона ви-лояти) атрофида учрайди.



5

6. Шоҳимардон булоқ чиганоги — *Valvatamnicola schohimardoni* Izzatillaev, 1984

Булоқлар ва тоза совуқ сувли тоғ дарёларида майда шағаллар орасида яшайди. Сув ўтлари билан озиқланади. Тухум қўйиб кўпаяди. Саноқли нусхаларда маълум.



6

Шоҳимардон қишлоғи (Фарғона вилояти) атрофида тарқалган.

**Церийсимонлар туркуми – Cerithiiformes
Меланоидилар оиласи – Melanoididae**

7. Қайнар меланоидеси – *Melanoides kainarensis Starobogatov et Izzatillaev, 1980*



Текисликлардаги илиқ булоқлар ва улар ҳосил қилган илиқ сой ва ҳовузлар, 2,5 метргача бўлган чуқурликларда тошли, лойли ва лойқа босган тупроқларда яшайди. Айрим жинсли. Тухум қўйиб кўпаяди ва сув ўтлари билан озиқланади. 5–8 йил умр кўради.

Карнаб чўлидаги Бошҳовуз булоғида учрайди.

Ўпкалилар кенжা синфи – Pulmonata

Геофиллар туркуми – Geophila

Вертигинидлар оиласи – Vertiginidae

8. Хаттон гастрокоптаси – *Gastrocopta hittoni (Benson, 1849)*



Дараҳт ва бутазорли тоғ ва тоғ ёнбагирларида яшайди. Кам ўрганилган ва сони чекланган бўлиб, Тошкент вилоятининг Оққўрон шаҳри атрофида тарқалган.

Бўлиминидлар оиласи – Buliminidea

9. Ургут левозебринаси – *Laezebrina urgutensis (Kobelt, 1902)*



Тоғларнинг бутазор билан қопланган майда тошли ёнбагирларида яшайди. Кам ўрганилган. Тухум қўяди, 1,5–2 йилгача яшайди.

Ургут қишлоғи атрофида учрайди.

Иккипаллалилар синфи – Bivalvia

Садафсимонлар туркуми – Unioniformes

Садафлар оиласи – Unionidae

10. Суғд тишизи – *Colletopterus sogdianum (Kobelt, 1897)*

Текисликлардаги ҳаракатчан сув ҳавзаларида 2,5 метргача бўлган чуқурликларда яшайди. Жинсий йўл билан кўпаяди. Тухумини кузда

чиғаноғи ичига құяды ва ёзда уларни ташқарига чиқаради. Личинкалари 5–8 ҳафта балиқларнинг сузгич қанотларидан яшайды. 5–10 йил умр күради. Органик чириндилар билан озиқланади. Сувни тозалайды.

Сони кескин камайиб кетган.

Тошкент вилояти сув ҳавзалари, Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёлари сув ҳавзаларидан тарқалган.

11. Бактрия тиісизи – Colletopterum bactrianum Clam

Текисликлардаги ҳаракатчан сув ҳавзаларидан яшайды. Яшаш тарзи сүед тиісизларига айнан үхшаш.

Сирдарё ва Зарафшон дарёлари ҳамда Айдаркүл сув ҳавзаларидан яшайды.

12. Құқон тиісизи – Colletopterum kokandicum Starobogatov et Izzatillaev, 1980

Текисликлардаги ҳаракатчан сув ҳавзаларининг лойли тупроқлари орасыда яшайды.

Хаёт кечириш тарзи олдинги түртиішсизларига айнан үхшаш.

Бир нечтегина нұсхада қолган.

Құқон шаҳри яқинидаги Печқоран құлида турнинг ягона папуляцияси мавжуд.

Юраксимонлар түркүми – Cardiiformes Күл юраксимонлар оиласи – Limnocardidae

13. Берг ҳипаниси – Hypanis vitrea (Eichwald, 1838)

Қирғоқлардаги саёз жойларнинг шүрланған жойларидан яшайды. Личинкалари сув қатламида охиста сузіб юради. Сув үтлари билан озиқланади. Бир неча йил яшайды.

Орол денгизининг жанубий ва фарбий қысмларидан тарқалган.



10



11




11



12



13



14

14. Кичкинагина ҳипанис – *Hypanis minima* (Ostrovoff, 1907)

Сувнинг тубида яшайди, юмшоқ туроқларни яхши куради.

Яшаш тарзи буйича берг ҳипанисига айнан ўхшаш.

Орол денгизининг чуқур жойларида яшайди. Сони жуда кам қолган.

Саватчалар оиласи – Corbiculidae



15

15. Юраксимон саватча – *Corbicula cor* (Lamarck, 1818)

Текисликлардаги сув ҳавзаларида яшайди. Кам ўрганилган. Тухум қўйиб кўпаяди ва 5–6 йил умр кўради. Органик чириндилар билан озиқланади.

Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳамда Оролбўйи қишлоқлари атрофида тарқалган.

16. Дарё саватчаси – *Corbicula fluminalis* (O.A. Mueller, 1774)

Пасттекисликлардаги чучук сувли сойларда, 1,5 метр чуқурликдаги жойларда яшайди. Тухум қўйиб кўпаяди, 5–6 йил умр кўради. Чириндилар билан озиқланади. Сони кескин камайиб кетган.

Зарафшон дарёси қайирларида тарқалган.

17. Қирмизи саватча – *Corbicula purpurea* Prime, 1864

Текисликлардаги ҳаракатчан сув ҳавзаларида яшайди. Кам ўрганилган, 5–6 йил яшайди. Органик чириндилар билан озиқланиб, сувни тозалайди. Кейинги ўн йиллар давомида сони кескин камайиб кетган.

Самарқанд вилояти, Амударё дельтаси ва Оролбўйи ҳудудларида тарқалган.



16



17

Бұғимоёқлилар типи – Arthropoda
Хелицералилар кенже типи – Chelicera
Үргимчаксимонлар синфи – Arachnida
Үргимчаклар түркүми – Aranei
Түркүювчишлар оиласи – Theridiidae

18. Даль қорақүрті – *Lathrodetus dahli*
Levi, 1959

Майин тупроқли чүл (яримчүл)да кемирудилар ва тошбақалар уясида яшайды. Йилига бир марта насл беради. Үрғочилари август ойида 4–5 та, баъзан 9 донагача пилла құяды (қар пиллада үртача 1350 дона тухум бўлади). Үргимчаклар пилла ичидә қишлиайды, апрель–майда тарқалади. Жинсий вояға етган эркак қорақүртни июнь–августгача, урғочиларини эса июль–октябрь, баъзан декабргача учратиш мумкин. Майда бұғимоёқлилар билан озиқланади.

Қашқадарё ва Жиззах вилоятларидан тарқалган.




18

Жабра билан нафас олувчишлар кенже типи – Brachiata
Қисқибалақасимонлар синфи – Crustacea
Куракоёқлилар кенже синфи – Copepoda
Гарнаттикоидлар түркүми – Harpacticoida
Диосакцидлар оиласи – Diosaccidae

19. Орол шизопераси – *Schizopera aralensis* Borutzky, 1971

Қирғоқтардаги кам шўрланган сувлар тубида ва сув ўтларининг орасида яшайды. Кам үрганилган. Органик чириндилар ва сув ўтлари билан озиқланади. Балиқлар учун озуқа манбаидир. Кескин камайиб бормоқда.

Орол денгизида учрайди.



19

Клеотидлар оиласи – Cletodidae

20. Кичрайган шизопера – *Schizopera reducta* Borutzky, 1971

Қирғоқ бүйі кам шұрланған сувларда яшайды. Кам ўрганилған. Личинкалари сув қатламыда фаол сузіб юради. Органик чириндилар ва сув үтлари билан озиқланади. Сони кескин камайиб бормоқда.

Орол денгизида тарқалған.

21. Бирштейн әнгидросомаси – *Enhydrosoma birsteini* Borytzky, 1971


Денгизнинг қирғоқбүйі ва чуқур жойларда яшайды. Яшаш тарзи кичрайган шизоперага айнан үхшаш.

Орол денгизи сувларыда учрайди.

Чиганоқлилар кенже синфи – Ostracoda

Подокопидлар түркүми – Amphipoda

Цитеридлар оиласи – Cytheridae



22

22. Орол лимноситераси – *Limnocythere aralensis* Schotikov, 1973

Қирғоқлардаги шұрланған сувлар тубида яшайды. Кам ўрганилған. Органик чириндилар ва сув үтлари билан озиқланади. Балиқларнинг озуқа манбаидир.

Орол денгизида тарқалған.

Олий қисқиңбақасимонлар кенже синфи – Malasostaca

Ёңсузарлар түркүми – Amphipoda

Гаммаридлар оиласи – Gammaridae

23. Орол ёңсузари – *Dikerogammarus aralensis* (Uljanin, 1875)

Қирғоқлардаги шұрланған сув тубида яшайды. Кам ўрганилған. Йилнинг ҳароратига қараб 2–5 мартагача авлод беради. Кейинги ўн йиллар давомида кескин камайиб кетди.

Орол денгизида тарқалған.

**Ўноёқлилар туркуми – Decapoda
Дарё қисқибачақалари оиласи – Astasidae**

24. Туркестон қисқибачаси – *Pontastacus kessleri* (Schminkewitsch, 1884)

Пасттексликлардаги, кичик дарё ва каналлар сувларида (сув остидаги камарлар ва турли пана жойларда) яшайды. Кузда урчиди. Урғочиси уругланган увиљдиригини июнгача күтариб юради. Сони кескин камайиб кетган.

Сирдарё, Сурхон дарёси сувларида учрайди.



24

**Трахеялилар кенжә типи – Tracheata
Олтиоёқлилар бош синфи – Hexapoda
Ҳашаротлар синфи – Insecta
Қанотлилар кенжә синфи – Pterygota
Ниначилар туркуми – Odonatoptera
Гоморидлар оиласи – Gomphidae**

25. Кириченко ниначиси – *Anormogomphus kiritshenkoi* Bartenev, 1913

Текисликлардаги ва тоғлардаги тез оқувчи дарёларнинг воҳаларида яшайды. Учиши ва тухум қўйиши (сувга) июнь–июлода амалга ошади. Ривожланиши тахминан икки йил давом этади. Майда бўғимоёқлилар билан озиқланади. Сони ҳамма жойда камайиб кетган.

Сурхон дарёсининг қўйи оқими (Термиз шаҳри атрофи) да тарқалган.



25

**Тўғриқанотлилар туркуми – Orthoptera
Асл темирчаклар оиласи – Tettigoniidae**

26. Чўл темирчаги – *Sago pedo* (Pallas, 1771)

Ўзбекистонда турли-туман ўт ва бутазорларда яшайди. Тупроқда тухум қўйиб, йилига бир марта насл беради. Тухумлари қишлийди. Личинкалари ўсиш даврида саккиз марта пўст ташлайди. Эркаги ниҳоятда кам учрайди. Йиртқич, ҳар хил ҳашаротлар билан озиқланади.



26

**Тенгқанотлилар туркуми – Homoptera
Кармин берувчи құртлар оиласи – Margorodiidae**



27



28



29

**27. Ажриқхұр кармин берувчи құрут –
Porphyrophora cynodontis (Archangelskaya,
1935)**

Тоғ этаклари ва дарё воҳаларининг күм-тупроқли ва шұр қоплаган жойларидаги ажриқларнинг ер ости қысмларыда яшайды. Иилига бир марта насл беради. Жуфтлашиши ва тухум қўйиши август–сентябрь ойларыда содир бўлади. Биринчи ўн йиллар ичида кескин камайиб кетган. Кармин (қирмизи ранг бўёқ) олишда асосий манба ҳисобланади.

Самарқанд вилояти ва Фаргона водийсида тарқалган.

**28. Аччиқмияхұр кармин берувчи құрут –
Porphyrophora sophorae (Archangelskaja,
1935)**

Яримчўл зонаси қумоқ тупроқли ва шұр ерларда аччиқмия ва қизилмия томирларыда яшайды. Яшаш тарзи ажриқхұр қуртга айнан үхшаш.

Самарқанд вилояти ва Фаргона водийсида учрайди.

**Яримқаттиққанотлилар туркуми – Hemiptera
Йиртқиччалар оиласи – Reduphiidae**

29. Федченко йиртқиччаси – *Redivius fedtschenkianus* (Oshanin, 1871)

Чўлларнинг қум-тупроқли массивларидаги кемиругчилар уяларыда яшайды. Ривожланиш даври икки йил. Жинсий вояга етган ҳашаротлар апрель–май ойларыда фаол бўлади. Сони ҳамма жойда камайиб кетган.

Бухоро, Самарқанд, Жizzах ва Қашқадарё вилоятлари ҳамда Фаргона водийсида тарқалган.

30. Богданов йиртқиччаси — *Stenolemus bogdanovi* Oshanin, 1896

Одам яшамайдиган иморатларда учрайди. Кам ўрганилган. Йиртқич, майда бўғим оёқлилар билан озиқланади. Вояга етганлари қишлийди.

Тошкент, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларида тарқалган.



30

Чарм ўсимталилар оиласи — Coreidae

31. Леман қандаласи — *Cercinthus lehmanni* Kolenati, 1891

Чўлларнинг барқарорлашган қумли масивларида ўсуви ўсимликларнинг илдизлари атрофида яшайди. Жинсий вояга етганлари май—июн ойларида фаоллашади. Баъзан чироқ ёруғига учиб келади. Кам ўрганилган.

Хоразм, Жиззах ва Қорақалпоғистонда учрайди.



31

**Қаттиққанотлилар туркуми — Coleoptera
Тошқоллар оиласи — Carabidae**

32. Галатея — *Cicindela galatea* Theime, 1881

Тоғ этаги чўл ландшафтларида яшайди. Кам ўрганилган. Жинсий вояга етганлари июнда ҳаракатчан бўлади. Йилига бир марта насл беради. Йиртқич, майда ҳашаротлар билан озиқланади.

Фарғона водийсида тарқалган.



32

33. Глазунов гулбадани — *Collisthenea glasunovi* (Semenov, 1900)

Тоғ этаклари текисликлари ва турли ўт ўсимликлари билан қопланган тоғ ёнбагирларида яшайди. Кам ўрганилган. Вояга етганлари апрель ойида ҳаракатчан бўлишади. Йиртқич, майда ҳашаротлар ва уларнинг личинкалари билан озиқланади.

Нурота тоғи ва Самарқанд шаҳри атрофига учрайди.



33



34. Зарудний тошқоли – *Carabus zarudniy* (Semenov et Znojko, 1932)

Тоғларнинг дараҳт ва буталари кам жойла-рида яшайди. Кам ўрганилган. Вояга етганлари тупроқда қишлиайди, апрель—майда ҳаракатчан бўлади. Йилида бир марта насл беради. Кам ўрганилган. Йиртқич, майда ҳашаротлар ва уларнинг личинкалари билан озиқланади.

Писком ва Угам дарёлари (Бўстонлиқ ту-мани) воҳасида тарқалган.



35. Суғд тошқоли – *Carabus sognianus* Semenov, 1898

Тоғ водийсининг кенг япроқли, кўпинча заранг дараҳтли ўрмонлари, дарё ва сойлар бўйларида яшайди. Кам ўрганилган. Йилида бир марта насл беради. Вояга етганлари апрель—май ойларида ҳаракатчан бўлади. Йиртқич, асо-сан, моллюскалар билан озиқланади.

Зарафшон ва Ҳисор тоғи этакларида тар-қалган.



36. Антия – *Anthia mannerhaimi* Chaudoir, 1842

Кам ўрганилган. Йилида бир марта насл беради. Вояга етганлари апрель—май ойларида ҳаракатчан бўлади. Йиртқич, бўғимоёқлилар, майда калтакесаклар билан озиқланади.

Чўлларнинг қумли массивларида, Аму—Бу-хоро канали атрофида тарқалган.



37. Туркистон скарати – *Skarites turkestanicus* Heyden, 1884

Вояга етганлари апрель—майдага оқшомлари ҳаракатчан бўлади. Йилда бир марта насл бе-ради. Йиртқич, майда ҳашаротлар ва уларнинг личинкалари билан озиқланади. Кам ўрганил-ган. Чўлларнинг қум массивлари, тепаликлар ўртасидаги ботик ерларда яшайди. Йўқ бўлиб кетиш арафасида.

Фарғона водийсининг марказий қисмида учрайди.

Яссимўйловлилар оиласи – Scarabaeidea

38. Фарғона кескири – *Lethrus bispinus* Jkovlev, 1899

Тоғ олди текисликлари ва турли ўт ўсимликлар билан қопланган тоғ ёнбагирларида яшайди. Кам ўрганилган. Йилда бир марта насл беради. Вояга етганлари апрель–июнда ҳарачатчан бўлади. Кўкатлар билан озиқланади.

Фарғона водийсининг жанубида тарқалган.



38

Тиллақўнғизлар оиласи – Buprestidea

39. Тўқай тиллақўнғизи – *Eurythyrea oxiana* Semenov, 1895

Текислик дарёлари қирғоқларидаги тўқайзорлар ва сийрак ўрмонларда яшайди. Кам ўрганилган. Учиши ва тухум қўйиши июнь–июлда кузатилади. Эндемик тур. Амударё бўйида (Нукус шаҳри атрофига) тарқалган.


Кейинги ўн йилликлар давомида кескин қисқариб, баъзи жойларда бутунлай йўқ бўлиб кетган.



39

40. Сулаймон тиллақўнғизи – *Ancylocheira salomonii* Thomson, 1878

Текисликлардаги дарёлар, каналлар бўйида аҳоли яшайдиган жойлар яқинидаги теракзорларда яшайди. Учиши ва тухум қўйиши май–июн ойларида. Личинкалари чириётган эски теракда ривожланади. Сони кескин камайиб, баъзи жойларда бутунлай йўқ бўлиб кетган.



40

Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида тарқалган.

Тангақанотлилар турқуми – Lepidoptera Олақанотлар оиласи – Zygaenidae

41. Фарғона олақаноти – *Zygaena ferganae* Sheljuzhko, 1941

Кам ўрганилган. Тур 1937–1938 йилларда



41

Иифилган кам сонли тўплам орқали маълум, ундан кейинги маҳсус қидирмаларда ҳам бирор марта учрамаган.

Фарғона водийсининг жанубидаги Бешариқ қишлоғи атрофига яшаган.

Елкақанотлилар оиласи – Papilionidae

42. Александор – *Papilio alexanor* Esper, 1793



42


Турли-туман ўтли тоғ даштларида яшайди. Учиши ва тухум қўйиши май-июнь ойларида кузатилади. Личинкалари кавракларида яшайди. Фумбаклари тошлар остида 1 йилдан 9 йилгача қишлишни мумкин.

Яйловдан чорвачиликда ҳаддан ташқари фойдаланиш ва пичан тайёрлаш туфайли уларнинг сони қисқариб бормоқда.

Фарбий Тяншань ва Фарбий Помир тоғлари этакларида тарқалган.

Оқишиқанотлилар оиласи – Pieridae

43. Глауконома – *Pontia glauconome* Klug, 1829



43

Ўсимликлари жуда кам тоғ ёнбагирларида яшайди. Учиши ва тухум қўйиши март ойидан сентябрь ойигача давом этади. Личинкалари қалампиргулда (*Reseda bucharica*) яшайди. Асосан тухумлари, фумбаклари ва баъзан личинкалари қишлиайди.

Хўжалик фаолияти ва яйловдан чорвачиликда ҳаддан ташқари фойдаланиш сабабли бу капалакларнинг сони камайиб кетган.

Боботоғ этагидаги Кайта-Бисмил массивида тарқалган.

44. Томирис – *Euchloe tomiris* (Christoph, 1884)

Ўсимликлари жуда кам даштларда яшайди. Йилида бир марта насл беради.

Учиши ва тухум қўйиши март—апрель ойларида, личинкалари март ойинийг охирларида пайдо бўлиши кузатилади. Фумбаклари қишлиайди.

Хўжалик фаолияти ва яйловдан чорвачиликда ҳаддан ташқари фойдаланиш ҳисобида ўсимликларни нобуд қилиниши капалаклар сонини камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Боботоф этакларида тарқалган.

45. Ёлкини зегрис — *Zegris pyrothoe* (Eversmann, 1832)

Пасттекислик дарёларининг соҳиллари, жарликлар, чўлларнинг барқарорлашган қумли ва тупроқли массивларида яшайди. Бир йилда бир марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши апрель—май ойларида кузатилади. Фумбаги қишлиайди.

Яйловдан чорвачиликда ҳаддан ташқари фойдаланиш сабабли, бу капалакларнинг сони ҳамма жойда ва йилданйилга камайиб кетмоқда.

Устюрт ясси тогларининг этакларида тарқалган.

Мўлранг қанотлилар оиласи — Nympholidae

46. Акрея катакгулқаноти — *Melitaea acraeina* Staudinger, 1886

Ўзлаштирилган тўқайлар, зовурларнинг ёнбағирларида учрайди. Бир йилда бир марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши апрель—май, баъзан июль ойигача давом этади. Личинкалари қишлиайди ва кейинги йилнинг апрелида қўшимча озиқланиб вояга етади.

Тўқайларни йўқ қилиниши оқибатида, уларнинг сони кескин камайиб кетмоқда.


Турнинг ягона популяцияси Оқ олтин қишлоғи (Андижон вилояти) атрофифа мавжуд.



44




45



46

47. Гоффманн сатири — *Karanasa hoffmanni* (Christoph, 1893)



47

Баланд тоф (дентиз сатҳидан баландлиги 3000–3200 м) ўтлоқларида яшайди. Кам ўрганилган. Капалакларнинг учиши ва тухум қўйиши июль—август ойларида содир бўлади.

Яйловларни чорвачилиқда ҳаддан ташқари фойдаланиш сабабли, уларни сони йилдан-йилга камайиб кетиши қузатилмоқда.

Туркистон тоф тизмаларида учрайди.

Ферузақанотлилар оиласи — Lycaenidae

48. Каллимах — *Tomaress callimachus* (Eversmann, 1848)



48

Паст ва ўртача баландликдаги тогларнинг ўтлоқли ёнбағирларида яшайди. Бир йилда бир марта насл беради. Илк учиши ва тухум қўйиши апрель—майда. Курти май—июнь ойларида пайдо бўлади. Фумбаги қишлиайди.

Сони камайиб кетмоқда.

Коржонтов ва Нурота тофларида учрайди.

49. Тенгсиз алвончи — *Lucaena dispar* Haworth, 1803



49

Текисликлар ва ўрта баландликдаги тоғларнинг ўтларга бой ерларида яшайди. Бир йилда 1–2 марта авлод беради. Капалакларнинг учиши ва тухум қўйиши май—июнь, баъзан август—сентябрь ойларида кўрилади. Личинкалари откулоқларда яшайди. Фумбаги қишлиайди.

Чўллар ўзлаштирилиши оқибатида бу капалакларнинг сони камайиб кетмоқда.

Жиззах ва Самарқанд вилоятларида тарқалган.

50. Эол – *Lycaena aeolus* White, 1961

Баланд төг ёнбағирларининг ўтлоқли ерларида яшайди. Кам ўрганилган.

Яйловлардан чорвачиликда ҳаддан ташқари күп фойдаланиш уларни сонини камайтириб юборди.


Туркистан төгларида учрайди.

51. Тұқай ферузақаноти – *Glaucopsyche charibdis* (Staudinger, 1886)

Текислик дарёларининг қирғоқларида яшайди. Кам ўрганилган. Бир йилда бир марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши апрель – май ойларида. Личинкалар қизилмия ўсимликларида яшайди.

Сони кейинги ўн йилликлар давомида кескин камайиб кетди.

Сурхондарё Кўкайди, Оққўргон қишлоғлари ва Самарқанд шаҳрининг атрофларида тарқалган.



50



51

Пиллакашлар оиласи – Lasiocampidae

52. Тўранги пиллакаши – *Streblote fainae* (Gerasimov, 1931)

Текислик дарёлари бўйларидаги тўранфи тўғайлари ва дараҳтзорларида яшайди. Йилида 2 марта ва қисман 3 марта авлод беради. Учиши ва тухум қўйиши апрель ва август ойлари давомида амалга ошади.

Тўқайларни ўзлаштирилиши сабабли, уларнинг сони кескин камайиб кетган.

Сурхондарёнинг Денов ва Урганч шаҳарлари атрофида учрайди.



52

Арвоҳқапалак оиласи – Sphingidae

53. Тўранги арвоҳқапалаги – *Laothoe philereta* (Djakonov, 1923)

Пасттекислик дарёлари бўйидаги тўранфили тўқай ва дараҳтларида яшайди. Йилида 2 марта насл беради. Биринчи учи-



53

ши ва тухум қўйиши апрель—май ойларида (тунда). Ўзбекистонда кам учрайди.

Сурхондарё (Термиз шаҳри), Зарафшон ва Амударё соҳилларида тарқалган.

54. Ҳисор арвоҳканалаги — *Acosmeryx naga* (Moore, 1857)

Тоғ водийларининг дараҳт ва бутали чакалакзорларида яшайди. Йилда бир марта ва баъзан икки марта насл беради. Биринчи учиши апрель—майданда (тунлари), иккинчиси август—сентябрда. Личинкалари ёввойи ва маданий токзорларда ривожланади.

Дараҳт ва буталарнинг кесиб ташланиши оқибатида, уларнинг сони кескин камайиб кетган.

Омонқутан, Тўпаланг дарё ва Сангардак қишлоғи атрофида учрайди.

55. Қулжса арвоҳканалаги — *Sphingonaeuriopsis kuldjaensis* (Graeser, 1892)


Тоғларнинг дараҳт ва буталар билан қопланган ўтларга бой ерларида яшайди. Йилда бир марта ва баъзан икки марта авлод беради. Биринчи учиши ва тухум қўйиши апрель—июнь ойларида (оқшом ва тунлари), иккинчиси июль—сентябрда амалга ошади. Куртлари чакамиқ (*Galium*) ўсимлигига ривожланади. Яшаш маконларида дараҳтларнинг кесиб ташланиши, пичан тайёрлаш ва яйловдан чорвачиликда ҳаддан ташқари фойдаланиш сабабли капалакларнинг сони узлуксиз камайиб бормоқда.

Фарбий Тяншань ва Зарафшон тоғларида тарқалган.

56. Шумтол арвоҳканалаги — *Dolinopsis gricea* (Hampson, 1892)

Ўрта баландаги тоғ ёнбағирлари кенг япроқли дараҳтзор ва ўтлоқлар билан қопланган ерларда яшайди.

Йилига икки марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши майдан сентябргacha.



54



55



56

Личинкалар Сүгд шумтолида ривожлана-ди. Фумбак ва личинкалари қишлиайди.

Жуда кам қолган. Чунки улар яшайди-ган дараҳт ва буталар қирқиб ташланмоқда.

Сангардак дарёсининг юқори қисми-да учрайди.

57. Прозерпина — *Prozerpinus prozerpina* (Pallas, 1772)

Тоғларнинг турли-туман ўтли, дараҳтли ва бутали қуруқ ерларида яшайди. Кам ўрганилган. Йилига бир марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши май—июнь ойларида оқшом пайтларида содир бўла-ди. Фумбаклари қишлиайди.

Яшаш жойларида дараҳт ва буталарнинг кесиб ташланиши уларни тубдан камайишига сабаб бўлган.

Тяншань ва Зарафшон тоғларида тар-қалган.

Кокилдорлар оиласи — Notodontidae

58. Тўқай кокилдори — *Paraglaphisia oxiana* Djakonov, 1927

Текисликлардаги дарё бўйларидағи тўранғили тўқай ва дараҳтзорларда яшайди. Кам ўрганилган. Йилига 2–3 марта насл қолдиради. Учиши ва тухум қўйиши (тунлари) апрелнинг охиридан августнинг бошларигача. Сони узлуксиз камайиб бормоқда.

Сурхондарё (Термиз шаҳри), Амударё (Тўрткўл шаҳри), Заравшон (Самарқанд шаҳри) қирғоқларида тарқалган.

Тунламлар оиласи — Noctuidae

59. Тўранғи масмақаноти — *Catocala optima* Staudinger, 1888

Текисликдаги дарёларнинг бўйлари-даги тўранғили тўқай ва дараҳтзорларида яшайди. Йилида бир марта насл беради.



57



58

59



60



61



Учиши ва тухум қўйиши июнь—июлда (тунлари). Личинкалари тўрангида ривожланади ва қишлиайди. Келгуси йилнинг май ойида қўшимча озиқланиб тўрангининг қўчган пўстлоқлари остида пилла ичидаги фумбакка айланади. Яшаш маконларини камайиши туфайли сони тубдан камайиб кетган.

Амударё (Тўрткул шаҳри) соҳилларида учрайди.

60. Темур тасмақаноти – *Catocala timur A.Bang-Haas, 1907*

Текислик дарёлари бўйларидағи тўқай ва дараҳтзорларда яшайди. Йилда бир марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши июнь—июлда тунлари содир бўлади.

Ривожланиши тўранги тасмақанотига айнан ўхшаш. Сони узлуксиз камайиб кетмоқда.

Зарафшон дарёсининг қуи оқимларида учрайди.

61. Тўқай тасмақаноти – *Catocala remissa Staudinger, 1891*

Текислик дарёлари бўйларидағи тўқай ва теракзорларда яшайди. Йилига бир марта насл беради. Июнь—июл (тунда) ойларида. Учади ва тухум қўяди. Личинкалари тераклар ва тўранги дараҳтларида ривожланади ва қишлиайди. Кейинги йили жинсий вояга етади.

Хўжалик мақсадларида чўлларнинг ўзлаштирилиши, уларнинг сонини кескин камайишига олиб келди.

Тошкент шаҳри атрофида учрайди.

**Пардақанотлилар туркуми – *Hymenoptera*
Сапигия арилар оиласи – *Sapugidae***

62. Федченкия – *Fedtsehenkia indigotea Radoszkovski, 1886*

Чўл зонасининг қум-тупроқли ерла-

ри ва төф этаклари пасттексликларидағи ҳудудларда яшайды. Кам ўрганилган. Йилида бир марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши май—июль ойларида. Шурадошлар гуллари билан озиқланади. Личинкалари бошқа ариларнинг инларида паразитлик қиласи.

Хўжалик мақсадида чўлларнинг ўзлаштирилиши, уларнинг сони тубдан камайишига олиб келган.

Жануби-гарбий Қизилқумда тарқалган.

Ерковлов арилар оиласи — Sphecidae

63. Шоҳона хлорион — *Chlorion regale*
F. Smith, 1873

Текислик ва паст тоғларнинг қум-тупроқли ва шагалли ҳудудларida яшайды. Йилига бир марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши апрель—май ойларида. Турли ўсимликларнинг гуллари билан озиқланади. Урғочилари чигирткаларни овлайди, уларни жонсизлантириб ердаги инига жойлаштиради, сўнг улардан бирига тухум қўяди.

Чўлларни ўзлаштириш, яйловдан чорвачиликда ҳаддан ташқари фойдаланиш туфайли, уларнинг сони ниҳоятда камайиб кетди.

Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида тарқалган.

64. Шестаков сцилифрони — *Sceliphron shestakovi* Gussakovskiy, 1928

Төф этаклари дарёларининг воҳаларидаги яшайды. Йилига бир марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши июнь—август ойларида. Турли ўсимлик гуллари, асосан, соябонгулдошлар билан озиқланади. Урғочилари ўргимчакларни овлайди. Уларни жонсизлантириб лойдан ясаган инларига жойлаштиради ва улардан бирига тухумини қўяди.



62



63



64

Хамма жойда кам қолган.

Туркистан, Қоржонтов төгларида учрайди.

65. Габергауэр прионикси – *Prionyx haberhaueri Radoszkovski, 1872*

Паст төгларнинг шағалли ва тупроқли худудларида яшайди. Йилига бир марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши июнь–август ойларида. Турли ўсимликларнинг гуллари, асосан, мураккабгульдошлар билан озиқланади. Урғочилари чигирткасимонларни овлайди ва уларни жонсизлантириб ерда ковлаган инига жойлаштиради, сўнг улардан бирига тухумини қўяди.

Ерни шудгорлаш ва яйловдан чорвачиликда ҳаддан ташқари фойдаланиш бу ариларнинг сонини тубдан камайишига олиб келди.

Фарбий Помир ва Фарбий Тяншань төгларида тарқалган.

66. Қора либосли прионикс – *Prionyx macula (Fabricius, 1804)*

Текислик ва паст төгларнинг қумли, тупроқли, шўрхок ва шағалли худудларида яшайди. Йилида бир марта насл беради. Учиш ва тухум қўйиши июнь–август ойларида. Турли ўсимликларнинг гуллари билан озиқланади. Урғочилари чигирткасимонларни овлайди. Уларни жонсизлантириб ерда ковлаган инига жойлаштиради, сўнг улардан бирига тухумини қўяди.

Сони ҳамма жойда кам. Якка нусхаларда учрайди.

Кизилкум чўли, Фарбий Помир-Олой төгларида тарқалган.

67. Қора тароқли прионикс – *Prionyx nigropectinatus (Taschenberg, 1869)*

Чўлларнинг қумли худудларида яшайди. Йилига бир марта насл беради. Учиш



65



66

ва тухум кўйиши июнь—август ойларида. Турли ўсимликларнинг гуллари билан озиқланади. Урғочилари чигирткасимонларни овлайди. Уларни жонсизлантириб ерда ковлаган инига жойлаштиради, сўнг улардан бирига тухумини қўяди.

Якка нусхаларда учрайди.

Қизилқум чўлида тарқалган.

68. Ажойиб эремохарэс – *Eremochares mirabilis* (Gussakovskij, 1928)

Чўлларнинг қумли ва шўрхок ҳудудларида яшайди. Йилига бир марта насл беради. Учиш ва тухум кўйиши июнь—августда. Урғочилари чигирткасимонларни овлайди. Уларни жонсизлантириб ерда ковлаган инига жойлаштиради, сўнг улардан бирига тухум кўяди.

Чўлларни хўжалик мақсадида ўзлаштирилиши уларнинг сонини тубдан камайтириб юборди.

Бухоро ва Хива шаҳарлари атрофида учрайди.

69. Тоғсевар лестифорус – *Lestiphorus oreophilus* (Kuznetsov – Ugamski, 1927)

Паст ва ўртача баландликдаги тоғларнинг дашт ва ўтлоқли кўриқ ҳудудларида яшайди. Йилига бир марта насл беради. Учиш ва тухум кўйиши июнь—август ойларида содир бўлади. Турли ўсимликлар гулларида озиқланади. Урғочилари цикадасимонларни овлайди. Уларни жонсизлантириб ерда ковлаган инига жойлаштиради, сўнг бирига тухумини қўяди.

Ҳамма жойда сони кескин камайиб кетган.

Фарбий Тяншань ва фарбий Помир-Олой тоғларида учрайди.

70. Каспийорти ларраси – *Larra transcaspica* F.Morawitz, 1894

Чўлларнинг суволди биотопларидағи қум-тупроқли ва шўрхок ҳудудларида



67



68



69



70

яшайди. Йилига бир марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши июнь—август ойларида. Турли ўсимликларнинг тулларида озиқланади. Урғочилари бузоқбоши-симонларни овлайди, уларга найзасини санчиб жонсизлантиради, сўнг улар тухум қўяди. Бузоқбоши жонсизликдан ўзига келгач ўз инига кириб яшайверади, ари личинкаси эса унда ривожланишини давом эттиради.

Бу тур ариларнинг сони кейинги ўн ийлликларда тубдан камайиб кетди.

Бухоро ва Хива шаҳарлари атрофида учрайди.

71. Павловский колияси – Kohlia pavlovskii (Gussanovskij, 1952)

Чўл ва паст тоғларнинг қумли ва тупроқли худудларида яшайди. Кам ўрганилган. Йилига бир марта насл беради. Учиш ва тухум қўйиши июнь—август ойларида. Урғочилари цикасимонларни овлайди ва тупроққа ин қўяди. Якка нусхаларда учрайди.

Қашқадарё вилоятида тарқалган.

72. Коль лафирағогуси – Laphyragogus kohli (Bingham, 1896)

Чўллардаги қумли худудларда яшайди. Кам ўрганилган. Йилига бир марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши июнь—август ойларида. Инларни юмшоқ қумли тупроққа қўяди. Урғочилари тангақанотлиларни овлайди ва инига йигади. Ҳамма жойда кам қолган.

Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида тарқалган.

Иккиқанотлилар туркуми –Diptera Фингпашибалар оиласи – Syrphidae

73. Кожевников гингпашибаси – Chrysotoxum kozkernikovi Smirnov, 1924

Тоф дараларининг кенг япроқли қайир ўрмонли ва ўтлоқли ёнбағирларида яшай-



71



72

ди. Йилига бир неча марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши майдан сентябргача. Соябонгулдошлар ва лабгулдошлар гулларида, личинкалари эса дараҳтлар шарбати билан озиқланади.

Дараҳт ва буталарни кесиб ташлаш, пичан тайёрлаш, яйловдан чорвачиликда ҳаддан ташқари фойдаланиш натижасида кейинги ўн йилликлар давомида уларнинг сони кескин камайиб кетди.

Тошкент ва Навоий вилоятларида учрайди.

74. Герингия — *Heringia senilis* Sack, 1938

Тоғларнинг кенг япроқли ўрмонларида яшайди. Йилига бир марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши апрель—май ойларида. Соябонгулдошлар ва мураккабгулдошларда озиқланади. Личинкалари ўсимлик ширалари билан озиқланиб қишлияди.

Хамма жойда сони қисқариб бормоқда.

Чотқол ва Нурота тоғ этакларида тарқалган.

75. Каврак ғингпашиши — *Eumerus ferulae* Stackelberg, 1965

Чўлларнинг шувоқ ва эфемер ўсимликлари ўсадиган тоғолди текисликларида яшайди. Кам ўрганилган. Тухум қўйиши апрель—май ойларида кузатилади. Ўсимлик гуллари билан озиқланади.

Бир неча нусхалари қолган, холос.

Жануби-шарқий Қизилкумда учрайди.

76. Маллатукли ғингпашиша — *Eumerus rufipilus* Peck, 1969

Тоғларнинг ёнбағирларида яшайди. Кам ўрганилган. Йилига бир марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши июнь ойида бўлади. Жуда кам қолган.

Нурота тогида учрайди.



73



74



75



76

77. Бешчизиқли ғингпашиа – Lathyrorrhalmus quinguelineatus Fabricius, 1781



Чүллардаги ер ости сувлари яқин бўлган пастликларнинг кўкат ва юлгунли тўқайларида яшайди. Йилига бир неча насл беради. Учиши ва тухум қўйиши май—октябрь ойларида содир бўлади. Ли-чинкалари сув ҳавзаларида ривожлана-ди ва органик қолдиқлар билан озиқла-нади.

Ўзбекистонда бир неча топилмалари орқали маълум.

Жануби-фарбий Қизилқумда учрайди.

78. Маллатуқли ғингпашиа – Eumerus rutipilus Peck, 1969



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Алимжанов Р. А., Бронштейн Ц. Г. „Беспозвоночные животные Зеравшанской долины. Ташкент. Самарканد, „Фан“, 1956.
2. Олимжонов Р. О. Энтомология. Тошкент, 1977.
3. Горностаев Г. Н. Насекомые СССР. Москва, 1970.
4. Дадаев Д. Фойдали ҳашаротлар. Тошкент
5. Жадин В. И. Моллюски пресных и солоноватых вод. Москва, 1952.
6. Зинкевич Л. А. Жизнь животных. Том I, II, III. Москва, 1968—1969, 1984—1985.
7. Кременецкий Н. Г. Оборудование по зоологии. Москва, 1952.
8. Кременецкий Н. Г. Учебно-полевая практика по зоологии беспозвоночных. Москва, 1959.
9. Мавлонов О. М. ва бошқалар. Умуртқасиз ҳайвонлар зоологиясидан ўқув-дала практикаси олиб бориш учун методик қўлланма. Тошкент, 1988.
10. Мавлонов О.М., Хуррамов Ш., Норбоев З. Умуртқасизлар зоологияси. „Ўзбекистон“, 2002.
11. Малевич И. И. Летняя учебно-полевая практика по зоологии беспозвоночных. Москва, 1952.
12. Мамаев Б. М. Школьный атлас-определитель насекомых. Москва, 1985.
13. Мариковский П. И. Тарантул и каракурт. Фрунзе, 1956.
14. Мариковский П. И. Юному энтомологу. Москва, 1978.
15. Моисеев В. А., Давлетшина А. Г. Ўзбекистон ҳашаротлар дунёси. „Ўқитувчи“, 1997.
16. Муродов С. А. Умумий энтомология курси. Тошкент, 1986.
17. Козлов М. А., Олигер И. М. Школьный атлас-определитель беспозвоночных. Москва, 1991.
18. Насекомые Узбекистана. Ташкент, 1993.
19. Плавильщиков Н. Н., Кузнецов Н. В. Собирание зоологических коллекций и техника изготовления зоологических экспонатов. Москва, 1952.
20. Плавильщиков Н. Н. Юному энтомологу. Москва, 1958.
21. Плавильщиков Н. Н. Определитель насекомых. Москва, 1960.
22. Тиловов Т. Сабзавот ва полиз экинлари зааркунандалари. Тошкент, 1996.
23. Фасулати К. К. Полевое изучение наземных беспозвоночных. Москва, 1961.
24. Фабр Ж. А. Жизнь насекомых. Москва, 1963.
25. Фомичева Л. М., Рубцова З. И. Полевая практика по зоологии беспозвоночных с заданиями на межсессионный период. Москва, 1973.
26. Райков Б. Е., Римский-Корсаков М. Н. Зоологические экскурсии, 1956.

27. Шалапенок Е. С., Запольская Т. И. Руководство к летней учебной практике по зоологии беспозвоночных. Минск, 1988.
28. Яхонтов В. В. Дала ва боғларда ҳашаротлар тўплаш ва уларни текшириш. Тошкент, 1956.
29. Яхонтов В. В. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги зааркунандалари. Тошкент, 1962.
30. Қобилов Т. Уй ҳайвонларини гельминтозлардан сақлаш. Тошкент, 1986.
31. Қулмаматов А. Умуртқасиз паразит ҳайвонлар. Тошкент, 1988.
32. Эргашев Э.Х., Шопулатов Ж. Ш. Паразитология. Тошкент, 1981.
33. Эргашев Н. Э. „Қоракуртнинг ҳаёти ва ящаш шароити“. Тошкент, 1973.
34. Эргашев Н. Э., Хафизов И. О нахождении белого каракурта в Узбекистане. ДАН УзССР, 1975.
35. Эргашев Н. Э. Заҳарли бўғимоёқлилар. Тошкент, 1981.
36. Эргашев Н. Э. Экология ядовитых пауков Узбекистана. Ташкент, 1990.
37. Ўзбекистон Республикаси „Қизил китоби“, II том Тошкент, 2003.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Ўқув-дала амалиётининг мақсади ва вазифалари	4
1-бўлим. Умуртқасизлар зоологиясидан ўқув-дала амалиётини ўтказиш юзасидан умумий методик кўрсатмалар	6
I.1. Ўқув-дала амалиётини ташкил этиш	6
I.2. Ўқув-дала амалиёти даврида хавфсизлик техникаси қоидалари	7
I.3. Амалиёт ўтказишида зарур бўладиган ўқув жиҳозлари ва асбоб-ускуналар	9
I.4. Ўқув-дала амалиёти билан боғлиқ ёзувларни юритиш, расм чизиш ва суратга тушириш	12
I.5. Умуртқасиз ҳайвонларни йиғиш методикаси	13
I.6. Умуртқасиз ҳайвонларни жонсизлантириш	16
I.7. Йиғилган материални қайта ишлаш	17
I.8. Ҳайвонларни фиксация қилиш	18
I.9. Ҳашоратларни монтировка қилиш	19
I.10. Коллекциялар тузиш ва ёрлиқ (этикетка) ёзиш	23
I.11. Ҳисобот ёзиш	26
I.12. Ўқув-дала амалиёти якуни бўйича синов топшириш учун та- лабаларнинг билим ва малакасига кўйиладиган талаблар	26
I.13. Тирик ҳайвонлар устида кузатиш ишлари	27
2-бўлим. Ўқув-дала амалиёти даврида уюштириладиган экскурсиялар	34
2.1. Очиқ ўтлоқ, адир ва яйловга экскурсия	34
2.2. Тупроқда яшайдиган умуртқасиз ҳайвонларни ўрганиш бўйича экскурсия	36
2.3. Сув ҳавzasига экскурсия	37
2.4. Сабзавот ва полиз экинлари даласига экскурсия	38
2.5. Донли экинлар (буғдој, арпа, сули ва бошқалар даласига экскурсия	39
2.6. Мевали боғга экскурсия	40
2.7. Ўрмон (арчазор)га экскурсия	41
3-бўлим. Паразит ҳайвонларни ўрганиш усуслари	42
3.1. Гельминтларнинг тухумини аниқлаш	42
3.2. Гельминтларнинг личинкасини Берман-Орлов усулида аниқлаш	43
3.3. Гельминтларнинг оралиқ хўжайинини текшириш	44

3.4. Ҳайвонларни К. И. Скрябин усулида тұлиқ гельминтологик ёриш	46
4-бүлім. Умуртқасыз ҳайвонларнинг асосий систематик групкалары	48
4.1. Булутлар типи—Spongia	48
4.2. Ковакиличилар типи—Coelentrata	49
4.3. Ясси чувалчанглар типи—Plathelmintes	49
4.4. Юмалоқ чувалчанглар типи—Nemathelminthes	50
4.5. Ҳалқали чувалчанглар типи—Annelida	50
4.6. Моллюскалар типи—Mollusca	53
4.7. Бұғимоёқлилар типи—Arthropoda	56
4.8. Бұғимоёқлиларнинг синфлари ва түркүмларини аниқлаш жадвали	56
4.9. Жабра билан нафас олувчилар кенже типи—Brancheata	66
4.10. Хелицералылар кенже типи—Chelicerata	68
4.11. Үргимчаксимонлар синфи—Arachnida	69
4.12. Трахея билан нафас олувчилар кенже типи—Tracheata	81
4.12.1 Күпоёқлилар синфи—Myriopoda	81
4.12.2. Ҳашаротлар синфи.—Insecta	84
A. Тубан, яғни дастлабки қанотсизлар кенже синфи—Arterygota	85
Б. Олий, яғни қанотсизлар кенже синфи—Pterygota	87
Б.1. Чала үзгариш билан ривожланадиган ҳашаротлар	87
Б.1.1. Кунликлар түркүми—Ephemeroptera	87
Б.1.2. Ниначилар түркүми—Odonata	88
Б.1.3. Сувараклар түркүми—Blattoptera	97
Б.1.4. Бешиктерватарлар түркүми—Mantoptera	99
Б.1.5. Термитлар түркүми—Isoptera	101
Б.1.6. Тұғриқанотлилар түркүми—Orthoptera	102
Б.1.7. Териқанотлилар, яғни қулоқ көвлагичлар түркүми—Dermaptera	109
Б.1.8. Тенг қанотлилар түркүми—Homoptera	111
Б.1.9. Қандалалар ёки ярим қаттиққанотлилар түркүми—Hemiptera	114
В. Тұлық үзгариш билан ривожланадиган ҳашаротлар	119
В.1. Қаттиққанотлилар, яғни құнғызлар түркүми—Coleoptera	119
В.2. Тұрқанотлилар түркүми—Neuroptera	136
В.3. Танғақанотлилар, яғни капалаклар түркүми—Lepidoptera	137
В.4. Пардақанотлилар түркүми—Hymenoptera	154
В.5. Құшқанотлилар түркүми—Diptera	162
Үзбекистон Республикаси „Қизил китоб“ ига киритилген, ийүқ бўлиб кетган ва ийүқ бўлиб кетиш хавфи остидаги умуртқасыз ҳайвонлар рўйхати	170
Фойдаланилган адабиётлар	195

АБДУРАҲМОН ҚУЛМАМАТОВ

**УМУРТҚАСИЗЛАР ЗООЛОГИЯСИДАН
ЎҚУВ-ДАЛА АМАЛИЁТИ**

Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма

Тошкент „Ўқитувчи“ 2003

Таҳририят мудири *Б.Ақбаров*
Махсус мұхаррир *Н.Иноятова*
Мұхаррир *М.Одилова*
Бадиий мұхаррир *Ф.Некқадамбоев*
Техник мұхаррир *Т.Грешникова*
Компьютерда саҳифаловчи *Қ.Қузаева*
Мусаҳих *Д.Умарова*

ИБ № 8274

Оригинал-макетдан босишига рухсат этилди 23.12.03. Бичими 60×90 $\frac{1}{16}$.
Кегли 10,5 шпонли. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.
Босма т. 12,5+2,0 рангли вклейка. Нашр. т. 12,0+2,0 рангли вклейка.
2000 нусхада босилди. Буюртма № 408

„Ўқитувчи“ нашриёти, Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30.
Шартнома № 10-116-03

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Фоғур Фулом но-
мидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 129. Навоий кўча-
си, 30. // Тошкент, 128. У.Юсупов кўчаси., 86. 2003.

28.691
K90

Қулмаматов А.

Умуртқасизлар зоологиясидан ўқув-дала амалиёти.
Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув құлланма.
Т. „Үқитувчи“, 2003. — 200 б.
Сарлавҳада: ЫзР Олий ва ўрта махсус таълим
вазирилги.

BBK 28.691 я7

«O'QITUVCHI»